


ISSN 2010-5517

577

Jahon ADABIYOTI


Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

577



Mart – 2019

19001000



Зинаида Серебрякова. "Катя"



Зинаида Серебрякова. "Нонушта"

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publisistik jurnal



**Жамоатчилик
кенгаши:**

Сироиддин САЙЙИД
Наим КАРИМОВ
Иброҳим ФАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуршид дўйстмуҳаммад
Абдураҳим МАННОНОВ
Шуҳрат РИЗАЕВ
Комилжон АЛЛАМЖНОНОВ
Алишер ҚОДИРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

Бош муҳаррир:
Аҳмаджон
МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБОВ
Жамила АСҚАРОВА
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАҶНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУЧИЛАР
УЮШМАСИ

Журнал
1997 йил июндан
чика бошлаган

НАВОЙ САБОҚЛАРИ

- Алишер НАВОЙИ. Синса кўнглумда ўқунг... (*Рус ва инглиз тилидан*
A.Наумов, K.Маъмуроев тарж.). 3

МУҲАРРИР МИНБАРИ

- А.МЕЛИБОЕВ. Сувда оқиб келаётган “пўстин”. 9

ҚЎШНИМ – ҚАРДОШИМ

- Э.РАВШАНОВ. Ўшандада кўклам эди. Кисса. (*Қозоқ тилидан M. Исломқул тарж.*). ..15

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- И.ФРАНКО. Шеърлар (*Украин тилидан C.Rayf тарж.*). 31
А.АЛИМБЕКОВ. Халқ дардидаги ёнган адиб. 36

ШАРҚ ТАФАККУРИ ДУРДОНАЛАРИ

- А. НАСАФИЙ. Комил инсон китоби. Рисола. (*Форс тилидан Н.Комилов,
О.Давлатов тарж.*). 40

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

- О.МАДАЕВ. Чўлпонни англаган олим. 63
Р.КЎЧҚОР. Озод Шарафиддинов феномени. 71
Н.ДОБРОЛЮБОВ. Ост-Индиянинг тарихи ва хозирги ҳолатига назар.
(*Рус тилидан Ҳ.Болтабоев тарж.*). 123

НАСР

- Б.НУШИЧ. Ўн уч ойдан сўнг. Роман. (*Рус тилидан Б.М.Шариф тарж.*). 75

КИЁС ВА ТАЛҚИН

- Р. УММАТОВ. Бобур ва Наполеон. Эссадан боблар. 131

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСИКА

- Ҳ.Ф.ЛАВКРАФТ, О.ДЕРЛЕТТ. Остонада пинҳона. Роман. (*Рус тилидан
Р.Обид тарж.*). 158

- Жаҳон хандаси. 198
Муковамизда. 201
Комус. 204
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. 206



NAVOIY SABOQLARI



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

СИНСА КҮНГЛУМДА ҮҚУНГ...

*Синса күнглумда үқунг, суртуб исиг қондин анга,
Пай масаллик чирмагаймен риштати жондин анга.*

*Бодайи лаълинг мизожи руҳпарвардур басе,
Гўйиё мамзуж этибсен оби ҳайвондин анга.*

*Ўқи күнглум шуъласин гаҳ сокин этти, гоҳ тез,
Гаҳ ўтун бўлди, гаҳе су урди пайкондин анга.*

*Дарду гам бўстонининг товусидур күнглум қуши,
Гул бўлуб жиссимида кескан наъл ҳар ёндин анга.*

*Не кабутар ета олур ул қуёшқа, не насим,
Эй кўнгул, ҳолингни эълом айла афғондин анга.*

*Кўзга то кирмиши хаёлинг, совуг оҳим ваҳмидин,
Богламишмен қўрё ҳар сори музғондин анга.*

*Эй Навоий, йигламоқ оҳимга таскин бермади,
Ваҳ, бу не ўтдурки, иўқ таъсир тўфондин анга.*

(“Ғаройиб ус-сигар”, 10-газал)

ЛУГАТ:

Исиғ – иссик

Пай – томир

Масаллик – каби

Ришта – ип

Бода – май

Лаъл – қимматбаҳо қизил тош; бу ўринда: лаб

Басе – жуда

Мамзуж – аралаш

Оби ҳайвон – тириклик суви

Пайкон – ўқ

Наъл – отнинг тақаси

Эълом айламоқ – билдиришмоқ, маълум килмоқ

Кўрё – чодир, капа

Байтларнинг насрый баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Агар ўқинг кўнглимда синиб қолгудек бўлса, унга иссиқ қонимдан суртиб, жонимнинг риштасини томир каби чирмаб қўяман.

2. Лаъли лабингдан чиккан сўзлар руҳга кувват бағишлиовчи майдир, гўё унга тириклик сувидан ҳам аралаштиргангага ўхшайсан.

3. Унинг отган ўқи кўнглимдаги шавқ оловини гоҳ сокин этди, гоҳо тезлаштирди. Унинг пайкон (ўқи) баъзида ўтин бўлди, гоҳида сув сепди.

4. Кўнглим қуши дарду ғам бўстонининг товусига айланган, ҳар томонидан кесган тақанинг изи унга товус патларининг накшидек зеб бериб турибди.

5. Ул күёш (ёrim)га мактуб ташувчи кабутар ҳам, ҳабар етказувчи шамол ҳам ета олмайди. Эй кўнгил, энди унга аҳволингни нолаю фифон билан маълум эт.

6. Кўзимга хаёлинг киргач, совук охим бу хаёлга зарап етказмасин деб, кўрқнанимдан ҳар томонидан киприкларимни тўсик килиб, атрофини чодир билан тўсадим.

7. Эй Навоий, кўз ёшларим охимни тўхтатолмади. Бу қандай олов бўлдики, ҳатто тўфон ҳам унга таъсир килмаса?!

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ишқий мавзуда бўлиб, ошик кўнгилнинг шарҳи ҳоли бўлиб янграйди. Ғазалнинг деярли ҳар бир байтида турли шакл ва жилваланишларда қўлланилган кўнгил тасвири шеър давомида поэтик тимсол даражасига кўтарила олган. Матлаъдаёқ шоир кўнгил воситасида бетакрор поэтик лавҳа яратишга эришади: ёр ошиқка бир нигоҳ ташлаб, унинг кўнглини жароҳатлаган (бунда ёрнинг киприклири ўқка ўхшатиляпти), бу жароҳатдан ошиқнинг қалби конамоқда. Энди бу ўқни суғуриб олиш керак. Лекин агар бу ўқ суғуриб олиш жараённида синадиган бўлса, ошиқнинг жони хавф остида колиши мумкин. “Агар шундай бўлса, – дейди ошиқ шоир, – хавотирга ўрин йўқ, ушбу ўқнинг устига жароҳатимдан оқаётган иссиқ қондан суртиб, жонимнинг риштасини томир каби чирмаб, боғлаб қўяман, шунда хавф бартараф бўлади”. Ғазални шундай такаллуф ва фидокорлик кайфияти билан бошлаган шоир илк байтнинг хусни матлаъ даражасига кўтарилишига муваффак бўлган:

*Синса кўнглумда ўқунг, суртуб исис қондин анга,
Пай масаллик чирмагаймен риштайи жондин анга.*

Ёрнинг ёқут лабидан чиққан сўзлар ошиқнинг руҳига қувват бағишловчи майга ўхшайди, бундан ошиқ ҳайрон: ёри бу сўзларга оби ҳаёт (тириклик суви)дан ҳам қўшганмикан?

*Бодайи лаълинг мизожси руҳпарвардур басе,
Гўйиё мамзуж этибсен оби ҳайвондин анга.*

Ривоятларга кўра, ер остида оби ҳаёт булоғи мавжуд бўлиб, уни ичган киши туганмас қувваттга, абадий ҳаётга мушарраф бўлади. Бу ўринда шоир ёрнинг сўзларини абадий ҳаёт ва куч бағишловчи тириклик сувига ўхшатмоқда.

Учинчи байтда матлаъдаги тасвир давом этади: ёрнинг отган ўки ошиқнинг кўнглидаги шавқ оловини gox сокин этади (яъни, секинлашибари), gox тезлашибари. Бу ўқ баъзан ўтиндек бўлиб, кўнгилга олов ёқади, gox эса бу оловга сувепади:

*Ўқи кўнглум шуъласин гаҳ сокин этти, гоҳ тез,
Гаҳ ўтун бўлди, гаҳе су урди пайкондин анга.*

Ҳарб илмидан маълумки, камон ўқининг уни ўткир бўлиши учун, уни аввал ёниб турган оловга тутиб киздиргандар, кейин эса сувга ботириб олганлар; бошқача айтганда, ўқнинг уни ҳам иссик, ҳам совук ҳароратда бирдай туриб, тобланган. Бундай ўқ жангда ҳар қандай қаттиқ жисм, ҳатто совутни ҳам бемалол тешиб ўтган. Навоий байтда “гаҳ ўтун бўлди, гаҳе су урди” деганда шу ҳодисага ишора қиласди ва хусни таълил (чиroyли далиллаш) санъатининг бетакор намунасини яратади. Байтда ўқнинг шаклан ҳам ўтин, ҳам окар сувга ўхшатилиши, “ўтун” сўзи бир вактнинг ўзида ҳам “ўтин”, ҳам “олов” маъносида қўлланилиши шоир бадиий маҳоратини намоён килувчи яна бир далиллариди.

Навбатдаги байтда ошиқ кўнгилнинг тасвири янада баланд пардаларда, янада гўзал ташbihлар билан давом этади. Ошиқ ўз кўнглини дарду ғам бўстонининг товусига менгзар экан (мумтоз адабиётда кўнгилни күшга ўхшатиш анъанаси бор), ёр отининг туёғи остида қолиб, тақа изларидан “безанганд” ошиқ жисмини товуснинг гулдор патларига ўхшатади:

*Дарду ғам бўстонининг товусидур кўнглум қуши,
Гул бўлуб жиссимида кескан наъл ҳар ёндин анга.*

От минганд бу чавандоз (ёр)га на мактуб элтувчи кабутар, на шамол ета олади. Унга факат ошиқнинг қалбидан чиққан нолаю афғон етиб бориши мумкин:

*Не кабутар ета олур ул қуёшқа, не насим,
Эй кўнгул, ҳолингни эълом айла афғондин анга.*

Байтни мажозан бошқачароқ талкин қилиш ҳам мумкин: Ул қуёш (Ёр)нинг даргоҳи шу қадар олис ва олийки, унга на кабутар, на тонг шамоли ета олади, унга факат Ёр ёдини жойлаган кўнгил ва фифон билан етиб бориши мумкин.

Мактаъдан аввалги байтда яна бир гўзал поэтик тимсол яратилган: Ошикнинг кўзига ёрнинг хаёли кирди, бу хаёл билан ошиқ баҳтиёр, лекин бир хавотири бор: унинг совуқ охи бу хаёлга зааретказиб, бехосдан уни учиреб кетмасмикан? Ошиқ бу ҳолга ҳам чора топади: ўз киприклини ҳар тарафдан тўсиқ килиб, атрофини чодир билан ўраб кўяди:

*Кўзга то кирмиши хаёлинг, совуғ оҳим ваҳмидин,
Боғламишмен қўрё ҳар сори мужгондин анга.*

Мактаъда шоир ҳакиқий ишқ ўтигининг сўнмаслигига ишора килар экан, ошикнинг кўзидан тўкилган ёшлар ҳам бу оловни ўчира олмаслиги, зеро бу шундай ўтки, унга тўфонлар ҳам кор килмаслигини фахр билан айтиб ўтади:

*Эй Навоий, йигламоқ оҳимга таскин бермади,
Ваҳ, бу не ўтдурки, йўқ таъсир тўфондин анга.*

Ғазал аруз тизимининг хушоҳанг ва туркий тил имкониятларига нихоятда мос бўлган ўлчови – Рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Ғазал оҳанги бир мисрада фоилотун, фоилотун, фоилотун фоилун руқнларининг такоридан ҳосил бўлади. Ғазал тактиби қуидагича:

– V -- | - V -- | - V -- | - V --

*Ғазал матлаъсини шу асосда таҳдил қилиб қўрамиз:
Синса кўнглум /да ўқунг, сур/ туб исиг қон/дин анга,
Фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун
-V-- / - V-- / - V -- / - V-*

*Пай масаллик /чирмагаймен/ ришиштани жсон/дин анга.
Фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун
-V-- / - V-- / - V -- / - V-*

Ғазал рус тилига мутаржим А.Наумов томонидан ўтирилган. Таржимада аслият ҳажми (7 байт) ва умумий мазмун-мохиятнинг сакланганлиги ғазалнинг рус тилида қайта жонланиши билан боғлиқ муваффақиятини таъминлаган. Гарчи мақтаъдан аввалги байт (6-байт) да ғазалнинг асосий мазмунидан четга чиқиши кузатилса-да, лекин мутаржим рус китобхонининг Навоий ғазалидаги мазмун-мохиятдан умумий ҳолатда баҳраманд бўлишига эришган.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Александр НАУМОВ

*В моем сердце твоя обломилась шальная стрела.
Жаркой крови струя эту сталь облила, обвила.*

*Но вино твоих губ так бодрит, подкрепляет меня,
Словно вправду его ты живою водой развела.*

В эту рану мою, что горит и горит, как костер,
То огня подбавляешь, то влагой с ресниц залила...

Сад печальный – любовь, это сердце – убитый павлин,
Лишь цветы расцвели там, где ты наступила, прошла.

Ветерок или голубь, летящие там, в вышине,
Расскажите вы солнцу, что землю сжигает дотла!

Aх, когда ты в разлуке встаешь перед взором моим,
Опускаю ресницы, чтоб стонов моих не прочла!

Навои, эти слезы твои не утишили боль –
И потопа волна тот огонь погасить не могла!

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

IF YOUR ARROW BREAKS IN MY SOUL...

*If your arrow breaks in my soul with hot blood it I oil,
The roots of my soul as a vessel around it I will scroll.*

*The words of your lips energize my spirit like wine,
You seem to have added it an alive water quite fine.*

*Her arrow made my soul-light at times quiet or quick,
Into the fire the arrow poured either oil or water leak.*

*My soul bird is a peacock of woe grieves' garden,
As trails of a horseshoe left their peacock design.*

*Neither dove, nor wind to that beloved sun can reach,
Hey soul, of your state inform her with a woe preach.*

*When your thought enters my eye, of cold woe fear,
I guard it covering with my lashes not to hurt, my dear.*

*Hey, Navoi, weeping for woes render help could not,
Ah, what fire it is to put it off even a storm could not.*

(“Wonders of childhood”, ghazal – 10.)

СУВДА ОҚИБ КЕЛАЁТГАН “ПҮСТИН”

Инсон ҳамиша янада ёргуғ, тинч-тотув, тўкин-сочин кунларга интилиб, шундай замон келишига ишониб яшайди. Бунга эришишнинг “сир”ли калити эса, балки билар, балки билмас – ўзининг кўлида. Чунки, тил, адабиёт ва китобнинг мавжудлиги фикри сўнмаган, қалб кўзлари очик, ўзига ишончи мустаҳкам, харакатчан халкни нажот туйнуклари йўллари сари етаклади. Бу уч инъомнинг бош вазифаси шу. Бу вазифадан ижодкорнинг жамият, эл-юрт олдидағи ижтимоий ҳамда маънавий масъулияти келиб чиқади.

Шундайликка шундайку-я, аммо бугун кимдир каерда ва қайси мавзуда баҳс очмасин, унга “Ҳа энди, дунё ўзгариб кетди, биродар, дунёга кўшилиб одамлар ҳам ўзгарди, аввалги андозалар колмади. Мана ўзингизни олайлик – кечаги одам эмассиз энди”, дейишади. Тўғри, ўзгармаган ҳеч нарса колмади. Жумладан, адабиёт ҳам. Лекин ўзгараётган адабиёт бугун қайси томонга юз бурмоқда, ўзининг бош вазифасини бажармоқдами? Даниил Гранин адабиётнинг ҳақиқийлиги ва буюклиги унинг ҳамма замонларда ҳам ҳамма учун ўзининг қизиқарлилигини саклаб колишида кўринади, деган эди. Бугун миллий адабиёт шундай мартабага эгами? Яратилаётган бадиий асарлар “Ўткан кунлар” каби эллик-олтмиш йилдан кейин ҳам қизиқиш билан ўқиладими? Қозок ёзувчиси Ўлжас Сулаймонов ижодкор зиёллиларнинг Иссиқкўл форумида “Сўнгги ўзувчисидан маҳрум бўлган ёзувчининг умри ҳам ниҳоясига етади”, деган фикрни ўртага ташлади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бугун пештахталарда савлат тўкиб турган асарлар муаллифларининг ижодий тақдирни қандай бўлади?

Адабиётшунос олим Борис Цетров “Жиддий адабиёт қаёкка кетди?” сарлавҳали маколасида шу саволга жавоб берадигандай: “Ўзини “мамлакат ичкарисидаги мамлакат” макомида кўраётган фаол нашриётлар ҳаммаёкни саргузашт, олди-кочди китоблар билан тўлдириб, мўмай даромадни ёнга уриб бўлгач, “Саргузашт товуқлар саргузашт тухумлар туғади, улардан эса саргузашт жўжалар етишиб чиқади, гап бизда эмас”, дея ўзларини окламоқчи, бизларни эса овутмокчи бўлади”. Бу гап “Менда нима гуноҳ, масаллиқ чатоқ-ку”, деяётган ошпазни эслатади.

Ўйлаб кўрилса, бу гапда жон бордай. Негаки, адабиётнинг қон томирлари жамиятнинг қон томирлари билан чирмасиб кетган. Жамият ва адабиёт оломон пойгада ёнма-ён чопаётган тулпорларга ўхшаб кетади: гоҳ бирлари, гоҳ иккинчилари олдинга ўтиб, бир-бирларини рухлантириб, мусобақага завқ бағишилашади. Аслида шундай бўлиши керак. Лекин бу икки тулпорнинг бири орқада бир ўзи колиб кетса, пойганинг пойгалиги қолмайди. Отни ортиқча қамчилашдан, “хайё-хуйт” дея кичкиришдан фойда йўқ. Бундай деяётганимизнинг боиси – кейинги йилларда ўтказилаётган йирик халқаро китоб кўргазмалари, китоб ва китобхонлик мавзуусидаги баҳс-мунозаралар кўнгилга иштибоҳ солади: пойга сусайиб бормоқда. Жамият

ўзича, адабиёт ўз ҳолика яшайдын, аникроғи кун кўраётган жойлар оз эмас ва бу ҳол ҳеч кимни ташвишга солаётгани йўқ. Аксинча, “Интернет бор-ку, китоб, газета-журналларсиз ҳам яшаш мумкин”, деган мантисиз иддаолар кулокка чалинаёттир. Бу фикрга таълим-тарбия ишига бевосита дахлдор мансабдорлар ҳам қўшилаётгани ғоят ажабланарли.

Тўғри, дунё ўзгарди. Маънавий-ахлоқий қадриятлар тикланмоқда, аммо улар орасида онг-шууримизга, турмуш тарзимизга сурбетларча ўрнашаётган соҳта “кадрият”лар ҳам бор. Улар ёшлилар характерига кўпроқ таъсири ўтказмоқда. Россия Федерациясида ўтказилган ижтимоий сўровларда қатнашган ёшлиларинг 72 фоизи “Бирор максадга эришиш учун ахлоқ-одоб қоидалари ва адолат принципларини бузишингиз мумкинми?”, деган саволга “Бемалол”, деб жавоб беришган. “Устозларнинг маслаҳатларига эҳтиёжингиз борми?”, деган саволга сўралганларнинг 84 фоизи “Қандай яшашни бизга ўргатишмаса бўлди, нима қилиш кераклигини ўзимиз биламиз”, дейишган. Тарбия соҳаси кузатувчилари бугун ёшлилар характерида тарбиялилик ва ахлоқсизлик, меҳр ва қаҳр, камтарлик ва очкўзлик, фаросат ва дидсизлик, ҳалол ва ҳаром деган тушунчаларнинг мавқеи бир даражада эканини таъкидлаб, жамиятлар бу ҳолатга деярли кўнишиб бўлгандар ҳақида бонг уришмоқда. Бунинг оддий мисолини биргина бежирим тикилган шимни тўрт-беш жойидан йиртиб, увадасини осилтириб кийиш урф бўлганида ҳам кўриш мумкин. Авваллари бир жойига билинар-билинмас доғ тегиб колган кўйлак ёки шимни кийиб кўчага чикиш деярли айб ҳисобланган бўлса, эндиликда баданинг тўртдан уч қисмини очиб юриш замонавийлик белгиси ҳисобланади.

2018 йили Россиянинг бешта федерал округида ўтказилган сўров натижалари респондентларнинг 44 фоизи йил давомида бир марта бўлсин кўлига китоб ушламаганини кўрсатган. Россия Федерацияси Президентининг бола хуқуқлари бўйича вакили А.Кузнецова хайратини шундай ифодалайди: “Ота-оналар баъзан болалар учун чоп этилган китобларда шундай нарсаларга дуч келишадики, айтишга тил ожиз”. Бу хавотирни рус матбуотида кейинги пайтларда тез-тез тилга олинаётган бошқа бир фикр ҳам тасдиқлади: “Аҳвол шу даражага етиб бордики, гўё Октябрь тўнтиришидан кейин большевикларнинг оммавий тус олган “Йўқолсин уят” шиори қайта жонланади”.

Публицист Валентин Осипов “Литературная Россия” газетасида эълон килинган (2018, № 46) “Ташхис: ҳалокатли бехаёлик. Уни қандай даволаш мумкин?” сарлавҳали мақолосида бугун рус жамиятида чукур илдиз отаётган нохуш ҳолатлар – телевидениенинг “Дом-2”, “Комеди клаб” дастурларида, “Пуст говорят” кўрсатувида эфир юзини кўраётган, театр саҳналарида очикчасига намойиш этилаётган ошкора фахш ҳолатларига матбуот, ижодий ташкилотлар, жамоатчилик деярли муносабат билдирамётганидан афсусланади. “Эрмитаж” операсида аёл актриса русча уят сўзни залга юзланиб, бор овози билан айтганида, томошабинлар эҳтирос билан унга жўр бўлишаётганини мисол тариқасида келтиради. “XXI асрда Россия театр маданияти томошабинларни санъатдан завқлантиришни шаҳвоний жўштиришга алмаштириди”, деб ёзади у.

Муаллиф Карл Маркснинг кўйидаги фикрини келтиради: “Капитал даромад бўлмаслигидан кўркади. Ишингизда 10 фоизлик даромадга эришинг – капитал сизга эътироz билдирамайди. Борди-ю даромад 100 фо-

издан ошиб кетса, пул деган махлук аждахога айланиб, жамики инсоний конунларни топтайди, уни жиловлаш, бошқариш мумкин бўлмай қолади”. Бу фикр бундан уч-тўрт йил аввал Давос форумида (Швейцария) айтилган “Капитал ваҳшийлашмоқда”, деган холосага айни мос келади.

Бу холатни, таассуфки, дунё мамлакатлари адабиёти, маданияти ва санъатида бугун бемалол кўриш мумкин. Рус танқидчилари шеъриятда буламик сўз ва иборалар, сўкиниш, нафсиятга тегиши, бошқаларни камситиш, тарихни соҳталаштириш, ахлоқизлик кўпайиб бораётгани, ижодий танловларда профессионаллардан кўра хаваскорлар, пулдорлар, ёғли мансаб эгалари фаол қатнашаётганини эътироф этишмоқда.

Таҳдилчи В.Кривошеевнинг фикрича, Россияда давлат идеологияси билан бевосита боғлик ижтимоий фанларга эътибор сусайган. Олимпия комплексидаги машхур китоб ярмаркаси фаолияти деярли тўхтаган. Жамиятда “китоб бизнеси” деган ибора кўпроқ ишлатилмоқда. Уддабуронлар бу бозорни кизитишмоқда. Усти ялтирок, муқоваларига гайриахлоқий суратлар ишланган китобларда нималар ёзилаётгани, ўкувчи онгига таъсири ҳакида ҳеч ким ўйлаётгани йўқ. Авваллари қайси ва қандай китобга эҳтиёж борлигини аниқлайдиган, илмий, бадиий китоблар энг олис кутубхоналарга ҳам вактида стиб боришини назорат киладиган библиотекаторлар энди йўқ. Жанрлар аралаш-қураш бўлиб кетган. Фожиали томони шундаки, уларда Ерда ҳаётнинг сўниши, омон қолганларнинг Ойга ёки Марсга етиб олиши, у ердаги жангу жадаллар, ўзга сайёраликларнинг Ердаги гаройиб тажрибалари шунчаки бадиий тўқима тарзида эмас, илмий холосалар асосида баён этилмоқда. Мана, уларнинг баъзилари: Қуёш ҳар сонияда 4 миллион тонна вазнини йўқотмоқда, демак, бор-йўғи 4 миллиард йилдан сўнг у буткул сўнади. Олимлар Шимолий муз океани тубида неча юз триллион тонна метан гази тўпланиб қолгани, Арктика музлари бугунги даражада эрий бошласа, бу “аждаҳо” ҳадемай юзага чикиб, Ер ўз ўки атрофида айланышни тўхтатишини башорат килишмоқда.

Саша Кругосветовнинг “Ой бўйлаб саёҳат” китоби воқеалари Ойнинг Ерликлар яшайдиган маҳсус колониясида бўлиб ўтади. Бу ерда истиқомат киладиган собик заминдошларимиз Ойга ўтган асрнинг 60-йиллари, яъни “Аполлон” дастурида кўзда тутилган вазифалар жадаллик билан амалга оширилаётган пайтда бориб қолишган. Булардан ташқари, Ойда бир вақтлар Марсда яшаган селенитлар (энкилар) қабиласи вакиллари ҳамда яқинда ҳалок бўлган Нибиру планетасида яшаган одамсимонларнинг (нипуртиларнинг) авлодлари истиқомат килади. Улар биргаликда бугунги демократик талабларга мос келадиган ўзига хос “жамият”га асос солишиди. Раҳбарлар, бошқарувчилар, кузатувчилар, баҳо берувчилар, тарбиячилар фаолияти йўлга қўйилади. Аммо, шуниси ҳам борки, бир вақтлар энкилар ҳам, нипуртилар ҳам анъанавий табиий кўпайишдан воз кечган, бу ишни донорларнинг генетик материали асосида амалга ошириш йўлига ўтишган. Болалар оналар бағрида эмас, “Кассандра тамғаси”даги каби маҳсус пробиркаларда кучли назорат остида этиштирилади, маҳсус кишилар томонидан тарбияланади. Ҳар бир кишининг бошига бошқарилувчи “чип” киритилади...

Бундай башоратлар замирида ғоят ёвуз мақсад яширганини сезиш қийин эмас. Уларни ўқиган ўкувчидаги нафақат унда, бошқаларда ҳам “Токи тирикликтарнинг туби кўриниб қолаётган экан, ортиқча куйиб-пишиш,

югуриб-елишнинг ҳожати йўқ”, деган фикр туғилади. Бу эса “бефарқлик” деб аталмиш тузалмас иллатнинг бошланишидир. Бу фикрни адабиётшунос Валерий Румянцевнинг “Замонавий рус адабиётининг бош душмани” сарлавҳали тадқиқот мақоласидан олинган қуйидаги иқтибос билан исботлаш мумкин: “Эксмо” нашриёти ходимлари муаллифлардан кўлёзма қабул қилиш қоидаларини расман эълон қилишган. Унга кўра, нашриёт “детектив, криминал, жангари, фантастика, авантюра, мистика, ишқий-сексуал асарлар кўлёзмаларинигина қабул килади”. Демакки, шеър, хикоя, эссе, анъанавий романларга йўл йўқ.

Нашриётлар инсон акли бовар қилмайдиган янги курол турлари, улар воситасида планеталараро бўлажак урушларнинг сценарийлари, биологик куролларнинг келажаги, янги “ажал” вируслари ҳакидаги кўлёзмаларни, таъбир жоиз бўлса, кўзларига суртиб чоп этмоқдалар. Балки, бунда уларни тўла айблаш мумкин бўлмас. Негаки, бутун Россия, Европа ва АҚШ матбуотида замонавий курол-яроғ мавзуси етакчилик қилмоқда. Интернет тармоқларида бадиий адабиётнинг инқирози, коғоз китобнинг ўлими, бадиий жанрларнинг чиппакка чиккани ҳакида кўп ёзилмоқда. “Ёшлар китобсиз ҳам чўқуни эгаллашади”, “Европа китобхонлиқдан воз кечди?”, “Китобсиз ҳаёт истиқболлари”, “Китобхонлик қадрият эмас”, “Бадиий уйдирмалар замони ўтди”, “Тадбиркор ёзувчиларга кенг йўл” каби бири иккинчисидан ташвишли мақолалар кўнгилни ғашлаши билан бирга, иккиланиш ҳолатини ҳам юзага келтиради. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ер юзидағи жамики бойликларнинг ярмидан кўпроги 64 кишига тегишли. Куролли можаролар ҳақида Европа мамлакатларида ёшлар ўртасида ўтказилган сўровларда 83 фоиз киши замонавий урушларни “қизиқарли томоша” деб баҳолаган. АҚШ мактабларининг қуи синфларида “Цитрус мевалар каерда ўсади?”, деган саволга 68 фоиз ўқувчи “Супермаркетларда” деб жавоб қайтарган.

Бундай маълумотлар Бразилия қамоқхоналарида битта китоб ўқиган маҳбуснинг қамоқ муддати 4 кунга камайтирилиши ёки Хитойнинг кўпгина вилоятларида раҳбарлар, тарбиячилар ҳамиша китоб ўқишилари зарурлиги тўғрисидаги хабарларни босиб, янчиб кетади. Бразилиялик кўриқчилар нега энди маҳбусхонада ўзини яхши тутган, ички интизом қоидаларини бузмаган, белгиланган миқдордан кўп маҳсулот ишлаб чиқаргандарни эмас, айнан китоб ўқиганларни рағбатлантирас экан, деган савол кимдадир туғилиши мумкинми? Мумкин, аммо... кимда?

Белорус пойтахти Минск шаҳрида Халқаро китоб кўргазмаси доирасида ўтказилган “Ёзувчи ва давр” симпозиумида дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатидан келган шоир, ёзувчи, таржимон ва адабиётшунос олимлар, жумладан, ўзбек адиллари дунёнинг бугунги ижтимоий-сиёсий, маданий-ахлоқий муаммолари, бадиий адабиёт, таржимашунослик олдида турган вазифалар хусусида фикр юритдилар.

Давлатимиз раҳбари сўзлари билан айтганда, инсон ўзининг бугунги ҳаётидан, туриш-турмушидан, орзу-ниятлари рўёбга чиқаётганидан бутун рози бўлиб яшashi зарур. Таассуфки, бунга эришаётган, бундай даражага яқинлашаётган давлатлар билан бирга, орзу орзулигича, ниyat ниятлигича қолаётган, шунчаки тирикчилик, кун кўриш, козон қайнатиш машаққатли тус олаётган жойлар ҳам бор ва улар оз эмас. “Совук уруш” ҳолатидан халос бўлган дунё бугун яна курол пойгаси томонга бурилмоқда. Бу жараённинг

бориши мавлоно Румийнинг камбағал муаллим ҳақидаги ҳикоятини ёдга солади.

“Факир бир муаллим бор эди. Камбағаллиги шу даражада эдики, кишда бир жубба киярди, холос. Бир кун сел келди, унда бир айкнинг боши оқиб борарди. Муаллимга талабалари “Бир пўстин оқиб келяпти, керак бўлади”, дейишди. Муаллим кийимга муҳтоҷлиги туфайли ўзини сувга отди ва бориб, “пўстин”ни ушлади-ю, шу заҳоти баҳайбат айкнинг чангалига тушди. Шогирдларнинг: “Муаллим, ё пўстинни келтир, ё ўзинг кел”, деган сўзларига жавобан: “Мен пўстинни кўйиб юбордим, аммо у мени кўйиб юбормаяпти”, деб жавоб қилди”.

Куролфурушлар факир муаллим холида эмаслар. Аммо бошқаларга нисбатан бой ва кучли бўлиш, кучсизларни итоат макомида ушлаш, яккахокимлик истаги уларни шафқатсиз оғат гирдобига отди ва даҳшатли чангал тутқунига айлантириди. Европа икки бор жаҳон урушини бошидан кечирди. Мислсиз талафотларга дуч келди. Ёнди, куйди, майиб-мажруҳ бўлди. Эндиликда эса бу балодан кутилиш йўлларини қидирмоқда, аммо канча уринмасин, нажот йўлини топаётгани йўқ.

Ёввойи табиат жаҳон фондининг 2017 йилги хисоботида келтирилишича, кейинги 40 йил ичидаги дунё миқёсида парранда, балиқ ва амфибиялар 60 фоизга кисқарган. Кўл, дарё ва ботқокликларда яшовчи мавжудотлар нисбатан кам кисқарган, ичишга ярокли сувлардагилар эса 81 фоизга камайган. Ҳар йили дунёда 5 миллион гўдак турли қасалликлар, очлик, уруш харакатлари боис нобуд бўлади. 60 миллион бола мактабга бормайди. Шунга қарамай, дунё мамлакатларининг ҳар йилги ҳарбий ҳарожатлари 1 триллион 700 миллиард доллардан ошиб кетган. Ўз бошидан не-не балоқазоларни ўтказган, бугун ҳам жароҳатлари битмаган Якин Шарқ мамлакатлари қурол ҳарид килишда пешқадамлик қилишмоқда.

Симпозиумда иккинчи жаҳон урушининг белорус тупроғидаги кечган қонли жанглари, оғир йўқотишлар, катлиомлар, азобли жароҳатлар, хотирадардагина яшаб қолган тақдирлар тўғрисида, бундай шароитда бадиий адабиёт олдида турган бош вазифа, ижодкор зиёлининг маънавий масъулияти, уйғоқлиги, қалб кўзининг очиқлиги хусусида куюнчак фикрлар билдирилди. Айни шу пайтда телеканаллардан бирида атом куролини биринчи бўлиб кўллаш ҳуқуқи хусусида жиҳдий баҳс борди. “Бу ҳуқуқдан фойдаланиш зарур” деган хайкирик янгради. Инсон ўзи тарбиялаб вояга етказган “аждаҳо”га банди бўлиб қолган экан, бундан ортиқ фалокатни тасаввур қилиш қийин.

Ёзма адабиёт юзага келганидан бери Сўз инсон, жамият ва табиат тақдирига бефарқ бўлмаган. Қуръони карим суралари нозил бўлган пайтлардан бошлиб то ҳозирга кадар шундай. Ҳамма жойда, ҳамма замонларда шундай бўлган. Сўз ҳеч қачон жим турмаган, адабиёт жимлик кўчасига кирмаган, бепарволик ҳолатига ўтмаган. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида, Машраб ва Бобур ғазалларида, Макиавелли ўйтларида, Балзакнинг XIX аср француз ёзувчиларида мактубида, Ян Парандовскийнинг “Сўз кимёси”да, Фитрат ва Исломил Гаспринский тадқикотларида буни яққол кўрамиз. “Жим туролмайман” дея хайкирган Эмил Золя ва Лев Толстой битикларида адабиётнинг мангу бедорлигига амин бўламиз. Шундай экан, ёзувчи ва давр мавзуси бир йигинлик, бир сухбатда поёнига етадиган мавзу эмас. У ижодкор зиёлилар учун ҳамиша ҳақикат ва адолат учун кураш, тан-

ланган йўлни ёритиши, хатоларни англаш, миллатнинг тили, дини, тарихи ва қадриятларини асраб-авайлаш имкониятидир.

Сўз ўз ҳолича яшамайди. У фикрга айлансангина, маълум таъсир кучига эга бўлади. Фикрлаётган одам яшашда давом этади. “Фикрлашдан тўхтаган одамнинг умри тўхтайди, энди у факат мавжуд бўлиб колади”. Фикр жамиятни ҳаракат ҳолатида, ривожланишда ушлаб туради.

Белорус заминида ўтказилган машваратда бадиий сўзнинг буғунги ҳолати, таъсир кучи, холис ва ҳаққонийлиги жиддий муҳокама қилинди. Гарчи, сўз, бадиий адабиёт, ёзувчи ва жамият муносабатларига доир баҳсли, тор кобикли фикрлар ҳам билдирилган бўлса-да, дунёнинг тўрт китъасига мансуб мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, адабий жараён ҳақида маълум тасаввурга эга бўлинди. Аммо, инсониятнинг энг буюк ихтироси бўлмиш китобга муносабат ҳамма жойда ҳам бир хил эмаслиги ошкор бўлди. Кўп жойда у бойлик ортириш воситасига айлантирилган. Факат шу эмас, таассуфки, китоб оркали тарихни сохталаштириш, ўкувчини чалғитиш, одамлар кўнглига кўркув солиши, миллатлар ўртасида ихтилоф чиқариш ҳаракатлари мавжуд. Бу борада фаоллик қилаётган ноширлардан бирини сухбатга тортаман. “Э биродар, ўлдим-куйдим қабилидаги шеър, романларни ўқидиган замонлар ўтди. Лирика билан корин тўйдириб бўлмай колди. Китобхонни қизиқтиришимиз керак”, дейди у бамайлихотир. Белорус Ёзувчилар уюшмаси раиси Николай Чергинец афсус билан бош чайқайди: “Ўтган йили бир катор Европа мамлакатларида йилнинг энг кўп ўқилган китоблари аникланибди. Қайси китоблар голиб бўлганини биласизми? Ошқозонни тозалаш мавзусидаги китоблар. Мана сизга, буғунги китобхон. Ғалабанинг 74 йиллиги олдидан нашр этилаётган хотира китобларни ёшлар берилиб ўқишаётгани йўқ. Уларни бошқа мавзулар қизиқтироқда. Бир мамлакатда эмас, бутун дунёда тинчлик-тотувликни саклаш бирламчи вазифа бўлиб турган пайтда буни тушуниш кийин. Ўтган йили Ўзбекистонда Ғалаба куни қандай нишонланганини кўриб, ҳавасим келди”.

Россия Ёзувчилар уюшмаси раиси Николай Ивановнинг фикрича, ёзувчилар орасида бирлик, ҳамжиҳатликнинг йўқлиги, турли бўлнишлар ижодий жараёнга салбий таъсир кўрсатмоқда. “Бу ерда Чингиз Айтматовнинг умуминсоний маданиятни юксалтириш учун, аввало, миллий маданиятлар ривожига эътибор бериш зарурлиги тўғрисидаги фикри айтилди, – дейди у. – Бу фикрга тўла қўшиламан. Миллий адабиётлар маданиятлар каби бир-биридан узоклашмаслиги керак. Афсуски, биз – бу ерга йигилганларнинг барчаси, бир-биримизни эндиликда яхши биламиз, ижодимиздан, ютуқ-камчиликларимиздан хабардормиз, дея айта олмаймиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда китобхонлик маданиятини ошириш, Ёзувчилар уюшмасини, ижодкор зиёлilarни, айниқса, катта адабиётга кириб келаётган ёшларни кўллаб-қувватлаш тўғрисидаги карорини ўқиб бехад мамнун бўлдим. Буни ўзбекона мурувватнинг янги кўриниши деса бўлади”.

Шимолий Кавказ халқлари адабиётлари бўйича мутахассис Пётр Чекалов абазин халқнинг маънавий эҳтиёжлари хусусида фикр юритди. “Бу тилда бор-йўғи 35-40 минг киши сўзлашади. Янги матбуот нашрлари ташкил этиш, ягона театрни ривожлантириш, мактаблар куриш зарур”, дейди у.

Италиялик шоир Гоффредо Муратжанинг мушоҳадалари анжуман иштирокчиларида кучли таассурот қолдирди: “Мен кўп йиллар Аргентинада, Чилида яшадим. Дунёнинг кўплаб бошқа мамлакатларида бўлдим. Бир ярим йилдан бери Белорусда яшайман. Саёҳатларим давомида шуни англадимки, одамлар бир-бирларини яхши билишмайди, кўп холларда янгиш тасаввурлар қобигида қолиб кетишади. Бу камчиликни тузатиш, менингча, адабиётнинг, санъатнинг, биринчи навбатда, шеъриятнинг иши. Шеърият хеч кимга ёмонликни раво кўрмаган, аксинча, у бир-бирини тушуна маган икки кишини сирдошу дилдош қилади. Унинг бу имкониятидан фойдаланиш керак”.

Фақат шу эмас, Сўзни, адабиётни, адабий тафаккур ва китобхонлик маданиятини она-табиат, сув ва ҳаво, Ер ва осмон каби асраш, пок сақлаш зарур. Ўлжас Сулаймонов таъбири билан айтганда, адабиётни “ўзининг аввалги тахтига” қайтариш керак. Германияда ҳар йили ўтказиладиган йирик ҳалқаро китоб кўргазмасининг расмий шиори “Бугунги дунёни фақат китоб қутқариши мумкин”, деган таъсирчан жумладан иборат. Шундай, аммо, бефарқ бўлинса, китоб дунёни бузиши, инсон руҳий оламини булғалаб ташлаши ҳам мумкин.

Нима килиш керак, деган савол қўймоқчи эмасман. “Ўзини ҳурмат қиласидиган одамнинг сўзи ҳам ҳурматли бўлади”, деган ҳикматли гапни ёдга олмоқчиман, холос. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари мустақилликка эришган Ўзбекистонга келмоқчи бўлгандарни: “Хўш, ўзбекларнинг пахта ва тилладан бошқа яна нимаси бор?” деган савол ўйлантиради. Эндиликда Ўзбекистоннинг янги сиёсий йўли, ижтимоий-сиёсий муаммолар ечимиға янгича ёндашув, эл-юрт билан мулокот, ошкоралик бундай саволларга ўрин қолдирмади. Мамлакатимиз дунё нигоҳида ибрат ва ҳавас манзилига айланиб бормоқда. Шундай, аммо ҳали бажариладиган ишлар, ечиладиган муаммолар, текисланадиган йўллар, ободланадиган кўнгиллар кўп, лекин фаровон келажак сари одимларимиз шаҳдам, мақсадимиз аниқ. Фақат... бу шаҳдам ва аниқлик тезроқ адабиётга ҳам кўчиши зарур. Борган жойимизда “Бизда мана бундай, мана бундай асарлар бор, инглизча, немисча ёки французчага таржима килинса ижобий маънода шов-шув қўтарилиши аниқ”, деб олишимиз керак. Ҳозирча, бу маънода овозимиз жарангдор эмас.

Африканинг қайси бир пучмогида яшайдиган икки юздан ортиқрок қабила аъзолари гапни чўзмай, йиллар давомида талашиб-тортишмай, ўзларининг миллий алифболарини яратишибди ва бу алифбода Чингиз Айтматовнинг “Жамила” киссанини китоб ҳолида чоп этиб, ўкий бошлишибди. Биз эса... салкам ўттиз йиллик вақтни кўлдан бой бердик. Ўзимизни ҳам, ўкувчиларни ҳам бундан-да оғири, ўзбек тилини ўрганаётган хорижликларни ҳам кийнадик. Ёзувдаги чалкашлик илмий, бадиий тафаккурга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу тугунни академик Абдулла Аъзамов тўғри таъкидлаганидек (каранг: “Тафаккур”, 2019, 1-сон), шошма-шошарлик қилмай, яна хатога йўл қўймай, тезроқ ечиш керак.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



QO'SHNIM – QARDOSHIM



Эсонгали РАВШАНОВ

ЎШАНДА КЎКЛАМ ЭДИ

Қисса

Қозоқ тилидан
Мөхмөн ИСЛОМҚУЛ ўғли
таржимаси

Толстой нима деганди:

“Бир неча юз минг одам кичик ерга жамланиб, ўзлари тиқилиб яшаётган заминнинг абжафини чиқаришга қанчалик уринишмасин, гиёҳ унмасин деб ерга қанча тош ётқизишмасин, ниш уриб кўкара бошлаганларини кириб-киртишишмасин, тошкўмир, ермой буркситиб, дараҳтларни, жамики жонзотларни ғорат қилишмасин, баҳор шаҳарда ҳам баҳор эди...”

Ўн саккиз ой деганда, аникрофи, 1984 йилнинг 27 февраляда, Москва вақти билан соат 15.30 да бизнинг рота ички дислокация тартибига кўра, афғон еридан чиқди. Термиз шаҳри бикинидаги Ҳайратон кўпригидан ўтиб, юқ машинасининг гўрдай қоронғи ва муздай тепасида дам калкиб, дам уйғониб яна бир кун юрдик. Эртаси куни бизнинг сапёрлар взводи ротадан ажратилиб, Н. шаҳарчасидаги кичик госпиталга жойлаштирилди. Кўмондонлик урушда обдан ҳолдан тойган кичик бўлинмамизни янги буйрук келгунича шу ерда ушлаб, озрок бўлса-да, тиникиб, эсимизни ийғиб олишимизни истаган бўлса керак.

Ўша кўркинчли кунлар тушларимга кириб, чўчиб уйғонаман. Азалдан уйғона солиб, темир кароватнинг бош тарафини икки кўллаб қаттиқ сикканимча, керишишга одатланганман. Ялтироқ никел шунчалик соувуки, кафтларим жизиллаб, унга ёпишиб коладигандай кўлларимни дарров тортиб оламан. Совуқ симиллаб, товонимгача етиб боради.

Ўша куни тонгда негадир кафтларим илиқкина бир нимага текканидан, аввалига қаерда ётганимни англолмай, гангидим. Кўзимни очиб, тепага карасам, парданинг очик жойидан мен ётган бурчакка қўёш нурлари ёғилаётган экан. Каравотнинг никел дастаси ялтираб, кўзни қамаштиради. Биз бор-йўги йигирма чоғли жангчи эдик. Бу ерда зобитлар учун алоҳида уй бўлмаганидан командиримиз госпитал йўлагидаги доридармон сақланадиган мўъжаз хонага жойлашган. Унга туташ кенг йўлак казармага айлантирилган. Камина – сержант, командирга ўринбосарман. Командирнинг юзига қўёш тушиб, уйкусини бузди, шекилли, чапаничасига сўқинди.

Баҳор келди. Афғонистонда қариб икки йил давомида ўтган вақт ичиди, уруш хеч қачон, ҳатто икки дунёда ҳам тугамайдигандай туюл-

ган бўлса, у ернинг олов пурковчи карғиши теккан қора бужур ялангоч тоғларига-ю, чукур жарликлар қаъридаги илонизи, қақроқ жилғаларига энди хеч қачон баҳор қайтмайди, деб ўйлардим. Баҳор овчи таъкибидан хурккан охудек бу ерлардан батамом безиб кетган дердим. Урушда иккитағина фасл мавжуд: биринчиси, суяқ-сугингни игнадай тешиб ўтгувчи совуқ билан дунёдан тўйдирив юборгувчи қора (ок эмас) қиши, иккинчиси, хеч қачон чанкоғинг конмайдиган, мудом ҳалкуминг курукшаб, ҳолдан тойдирувчи жазирама ёз. Аввал қиши. Узоқ, жуда узоқ давом эта-диган изғирили қора қиши қандай килиб мияни қайнатадиган гармселли ёзга уланиб кетишини сезмай қоласан.

Ўшандан бери ўттиз беш йил ўтиби. Назаримда, афғон заминида ҳали-ҳамон ўша қаҳрли қиши давом этаётгандай. Ҳар гал, Афғонистоннинг баданни сессантирувчи қора совуғи ёдимга тушганида, саратон бўлсада, титрай бошлайман. Яна бир эсда колгани – томоқни ғиппа бўғувчи кўланса ҳид. Унинг барча урушларга хос бўлган ўлимтик ҳиди эканини кейин англаб етдим.

Н. шаҳарчасида кечган ўша кўклам тонглари ғоят ўзгача эди. Тун пардаси сўклилиб, одамларнинг тотли уйқусига озор бермайин дегандай корабош кизилқурик тўрғай тортинибигина хониш қиласди. Унга изма-из корасайрок: “Э-э, кўй-е, шу ҳам сайраш бўптими, сайраш мана бундок бўлади!” – демокчидай овозининг борича, борликни варанглатиб, тўлибтошиб сайрашга тушиб кетади. У худди қўшикнинг қочириларини на-мойиш қилаётган хонанда сингари, бора-бора жазавага туша бошлайди.

Худонинг қудратини қаранг-ки, кечагина борликни без бўлиб босиб ётган қаттиқ кор бир кечада гойиб бўлса-я! Ўрнимдан сапчиб туриб, дे-раздан ташкарига мўралайман. Госпитал ҳовлисининг кўланка жойла-ридагина олачалпок кор пағалари кўзга ташланади, кунгай жойлар эса корамтири тусга кирган. Азим чинорнинг ингичка ола-сур бутогида пат-лари йилтиллаган сарик күшча сўнгги бор сайраётгандай жон-жаҳди билан чирқиллади. Ҳавода күшларга эргашиб бир дилкушо тўлкин у ёқдан-бу ёққа кезинаётгандай. Энди кўп ўтмай димоғларни эркаловчи ифор ҳиди эssa керак. Одамлар “майна” дейдиган афғоннинг ола қанот кув капитари ҳовли юзида викор билан одимлади. У ўлган аскарларнинг (тўғриси, буни ўзим кўрмаганман) кўзини чўкиб ейди деганларини кўп эшифтандим. Баҳор күёши мана шу бехосият күшни ҳам нурлари билан эркаларди. Урушда күш бўлмайди. Уруш бошланиши биланоқ у ердан, аввало фаришталару, күшлар безиб кетишади. Шу боисдан ҳам оддий сарик чумчук кўзимга ҳам иссик, ҳам қадрдон кўриниб кетди. Кўклам келганига ишонч ҳосил килиб, унинг соғинтирган васли кархисида бутга сиғинган мажусий каби унсиз қотган бўлардим.

Ўзгача, масъуд дамлар эди. Кейинги ҳаётимда бундай дилнавоз дамлар жуда оз кечди. Бир яхши тушлар кўриб, тонгда дилхуш бўлиб уйғонаман, аммо кўрган тушларимнинг биронтаси ёдимда колмайди. Уйгонибок, де-раздан ҳовлига мўралайман. Ҳар тонг у ерда, келган кунимоқ таниш-ганим Сурайё исемли санитар киз дорга кир ёётган бўлади. Апил-тапил кийиниб, дे-раздан ташкарига сакрайман. Командир:

– Яна ўша ярим бетлигинг олдига кетдингми? – деб мазахлаб кула-ди. Гапига парво қилиш йўқ. Орқасидан бориб, кизни елкаси оша кучиб оламан. У “Кўйиб юборинг!” – деб хўл сочиқ билан кўлимга ургач, бат-

тар күчогимга қаттыкөрт тортаман. Қиз хандон отиб кулади, күчогимдан чикишга уринади, вужудим сархушланиб, бошим айланади. Қиз кулгисини эшигтігім кочон эди!

— Ҳозир отам келиб, титигингизни чиқазиб, деворға ёпиштириб ташлады! — дейді киз.

Ўзбек тилини билмасам-да, нима деганини тушунаман. Отасини айтиб күркітепти. Күркмасам-да, күрккан бўлиб, толнинг ортига ўтиб, яширинган бўламан.

— Кўркмас экансиз-а! — деб у менга сув сепади. Мен қочаман.

Қизнинг отаси “титиғимни” чиқазмаслигини яхши биламан. Госпиталимиз сантехники Мамаёкубнинг айтишича, Сурайёнинг отаси Тешавой тоға танчадан чиккан оловда куйиб ўлган. Отасини куткараман деб Сурайё ҳам оловда қолиб, бетининг бир томони куйиб, ҳозирги кўйига тушган экан. Шу ахволида ҳам унга уйланмоқчи бўлиб, совчи қўйиган йигитларнинг бирортасига унамапти.

— Мабодо мен оғиз солсам, жон деб рози бўларди-ю, ярим бетли бўлгач, кўнглим чопмайди... Куйган киз лакабини орттириб, кари киз бўлиб ўтирипти. Энди, ҳалигиндай... нима десант, йўқ демайди... кўнади, ука, — деб сўйлок тишларини иршайтириб, хиринглаб кулгани ёдимда. Мамаёкуб кулганида нарироқ турилмаса, сарғайган тишларининг орасидан отилган ноствой аралаш тупук бетга сачрайди.

Сурайё ҳакиқатдан ҳам ўнг тарафдан қаралса, кўркам чехрали, лаблари энди очилаётган кирмизи гунчадай, хинд қизлариникдай кирра бурун, кўзни камаштиргувчи ёкут каби ёнгувчи кўзларини ўзга тутул ўзидан ҳам қизғангандай паналовчи узун киприклари қандай эди-я! Яна унинг куюқ, пайваста кошлари бириккан жойидаги латиф холи кўз ўнгимда. Ҳмм... бетига чап ёғидан қарасангиз... йўқ, чап ёғидан қарамант, қарамаганингиз маъқул! Чап тараф бети куйиб буришган... Мен буни гапириш у ёқда турсин, эслашни ҳам истамайман.

Бошқа йилларни билмадиму, ўша йили Ўзбекистонда йигирма олтинчи марта үрик гуллади, йигирма тўққизда шафтоли, апрелнинг бирида — гилос билан олхўри, учинчисида эса олча. Сўнг олма билан нок, энг сўнггида — беҳи нафармон гулларга бурканди. Ўша йилдан бошлаб мен ҳар кўклам келиши билан қайси мева дарахти қочон гуллашини кузатадиган, ўшандан бери кундалик тутадиган бўлдим.

Үрик гуллаган серфайз кунлар эди. Оқшом пайти ўғринча ташкарига чиқиб, госпитал ортидаги тепаликка кўтарилидим. Ўзбекистонда үрик гуллаган палла борлиқ табиат байрамона жозиба кашф этаркан. Оқшом чоғи токка қарасангиз, унинг ёнбагрида үрикзор боғлар эмас, оқ кўйлакли қизлар бошларидаги дуррачаларини елвиратиб, чўкки сари юқорилаб бораётганга ўхшайди. Шарқ ва фарбнинг зиёлилари ҳар баҳор келиши билан сакура гуллашини томоша қилиш учун атайин Японияга боришаркан. Имконият бўлганда-ку, шахсан мен үрик гуллашини кўриш учун ҳар баҳор Ўзбекистонга келган бўлардим...

— Бе, үрик гули нима бўпти, сиз бодом гулини кўрганингизда эди! — деди Сурайё ўша куни,— гул деб ўшани айтса бўлади.

У ошхона биноси олдида сочига үрик гулини кистириб, кулимсираб турарди.

— Уни менга ким кўрсатади? — дедим ҳаяжонланиб.

— Бодом биринчи гуллайди, кўпинча совук уриб кетади. Мен уни “бодом” демаган, “умризое” деган бўлардим. Ҳар йили ахвол шу. Мартнинг бошида бир телба совук келиб, бодом шўрликни уради-кетади.

Бу гапни у маъюсланиб айтганди. Мен уни юпаттим келди. Аммо юпатмадим. Палатадан чикиб, ёнига боргунимча ошхонага кириб, эшикни ичкаридан беркитиб олипти.

Казармага кўнглим хувиллаб, бўшашиб қайтдим. Ташқарида илиқ оқ ёмғир шивалай бошлади. Момакалдириқ гулдураб, тоғлар каъридан аксасдо берди, уfkни ханжардай тилиб, чақмок чақди. Ичкарида ўтиргим келмай, ташқарига чикиб, сандироқлаб юрдим. Шифокор кечки кўрикка чакиргач, ноилож ичкарига кирдим.

— Алвастингни кўрдингми? — масхаромуз оҳангда сўради командир.— Худойим-эй, оёқ-кўлинг болғадай йигитсан, башарасидан одам у ёқда турсин шайтон хурккилик ўша “яrim бет”га бунча ёпишмасанг? Ё ўлжанинг осонини такимингга босмокчимисан, шум бола,— деди яна.

Овумиз қариялари бундай бўлмағур кимсалар хақида: “Ириган оғиздан чириган сўз чиқади”, — дейишарди. Ичвопти. Ҳар куни ичкилини қайдан топаркин, ҳайронман.

Ўша кечаси, мени кўпдан таъкиб этувчи кўркинчли тушни яна кўрибман. Бир гал олис сафардан кайтаётib, Сешанбе қишлоғида туандик. Командиримиз маст, аскарлар бўлса яширинча наяки тортиб олишди. Тонгда биз тунаган уй соҳиби – кишлок муаллими уйидагилари билан ҳовлисига туташ мачитга чиқиш учун тадорик кўраётган эди. Ҳовли тепасидаги мезанадан муazzин аzon айта бошлаганида тунги ичкилиқдан ҳали ўзига келолмай, калласи хум командиримиз: “Заткнись!”— деб бакириб қолди. Бир карасам, мезана томонга автомат ўқталиб турибди экан. Эсимни йикканча бўлмай, тариллаган овоз эшитилди-да, мезана тепасидан қалпокдай учган муazzин тўпса-тўғри менинг олдимга гурсиллаб тушса бўладими! Соқолига эндиғина оқ оралаган, ўрта ёшлардаги норғил киши экан. Лабининг бир чеккасидан кон сизиб оқарди. Бошдаги салласи ечилиб, кўлига ўралиб қопти. У мендан кўзини олмасдан, кулимсираганча: “Laила иллааллах” деди. Юзида кувонч калккан, гўёки у бир улуғ ишнинг якунидан мамнун ётарди. Ўлим деганлари шунчалик роҳат бўлишига бугунгача ақлим бовар килмай, истифор келтираман. Кимдир: “Доктор чақиринглар, доктор!” деб кичкира бошлади. Муazzин “керак эмас” дегандай бошини қимирилатиб, юзи ял-ял ёнган кўйи сокингина жон берди. Биз апил-тапил йиғиштирилиб, кишлоқдан чикиб кетдик.

Тушимда ўша муazzин биз ётган госпиталга келиб, барчамизни олдига солиб, госпитал биносини айлантира кувиб юрганимиш. Командир сиртмокқа тушган кулунга ўхшаб, хириллаб, чинқиравмиш. Чўчиб уйғондим. Кечаси алламаҳалда маст бўлиб келиб, ётоғига киришга ҳам ҳоли келмай, ёнимдаги бўш каравотда ётиб колган командир чиндан ҳам оғиздан оқ кўпик саҷратиб, хириллаб ётган экан. Силталааб, юлқилаб, аранг уйғотдим. У анчагача ўзига келолмай, каравотдан оёғини осилтирганча, бехуш ўтириди-да, сўнг гандироқлаб ташқарига чикиб кетди. Ҳозир бориб, йўлакда ўт ўчириш ускуналари тахтасидаги чеълакка яширган виносини олиб ичади.

Бошка ухлай олмай, тонггача тўшакда у ёқдан бу ёкка ағдарилиб, бедор ётдим. Кеча оқшом бошланган ёмғир тингани билан ҳаво очилиб кетмади.

Ўша куни эрталаб взвод белгиланган машқ режасига кўра, уч чакиримлик югуришга чиқди. Командиримизнинг хеч нарса билан иши йўқ, оптимиздан: “Қайтишда кўпроқ қўзикорин териб келларинг!” – деб хайкирганча, казармада қолаверди. Аскарларни бошлаб булоқли сойга тушаётсан, бошига рўмол ўраб олган аёл эшакнинг икки томонига посанги килиб осилган иккита флягага булоқдан чеклаб сув тўлдираётган экан. Саломлашиб ёнидан ўтаверсан, таниш овоз:

– Нима, мендан хафа бўлдингизми? – деб қолди. Бошидаги рўмолидан Сурайёни танимабман. Шу аснода, булоқ бошига сув ташувчи машина келиб тўхтади-да, госпиталдаги рус аёллар “красавчик” дейдиган хайдовчи йигит билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб колдик. Йигитлар ефрейторга эргашиб, нари карай югуриб кетишиди. “Красавчик”нинг машина кабинасидан етти-саккиз ёшлардаги, бир-бирларига ўхшаш уч нафар бола сакраб тушиб, машина бочкасига сув тўлдира бошлашди. Улар уч эгизаклигини англадим. “Красавчик” уйлангач, атиги тўрт-беш йил ичидан тўққиз ўғил кўриб, кўп болали отага айланганини одамлардан эшитгандим. Хотини факат учталик эгизак туғар эмиш. Бу фавкулодда хушрўй йигитнинг исми Тошмуҳаммад эди. Ҳамюрлари уни “Тошрасм” дейишарди. Расмда чизилгандай чиройлилигини айтишса керак-да. Мен уни кўрганим сайин адабиёт дарслигидаги Сакен Сайфуллиннинг сурати кўз олдимга келаверади. Тошмуҳаммад ғалати йигит эди. Шунчалик хушчирой, аммо ишониб бўлмайдиган даражада гўл. Бизда “Товуснинг ўзини кўрсанг – анқаясан, оёгини кўрма – картаясан”, деган гап бор. Буни Тошрасм сингариларни кўрган бирор айтган бўлса керак. У доим яланғоч баданига эскириб, у ер-бу еридан пахтаси чикиб кетган чопон, кай йили тикилгани номаълум, ранги ўнгига кетган, ҳалпиллаган галифе шим, оёғига қўлантада резина калиш кийиб юради. Калишининг юзасига аллақандай аскар бушлатининг ялтироқ, сарик тугмаси қадалган бўларди. Кўз тегмасин деган ириммикан, дегандим, ундей эмас, уйда калиш киядиганлар кўплигидан алмашиб кетмаслиги учун қадаб кўйганман, дейди. Ундан нимани сўрсангиз ҳам, гапни “билмасам”дан бошлайди. Масалан:

– Тошрасм, оламда нима гап? – десангиз, ўйламай-нетмай “Билмасам...” дейди.

– Тошрасм, дўкон сотувчисини кўрдингми?

– Билмасам...

– Тошрасм, машина қалай?

– Билмасам, машина машина-да, лаънати.

Саволингга аниқроқ жавоб берса, боши балога қоладигандай шундай дейди муғомбир.

Кулиши ҳам ғалати. Ошналарининг аскиясига қўшилмай, асов тўрик от сингари бир чеккада унсиз туради-да, даврадагилар кула-кула тарқалишга чоғланишганида Тошрасмнинг оғзидан “ўх!” деган сас чикиб, сўнг яна унсиз қоларди. Унсиз қолади, дейиш нотўғри, аслида у унсиз кулаётган бўларди. Бирок ўзгаларга ўхшаб какиллаш ҳам, шакиллаш ҳам, ичаги бурагудай қорнини ушлаб, буқчайиш ҳам унга бегона, ҳар қандай ҳолатда лаблари қимтиниб ҳам кўймасди, юзи ҳам ўзгармасди, тик келиб қолса фариштанинг аклини олувчи кўзларидаги совук сулувлик бузилмасди. Унинг факат икки елкаси-ю, корни куларди. Аввал елкалар охиста титраб, сўнг корни силкина бошларди. Бу ҳолатдан даврада яна

кахкаха күтарилади. Унинг бу одатини билгувчилар пайров тугагандан кейин ҳам даврани тарк этмай, томоша бошланишини кутиб туришарди. Тошрасмнинг кулишини томоша қилгани атайлаб бошқа кишлoқлардан келадиганлар бор экан.

Бочкаси сувга тўлгач, Тошрасм машинасини ўт олдириб, ўз йўлига кетди. Карасам, Сурайё эшакни олдига солиб, анча жойга бориб колган экан. Оркасидан етиб олдим.

- Улар сизга нима деди? – деди киз, эй ўқ, бе ўқ.
- Ким нима дейди?..
- Тошмуҳаммад ака-да!
- Сени жуда сулув киз деди.
- Ростданми? – деди киз кўзлари ёниб.
- Йўқ, хазил, сен ҳақингда ҳеч нима демади. Ҳар доимгидай “билмасам”нинг нарёғига ўтмади.

– Мен ҳакимда гапирмаслигини билардим, – деди-да, Сурайё негадир бир турли бўлиб, мунғайиб, анча жойгача индамай борди, сўнг:

– У мактабимизга тўққизинчи синфда ўқиётганимда келганди. Муаллим эди. Физкультурадан дарс берарди, – дея сўзини давом эттириди киз. – Вой-бўй, мактабда унга ошик бўлмаган киз йўқ эди. Ҳатто раиснинг кизи унга севги изхор килиб, хатлар ёзган. Кўшни туман райкомининг кизи “Сиз учун жонимни ҳам бераман”, деб суратини юборганини Акрам почтачидан эшигтгандим. Синфдош қизлар билан ёлғиз колганимизда факат бу киши ҳакида гаплашардик. Тўққизинчи синфни битириш арафасида бизларни даштдаги кўрик совхозга пахта чопикка олиб кетишиди. Куни бўйи чўл жазирамасида чопикда бўлиб, кечкурун ўғил болалар бўлак, қизлар бўлак каналга бориб чўмилардик. Ўша куни баракда навбатчи бўлганимдан супир-сидир билан банд бўлиб, каналга қизлардан кейин бир ўзим бордим. Ҳеч ким йўқ экан, ёчиниб, ўзимни сувга отдим. Каналнинг ўргасигача сузиб бориб, энди орқага қайтаман деганда бирор белимдан қаттиқ кучоклаб олса бўладими. Чинкириб юбордим. Куракдай кафт оғзимни беркитди. Қайноқ лаблар томоғимни ёндиригидай ўпа бошлади. Аввал бундай ҳолатга тушмагандим. Кўзларимни катта очиб карасам, Тошмуҳаммад муаллим! Иккаламиз олиша-олиша соҳилга чиқдик. У ерга тиззалаб ўтириди-да, йиглаб юборди. “Эй, Худо, сенга нима ёзигим бор эди? – деди кўллари билан бошини чангллаганча, – Қиз биттани менга ошиқ бўлгани билан шу ёшга келгунимча сендан бошкасини севомасам нетайин, Сурайё?! Фақат Сени, Сенгинани севаман. Сен бўлсанг менга ҳатто кайрилиб ҳам қарамайсан, Сурайё!” – деди у.

– Кўйинг, Тош ака, уят бўлади, – дейман дир-дир титраб. Бошқа нима дейишимни билмай, факат рўмолимни фижимлайман. Кейин, бизни бирор кўриб қолмадимикин, деган хаёлда атрофга аланглайман. Хайрият, окшом гира-ширасида канал яқинида ҳеч зоғ кўринмасди. Ётока бирга кайтдик.

– Энди менга бундай гапларни айтувчи бўлманг, – дедим ётогимизга яқин қолганда, – отам билиб қолса сизниям, мениям тикка сўяди.

– Мен сени севаман, Сурайё! – деди у шивирлаб. – Барibir сен менини бўласан!..

Қолган гапларини эшигмаслик учун баракнинг қизлар ётадиган бўлмасига чопкиллаб кириб кетдим. Туни билан ухлолмай, вужудим жизғанак бўлиб чиқди...

— Уйда каттиқкўл тарбия кўрганмиз,— дея Сурайё қулди. Шу тобда осмон ҳам, манов теварак-атрофдаги тоғлар, анови бошига оппоқ шолрўмол буркалган ўриклару, олчалар, олхўрилару, олмазорлар ҳам кизга кўшилиб кулаётгандай эди.

Бармокларим титраб, кизнинг билагидан ушладим. У кўлини тортиб олди.

— Хеч қачон, — деди киз ранги ўзгариб,— менга бундай қилиқ кила кўрманг! Бу биринчи ва сўнггиси бўлсин.

Кўнгилда жўш урган хаяжон сув сепгандай босилди-қолди.

— Кечир, — дедим, — энди хеч қачон бу такрорланмайди.

— Сизга бир қизиқ воеани айтиб берайми?— деди у кўнгли ёришиб.

— Қизиқ бўлса, айт, — дедим бўшашиб.

— Эсимизни танибмизки, онам бизга ўғил болаларга якин юрмаларинг, ҳатто улар турган, ўтирган ерга йўламанглар, юкли бўп қоласанлар, деб кўркитардилар. Учинчи синфда муаллимамиз мени мажбурлаб Шариф деган дудук бола билан бир партага ўтқазди. Сумкам доим ўртамиизда туради. Шариф “чегаранинг” бу тарафига ўтиши мумкин эмас. Ўтса калтак ейди. Бирда билмасдан унинг ўрнига ўтириб олибман. Кўрқанимдан ўрнимдан сапчиб турдим. Кўлимга тушган чизгич билан уни савалай бошлаганимда “Нима бўлди?” деб муаллима тепамизга югуриб келди. Мен томдан тараشا тушгандай килиб:

— Нима бўларди? Мен манов дудукдан иккикат бўп қолдим! — деб ўкириб йиглай бошладим. Муаллимамиз хушидан кетишига оз қолган. Ўша воеа эсимга тушса, хозиргача уялиб кетаман.

— Шунинг билан Тошмуҳаммад нима бўлди?— сўрадим гапини бўлиб.

— Нима бўларди? У киши кеч-коронғида йўлними пойлаб: “Сени севаман, барибир менини бўласан!”— дейишини қўймади...

Кутилмаганда эшак ҳанграб юборди. Шаҳарчага яқинлашиб копмиз.

— Бугунга шуниси етар,— деди киз кулиб,— сиз энди орқага қайтинг. Анови қия тепаликни айланиб ўтсангиз, тол-теракли тўқай бошланади, ўша ерда кўзиқорин сероб. Соғ бўлинг.

У бироз юргач, орқага қайрилиб:

— Госпиталга бошқа йўл билан келинг! — деб кичкирди. Мен маъкул деган маънода бош силқдим.

Эртасига Сурайё:

— У киши мен кўз очиб кўрган биринчи эркагим,— дея ҳангомасини бошлади. Сурайё Тошмуҳаммадни “у” демайди, хурмат билан “улар” дейди. Ўзбекларга хос бу хусусиятни тезда англашим.

— Ўнинчи синфи битириш арафасида жисмоний тарбия ўқитувчимиз Тошмуҳаммад ака раҳбарлигига бир гурух мактабдош спортчи болалар билан вилоятда ўтадиган ўқувчиларнинг спартакиадасига келдик. Иштирокчиларга вилоят марказидаги спорт-интернатининг ётотхонасидан жой ажратилган экан. Мактабдош кизларни бир хонага жойлаштиришди-ю, негадир мен бошқа тумандан келган рус кизлари орасига тушиб қолдим. Нега бундай бўлганини кўнглим сезувди. Ўша оқшом янги танишган дугоналарим билан чой ичиб ўтирганимизда кизлардан бири деразага қараб:

— Боже мой, сюда сам Радж Капур идёт! — деса бўладими.

Гап ким ҳакида эканлиги фаҳмлаб, юрагим дукуллаб ура бошлади. Зум ўтмай эшик тақиллаб, оstonада Тошмуҳаммад ака кўринди.

– Кийин, сени уйда кутишияпти, – дедилар у кишим. Кейин қизларга:
– Бу жияним, мен уни уйга олиб кетаман, – дея изох берган бўлдилар.

Ўшанда қизларнинг уларга маҳлиё бўлиб, тикилишганини кўрсангиз эди. Албатта, қизлар “Радж Капурга “жиян”лигимга ишонишмагани ва менгага ҳавас билан қарашаётганларини пайқаш кийин эмасди. Очиги, ўша онда ўзимни дунёда энг толеи кулган киз хис қилгандим. Озгина муддат, лоақал бир зумгина бўлсин, ўзингни баҳтли хис қилганга нима етсин!

Тош ака мени интернатга якин кўпкаватли уйдаги бир хонадонга бошлаб бордилар. Хуллас, ўша кечак мени қизлик... – Сурайё бир зум тин олиб, сўнг кўшимчага қилди. – Ўша кечаси мен...аёл бўлдим.

Тош ака мени деразадан мўралаётган ойдан ҳам, шамолдан ҳам қизғандилар. Уларнинг ёниб-кўйган бўсалари, ковурғамни синдиригудай эҳтирос ила кучишли, жундор кўкси билан кўкрагимни сийпалаб, маъносига ўзга тугул ўзи ҳам тушунмайдиган пойинтар-сойинтар, узук-юлуқ сўзларидан вужудим толиқиб, эсим оғиб ётса-да, унга жоним билан берилимадим. Ҳозир ўйласам, кулгим келади, улар жинни бўлгандай, ора-сира: “Сенга озор етказмадимми, кечир-чи!” – дейдилар-да, яна эҳтиросдан жунбушга тушадилар. Кизиги, ўшанда ҳеч кандай озор сезмаганман.

Мен агар “кетдик” десам улар ўша кечаси изимдан дунёнинг нариги чеккасига бўлса-да, кетишга рози бўлардилар. “Ҳеч бўлмаса мени бир мартағина ўп-чи!” деганларига ҳам кўнмабман. Улар менинг ҳам эҳтирос оловида куйишимни истаб, оёкларимни кучиб йиғлаганларида енгил тин олиб, лаззатланганман. Аслида, чинакам лаззат у эмас эди. Бунинг ҳаммаси шунчаки куруқ гап, жуда ошиб кетса, бир лахзалик қозон қайнатар қаҳр, холос. Бундай шафқатсизлик аёлларнинг барчасида бўлади. Тан олиш кепрак, ҳакикий лаззат чиройли эркакнинг оғуши экан. Уларнинг оғуши... – Сурайё ерга тикилганча бир зум ўйга чўмиб, сўнг бошини кўтариб деди, – ҳоҳласангиз мен сизга кейин бир кизиқ нарса кўрсатаман.

– Сен нима кўрсатсанг ҳам кўраман, Сурайё. Аммо айт-чи, Тошмуҳаммадни нега севдинг? – дедим.

Киз саволимга тушунмагандай, бетимга анграйиб қаради.

– Нима? – деди у, – “Нега севдинг?”, деганингиз нимаси?

Унинг кўзлари пириради. “Бунинг эси жойидами?” дегандай бетимга яна тикилди. У мени бунчалик бефаҳм деб ўйламаган, шунингдек, бунчалик бемаъни саволни кутмаганидан ҳафсаласи пир бўлгани сезилиб туарди.

– Аҳмоқона саволимдан хафа бўлма, Сурайё, – дедим бўшашиб, – шунчаки сўрадим... Ундан кўра кўрсатмокчи бўлган қизифинг нималигини айт.

Ҳамон бетимга анграйиб турган киз ниҳоят жилмайиб:

– Уни фурсат келганида кўрасиз, сабр килинг, – деди.

Шу аснода командирнинг:

– Афоня, итдан тарқаган, кайдасан?! – деган кайф аралаш ҳайқириги эшитилди. Мен ўрнимдан сапчиб туриб, орқа эшиқдан ташқарига отилдим.

Келган кунимиздаёқ командир Мамаёқуб билан ҳамтовоқ бўлиб олди. Аслида бу жойнинг одамлари орасида пиёнисталар йўқ хисоби, ҳатто қашдалар ҳам озчиликни ташкил этаркан. Мамаёқубни сурувнинг ичидаги битта тирраки эчки, деса бўларди. Ҳушёрлигида сўлжайган башарасига қараб бўлмайдиган Мамаёқуб, оғзига арак тегди дегандан сўзамолга сўзини, оёклига йўлини бермасди. Қачон карасант, дўпписи гардани-

да турса-да, ерга тушиб кетмаганига ҳайрон бўласан. Қўллари хаддан ташқари узун, нақ тиззаларига етади. Манглайи кенг, олакўз. Озгин одамларнинг кўзлари, одатда ботик, киртайган бўлади. Буники эса сал бўлмаса сиртга отилиб кетадигандай, конталаш, чакчайган. Бу жойнинг кўпчилик эркаклари каби у ҳам оёғига резина калишни кўлантаёк кийиб юради. Мабодо, Мамаёкуб худди кўл ёқасида турган балиқчидай, иккала почасини тиззагача шимариб, тиззаларини укалаб ўтиrsa, демак у ичган бўлади. Кеча пайқабман, командиримиз ҳам почаларини тиззасигача шимариб юрадиган бўпти. Қачон қарамант, иккаловининг ўргасида “Чашма”нинг бўш шишаси.

Мамаёкуб, аскарлиқдан ўрганиб келган бўлса керак, ўрисча гапирганда икки сўзнинг бири сўқинишдан иборат эди. У казармага тонг сахарлаб келади-да, сувни ёпиб, бир хонадаги иситиш батареясини ечиб олади. Сўнг, то кечгача ўшани ўрнига қайта ўрнатаман деб уринади. Ёнида буйруқ берган бўлиб командиримиз юради. Командирга Худо бериб колди: “Эй” дейдиган эга йўқ, “кўй” дейдиган хўжа йўқ, штаб бошқа шаҳарда. Ёмон одатга одам тез кўнкаркан, казармада интизом бўшашган. Назорат йўқ. Командир: “Ҳаммаси сенинг зиммангда!” деб жавобгарликни менга юклаб кўйиб, ўзи Мамаёкуб билан марказга кетади. Тун алламахалда ўласи маст бўлиб қайтади. Ўзи чошгоҳгача ухлагани боис, аскарларни одатдагидай тонгги соат еттида уйғотмасдан, бемалол тўйиб ухлашсин, деб кенглик килиб юрипти. Кенглиги курсин, айрим пайтлари уйқудан уйғонади-ю: “Сафлан!” деб хайкириб қолади. Бу тунги соат бирми, учми, унга барибири.

Бундай вазиятда орага мен тушаман. Бир яхши томони, тихирлик килиб, оёқ тираб ўтирамайди. Навбатдаги стаканни симириб, яна уйкуга кетади. Унга мендан кўра Мамаёкубнинг сўзи ўтимлироқ. Кўнгли келганида командир уни “Афоня”, аччиғи келганида “душман” дейди. Кеининг пайтда у Сурайёни “душманка” дейдиган бўлган. Сезиб юрибман, ичган пайтида “душман”дан “душманка” ҳакида суриштирадиган одат чиқарган.

Мамаёкуб, қачон сўраманг, бу шаҳарчада нима бўлиб, нима қўйганини игнага илиб, ипга тизгандай килиб айтиб бера олади. Кай уйда қанча одам борлиги-ю, боласи қаерда ким бўлиб ишлаши ёки нима учун ишламаслигини ҳам билади. У билмайдиган нарса ер остида бўлса керак. Бу жойлик одамлар бир-бирларининг исмларини кам аташади. Барчанинг лакаби бор. Масалан, Сурайё – куйган қиз, Мамаёкуб – Афоня, шифохонанинг ошпази Турсуной опа – тарвуз (тарвуз каби думалок ва семиз), Тошмуҳаммад – Тошрасм, хуллас, шундай давом этаверади. Менга опаларча меҳр кўрсатган Турсуной – тарвуз бўлди. У ёши ўттиздан энди ошса-да, эрта етилган, семиз, кўш бағбақали бети дуб-думалоқ, киприклари кайрилма келинчак эди. Одатда семиз кишилар хушфесъл бўлишади. Янгамиз кўли очик, оккўнгил, катта билан ҳам, кичик билан ҳам кулиб сўзлашадиган, сўзлаганида сухбатдошининг кулоги оғирдай шангиллаб, каттиқ сўзлайдиган, шақиллаб куладиган, полни тешиб юборгудай ер-кўкни зангиљлатиб юрадиган, бичими мўл аёл эди. Биринчи эри Павлодарнинг Баёнбулидан Шомил исмли татар йигит бўлган экан. Қозоклигимни билгач, “кайнимсан” деб ўзига яқин оладиган бўлди. Павлодарда ўтган кунлари эсига тушармиди, баъзан “Қанийди, бир тиши-

ламгина қази бўлса!” – дея оғзи сув очиб ўтиради. Шомил оғамизниңг кейинги тақдиди нима бўлганини у айтмаган, мен сўрамаганман.

Мамаёқубнинг ҳакиқий исмини биладиганлар кам, барча уни “Афоня” деб чакиради, Унинг Сурайё билан юлдузи тўғри келмайди. Уни гапиртиргим келиб: “Бу якин-орадаги ёлғиз бўйдок – сенсан, билишимча, Сурайё ҳам сенга йўқ демасди, нега унга уйланмайсан?” – деб сўраганимда унинг жавобини эшишиб, ёканин ушлаб қолибман.

– Хуарга ити, сикарга бити йўқ Сурайёни бошимга ураманми? – деса бўладими. – Мамаюсуп аканинг саккизинчи синфда ўқийдиган Мухайё исмли кизини кўз остимга олиб қўйибман. Ҳам сулув, ҳам отаси пулдор! Ўша кизга уйлансан, у кишида ўғил йўқ, ҳамма бойлиги менга қолмайдими?

– Мамаюсуп деганлари ким экан?

– Отамнинг туғишган иниси – амаким бўлади.

– Унда қандай? – дейман шошганимдан тилимга сўз келмай.

– Шундай! – дейди у ёнидан носковогини олар экан, – каллани ишлатиш керак, дўстим, каллани!

– Ақлинг жойидами, нималар деяпсан?! Ўша қиз сенга туғишган сингил-ку! – дейман тутакиб.

– Нимаси туғишган? Бир эмчакни эммаса, уйланиш мумкин, деган фатво бор, шуниям билмайсанми, қозок?!?

– Э, бор бўл-е! – дейман ўзимга келолмасдан.

– Бор бўлсан ҳам, йўқ бўлсан ҳам оталаримиз келишиб қўйишган, мактабни битириши биланок тўйимиз бўлади, дўстим.

– Э, дўст бўлмай кет, дўст бўлмай кет-е! – деб ерга туфлайман.

Сурайё Мамаёқубни жинидан баттар кўради:

– Унинг валдирвасирлигига отаси айбор. У ўз оғасининг қизига уйланган. Бундай никоҳдан соғлом бола туғиларми? Эркакнинг кийими ни кийиб юрса-да, аёлча тирикчилик қиласди. Унинг ўзи эмас, эшаги эрек, – деб кулади.

Кейин билсан, у Сурайёга ошиқ бўлиб хат ёзди, ўртага одам кўйиб учрашувга чакиради. Муддао хосил бўлмагач, у қандай килиб бўлса-да, уч олишни ўйлади. Ўйлаб-ўйлаб, топгани, Сурайёларнинг оғирини-енгил, узогини якин қиласиган йўрга эшагининг устига бензин сепиб ёкиб кетади. Можарога участка инспектори Боймирза аралашгач, Мамаёқуб – Афоня Сурайёнинг отасига икки қоп картошка, бир тележка жўхори пояси, битта улокли тўқол эчки бериб зўрға кутулади.

“Мол аччиғи – жон аччиғи”, деганларидай, Мамаёқуб бир даврада ичиб олиб, “Эшак ёкиш имитация эди, энди бу ярамасларнинг уйини ёкиб кетаман!” – деб чираниби. Бу гап тирнок остидан кир кидириб, булутсиз кунда чақмок чақтиришни хуш кўрадиган участка инспектори Боймирзанинг кулоғига етгач, Мамаёқубни бўлинмага олиб боради. Бу сафар Мамаёқуб участка инспекторига бир янги палос, икки қоп ер ёнғок, беш дона тарвуз билан ўнта қовун бериб, кутулган экан. Буларни Сурайё Мамаёқубга ачиниб гапириб берганди.

Командиримиз Мамаёқуб – Афоня билан доим яширинча нималарни дир гаплашишади. Командиримиз пакана бўйли, калласи хумдай, озгин, сарик киши. Бундай калта бўй, озгин танага хумдай калла мос келмай, юрса-да, бир жойда турса-да, ҳатто ётганида ҳам оғирлик

килади, шекилли, бир ёнига қийшайиб туради. Мамаёскуб – Афоня, аксинча, эртак қаҳрамонларидай коп-кора, девқомат. Бир ўтирганида иккнишининг овқатини сайди. Бирок овози ер остидан чиккандай бўғиқ. Икковининг дарди – арақ билан аёл. Қийқириб кулишса, демак, ҳамтовороқлар аёллар ҳақида гурунглашаётган бўлади. Айниқса, кейинги пайтда икковлон кўпроқ пичирлашадиган бўўп қолишиди. Мен томонга ўғринча қараб, хиринглашишларини айтмайсизми.

Кўп ўтмай командиримиз ўзидан-ўзи “Саша-Сашуля, ох, Сашуляга бораман!” деб кўшик айтадиган бўлди. “Бунинг Сашуляси яна ким бўлди экан?” дедик-да, кўйдик. Кечкурун ошхона томондан Сурайёнинг кичкириги эшитилди. Оқшом сокинлигига овоз баралла жаранглаб, барчанинг қулоғини динг қилди. Қарасак, командиримиз думи кисилган лайчадай уйлар орасидан зипиллаб келяпти. Лабида сигарета. Калласи яна жиндай юурса, танасидан узилиб тушадиган ошқовоқ сингари ликиллаб, силкинади. Сочи сигир ялагандай манглайига ёпишиб қопти. Алантажаланг орқасига қараб кўяди. Ногаҳон нигоҳларимиз тўқнаш келгач, у ўхшовсиз тиржайди. Бу килмиши ошкор бўлган нобакор кимсанинг ноилож тиржайиши эди. Фазабим кўзиганидан, кўзларимга кон қуюлиб, терс бурилиб кетдим.

Сурайё бўлса ошхона зинасида кўлларини белига тираб, бакираиди:

– Ярамас, мальун! Мен сенга Саша ҳам, Наташа ҳам эмасман, мен Сурайёман, манов заҳрингни ўшалар билан ич, қийшангласанг ўшаларга қийшангла, мен ўзбек қизиман! Менга яна яқинлашиб кўр-чи, отамнинг пичоғи билан ичак-чавоғингни қовок каллангга салла килиб ўраб кўяман, чўчқадан таркаган, ифлос! – деб командиринг ортидан улоктирган яриматалик шиша тошга урилиб, чил-чил синди. Эртасига командир Афоняга:

– Сашуля деганинг бошига юган-кўриқ тегмаган ёввойи экану, сен нега мени лақиљатдинг? У синдириган аракни тўлайсан! – деб бакираётганини эшитган аскарлар кулиб юришиди.

– Сиз ҳам мен ҳакимда шундай ўйларсиз? – деди Сурайё менга тикилиб, – билиб кўйинг; мен сенлардай солдафонларга кўлсочиқ бўлмайман. Сенлар ўзбек қизларини билмас экансанлар. Афғонистонда аёлларни зўрлашни ўргангандарингдан хабаримиз бор, аммо бу ишни бизларга қилолмайсанлар.

Коним бошга тепди:

– Сенга бирор тегадиган бўлса, мендан кўрадиганини кўради! – дедим титраб. Овозим ўзимга нотаниш туюлиб кетди. Ҳакиқатдан ҳам ўшанда Сурайё учун ҳар кандай қалтис ишга кодир эдим. Рангим гезариб кетган бўлса керак, Сурайё бетимга тикилганча бир зум анграйиб туриб, сўнг:

– Эҳ, сиз ҳам ўшалардаймисиз?! – деб эшик томон тисланди. Кейинчалик мен бир япон ёзувчининг: “Кўркув аёлни янада гўзаллаштиради” деган иборасини ўқиганимда Сурайёнинг ўша пайтдаги холатини эсладим. Мен у пайтлари умр бўйи Сурайёни кўмсаб яшашимни билмасдим.

У яқин келиб кўзларимга тикилиб:

– Куриб кетсан, командирингизга ҳам, Афоняга ҳам тега кўрманг, бекордан-бекорга камалиб кетасиз, – деб, кўлимни олиб, бетига босди-да, бармок учларини аста ўтиб чиққач, чукур тин олиб, деди:

– Энди боринг, хозир сизни ахтариб қолишиади.

Ботирга ҳам жон керак, деганларидай, анчайинда оғзидан оқ ит кириб, кора ит чиқадиган, оқ тоғни айириб, кора тоғни қайириб юрадиган

командиримиз ўша воеадан кейин жини қошиб олинган азайимхондай ювошланиб колди. Ҳаммасидан ҳам ажабланарлиси, у бирдан ичкиликни ташлади. Бунга ишониш кийин эди. Иккинчи ўзгариш – у ўзбек тилини ўрганишга кириши. Мураббий – Афоня. Бир қарасанг, икковлон апокчапок бўлиб, шугулланиб ўтиришган бўлади. Чамаси, сабокни тусланишдан бошлишган бўлса керак, командир: “Тешавой акамларга”, “Тешавой акамлардан”, “Тешавой акамлар билан” – деб устозига жўр бўлиб такрорлайди. Яна бир қарасанг, командир тил ўргатишга нўнок мураббийсининг етти отаси-ю, етмиш беш бобосининг бирортасини қолдирмай учиртириб ўрисча сўқаётган бўлади.

Ким нима деб маслаҳат берганини билмайман, командиримиз нима бўлса-да, ишни мураккаблаштирумаслик йўлини ўлади. Бунинг учун у госпитал ходимларининг кўнглини топиб, шу йўл билан Сурайёдан кечирим сўрамоқчи бўлса керак, жамоага дастурхон ёздишган бўлди. Дастурхон бўлгандаям, ойни осмонга бир бор чикариб, ўзбекларнинг йилда бир марта наврӯздагина пиширадиган “сумалак” деган тансик таомини пиширадиган бўлдик. Турсуной янга шундай маслаҳат берипти.

Сумалак қайнатишга бир ҳафта тайёргарлик кўрдик.

Командир мени ошхонага навбатчи этиб тайинлади. Бошқалар эмас, мен келганимдан Сурайё кувонди. У ўтган сафар “Сизга бир кизик кўрсатаман” деган ваъдасида туриб, қизғиши-яшил муковаси тўзғий бошлаган китобча келтирипти. уни бир кўрсатди-ю, қайтадан яшил ҳалатининг чўнтағига солиб олди. Қандай китоблигини сезмай қолдим. Қайта кўрсат, дегунимча ташқаридан Турсуной – тарвузнинг гурсиллаган оёқ товуши эшитилиб, Сурайё ташқарига лип этиб чиқиб кетди. Турсуной – тарвуз эшиқдан кира солиб, шанғиллаб:

- Айланай қайним, маъшуқанг сенга машина аварияси ҳақида гапи-раётувдими? – деди.
- Қандай авария? – дедим гапига тушунолмай.
- Айтмадими?
- Йўқ, айтмади.
- Айтмаса, айтади, – деди янгамиз. Юпқа лаблари сирли чимирилгандай бўлди.

Кечкурун Сурайё сўрамасам ҳам:

– Бизнинг баҳтимизни чилпарчин қилган ўша авария бўлди, – дея ҳангомасини бошлиди, – бир гал Тошмуҳаммад акамнинг “Волга”сида тоғдан равоч териб қайтдик. Хурсанд эдик. Рулга мен ўтирдим. У кишим, кўпинча машинасининг рулини менга берарди. Тоғдан тушаётганимизда тормоз ишдан чиқиб, пастликка қараб шувиллаб кетаётганимизни биламан. Кейин отам Тошмуҳаммад иккаламизни ёнаётган машинадан тортиб чиқараётганини тушда кўраётгандай бўлдим. Шифохонада хушимга келиб, мен нима бўлсан бўлдим, факат Тош акамлар соғ бўлсинлар, деб ётдим. Худо тилагимни берди, у кишим соғайиб кетдилар. Минг афсус, отам бечора бизни кутқараман деб баданининг ярми куйган экан, касалхонада кўз юмдилар. Мен эса, ярим бетимдан ажраб, шу кўйига тушгач: “Бу турким билан Тошмуҳаммад акадай йигитга муносиб эмасман. У кишим баҳтга муносиблар. Мен эса, Худо бошга солганини кўрарман!” – деб улар билан учрашмай кўйдим. Ёзган мактубларига ҳам жавоб ёзмадим. Ниҳоят онаси уни уйлантириди... Улар ёзган мактубларни умрим бўйи

сақлаб ўтаман. Бирорлар ўқиб, устимдан кулишмасин, деб ҳаммасини бир дафтарга кўчириб кўйибман. Унга йўлланмаган жавоб мактубларим ҳам ўша дафтарга кўчирилган. Уни бошимга кўйиб ётаман, ўлсан нариги дунёга кафанимга ўраб, ўзим билан қабрга олиб кетаман!

Ҳалиги китобчанинг сирини энди билгандайман. Унда нималар ёзилган экан? Буни жудаям билгим келарди. Сурайё менинг ниятимни уқкан шекилли, ковоғини уйиб:

– Кейин кўрсатарман, ҳозир буни кўришга бўлмайди! – деб чўрт кесди. Унинг феъли қўклам ҳавосидай ўзгарувчан эди. Бир онда кувнаб, бир зум ўтмай маъюсланади. Қизиги, бу феъли ўзига ярашарди. Сирли китобга кизикишим баттар кучайди. Унда нималар ёзилган экан, деган фикр мијдан кетмай кўйди.

Сумалак... Ҳалигача эсимда, беш-олти аскар йигит билан ошхонанинг бир бурчагида чанг босиб ётган дошқозонни ташқарига думалатиб олиб чиқдик. Сифими саксон литер экан. Турсунойнинг кўрсатмаси билан, бозордан ўттиз беш килограмм буғдой сотиб олиб, тош-кум, чўп-сомондан тозаладик. Сурайё ўша окшом тиш ёриб, гапирмай кўйди. Ошхонада икковимизгина эдик. Мен нимадир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлайман, у “га-пирма” деган маънода кўрсаткич бармогини лабига босади. Тозаланган буғдойни лаганларга солиб, салқин жойга кўйиб чиқдик. Буғдойнинг устига дамба-дам сув сепиб туриш керак экан.. Ичим пишиб кетди. “Нега индамайсан? Ёки ёнингда юрганим ёқмаяптими? Ёқмаса кетайин, Сурайё”, – дедим. “Ўтири”, – деди у яна имо билан. Шунда пайқабман, у ҳалидан бери шивирлаб, нималарнидир ўқиб ўтирган экан. Ниҳоят у кафтларини ёйиб, “Аллоҳу акбар!” деб бетини силади. Кейин билибман, коида бўйича наврўздаги сумалак устида “Ихлос” сурасини кирқ бора тақрор тиловат килиб, айтилган тилаклар Хизр бобонинг кулоғига чалинармиш. Сурайё менинг “Нима тилак тиладинг?” деган саволимга, “Яхши тилаклар-да” деб кўя колди. Нега экани кайдам, ўша окшом у икковимизга баҳт тилаб, дуо ўқигандай туюлган эди. Мен бунга ҳалигача ишонаман.

Бир хафтадан сўнг буғдой ниш уриб, ёрила бошлади. Буғдой куртаги бармоқ узунлигига етиши билан келига солиб, ёғоч келисоп билан пешингача туйдик. Шунда худди гўшт қиймалагичдан ўтгандай қуюқ модда пайдо бўлди. Ундан янги ўрилган майсанинг ҳиди анкирди. Дўкондан сотиб олиб келтирилган етмиш беш килограмм унни қозондаги суюклика солиб, арапаштира бошлаганимизда Сурайё оқ чит рўмолчанинг учидаги тугунни ечиб, ундан бедананинг тухумидай икки дона оппоқ тош олдида, уларни ҳамманинг кўз ўнгига “чўлп” этказиб қозонга ташлагач, менга ўғринча қараб, жилмайиб кўйди. Қозонга ўтни мен ёқдим. Сурайё кесилган ўрик шоҳларини ўчоқ бошига ташиб турди. Командиримиз ўтин чопиш учун ўрикзорни оралаб юрган эди, Сурайё кўлидан болтасини юлқиб олиб, ўзини боғдан кувиб чикарди.

– Дараҳтларнинг жони бор. Ҳозир ғўралаш пайтида болтани кўрса, мева туғиши ўрнига куриб, хосилдан колади. Манов алвости шуниям билмайди! – деди қизишиб.

Кечки соат тўққиздан бошлаб янаги кун, кундузги соат учгача қозонга олов ёқдик. Шу вақт оралиғида Сурайё икковимиз навбатма-навбат сумалакни тинмай ковлаб турдик. Кеча қозонга ташланган тошлар каптирга goҳида бирга, гоҳида алоҳида тегиб, шакиллаган овоз чикади. Тошлар

бирга текканида кувониб кетамиз, бўлак тегса, ранжиб қоламиз. Бу Сурайёнинг ўзи ўйлаб топган ирим. Сумалак ўн уч соат қайнагач, Турсуной таъмини татиб кўриб: “Каромат пишипти!”, – деди. Ўн уч соат мобайнида Сурайёнинг ёнида бўлдим. Сумалак мен учун сехрли куй бўлиб туюлди. Бу кўйдан энди завқлана бошлаганингда тугаб қолмай, давом этаверса экан, деган тилак айтиб ўтирасан. Мен ҳам сумалак кайнайверса экан, деб тилангандим. Йўқ, у кўкламнинг кўрайдин кечасида жуда қиска, қиска ҳам гапми, кўз очиб юмгунча, ҳатто киприк қоккунча бўлмай, ярқ этиб сўнган чақмоқ сингари бир лаҳзада пишса денг!

Қозон тагида қолган сакич бу ерларда “кўғирмоч” дея ўзгacha кадрланар экан. Одатда уни янги уйланган йигитларга беришаркан. Биз ўша куни қозон тагидан икки тоғора “кўғирмоч” кириб олдик. Турсуной янга қозоннинг тагидаги сакичга айланган кўғирмочни қоғозга ўраб менга берди-да, Сурайёга қараб қўзини қисиб қўйди.

Сумалагимиз барчага маъкул бўлди.

Шундай қилиб, кўрган тушдай бўлиб сумалакнинг қизиги ҳам ўтди-кетди. Энди Сурайёни кўриш орзуга айланди. Нима десак-да, ихтиёр ўзимизда бўлмаган аскар бўлгач, ошхонага қайта-қайта бориш мумкин эмас. Бормасликка эса тоқатим етмай, ўз-ўзим билан олишиб юрибман. Тушлиқда взводдан колиб, столда майиз еб ўтиргандим:

– Нима, қайлиқ ўйнагани борасизми? – деди Сурайё таом пишириш бўлмасидан чиқаётib. Одам қувончдан ўлмас экан, билъакс мен ўша ўтирган жойимда тил тортмай ўлган бўлардим.

– Қайлиқ ўйнагани? – дейман ҳовлиққандан тилим сўзга аранг келиб.
– У нима дегани?

– Қадимда Бухоро амири Олимхон ҳарамга кириш олдидан қора майиз еркан, – деб кулди Сурайё.

– ?

– Бугун навбатчиман. Кечкурун ошхонага келинг, – деди у овқат пишириш бўлмасига кираётib.

– Келаман, Сурайё!

– Кечки саккизда, кечикманг.

Буни каранг-ки, кўришга шунча вақт интиқ бўлган нарса мен кутгандай эмас, машҳур “Камастура“ бўлиб чиқди. Ўтган йили шу ерда даволанган танқчилардан бири тумбочкада унутиб қолдирган экан. Ким билсин, ўша номаълум танкчи бу китобни қайдан олган? Аскарларимиз Афғонистондан нималарни олиб чиқишилади, дерсиз. Умрида еб кўрмаган ноз-неъматдан тортиб, уй анжомлари-ю, кийим-бош, радио, телевизор, магнитофоннинг хилма-хиллари дейсизми...

Китоб инглиз тилида экан, хижжалаб ўқиб, тушунишга уриниб кўрдик.

– Тошмуҳаммад aka мана бу усулда кўшилишни ёқтиарди, менга эса бу усул умуман ёқмайди, худди бир-бирига жуфтлашиб қолган итларга ўхшайди. Унинг хотини ҳар куни мана шундай бука-сигирга ўхшаб қўшиламиз, дейдиган кўринади. Қутурган хотин-да, падарига лаънат. Тош aka ундан жирканадилар... Мановини каранг, манов суратни айтаман, менга мана шуниси ёқади. Ёкишининг боиси – мен учун эркакни хис қилиш камлик қиласи...

Ўнг кўлим аста кўтарилиб, унинг бўйнига осилди, кейин пастга сирғалиб, кўксига қандай бориб қолганини икковимиз ҳам билмаймиз.

Ўтдай қайнок лаблар бир-бирини қандай топганини ҳам билмаймиз. Биз бутун борлиқни унугтан эдик. Уни билишни ҳам истамасдик... Анорлари тошдай қаттиқ эди...

Оlam тўнкарилиб бораради.

Оlam ёниб бораради.

Китоб сирғалиб тушиб, оёқлар остида қолди.

– Ҳой қиз, онанга айтаман!

Турсунойнинг момақалдириқдай тўсатдан гумбурлаб эшитилган овози тепамиздан муздай сув куйиб юборилгандай сесканиб кетдик.

– Ҳеч нима бўлгани йўқ, келиной! – деди Сурайё этагини қоқиб, ўрнидан сапчиб турар экан. Мен ҳам камаримни чала боғлаганча, ўрнимдан сапчиб турдим. Сурилиб-кокилиб, эшиқдан чиқаётганимда казарма томонда барабан чалинди. Ҳар галгидай бу ердалигимни билган йигитларнинг ҳазили бўлса керак, деб ўйлагандим, Йўқ, командирнинг:

– Взво-о-од, сафлан! – деган хитоби эшитилди.

Ўпкамни кўлга олиб, казарма томон югура кетдим. Кўпдан кутган янги буйрук мана шундай кеч хуфтонни пойлаб келган, шекилли. Шундай килиб, бош-оёғи ўн беш дакикада йигилиб, бўғиниб, тутилиб йўлга чикиб кетдик.

* * *

Бувим айтгувчи эди: “Ундан бери замон ўзгарди, карагай учига чўртсан чиқди”, – деб. Ундан бери ўттиз беш йил қандай ўтди, десалар нима жавоб берар эдим? Ёш эдим, ҳаёт бунчалик бешафқат деб ўйламагандим.

Бир гал хизмат сафаридан келсам котиба қиз:

– Сизни кечадан бери бир ўзбек кампир сўроклади, – деди кошини кериб. Менинг ўзбекка нима даҳлим борлигига ақли етмай турипти.

– Яхши, чирофим. Кампир-сампир бўлмаса энди мен қиз-келинчакларга керак эмасман, – дейман ҳазиллашиб. Шундай дегунча бўлмай, телефон безиллаб кўя берди.

– Яна ўша кампир, нима дей, йўқлар дейми? – сўради котиба энсаси қотиб

– Ула! – деб ичкари кириб гўшакни олсан “Турсуной, десангиз билади, тарвуз, десангиз тушунади...” – дея шанғиллаган овоз эшитилди. Танидим. Бу ўша, Н. шаҳарчасидаги ошпаз Турсуной эди. Кўп ўтмай кабинетда олисадан келган янгамиз билан чой ичиб ўтиридик... Олмаотанинг мева бозорида савдо киладиган қизи билан куёвини кўришга келган экан. Уларни бозор полициячилари нари-бери кувиб, тириклилик қилдирмаётган кўринади.

– Қозогистонингиз полний беспредел! Бунчалик юзсиз бўлиб кетган одамларни биринчи кўришим. Қимиrlасанг пул сўрашади, бермасанг “Келган жойингга кувиб юбораман!” – деб кўрқитишиади, – дейди Турсуной янга.

– Унинг бир амалини топармиз, ғам еманг, Турсуной янга. Бошка нима янгилигингиз бор? – дейман кизиксиниб.

– Нима янгилик бўларди, шаҳарчамиз ўзгарган, жуда каттиқ ўсиб кетган. Мустақилликнинг шарофатидан, албатта. Президентимиз ҳақиқатдан ҳам аломат одам, барчаси ўша кишининг меҳнати. Газ тортилди, янги

бинолар кад кўтарди. Бугун ҳарбий Н. шаҳарчаси йўқ – Мустакиллик шаҳри бор. Танишларингиз сизга салом айтиб юбориши. Кимдан бошлиласам экан, масалан, ўзингиз билган Мамаёкуб – Афоня ҳалигача сантехник. У амакисининг Мухайё исмли қизига уйланган, Мамарасул кўр, Мамасоли кал, Мамашариф ланг деган уч ўғли бор, бири сўқир, бири кал, бири оқсок, ҳайтовур бутуни йўқ. Тўнғичи сизларнинг мева бозорда ўрик сотади. Шу ерда юриб бир қозок хотинга уйланипти. Мен унинг ёнида нозик ниҳолман. Ўзидан камида беш ёш катта. Буниси етмагандай, мешой қозокчаниям, ўзбекчаниям билмайди. Фақат ўрисча гапиради. Қачон кўрсанг, оғзидан чилими тушмайди, шўрлик бу паровоз хотинни кайдан топган, тавба. Сўқир отга – кўтирип от жуда мос тушипти. Қолган иккoviи Москвада – курилишда. Тошрасм дўстингиз бўлса бугун ўн беш нафар ўғилнинг отаси, хотини йил оралатиб гоҳ эгизак, гоҳ учтачак туғиб берган. Болаларининг бириям ўқимади. Бари отасига ўхшаб мактабни чала битказиб, тирикликка аралашиб кетиши. Ўзи нафакага чиқсаям, ҳалигача “красавчик” қолипида, “билмасам” деб эски водовозида касалхонага сув ташиб юрипти. Ҳеч нимага бошини оғритмайди. Госпитализм сил даволаш шифохонасига айланган. Йил сайн, баҳорда сумалак пиширамиз. Албатта, сизни эслаймиз...

Сурайёга навбат қачон келаркин, дея тоқатсизланиб ўтирганимни сезгандай Турсуной:

– Хабарингиз бўлса керак... – деб кўз остидан менга бир караб олди, – шундай килиб, сизлар кетган йили саврда тогдан равоч териб келаётган машина ағдарилиб, Сурайё бечора ҳам ўлиб кетди, – деб янга кафтлари билан бетини силади. Бу гапдан юрагим шигиллаб, ғалати бўлиб кетдим.

– Йўқ... Хабарим йўқ, – дедим тилим аранг айланиб.

– Раҳматли сиз билан хат ёзишиб турдим, дегувчи эди-ю, тавба... Эҳ, нималар деб алжиб кетдим, кечиринг, картайди деганлари шу эканда, адашвераман. Сурайё нариги дунёдан хат ёзармиди, демайсизми? Алжиз қолганман, аслида. Ҳали нима деётувдим? Ҳаёлпаст, жуда ғалати киз эди, сирини фақат менга айтарди. Биламан, кейин сизга ҳам айтди, у сизни севиб колганди.... Ўзича тўқиб, авария дейверарди... Гапига фаришта омин, деганми, худди ўзи тўқигандайин тоғдан равоч териб қайтишаётганида аварияга учраб, нобуд бўлса, денг. Кечирасиз, нималар деётгандим? Ҳа, мархумани ўз кўлим билан ювиб, покизаладим. Албатта, ҳаммаси Яратганинг кўлида, деган билан жони жаннатда, деб ўйлайман. Боиси, киз бўлиб туғилиб, киз бўлиб дунёдан кетди, раҳматли. Унинг бокиралигини билардим, буни кейин шифокор ҳам тасдиклади.

Кўз олдим қоронгулашиб кетди.

Турсуной янга яна нималар дегани ёдимда йўқ. Мехмонни кузатгач, шифохонага жўнадим. Шифокорларимиз бошка касалларга диагноз қўйишида янглишишлари мумкин, бирок менинг касалимга келганда янглишган эмас. Кон босим хуружи! Жонлантириш палатасида илк тунаган куним Сурайё тушимга кирса керак, деб ўйлагандим, аммо ўша қўрқинчли тушни яна кўрибман. Масжид мезанасидан кулаб тушган музазин бизларни казармани чир айлантириб кувиб юрган эмиш...



SHE'RIYAT MINTAQALARI



Иван ФРАНКО

(1856–1916)

Украин тилидан
Сироэсиддин РАУФ
таржимаси

СОХИБЖАМОЛ ҚИЗГИНА

Соҳибжамол қизгина, қадду қомат қурчгина,
Нечун қалбингда бунча араз ҳамда ўч, гина?
Лабларинг мисли ғунча – дуога чөгланганми,
Сўзларинг тийги ханжар – жазога чөгланганми?
Ҳигоҳингда акс этган нозу карашма, ҳайҳот,
Юрагимга ўт қалаб, айлагай гулхан бунёд.

Тундан-да қаро бу кўз, эй оғатижон нарғиз,
Уни бир кўрган киши офтобни демас ҳарғиз!
Кулгуларинг жсон ўртар, эркала бунон ўртар,
Бу қандай жоду айтгин, бағримда бўрон ўртар?
Сарвқомат дилбарим, кундан ёргу наҳорим,
Қувончим ўзингдирсан, ўзинг менинг озорим!

Соҳибжамол қизгина, қадду қомат қурчгина,
Нечун қалбингда бунча араз ҳамда ўч, гина?
Сени кўрган онимда иўқотаман сўзимни,
Сенсиз қандай яшайман, унутаман ўзимни?
Қувончим ўзингдирсан, ўзинг менинг озорим,
Сарвқомат дилбарим, кундан ёргу наҳорим!

* * *

Сен, фақатгина сен – истагим ёлғиз,
Сен билан яйрамоқ бўлмади раво.
Қонни огулаган қайгумсан илкис,
Қўксимни чок этган – сен ўша рўё.

Илҳом онларида тушдай бир садо,
Унга муносиб сўз топмадим, афсус.
Сен шараф манбаи, мен-чи, жонфидо,
Иймоним йўлимни ёритган фонус.

Сүнгап эхтиросдек, умид ордона,
Мен айтмаган құшиқ, ният мардона,
Барчаси улугвор қалбимда менинг,
Танимни илитиб, ёндирған олов,
Маҳв этиб, азбдан халос этған ёў –
Мамотдек, ҳаётим, севаман сени.

БОҚИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДА АФСОНА

1

Дунёни забт этиб буюк Искандар,
Бобилда илоҳдек яшар музaffer.

Зоҳид-чи, бир умр чўлу саҳрода
Тангрига сигинди – бўлди тақвода.

Зулматни қувгандек қуёш бир зумда,
Тун чоги кўринди ногоҳ маъбуда.

Яқинлашиб деди: “Эй, содиқ бандам,
Тила тилагингни, берайин шу дам!”

Зоҳид деди: “Ҳаёт, гарчи, қайгули,
Лекин етмасайди ажалнинг қўли”.

Маъбуда дер: “Аён ниятинг мутлоқ,
У ҳолда бу сенга, олтинранг ёнгоқ.

Бир кечча ухламай ва сукут сақлаб,
Ёнгоқни чақасан ақлинингни чархлаб.

Магзин еб, пўчогин отасан ўтга,
Шунда эришасан боқий ҳаётга”

2

Кун бўйи сукутда, тун бўйи бедор –
Зоҳид улуг ишига бўлди талабгор.

Хушибўй оғочларни ёқа бошлиди,
Ҳатто исириқдан мўл-кўл ташлади.

Тақдирлар тангридан этилган ато –
Ақлни пешлайди: қўлмай деб хато.

Қалбини ўртади ногаҳон ҳадик:
“Нега керак менга ўзи мангулик?”

*Кураш оламига қайтиши учунми?
Мангу яшамоқлик?.. Шу куним күнми!*

*Маъбуда, афв этгил, гуноҳ қилдим мен!
Нематинг соҳибин энди билдим мен.*

*Навқирон шоҳумиз мисоли маъбуд,
Камини бу неъмат янга айлар бут.*

*Милёнлар учун нур, офтоб эрур у,
Милёнлар баҳтига яшасин мангу”.*

3

*Дунёни забт этган буюк Искандар,
Бир сулув ишқида қулдек мунгаяр.*

*Рахиона – сугд қизи¹ гўзал, бетакрор,
Шу чирой боиси юракда шарор.*

*Магрур қиз кўксига қўяр экан бош,
Оғушида эрир, беролмас бардош.*

*Лекин ўтмасидан бирор дақиқа,
Қиз қалбин чулгайди гаюр таҳлика.*

*Ишқу эҳтиросдан намли кўзида,
Чақнайди ёвуз ўт шу вақт ўзида.*

*Лабидан учади даҳшатли истик –
Ёнгин, ўлим, гамга эгизак.*

*Шоҳ ҳам садоқатдан бутқул тонади:
Персеполис ёнди! Суза ёнади!*

*Клитни ўлдирди! Бу ишқ саробми?..
Кундан кун кучаяр дўзах азоби.*

4

*Маъбудга ёлворди буюк Искандар:
“Вайрон қил, дунёдан қолмасин асар!*

*Ёхуд изтиробим айлагил осон,
Билайин, у ёрми ва ёки илон?*

*Бунча кўп тусланар, айтакол янга,
Қалбининг соҳиби менми ягона?».*

¹ Муаллиф “Форс қизи” деб атаган. Таржимада бу далил тарихий ҳақиқатга мослаштирилди – таржимон.

Зоҳид пайдо бўлиб қошида шу зум,
Заминнинг шоҳига айлади таъзим.

“Ғанимлар даф бўлсин, шоҳим, йўлингдан!
Туҳфа қабул айла содик қуллингдан.

Нотисанд қарама! Шу митти ёнгоқ –
Маъбуда инъоми! Furур ё гуноҳ”.

Сўнгра изоҳ берди, қайдан бу ҳосил,
Маъбуда шартларин айтди батрафсил.

“Милёнлар баҳтига офтобман десанг,
Мангу ёш бўласан, ёнгоқни есанг”.

5

“Боқийлик манбаи – Ҳақдан иноят!”
Шоҳ ўзин қудратли ҳис этди гоят.

“Мен мангу яшайман ўқтам, навқирон!
Ёрим-чи? Гул каби сўларми нолон?”

Усиз ҳаёт нечун? Нимадир жсаннат?
Йўқ, ийк, ўлим афзал! Тириклик – даҳшат!”

Шоҳ караҳт югурди Раҳшона томон:
“Гулим, мангу яшина, сенга бу инъом!”

Сўнгра айтиб берди, қайдан бу ҳосил,
Маъбуда шартларин айтди батрафсил.

“Қуёшим, сен мени севсанг чинакам,
Шу магиз кифоя иккимизга ҳам.

Йўқса... – тутилар шоҳ. – Ўзинг, майли, бил!
Мана сенга ёнгоқ! Нима қиссанг, қил!”

Қизарди қиз бирдан қон тепиб юзга,
Искандар шаҳд билан қайрилди изга.

6

Раҳшона, гўзал қиз, нени ўйларсан?
Шоҳ билан мангулик томон бўйларсан?

Йўқ! Уни куйидирган алам ўзгадир!
Қалбида илоҳ ҳам, шоҳ ҳам ўзгадир.

Азиз деб кўз тиккан, куну тун демай,
Довруэли саркарда, у – Птолемей.

Гарчи йигит севмас, интилмас зинҳор,
Киз эса жонини беришга тайёр.

“Мангу яшамоқлиқ... ёрсиз? Асло йўқ!
У боқий яшаса – кўнглим бўлар тўйк!

Сирли ёнгоқ билан қалбин забт этай!
Бўлмаса, на илож, дунёдан ўтай”.

Саркардага уни элтди ўша он,
Ва барча шартларни айлади баён.

Оқиом чўкканида қайта қолди қиз,
Искандар майига заҳар солди қиз.

7

Шоҳ оғриқ зўридан оҳ-фарёд урап,
Рахиона бепарво, жимгина турап.

Кўпни кўрган табиб ночор боши силкир,
Саройни чулгайди тундай хавотир.

Даҳшатли туш янглиғ тарқалар хабар,
Салтанат қайгуда, хўрсинар шаҳар.

Куртизанка¹ ялтир-юлтири либосда,
Шу пайт кириб келар хонаи хосга.

“Кўпнинг баҳти учун яши беадоқ!
Шоҳим, мендан ҳадя бу сирли ёнгоқ!

Маъбуда инъоми – есанг магзини,
Мангу ёш бўласан – айтдим сўзини”.

Искандар даргазаб: “Қақшагин, бадбахт!
Кимдан олдинг буни? Тўгрисини айт!”.

Киз кўрқмай гатирди, ҳоли бўлмай танг:
“Уни менга берди сенинг саркарданг”.

8

Искандар ётаркан оғриққа чидағ,
Мўъжиза ёнгоқни турап чанглалаб.

¹ Куртизанка – ўқимишли, кўпгина санъат турларидан боҳабар, зодагонларнинг кўнглини овлаб юрадиган аёл.

“Абадий яшамоқ, севмоқ севилемоқ!
Хаёт эса жангидир! Мұхаббат – алдоқ!”

Курашиб яшамоқ алдов түрида!
Күнү түн! Күнү түн! Азоб қўрида!

Маъбуда, тұхфандың құлмасман ҳавас!
Мен шоҳман дүнёга, қалбимға әмас!

Миләнлаб одамни ўлдириши осон,
Мажбурлаб сүйдириши – буниси гумон!

Абадий яшамоқ! Ҳазил-мазах-ку!
Шу ёңгоқ баҳт тұхфа этарми мангу?

Баҳтсиз, яна ишонч, севгисиз, ҳайҳот,
Мангу яшаши – ўтда ёңмоқ умрбод!

Йүқ, маъбуда! Қайтариб ол тұхфани!
Күтқар, ийқса, дүзах күтмөқда мани!”

9

Тұшакда ўртаниб оғриқдан подио,
Ёңгоқни күзига қылды түтиё,

Сүңг хушбүй ўтынлар чарсылаб турған
Гүлханга неъматни ташлади бирдан.

Гүёки оғриқлар пасайди, тинди,
Қайнаган қонига салқинлик инди.

Ақли тиниқлашди, кетди хомхаёл
Ва тунда жонига етишиди завол.

ХАЛҚ ДАРДИДА ЁНГАН АДИБ

Украин адабиёти тарихида ўчмас из қолдирған Иван Франко 1856 йилнинг 15 августида, Фарбий Украинанинг Галициясидаги Нагуевич кишлоғида, темирчи оиласида туғилған. Башланғич маълумот олгач, Дрогобисдаги билим юрти, сүнгра гимназияда таълим олади. Гимназияда ўқиб юрган вақтдағы ижод қыла бошлған И.Франко ўн саккиз ёшида адабиёт майдонига кириб келған. Илк шеъри “Дүст” журналида чоп этилған бўлса, биринчи шеърий тўплами 1876 йили дунё юзини кўрди. Кейинчалик И.Франко – серкірра ижодкор сифатида украин адабиёти тарихида ўчмас из қолдирди. Украин адабиётини беш мингдан ортиқ асарлари билан бойитған адебиининг асосий мақсади халқининг маънавий

дунёсдин юксалтириш, маърифатли килиш эди. “Мен бутун фаолиятимда на шоир, на олим, на публицист бўлишини эмас, аввало, инсон бўлишини истагандим”, дега ёзган Иван Франко халқ фарзанди сифатида умрини ватан маърифатини юксалтиришга багишлади. Унинг кўплаб адабий жанрларда қалам тебратиб, ўнлаб тиллардан (инглиз, француз, испан, немис, поляк, юонон, чех, лотин ва бошқа) таржималар килиши шу мақсадга йўналтирилган эди.

1875 йили Львов университетига кирган И.Франко халқ оғзаки ижоди, адабиёт тарихи, жаҳон адабиётини қунт билан ўргана бошлади. Аммо 1877 йили сиёсий карашлари учун хибсга олинади. Кейинчалик ҳам бир неча марта қамалган И.Франко шунча машаққатларга қарамасдан, Черновицскдаги университетни тугатишга муваффақ бўлади. Венага бориб докторлик диссертациясини ҳам ёклайди.

Иван Франко украин драматургиясининг ривожланишига улкан хисса кўшган ижодкордир. Унинг “Ўғирланган баҳт” драмаси айникса машхур бўлган. Адабиётшунос М.Пархоменко Иван Франко драматургияси ҳакида, адабнинг ўн жилдлик асарларига битган сўзбошисида шундай ёзганди: “Франко драматургиясининг энг кучли томони қаҳрамонлари руҳиятини теран очиб бериш, мукаддас инсоний туйғу ва кечинмаларини, қалб драматизмини ёрқин бадиий бўёкларда тасвирлаб кўрсата билишидадир” (Иван Франко. Сочинения в десяти томах. Том 1. Москва 1956. Ст. 45).

Иван Франко “Бизнинг театр”, “Украин театр”, “Галицияда украин театр” мақолаларида театр турмушнинг ранг-баранглигини, халқнинг ҳаётини юксак тасвирлаб беришини уқтирганди.

Ёзувчи ҳаётда ўзи кўрганларини, учратганларини, эшитганларини асарларида акс эттириш учун тинимсиз меҳнат килди. Ёзмокчи бўлган хикояларини хаёлида обдон пишириб, кейин қофозга тўқди. Баъзи хикоялари бир зарбда ёзилган бўлса, баъзиларини йиллаб ёзди. Бу ҳақда адаб шундай ёзди: “Мен акс эттироқчи бўлган воқеага мос оҳанг, айтиш услубини топмагунча ўйлаб юардим. Баъзида бу жуда секин кечарди. Ҳикояга мос оҳанг тополмасам ташлаб кўйиб, кейин кайтардим. Айрим хикояларимни ёзишга уч йил вакт кетган”. Ёзувчининг бу эътирофлари адаб ижодий лабораториясини ўрганиш, ҳар бир асар устида қанчалар меҳнат килганини кўрсатади.

Иван Франко украин ижодкорларидан Тарас Шевченко анъаналарини давом эттиришга кўпроқ эътибор қилса, насрда Л.Толстой, И.Тургенев прозасидан таъсирланди, сатирада С.Шчедринни устоз билди. Жаҳон адабиётининг намояндаси Э.Золя ижоди эстетик карашларининг шаклланишида бир мактаб бўлди.

“Мен ўз-ўзимга йўл излаб, турли оҳанг ва услубларни кўллаб кўрдим. Мақсадим асаримнинг мазмуни, қалби менинг қалбимнинг бир парчаси бўлсин”.

Иван Франконинг асарлари ўтган асрнинг 30-йилларида ёзбек тилига ўғирилган. Чўлпон адабнинг “Феруза”, “Миллион” хикояларини рус тилидан ўзбек тилига таржима килган. Ҳар икки хикоя ҳажм жиҳатдан катта бўлгани учунми, алоҳида китоб ҳолида ҳам нашр килинган. Чўлпоннинг таржималарини нашрга тайёрлаб, “Жаҳон адабиёти” журналининг 2014 йилнинг 8-9 сонларида “Феруза” хикоясини, 2016 йил январь сонида “Мил-

лион” ҳикояларини чоп қилдирган профессор Наим Каримов Чўлпон ва Иван Франко ижодидаги муштаракликлар ҳакида шундай ёзади: “Бу ғоя (озодлик, эрк ғояси – А.А.) куни кечча чор амалдорлари, кейин эса большевиклар зулми остида эзилган ва эзилаётган ўзбек халкининг жон-дили бўлган Чўлпонга, айниқса, яқин эди. У И.Франконинг “Феруза”, “Милион” ҳикояларидаги қаҳрамонлар ва уларнинг фожиали тақдирни билан “Новвой киз”, “Қор қўйнида лола” сингари ҳикояларидаги ва кейинчалик ёзажак “Кечча” романидаги қаҳрамонлар тақдирни ўргасида муштарак жиҳатларнинг йўқ эмаслигини кўрди”. (“Жаҳон адабиёти” 2016 йил № 1. 54-бет). Чўлпондек ижодкор Иван Франко асарларига мурожаат қилиб, таржимага кўл урган экан, бунинг ўзи Иван Франконинг ёзувчи сифатидаги эътиборини кўрсатса, иккинчидан, бу ҳикояларни “Таржима тилида айтилган ҳакикатлар” дейиши мумкин. Карамликда турмуш кечираётган халкини озод кўриш ғояси Чўлпон руҳиятига яқин эди.

Иван Франконинг “Захар Бургут” кисаси 1956 йили моҳир таржимон Мирзакалон Исмоилий таржимасида нашр этилади. Ёзувчининг ижодида алоҳида аҳамиятга эга бу кисса, бадиий жиҳатдан юксак савиядалиги, озодлик ғоясининг тараннум этилганлиги билан ажralиб туради. Асарда Тухля водийсидаги озод жамоанинг ўз эркини саклаб қолиши учун мўғул босқинчиларига қарши мардонавор кураши жуда марокли тасвирланган. Захар Бургут ва ўғли Максим, Мирослава, Тугар Бўри образлари маҳоратла чизилган. Земемен тоғи бағрида яшовчи тухлияниклар эркин яшашни ҳеч нимага алмаштирумайдилар, бу йўлда жон фидо қилишга тайёр. Бош қаҳрамон Захар Бургутнинг:

– Инсон ҳаётининг киймати то у бошқаларга ёрдам беришдан тўхтагунча давом этади, – дер эди. – Одам деган ҳеч қандай фойда келтиролмай, бошқаларга юк бўлиб колдими – тамом, энди у одамликдан чиқди, энди у бошқаларга халал беради, яшашининг ҳам ҳожати колмайди. Бирдамас бирда бирорларга юк бўлишдан, ҳакким бўлса ҳам, шафқат тарикасида берилган нонни ейишдан худонинг ўзи асрасин мени! – деган сўzlари, ёки ўғли Максимнинг:

– Кишанда ҳам мен ҳур инсонман. Кишан менинг кўлимда, сенинг эса юрагингда, – дея бояр Тугар Бўрига айтганлари ёзувчи ғоясининг мағзидир. Ёзувчининг миллат эрки ҳакидаги карашлари асар зимнига сингдирилган. Бояр Тугар Бўрининг мўғулларга соткинлиги қанчалар жирканч бўлса, Захар Бургутнинг юргарварлиги шунчалар олижанобдир.

Иван Франконинг яна бир китоби – “Кушандалар” ҳикоялар тўплами 1976 йили Ғулом Исмоилов таржимасида чоп этилди. Тўплам 1982 йили яна қайта нашр қилинади. Икки нашрни қиёслаш асносида таржималар нашрдан нашрга такомиллашгани сезилади. Масалан, биринчи нашрдаги “Пўстин воқеаси” ҳикояси “Пўстин тарихи”, “Каттикўл бошлиқ” ҳикояси номи “Ўта каттикўл бошлиқ” номига ўзгартирилган. Иван Франконинг “Ҳайвонлар бюджети”, “Чўчкалар конституцияси”, “Софирк” каби ҳикоялари сатирик ҳикоячиликнинг энг яхши намунасидир.

Иван Франко Украин шеърияти тарихида ҳам ўз ўрнига эга шоир эди. “Юксалишда ва тубанликда”, “Қайгули кунлар”, “Хазон бўл, япроқ” шеърлар тўплами XIX аср охири XX аср бошидаги украин шеъриятида воқеа бўлганди.

Иқтидорли шоирларимиз Сирожиддин Рауф, Зикрилла Неъмат, Ди-лором Абдураҳмоновалар Иван Франко шеърларидан янги таржималар қилиб, ўзбек китобхонига тұхфа этдилар.

Сирожиддин Рауф таржимасидаги эътиборингизга ҳавола этилаётган шеърларда таржимон шакл – бўғинлар сони жиҳатдан аслиятдан бироз узоклашса-да, шеър руҳини сақлаб қолган. Масалан:

*Oй, ты дивчина, ясная зоря,
Ты – моя радости, ты – мое горе!*

Таржимаси:

*Сарвқомат дилбарим, кундан ёргу наҳорим,
Кувончим ўзингдирсан, ўзинг менинг озорим.*

“Сарвқомат” сўзи аслиятда бўлмаса-да, таржимон китобхонига кизнинг малоҳатини янада яққолроқ намоён этиш учун шарқона қиёсни келтиради. Сарв (кипарис) Фарб шеъриятида ҳам ёрнинг коматини тас-вирилашда қиёслангани учун оригиналга путур етмаган. Иван Франконинг “Боқий ҳаёт ҳакида афсона” (“Легенда про вічне життя”) поэмаси Искандар Мақдуний ҳакидаги афсонага асосланган бўлиб, шоир ҳаёт ва ўлим, муҳабbat ва нафрат ҳакидаги мулоҳазаларини сингдириб юборган.

Таржимада поэманинг қофияланиш тарзи, руҳи сақланиб қолинган.

Иван Франко асарларининг ўзбек тилига килинган ilk таржималаридан тортиб, энг янгиларигача (савиясьидан қатын назар) адид ижодига бўлган доимий қизикишнинг ҳосиласи деб қарасак тўғри бўлади. Иван Франконинг асарлари ўзбек тилига қайта-қайта таржима қилиниб, нашр этилиши халқимиз маънавий бойлигига кўшилган муҳим ҳиссадир.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
филология фанлари номзоди, доцент



Руҳи китобхонига бўлсан шеърларни кўзи ташлаш, кўнишларни унга сизимга келиштирушни шундай яхши мисоллар санни бўлди. Адъамбек Алимбеков ишлаб чирадиган таржималари менинг ахабаридаги таржималарни ташлайдиганда сизимга келиштирушни шундай яхши мисоллар санни бўлди. Адъамбек Алимбеков ишлаб чирадиган таржималари менинг ахабаридаги таржималарни ташлайдиганда сизимга келиштирушни шундай яхши мисоллар санни бўлди. Адъамбек Алимбеков ишлаб чирадиган таржималари менинг ахабаридаги таржималарни ташлайдиганда сизимга келиштирушни шундай яхши мисоллар санни бўлди. Адъамбек Алимбеков ишлаб чирадиган таржималари менинг ахабаридаги таржималарни ташлайдиганда сизимга келиштирушни шундай яхши мисоллар санни бўлди. Адъамбек Алимбеков ишлаб чирадиган таржималари менинг ахабаридаги таржималарни ташлайдиганда сизимга келиштирушни шундай яхши мисоллар санни бўлди.



SHARQ TAFAKKURI DURDONALARI

Азизиддин НАСАФИЙ

КОМИЛ ИНСОН КИТОБИ¹

Форс тилидан

Нажмиддин КОМИЛОВ,
Олимжон ДАВЛАТОВ таржимаси

ОЛТИНЧИ РИСОЛА

ХИЛВАТ ОДОБИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн, вал-ъақибату лил-муттакийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёҳи ва авлиёҳи хойру ҳолқихи, ва ъала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тойибийн ат-тоҳирийн.

Аммо байд, заифларнинг энг заифи ва факирларнинг ходими, камина – Азизиддин Мұхаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада күпайтирсин – чилла шартлари, зикр тушиш одблари, тасаввуф ахли уружи ҳақида бир рисола тартиб бериб, унда чиллада ўтирган пайтда нима емоқ керак, қанча ейиш керак, нимани зикр кильмок керак, қандай зикр тушиш кераклиги ҳақида маълумот беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул килдим ҳамда хато ва гурмоҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, факат У нимагаки, ис-таса Кодир эрур ва сўраганларни изжобат қилишга муқтадир. Бу рисолани “Хилват одоби” деб номладим. Ва ма тавфикий илла биллахи алайҳи таваккалту ва илайҳи унийб.

Аллоҳнинг сўзи: (Бунга) муваффақ қилиш эса, Аллоҳнинг ихтиёридадир. Унга таваккул этдим ва Унга инобат килдим (ихтиёrimни топширдим)².

Биринчи фасл

ТОАТ ВА МАЪСИЯТ (ГУНОҲ) БАЁНИДА

Билгилки, тасаввуф ахли уч нарсага жуда қаттиқ эътибор берадилар: биринчиси – жазба, иккинчиси – сулук, учинчиси – уруж. Жазба қашиш (тортиш, жазб этиш)дан иборат, сулук кўшиш (саъй-харакат)дан, уруж – баҳшиш (тортиқ этиш)дан иборат. Қимки бу уч нарсани эгалласа, шайх ва рахнамодир, қимки бу уч нарсани эгалламаса, ёки бу учтадан биттаси унда бўлмаса, шайхлик ва пешволик ишига ярамас.

¹ Давоми. Бошлиниши аввалги сонларда.

² Ҳуд, 88-оят.

Эй дарвеш! Инсонийликнинг биринчи мақомидан сўнгги мақомигача ўн мақом бордир. Ҳар мақомда жазба, сулук ва уружи бордир. Аммо ҳар бир мақомнинг жазбаси бошқадир, ҳар бир мақомнинг сулуки бошқадир, ҳар бир мақомнинг уружи ўзгадир. Ҳар бир мақомнинг тоат ва маъсияти (гуноҳ, ёзук)и ҳам бошқадир. Тоат ва маъсиятни танимок, яхши-ёмонни ажратса билмок улуғ ишдир. Шу сабабдан айтмишларким, мурид бирор ишда ўз шайхига инкор ва эътиroz қилмасин. Чунки, мурид ҳар бир мақомнинг тоат ва гуноҳлари нима эканлигини билмайди. Кўп нарсалар бир мақомда тоатдир, аммо ўша нарса юқорироқ мақомда гуноҳдир – ҳасанотул-абори саййиотил-мукаррабийн (аборларнинг эзгу амаллари – мукарраб бандалар учун гуноҳдир). Кўп нарсалар бир мақомда гуноҳ ҳисобланади, аммо ундан юқорироқ мақомда ўша нарсанинг ўзи айни ибодатдир. Масалан, имон келтиришдан олдин – илм мақомига эришмоқдан бурун – жоҳил кишининг ейиши, ҳам, юриш-туриши ҳам, ҳатто ухлашлари ҳам факат гуноҳ кўпайтирувчи амаллардандир. Имон келтирганидан сўнг, яъни илм мақомига эришмоқдан кейин олим кишининг ейиши ҳам, ухлашлари ҳам, ҳатто шаҳватини қондириши ҳам тоат сирасига киради.

Бунинг мартабалари бор, яъни солик шундай бир жойга етишадики, Аллоҳ таоло унинг кўзи ва қулогига айланар, унинг кўли ва тилига дўнар. Токи нимаики айтган бўлса, Ҳақ айтгани, нимаики амал килган бўлса, Ҳақ килгани бўлур. Ҳеч ким унинг гап-сўзи ё қилмишига эътиroz этолмас. Мусо ва Хизр алайхимоссаломнинг хикояти бундан хабар берур. Аллоҳ таоло эзгу амалларни ёмон ишларга ва ёмон ишларни эзгу амалларга табдил этар. Бу икки ишни соликнинг иззати ва нияти жиҳатидан амалга оширап.

Иккинчи фасл

ЧИЛЛА ЎТИРИШ ШАРТЛАРИ БАЁНИДА

Билгилки, биринчи шарт – шайхнинг ҳозирлигидир. Фақат шайх ижозат бергандагина чилла ўтириши мумкин. Чилла ўтирган пайтларида шайх ҳам ҳозир бўлиши керак. Шайх ҳар хафта ё ҳар ўн кунда унинг хилватхонасига кириб холидан хабар олиши керак, ўшанда мурид шайхнинг дийдоридан янада кувват олади ва мужоҳадада сабр кила олади. Агар бирор мушкуллик туғилган бўлса, шайхдан сўрайди.

Иккинчи шарт – замон ва макондир. Яъни ҳаво жуда иссик ҳам, қаттиқ қаҳратон ҳам бўлмаслиги керак, мўътадил ҳаво бўлгани яхши. Чилла ўтирадиган жой одамлардан узокроқ жойда бўлиши керак, одамларнинг овози ҳам уни чалғитмасин, зикр тушганда унинг овози ҳам одамларни безовта қилмасин. Чиллахона ортиқча нарсаларсиз ва қоронғи бўлсин. Чилла давомида мурид олдига шайх ва ходимдан бошқа ҳеч ким кирмасин. Учинчи шарт – ҳамиша таҳоратда юрсин. Ҳар бир намозда таҳоратини янгилаб, таҳорат олгандан сўнг икки ракъат таҳорат шукронаси намозини бажо келтирсин.

Тўртингчи шарт – рўзадир. Қирқ кун сурункасига рўза тутмоғи керак. Бешинчи шарт – кам емоқдир. Оғиз очгандан кейин қанча ейиши ҳар кимга ҳар хилдир. Шунинг учун мурид қанча ейиши лозимлигини шайх ўзи белгилайди.

Олтинчи шарт – оз сўзламоқдир. Бу кирк кунда шайх ва ходимдан бошқа ҳеч ким билан сўзлашмаслиги керак.

Еттинчи шарт – кам ухламоқдир. Мурид чилла пайтида кечаси икки донг (тахминан тўрт соат)дан ортиқ ухламаслиги керак.

Саккизинчи шарт – хотирни танимоқдир. Хотир тўрт кисмдан иборат – раҳмоний хотир, малакий хотир, нафсоний хотир ва шайтоний хотир. Буларнинг ҳар бирининг хос аломатлари бордир.

Тўққизинчи шарт – барча хотирларни нафй – инкор этишдир. Бу кирк кеча-кундузда хотирига нимаики тушса, уни инкор этсин ва уни умуман ўйламасин. Раҳмоний хотирни шайтоний хотирдан ажратадиган хотиршунос бўлиб, кўнглига келган фикр раҳмоний бўлиши эҳтимоли бўлса ҳамки, инкор этиши лозим. Чунки у шайх амри билан иш тутмоғи керак. Шайхнинг амри ҳеч шубҳасиз раҳмонийдир. Агар бирор нарса хотирига тушса, ёки туш ё рўёда унга бирор нарса кўринса ва хаёлини банд килса, ёки ечимини тополмаса, шайхдан сўраши керак, ўшанда шайх бу ҳолатга шарҳ бераб, унинг хотирини паришон бўлишига йўл қўймайди.

Ўнинчи шарт – доимий зикрга тушишдир. Беш маҳал намозни ўз вактида ўқигандан сўнг факат “Лаилаха иллаллоҳ” зикрига машғул бўлсин. Зикрни баланд овозда қилсин ва бошқа ҳеч қандай ишга шуғулланмасин. Ҳамиша хузур топишга харакат қилсин. Зикр тушишда нафй ва исбот қилаётганини билиб турсин (мосиваллоҳнинг инкори ва Аллоҳнинг исботи). Соликнинг ҳам мартабалари бор. Энди зикрга тушган соликнинг зикрдаги нафй ва исботи билан зикр тушишнинг охирига етган зокирнинг нафй ва исботи баробар эмас.

Учинчи фасл

ЗИКР ТУШИШ ОДОБИ ҲАҚИДА

Билгилки, чақалоқ учун она сути қандай керак бўлса, зикр солик учун шунча керакдир. Солик зикрни шайхдан талқин йўли билан ўрганмоги керак. Талқин даражатни пайвандлашга ўхшар. Зокир зикр тушишдан олдин дастлаб таҳоратини янгилаб олсин. Сўнг икки ракъят таҳорат шукронаси намозини бажо келтирсин. Сўнг қиблага караб ўтириб зикрни бошласин. Баъзилар зикрга тушишда қийналмаслик учун чордана куриб ўтириш керак, деб хисобласалар, айримлар одоб сақлаш учун намозда ўтирган каби чўкка ўтириш керак, деб айтганлар. Бизнинг шайхимиз чордана куриб ўтиради. Муридлари ҳам чордана куриб ўтиришарди. Зикрга тушиш пайтида кўзлар юмуқ бўлсин, дастлабки йиллар баланд овозда зикрга тушсин. Зикр тилдан дилга кўчгандан кейин, дилда зикр айтсан, паст овозда зикрга тушса ҳам бўлур. Зикр узок муддатдан кейин сийратга кўчар, дилда жойлашгандан сўнг дил зокир бўлур. Айтилгандек, зикр айтишда хозир ва огоҳ бўлишига жаҳд қилсин, ўз илми ва мақоми даражасида нафй ва исбот қилсин; зикрлардан “Лаилаха иллаллоҳ” зикрини ихтиёр этсин. Ҳар “Иллаллоҳ” деганда “Илло” сўзидағи алифни чап томонда жойлашган музғага урсин. Музға дард топар. Шундай қилиб айтганда дастлабки кунларда овози бўғилиб қолар, ва музғаси оғрири. Аммо бир неча кун ўтгач, овози очилиб, музғанинг дарди ҳам йўқ бўлиб қолар. Агар бир кеча-кундуз баланд овозда зикрга тушса-ю, овози бўғилмай, музғаси

хам оғримаса, бу зикр ичга кўчиб, дил ҳам зикрга тушаётганининг аломатидир. Зокир бўлган дарвешлар олдида агар бирор киши бир нафасда “Ла илаха иллаллоҳ” деса, у зикр аҳлиданми-йўқми, қалби зокир бўлганми-йўқми, ўша заҳоти билиб оладилар. Бундай зикрга тушишликнинг хосияти кўпдир, буларни ҳаммасини ёзib бўлмайди. Буни йиллаб зикрга тушган кишигина билур. Мубтадий (энди бошловчи)лар бу сўзларни имон юзасидан қабул этсинлар ва ишга киришсинглар, окибат бир кун бу ҳол уларга ҳам маълум бўлғусидир.

Тўртинчи фасл

ТАСАВВУФ АҲЛИНИНГ УРУЖИ БАЁНИДА

Билгилки, валийлар ва набийларнинг табиий ўлимларидан олдин бир ўлимлари бор. Чунки улар табиий ўлимдан олдин мавти ародий (ихтиёрий ўлим) билан ўла оладилар; бошқалар табиий ўлим топгандан кейин кўришлари мумкин бўлган нарсани улар табиий ўлимдан олдин кўра оладилар. Ўлимдан кейинги ахвол уларга аёнлашиб, илм ул-яқин мартабасидан айн ул-яқин мартабасига етишади. Чунки, одамларнинг хижоби жисмдир. Рух жисмни тарк этгандан сўнг унга ҳеч қандай хижоб қолмас.

Набийларнинг уружи икки хилдир – жисм ва рух бирлигига ҳам бўлиши мумкин, факат рухий мъерож бўлиши ҳам мумкин. Валийларнинг уружи эса факат рух орқали сурат топади.

Бу муқаддималар сенга маълум бўлгандан сўнг энди билгилки, бу мавзуда биз пайғамбарларнинг мъерожи ҳакида гапирмоқчи эмасмиз, чунки пайғамбарларнинг мъерожи барчага маълум ва машҳурдир. Биз тасаввуф аҳлининг уружи ҳакида сўз юритмоқчимиз. Бу сўзлар соликларнинг танбеҳи ва тарғиботи ҳам ҳисобланади, токи соликлар риёзат ва мужоҳидада танбал бўлмасинлар ва ярим йўлда қолиб кетмасинлар. Шоядки улар ҳам бу саодатга эришгайлар ва бу давлатга мушарраф бўлгайлар. Чунки Аллоҳнинг ризоси ва лиқоси (дийдори)дан сўнг бундан, яъни вафот этишдан олдин ўлимдан кейинги ахволни аён қилиш, жисм қолипини тарк этганидан сўнг бўладиган ҳолатни олдиндан билиш соадатидан ортиқ саодат йўқ.

Эй дарвеш! Соликка ўлимдан кейинги ахвол олдиндан маълум бўлиши азим ишдир, одамлар эса бундан ғофилдирлар. Йўқса кеча-кундуз бехуда ишларни тарк этиб, ибодат ва сулукка саъӣ-характ қилишарди, токи ўлимдан кейинги ахволлари уларга кашф бўларди. Ўшанда улар бадан қолипини тарк этганидан сўнг қайси манзилда бўлишларини кўриш имконига эга бўлардилар.

Билгилки, тасаввуф аҳлинининг уружи қуйидагича: соликнинг руҳи соғлиги ва бедорлиги ҳолатида баданидан ташқари чиқиб, ўлимдан кейин унга аён бўлажак ҳолатлар унга ўша лаҳзаларда аён бўлиб, жаннат ва дўзахни ўз кўзи билан кўрар; илм ул-яқин мартабасидан айн ул-яқин мартабасига етишар, билган нарсаларни ўз кўзи билан кўрар. Баъзиларнинг руҳи биринчи фалаккача кўтарилар, баъзиларнинг руҳи эса иккичи фалакка кўтарилар; шу тарика, Аршгача руҳлар кўтарилар. Хотам-ул анбийёнинг руҳи Арши аълогача кўтарилди. Чунки ҳар бир рух ўзининг аввалги мақомигача кўтарилар, аммо ундан юқорироқ кўтарилолмайди.

Қайси рух қайси макомгача күтарилса, ўша макомдаги нарсаларни түлиқ күрәди. Рух қайтиб жисмiga киргандан кейин ҳам күрганлари барчаси эсида қолади. Улар саҳв ҳолатига тушганларида күрганларини айтib берадилар. Уреждан қайтиб тушганларида кейин айримлар саҳв ҳолатига тушадилар, айримлар сукрда бўлурлар. Негаки уларга тахуро шаробидан лиммолим қадаҳлар тутқазишади. Соқийлари – Парвардигорнинг Ўзидир. Заифроқ бўлганлари зохирларини сақлай олмаслар ва мастилик килурлар. Шариатнинг зохирини тарк этажаклар. Кучлироқ бўлганлари эса, ўзларини тута биладилар, мастилик килмаслар ва шариат зохирини асрай билурлар. Бу сўзларни факат бу ҳақда озгина тасаввурга эга бўлган ва жонидан кечган одамларгина англай оладилар.

Айримларнинг руҳи осмонларда бир кун колиб осмонларни тавоғ айлар, айримлариники икки кун, баъзиларники уч кун; айримларнинг руҳи бундан-да кўпроқ – ўн кун, йигирма кун, ўттиз кун, кирқ кунгача осмонларда қолиши мумкин. Бизнинг шайхимиз айтардики, менинг руҳим ўн уч кун осмонларда қолди, сўнг жисмимга қайтиб кирди. Жисмим бу ўн уч кунда ўлик танасидек эди ва ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Бунинг гувоҳи бўлганлар айтдиларки, бу ўн уч кунда сенинг жисминг ўлган кишининг танасидек хаётдан асари йўқ эди. Бошқа бир азиз руҳи йигирма кун жисмини тарк этаганини айтib берганди. Яна бошқа бир азиз киши айтардики, менинг руҳим кирқ кун баданин тарк этганди, сўнгра жисмимга кирди. Бу кирқ кунда нимаики кўрган бўлса, барчаси эсида бор эди.

Ҳар бир кишининг руҳи ўзининг аввалги макомига уруж кила олиши айтилди. Шунингдек, хотамул-анбиё руҳи Арши аълогача уруж килади, деб айтib ўтилди. Тасаввуф аҳлининг бир тоифаси айтишича, Арши аълогача хотамлар – хотамул-анбиё ҳамда хотам ул-авлиё руҳи уруж кила олади. Бу тоифа валийлик мартабасини аъло, деб ҳисоблайдилар. Аммо валийлик мартабаси набийлик мартабасидан қандай килиб аъло бўлиши мумкин?! Биз бу ақида нотўғрилиги ҳакида “Кашф ул-ҳакойик” китобимизда айтib ўтганимиз. Истаганлар ўша китобдан ўқисинлар.

ЕТТИНЧИ РИСОЛА

ИШҚ БАЁНИДА

Бисмиллахир Роҳманир Роҳим.

Алхамду лиллаҳи роббил-ъаламийн, вал-ъақибату лил-муттақиийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёҳи ва авлиёҳи хойру ҳолқиҳи, ва ъала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тойибийн ат-тоҳирийн.

Аммо байд, заифларнинг энг заифи ва факирларнинг ходими, камина – Азизиддин Мухаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсин – ишқ ҳакида бир рисола тартиб бериб, унда мұҳабbat нима, ишқ нима, ишқнинг мартабалари нечталиги ҳакида маълумот беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул килдим ҳамда като ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, факат У неники истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат килишга муктадир.

МАЙЛ, ИРОДАТ, МУҲАББАТ ВА ИШҚ БАЁНИДА

Аллоҳ сени икки дунёда азиз қиссин, билгилки, зикр ахлининг тўрт мартабаси бордир: баъзилари мойиллик мартабасидадирлар, баъзилари иродат мартабасида, бошқа бирорлари муҳаббат мартабасида, яна бирлари ишқ мартабасидадирлар. Тасаввуф ахлидан кимгаки уруж мусассар бўлса, тўргинчи мартабададир. Зокир тўргинчи мартабани эгалламагунча, руҳига уруж мусассар бўлмас. Биз бу тўрт мартабани бирма-бир шарҳини берурмиз, токи зикрга тушган соликлар қайси мартаба эканликларини билсинглар.

Дастлабки мартаба улдурким, зокирнинг жисми хилватхонада, тили зикрга машғулдир, аммо кўнгли бозорда бўлиб, дунёнинг савдоси кўнглида пишар. Бундай зикрининг таъсири камроқдир, аммо фойдадан холи эмас.

Иккинчи мартаба улдурким, зокир зикрга тушган пайтда кўнгли ғойиб бўлар, зокир машаққат билан кўнглини зикрга ҳозир этар. Кўпчилик зокирлар шу мартабададирлар ва кўнгилларини кийинчилик билан зикрга тўғрилайдилар.

Учинчи мартаба улдурким, зикр кўнглига ғолиб келар ва кўнгилни тўлик камраб олар. Зокир зикр айтмасдан туролмайдиган бўлиб қолади. Агар ташки оламнинг бирор ишига машғул бўлмоқчи бўлса, иккинчи мартабадагилар кўнгилни машаққат билан дунё ишидан зикрга йўналтирганларидек, бу энди зикрдан машаққат билан дунё ишига йўналтирар. Бу – қурб макомидир; соликлардан жуда кам кишига бу маком мусассар бўлур. Бу сўзни качонлардир севгилиси бўлган одамларгина тушунади. Чунки ошиқ фақат ўзининг маҳбубаси ҳақида гапиришини яхши кўради ҳамда маҳбубаси зикрисиз туролмайди; ошиқ ҳамиша маҳбубасини васф этиши ёки бошталар унинг олдида севгилисини мақтаб туришларини истайди. Агар севгилисига тааллукли бўлмаган бирор юмушни бажаришига тўғри келиб қолса, бу ишни минг азоб билан амалга оширади.

Тўргинчи мартабада мазкур – зикр этилувчи кўнгилга ғолиб бўлар. Учинчи мартабада зикр кўнгилни тўлик камраб олгандек энди бу мартабада Мазкур, яъни Аллоҳ таоло кўнгли уйини бутунлай қамраб олур. Маъшуканинг номи кўнгилда жой олиши билан Маъшуканинг Ўзи кўнгилга эга бўлиши орасида фарқ бор.

Эй дарвеш! Шундай ҳол ҳам юзланурки, ошиқ шунчалик Маъшукасига шайдо бўлурки, ҳатто Маъшуканинг номи эсидан чикиб, балки Маъшуканинг Ўзидан бошқа барча нарсани буткул унутиб юборади.

Булар ҳақида маълумот ҳосил қилдинг. Энди билгилки, биринчи мартаба – мойиллик мақомидир, иккинчиси – иродат, учинчиси – муҳаббат ва охиргиси – ишқ мақомидир.

Эй дарвеш! Кимки бирор билан сухбатдош бўлишни истаса, дастлабки истакни мойиллик деб айтадилар, агар мойиллик кучайса, бундай кучли мойилликни иродат дейдилар, иродат кўпайса, муҳаббат бўлур, муҳаббат кучайса ва ҳаддан ошса, ишқ бўлур. Демак, ишқ – кучли муҳаббатдир, муҳаббат – кучли иродат ва ҳоказо...

Эй дарвеш! Агар бу азиз мусофири (яъни ишқ) меҳмоннинг бўлиб келса, уни иззатини жойига қўй! Бу меҳмонни иззат қилиш – қўнгил уйини бу мусофири учун бўшатишдир, чунки Ишқ шерикликни хуш кўрмас. Агар сен бўшатмасанг, ўзи бўшатиб олади:

*Ишқ омаду шуд чу хунам андар рагу пўст,
То кард маро тиҳиву нур соҳт зи Дўст.
Ажзои вужсуди ман ҳама Дўст гирифт,
Номест зи ман бар ману боқи ҳама Ўст.*

(Маъноси:

*Ишқ келди, қон каби вужсудимга сингди.
Мени менлиқдан мосуво қилиб, Дўстга тўлдирди.
Бутун вужсудимни Дўст эгаллаб олди.
Менда менлиқдан фақат ном қолди, қолгани Үдир).*

Эй дарвеш! Ишқ соликлар Буроки ва тарикат ахлининг уловидир. Акл эллик йилда тўплаган нарсани Ишқ бир лаҳзада унга ўт қўяр ва ошикни пок ва мусаффо этар. Ошиқ бир лаҳзада эришган нарсага солик юз марта чиллага ўтирганида ҳам эплолмайди. Негаки оқил дунёдадир, ошиқ – охиратда. Оқилнинг назари Ошиқнинг сайрининг қадамига етмас.

Эй дарвеш! Ҳакикий Ишқ ҳакида ёзолмайман, чунки одамлар буни тушумай, куфрга хукм чиқаришар. Шунинг учун мажозий ишқ ҳакида бир нарса ёзаман, акл эгалари шундан ўzlари учун хулоса чиқаришади.

Иккинчи фасл

МАЖОЗИЙ ИШҚ МАРТАБАЛАРИ ҲАҚИДА

Билгилки, мажозий ишқнинг уч мартабаси бордир. Аввалида ошиқ ҳар куни ўз маъшукаси ёдиди бўлиб, унинг кўйида овора юрар; дилбарининг уйи унинг қибласи бўлиб, ҳар куни унинг уйини тавоф килар; шоядки узокдан бўлса ҳам жамолини бир назар кўрарман, деб, маъшуқасининг эшиги ва деворидан пойлаб юрар. Маъшуқанинг уйи зиёратидан мажрух дилироҳат топар ва дилининг жароҳатларига малҳам бўлар.

Ўртада шундай хол юз берарки, маъшуқасининг дийдорига токати қолмас. Агар маъшуқасини мабодо кўриб қолса, бутун вужудига ларза тушиб, тили гапга айланмас. Хушидан кетиб, йиқилиб қолиши хавфи туғилар.

Эй дарвеш! Ишқ бир ўтдирики, ошиқ вужудига тушар; бу ўтнинг макони қўнгилдир. Қўнгилга бу ўт назар йўлидан келар ва қўнгилда ватан тутар.

*Гар дил набувад кужсо ватан созад дил,
Вар ишқ набошад, ба чи кор ояд дил.*

(Маъноси:

*Агар қўнгил бўлмаса, Ишқ қайди ватан тутар,
Агар ишқ бўлмаса, қўнгил нима керак).*

Бу ўтнинг шуъласи барча аъзоларга етиб, тадрижий равишда ошикнинг ичини куйдириб, покиза ва соф этади. Ошикнинг кўнгли шундай нозик ва латиф бўладики, нозиклигидан маъшуқнинг дийдорига чидай олмайди. Маъшуқнинг тажаллийсидан фано бўлиш хавфи туғилар. Мусо алайхиссалом Ҳак таолонинг дийдорини истаганда бу мақомда эди. Шунинг учун, Ҳак таоло Мен сенга Ўзимни кўрсатмайман, демади, балки буюрдиким: Лан тароний, яъни мени кўролмайсан.

Аллоҳнинг сўзи: “Мусо Биз белгилаган вактда (Тур тоғига) келгач, у билан Рабби бевосита гаплашди. Мусо: “Раббим! (Ўзингни) менга кўрсатгин, Сенга бир назар киласай!” – деди. (Аллоҳ): **“Мени кўра олмайсан.** Лекин (ана у) токқа (бир) боқ! Агар Мен унга бир жилва килганимда (токат килиб) ўз ўрнида тура олса, сен ҳам мени кўрасан”, – деди. Рабби токқа тажаллий (кичик бир кўриниш) килган эди, уни майдалаб ташлади. Мусо (бундан таъсиrlаниб) бехуш ҳолда йикилди. Ҳушига келгач, деди: “Сенга тасбех айттурман, Сенга тавба қилдим ва мен мўминларнинг биринчиси (пешвосидурман)”.¹

Эй дарвеш! Бу мақомда ошик фирокни висолдан афзал билади. Фироқдан кўпроқроҳат ва осойишталик топади. Ҳамиша ўз ичида маъшук билан сухбат куради; маъшукаси баъзида лутф ва навозишлар килади – унда ошик баст мақомида бўлур, гоҳида каҳр ва ғазаб билан азоб беради – унда ошик қабз мақомидадир. Уни кўрган кишилар ошикнинг қабз ва баст – шодлиги ва хафа бўлишларини кўрадилар, аммо нима сабабдан эканлигини билолмайдилар.

Охиригина мартабада ошикнинг кўнглида маъшуқанинг жамолидан ўзга ҳеч нарса қолмас; маъшуқанинг жамоли ошикнинг кўнглини бутунлай ўз забтига олар. Ўшанда ошик ўзини бошка кўрмас, ҳамма жойда маъшуқани кўрар. Ошик еб-ичаётган пайтда ҳам, ётиб-туришларида ҳам, юриш-ўтиришларида ҳам бу ишларни ошикнинг ўзимас, балки маъшуқа қиласяпти, деган ишонч билан яшайдиган бўлади. Ошик хижрон ғамидан ҳолос бўлиб, фирок андухи колмагандан сўнг маъшуқанинг жамолига одатланиб қолади ва жасорат пайдо килади ва кўркуви барта-раф бўлади. Маъшуқанинг кўриш кўркуви бутунлай кўтарилгач, энди агар маъшуқасига учраб қолса ҳам, бошка илтифот килмас ва ҳолати ўзгармас. Чунки кўнгилда ватан тутган маъшуқа энди ташки оламдаги маъшуқадан кўра якинроқдир. Кўнгилда ватан тутган маъшуқа ошикнинг кўнглини бутунлай забтига олиб, уни маству мустағрак килмиш. Кўнгил ички маъшуқага унсият топганидан кейин унинг ҳолини ташқаридағи маъшуқа ўзгартиролмас ва таъсир кўрсатолмас. Агар бирор киши бу мақомда ташки оламдаги маъшуқага илтифот килмаса, унинг ишқи чинга айланмиш, негаки унинг ичи ва таши бир хил бўлиди.

Билгилки, баъзилар айтмишларким, ишқ ўти ошикнинг ичини куйдириб, бағоят латиф ва руҳоний этмиш, кўнгил мулкини истило килган маъшуқанинг жамоли ҳам бағоят латиф ва руҳонийдир. Ташки оламдаги маъшуқанинг жамолида эса жисмоний гўзаллик соҳиби бўлгани учун ички оламдаги маъшуқадан кўра касифроқдир. Руҳоний илтифот руҳониятга оиддир. Жисмоний илтифот жисмоний латофатга оиддир.

Эй дарвеш! Бу заинфинг ақидаси шуки, маъшуқанинг жамоли ошикнинг кўнгил мулкини бутунлай ўз забтига олиб, бу оламга бошка нарсалар учун

¹ Аъроф, 143-оят.

жой ҳам, йўл ҳам колмагандан кейин ошик бу ҳолатда ўзини кўролмайди, фақат маъшуқани кўради. Қачонки икки киши ўргасида муносабат бўлса, ўзгариш ўшанда содир бўлар. Бу макомда эса, талаб орадан кўтарилади, фирок ва висол бўлмайди, хавф ва рижо, қабз ва баст ҳам бўлмайди.

Эй дарвеш! Кимки ошик бўлмаса, пок бўлмайди, пок бўлмаса, Покликка етишмайди. Кимки ошик бўлса-ю, ишқини ошкор этса, пок бўлолмас, негаки кўз орқали кўнглига етган ишқ ўти, тил йўли билан чиқиб кетади. Ҳомсўз кўнгил ярим йўлда қолиб кетар. Бу кўнгил кейинчалик на дунё ишига, на уқбо ишига, на Мавло ишига – ҳеч нарсага ярамайди.

Эй дарвеш! Бу уч рисола – “Сулук рисоласи”, “Хилват рисоласи” ва “Ишқ рисоласи”га Шероз шаҳрида, шайхларнинг шайхи Абу Абдуллоҳ Ҳафиғ – Аллоҳ таоло унинг азиз руҳини муқаддас қўлсин – мазори ёнида тартиб бердим. Валҳамду лиллаҳи Роббил-аламийн.

САККИЗИНЧИ РИСОЛА

ТАСАВВУФ АҲЛИНИНГ ОДОБИ БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн, вал-ъакибату лил-муттақиийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёҳи ва авлиёҳи хойру ҳолкиҳи, ва ъала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тойибийн ат-тоҳирийн.

Аммо байд, заифларнинг энг заифи ва фақиrlарнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсинг – тасаввуф аҳлининг одоби ҳакида бир рисола тартиб беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул килдим ҳамда хато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, фақат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат килишга мұқтадир.

Биринчи фасл

ТАСАВВУФ АҲЛИНИНГ ОДОБИ БАЁНИДА

Билгилки, адабнинг аввали – доимо пок юрмоқдир. Ҳар бир таҳоратни янгилаганда икки ракъат поклик шукронаси намозини бажо келтирмок одобдандир.

Иккинчи одоб – солик ҳамиша ўзи билан жойнамоз олиб юрсин. Қаерга борса, аввал икки ракъат намоз ўқиб, сўнг ўтирсин.

Учинчиси, ўз вақтини тўғри тақсимлай билсан. Ибодат вақти, овқатланиш вақти, ухлаш вақтини қатъий белгилаб олсин, токи умр бефойда ўтмасин.

Тўртингчи одоб – таҳажҷуд намозидир. Туннинг иккинчи ярмида туриб, ўн икки ракъат таҳажҷуд намози ўқиб, ундан кейингина уч ракъат витри вожиб намозини бажо келтирсан.

Бешинчи одоб – бомдод намозининг авродидир. Бомдод намозини ўқиб бўлгач, қуёш чиккунча авродларни ўқиш билан машғул бўлсин.

Олтинчи одоб – чошгоҳ намозидир. Қуёш чиккандан кейин, икки ракъат ишроқ намозини ўқисин, ўқиб бўлгач, жойнамозни тарк этмасин.

Тонгги авродни қуёш кўтарилгунча ўқисин. Ундан кейин туриб, ўн икки ракъат чошгоҳ намозини ўқисин. Сўнг хоҳлаган ишига машғул бўлсин. Тонг отгандан қуёш баланд бўлгунча дунёвий ишлардан умуман гапирмасин. Тасаввуф ахли бу вактни жуда азиз тутганлар ҳамда бу пайтда кўп күшойишлар топганлар.

Еттинчи одоб – аввобийн намозидир. Бу – шом ва хуфтон намози ўртасида ўн икки ракъат намоз ўқиш демақдир. Туннинг ибтидоси бўлгани учун бу вактни ҳам тасаввуф ахли жуда азиз тутганлар.

Саккизинчи одоб – сафар қўлмокдир. Дарвеш фақат ўз шахрида бўлмоғи жойиз эмас. Сафар машакқати ва хорликларини тортиб, турли шаҳарларга сафар килсин. Ўшанда мусофирилк нималигини билади ва мусофириларни иззат килишини ўрганади. Яна шуки, сафар туфайли дониш ахлининг сұхбати ва зиёратига мушарраф бўлади. Агар ақлли ва зийрак бўлса, ҳар бир кишидан бир фойдали нарса ўрганади.

Иккинчи фасл

САФАР ФОЙДАЛАРИ БАЁНИДА

*Тагарраб ъанил-автони фий талабин-нажо,
Ва саффир фил-асфори ҳамсул-фавойид:
Тафарружсу қалбин вактисобил-маъниша
Ва ъилмун ва одобу ва сұхбату можид.*

Маъноси:

*Нажомт талабида ватанингни тарк этгил,
Сафар қил, чунки сафарда бешта фойда бордир:
Кўнгил очилиши, рўзгорни таъмин эта олиш,
Илм, одоб ва донишманлар сұхбати.*

Ёлғиз сафар этилмасин. Бирорта йўлдош билан йўлга чиқсин. Сафарда тўрт кишидан ортиқ бўлиш ҳам ёлғиз йўлга чиқиш каби заҳмат келтиради. Ҳар бир мусофири дарвешда ҳасса, сув учун идиш, жойнамоз, тарок, изор, ва мисвок бўлиши керак. Йўлда албатта бир киши бошлиқ бўлиб, қолганлар бунга сўзсиз бўйсунишлари керак. Бирор хонақоҳга етишганда, дастлаб хонақоҳ ходимини топишигин. Ходим келганда мусофириларни истикбол килиб, хонақоҳга олиб кирсин. Ходим кўрсатган жойда этикларини ечиб, ковушларини кийишигин. Сўнг ходим таҳоратхона йўлини уларга кўрсатсин. Дарвешлар этик, сув идиши, жойнамозларини ходимга бериб, ўзлари таҳоратларини янгилаб келишигин. Ходим уларнинг нарсларини бир жойда саклаб кўйиб, ўзи маъқул кўрган жойга жойнамозларини ёзсин. Дарвешлар таҳоратларини янгилаб келгандан кейин келиб, ҳар бири ўз жойнамози устида икки ракъат таҳорат шукронаси намозини ўқисин; сўнг туриб, жойнамоздан чиқишигин. Хонақоҳдаги дарвешларга салом беришигин. Дарвешлар ҳам уларнинг саломига алик олиб, кўришгани келишигин. Дарвешлар билан бирма-бир кучоқлашиб кўришиб, бир-бирларининг кўлларини ўпишигин. Сўнг яна бориб ўз жойнамозлари устида ўтиришигин. Мезбон дарвешлар нимаики сўрашса, кисқа ва лўнда

жавоб беришсин. Сўралмаган нарса ҳақида оғиз очишмасин. Сўнг ходим дастурхон ёзиб, бор нарсасини олиб келсин. Уч кун ўтмагунча, заруратсиз хонақоҳдан чиқишмасин. Уч кундан сўнг ижозат сўраб, ўз юмушлари билан чикишлари мумкин.

Эй дарвеш! Хонақоҳдаги кишилар ижозатсиз хонақоҳдан чиқмаслар. Ижозат олиб чикканларида ҳам бозорга бормаслар. Қайси юмуш билан чиқкан бўлсалар, ишлари битгач, дарров хонақоҳга қайтиб боришида. Ташқарида таом емаслар ва меҳмондорчилик ё зиёфатга бормаслар. Кўчада тиланчилик килмаслар, бирор эҳтиёжлари бўлса, ходимга мурожаат қилишар.

Учинчи фасл

ХОНАҚОҲ ОДОБИ БАЁНИДА

Хонақоҳга дастлаб ўнг оёқни қўйиб киришади, чикканда чап оёқдан бошлашади. Масжид ва табаррук жойларда ҳам шундай қилишади. Ҳожатхонага борганда эса, чап оёқ билан кириб, ўнг оёқ қўйиб чикишади. Ҳаммом ва золимларнинг уйида ҳам шундай қилишади.

Эй дарвеш! Хонақоҳда кечаси ҳам, кундузи ҳам баланд овозда гапирилмайди, баланд овозда ўкишмайди, юрганда ҳам тўқиллатиб юришмайди. Зикрда бўлган азизлар ёки ухлаётганларнинг хотири паришон бўлиб, уйқулари бузилмасин.

Эй дарвеш! Хонақоҳда бўлган киши агар ходимлардан бўлса, барчага мақбул хизмат қилсин, агар ходимлардан бўлмаса (хонақоҳда ҳар ишга маҳсус одам тайинланади), ходимлардан ижозат сўраб, ходим эмаслиги шукронасига бирор юмушни бажо келтирсин. Хонақоҳда бирор иш қилмоқчи бўлса, ўша ишга масъул бўлган ходимнинг ижозатидан кейингина машғул бўлсин; бирор иншига рухсатсиз аралашмасин.

Эй дарвеш! Хонақоҳ ахли бир-бирининг ҳолидан мудом хабардор бўлсин. Агар бирор дарвешга касаллик ёки ўзи еча олмайдиган мушкуллик юзланса, биргалашиб, ўша муаммонинг ечимини топишга харакат қилишсин. Улуғлар кичикларга хилватда насиҳат қилишсин. Яъни бир-бирларидан ўз мадад ва кўмакларини дариф тутишмасин. Бир-бирларининг айбларини ёпиб, хунарларини ошириб кўрсатишсин. Агар кичикларда бирор муаммо ё мушкуллик туғилса, улуғларидан сўрашсин. Улуғлар ҳам очик чехра билан бунга жавоб беришсин. Агар берилган саволга жавоб бериш салоҳиятлари бўлмаса, яхшиси, хеч нарса демасин. Чунки билмай жавоб беришнинг зиёни фойдасидан кўпроқдир. Агар сезса-ки, жавоб бермаса, ундан ранжишади, шундай жавоб берсинки, аслида хеч нарса демагандай бўлсин. Ҳар бир кишига унинг аклига яраша муомала қилишсин.

Тўртингчи фасл

ТОРТИШУВЛАР БАЁНИДА

Агар икки дарвеш орасида ранжишга сабаб бўладиган бирор сўз ё амал содир бўлса, ранжиган киши буни кўнглига олмасдан бу ҳолатни иккинчи томондан ойдинлик киритишни очик чехра билан дарвешлар олди-

да сўрасин. Агар унинг жавоби асосли бўлиб, дарвешлар унинг сўзини мақбул деб билишса, ўша пайтдан бу хақда бошқа гапирилмайди. Агар унинг жавоби асоссиз деб топилса, ранжиттан дарвеш пойгакка бориб, тик турган холида кўлларини ковуштириб, бошини эгиб туради. Ранжиган томон узрини қабул қилиб, туриб, бориб уни кучоқлади. Бошка дарвешлар ҳам унга мувофиқат килиб туриб, бориб бир-бирларини кучоқладилар. Сўнг биргалашиб ўтирадилар. Ходим дастурхон ёзиб, ўртага бирор егулик кўяди. Агар егулик бўлмаса, бир пиёладан сув ичишади. Агар киссанох ҳозир бўлса, хуш овози билан бирор нарсани айтиб беради, негаки ёқимли овоз ўргадаги совуқчиликни бартараф қилиш учун яхши воситадир. Тортиниш дарвеш учун оғир ишдир. Аслида дарвеш ахли адаб билан яшайдилар. Айтилиши керак бўлмаган сўзни айтмайдилар, килиниши керак бўлмаган ишни қилмайдилар. Можаро пайтиди шайх албатта ҳозир бўлиши керак. Агар шайх бўлмаса, шайх ўрнидаги дарвеш буларнинг ўртасида қозилик қиласди. Агар у ҳам бўлмаса, икки киши можарога тушмасдан, шайхнинг келишини кутишсин, акс ҳолда, кудурат кўпаяди.

Бешинчи фасл

САМОЬ ҚИЛИШ БАЁНИДА

Агар бирор дарвеш риёзат ва мужоҳадада сусткашлик қила бошласа, ёки димоғида бирор ҳалал пайдо бўлса, дарров унинг муолажасига машғул бўлиб, мувофиқ ёғлар, яхши таомлар, мўътадил ҳаво билан тадбир этишсин. Бу иллатни олдини олишга ёқимли овоз ҳам мадад беради. Овози хуш ва ҳазин бўлган дарвешлардан бири беморнинг олдида ўтириб, ҳар замонда бирор нарса хиргойи қилиб берсин. Агар ҳеч ким қасал бўлмаса-ю, дарвешларнинг хотири малул бўлса, малуликнинг дафъи учун мувофиқ бир вактда, муносиб жойда, авом кишилар йўклигига дарвешларнинг бири чикиб, бирор нарса айтиб бериши жойиздир. Чилдирма қалиб айтса ҳам бўлади. Соликлардан айримларига самоъ мажлисида ҳоллар юзланади ва бу ҳоллардан уларга кўп фойдалар ва күшойишлар топарлар. Бундай кишиларнинг агар замон, макон ва ихвон (дарвеш биродарлар) учлиги жамланса, самоъ қилишлари яхшидир.

Эй дарвеш! Бизнинг замонимизда одати бўйича, хослар ва авомлар бир жойда тўпланишиб, самоъ мажлиси қиласидилар. Бу дарвешлар киши эмас, шайхларнинг суннати ҳам эмас, аслида авом кишиларнинг одатидир. Машойих айтмишларким, дарвешлар бундай мажлисларга бормасинлар. Каминанинг фикрича, ок-коранинг фарқига борадиган киши бунака самоъ мажлисига бормасин, чунки ориф кишилар ёш болалар ишини қилмаслар. Ўйин-кулги ёш болаларнинг ишидир.

Эй дарвеш! Дарвешлар муносиб вакт, яхши жой ва факат дарвешлардан иборат жамоа бўлган пайтдагина самоъ мажлиси қилишлари мумкин, ўшанда машойих суннатини бажо келтирган бўлишади.

Эй дарвеш! Агар самоъ вақтида шайх, ё бирор улуғ киши ҳозир бўлса, расми шуки, агар шайх ё ўша улуғ киши ўрнидан турса, барча дарвешлар шунга мос равишда ўрниларидан туришади. Ҳар бир дарвеш ўз жойида қолиб, ўртага тушмайди. Шайх бирортасини ўртага тортса, ўша киши бир ўзи даврага тушади. Агар уч-тўрт киши, ёки ҳаммани даврага тортса,

ўшандага ҳамма ўргага тушишади. Агар шайхнинг салласи бошидан тушса, барча шайхга издошлик юзасидан саллаларини бошларидан оладилар. Агар шайх ўтиrsa, ҳамма шайхга мувофақат қилиб, ўтиришади. Агар бирор дарвешга ҳол юзланиб ўрнидан турса, шайх ҳозир бўлса-ю, ўрнидан турса, ҳамма ўрнидан туради. Агар шайх ўрнидан турмаса-ю, бошқаларга туринглар, деб айтса, ҳамма ўрнидан туради; агар туринглар, деб айтмаса, ҳеч ким ўрнидан турмайди. Агар дарвеш ўз ҳолига қайтса, дарров ўз ўрнига ўтирсин. Агар бирор дарвешнинг салласи бошидан тушса, шайх ҳозир бўлса-ю, бошидан салласини олиб ташласа, бошқалар ҳам бошлиридан саллаларини олиб ташлайдилар. Агар шайх салласини олиб ташламаса, бошқалар ҳам саллаларини олишмайди.

Агар самоъ мажлисида шайх ҳам, бирор улуғ киши ҳам бўлмаса, дарвешлардан бирортаси агар ўрнидан турса, барча дарвешлар бирдамлик рамзи сифатида ўринларидан туришади. Агар бирорта дарвешнинг салласи бошидан тушса, ҳамма бирдамлик учун салласини бошидан олади. Шайхга мувофақат килиш шарт ва лозимдир, дарвешга мувофақат килиш карам ва мурувватдир. Агар бирор кишига саллани бошдан олиш қийин бўлса, ёхуд мувофақат қилмаса, унга бошидан салласини олиши кераклигини эслатиб қўйишади.

Олтинчи фасл

ТАОМ ЕМОҚ БАЁНИДА

Дарвешлар дастурхон атрофида одоб билан ўтиришади, ўзларининг аҳволидан доим хабардор бўлиб туришади. Дарвешлар шошилиб бирор нарса емайдилар; карияларни иззат киладилар; ёши катталардан юқори ўтмайдилар; катталар бошламагунча бошқалар таомга кўл чўзмайдилар; бошқаларнинг кўлига ҳам, косасига ҳам назар солмайдилар; факат ўз косаларига қараб, лукмани кичик оладилар; яхшилаб чайнаб ютгандан кейингина янаги лукмани оғизга соладилар; агар дарвешлар бир тавоқдан овқатланишларига тўғри келиб қолса, факат ўз олдиларидан ейдилар, бошқалар олдига кўл чўзмайдилар. Кўлларидан лукма тушса, чап кўл билан олиб, ё оғизга соладилар, ё дастурхоннинг бир четига кўядилар. Овқатдан олдин кўл ювадилар, овқатдан кейин кўлларини ювив, оғизларини чайиб ташлайдилар.

Еттинчи фасл

РИЁЗАТ ВА МУЖОҲИДАЛАР БАЁНИДА

Эй дарвеш! Ҳар куни шайхларнинг такво, парҳезкорлик, риёзат ва мужоҳада, зикр ва авродлар бобида айтган хикматларидан бир нарса ўқиши керак. Ҳар бир кишининг ўзининг хилватхонаси бўлсин. Дарвешлар сұхбатидан турганидан кейин ўз хилватхонасига бориб, дарвешларни сўзларидан ўқисин, ёки зикр ва фикрга машғуллик килсин.

Дарвеш кирк ўшгача риёзат ва мужоҳадасиз юрмасин. Ёши киркдан ўтгандан кейин қаттиқ риёзат чекиши мақбул эмас, аммо риёзатсиз ҳам юрмасин. Олтмиш ўшдан ўтгандан кейин риёзат тортмасин. Олтмиш ўшдан кейин сұхбат бардавом бўлсин. Дарвешлар ахли дил сұхбатисиз яша-

майдилар. Дарвеш учун риёзат ва мужоҳаданинг энг улуғи – пирнинг хизматидир. Бундан кейин – пирнинг амрига мувофиқ кам емок, кам ухламок ва кам гапирмок энг улуғ риёзатдир.

Саккизинчи фасл

СУҲБАТ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Суҳбатнинг кучли таъсири ва улуғ хосиятлари бор. Кимки нимадир топган бўлса, пирнинг сухбатидан топгандир. Иш – пирнинг сухбатидир. Бошқа риёзатлар, мужоҳада, одоб ва шартлар барчаси пирнинг сухбатига муносиб бўлиш учундир. Солик пирнинг сухбатига муносиб топилгандан кейин унинг иши тугал бўлибди. Солик ёмон хулқдан буткул покланиб, яхши хислатлар билан ораста бўлгандан кейингина пирнинг сухбатига муносиб топилур. Пирнинг сухбатидан эшитган нарсаларни агар англаса, яхши, агар англамаса, қачонлардир англаб олиш умидиди имон ва ишонч билан қабул этар. Агар пир ҳали ахлоки пок бўлмаган ва унинг сўзларини англашга курби етмайдиган киши билан сухбат курса, бунда икки зиён бордир – ҳам сўзловчи зиён тортар, ҳам эшитувчи. Валҳамду лиллаҳи Роббил-ъаламийн.

ТЎҚҚИЗИНЧИ РИСОЛА

БАЛОҒАТ ВА ҲУРРИЯТ БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн, вал-ъакибату лил-муттақийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёҳи ва авлиёҳи хойру холқихи, ва ъала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тойибийн ат-тоҳирийн.

Аммо бъаъд, заифларнинг энг заифи ва факирларнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсинг – балоғат ва ҳуррият ҳакида бир рисола тартиб бериб, унда балоғат ва ҳуррият нималиги ҳакида маълумот беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул қилдим ҳамда ҳато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, факат У неники, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат қилишга муқтадир.

Биринчи фасл

БАЛОҒАТ ВА ҲУРРИЯТНИНГ БАЁНИДА

Аллоҳ таоло сени икки дунёда азиз килсин, билгилки, бу оламда мавжуд ҳар бир нарсанинг ниҳояти ва ғояти бор. Ҳар бир нарсанинг ниҳояти – балоғатдир, ғояти эса – ҳурриятдир. Факат мисол орқали бу сўзни англашинг мумкин. Мева дараҳтда етилиб, ўз ниҳоясига етса, араблар бу мевани болиг бўлди (пишди, етилди), деб айтишади. Пишган мева шохидан узилиб, ерга тушса, бу мевани араблар хур (узилган, эркин) деб айтишади.

Ниҳоят ва ғоят маъносини билдинг. Энди билгилки, ниҳоятнинг аломати – ўзининг бошланиш нуқтасига етишдир. Ўзининг бошланиш нуқтасига

етган нарса ўз нихоятига етган бўлади. Масалан, буғдой уруғини ерга сочиб парваришлаганларида у кўкариб, кундан-кунга етишиб бораверади. Охир-оқибат бошоги пишиб, етилади. Ҳар бир нарсанинг меваси унинг уруғидир. Ўзининг уруғини ҳосил қилганида ўзининг нихоясига етган бўлади; шу ерда доира тугайди ва етук бўлди. Доира ўзининг ибтидо нуктасига етиб бормагунича етук бўлмайди; ўзининг бошланғич нуктасига боргандан кейингина тугал бўлади. Шунингдек, одамнинг жисмининг меваси ҳам унинг нутфасидир. Одам боласи ўспиринлик пайтида вужудида нутфа пайдо бўла бошласа, уни “балоғатга етди”, деб айтишади. Балоғатнинг луғавий маъноси – етишмоқдир, хурриятнинг маъноси – озодлик, боғлиқ бўлмаслиқдир.

Балоғат ва хурриятни идрок оламида кўрдинг, энди ақл оламида ҳам шундай деб билавер; идрок ақл суратидир, жисм эса рухнинг қолипидир, мулк олами малакут оламининг кўринишидир. Донишмандларнинг бири айтмишким, “Инналлоҳа таъоло ҳалақал-мулка ъало мисоли малакутихи ва уссиса малакутихи ъало мисоли жабарутихи лиястадилла бимулкихи ъало малакутихи ва бимулкихи ъало жабарутихи”. (Ҳақиқатда Аллоҳ таъоло мулк оламини малакут оламига ўхшатиб яратди ва малакут оламини жабарут оламига ўхшатиб яратди, тики мулк олами орқали малакут олами ҳакида ва малакут олами орқали жабарут олами ҳакида билишсин). Яхши сўздир. Мулк хиссий вужуддир, малакут аклий вужуддир, жабарут ҳакиқий вужуддир. Мулк олами ўзларининг бошланғич нукталарига етиб, доирани мукаммал этмагунча, балоғатга етмаган бўладилар. Малакут оламидагилар ҳам ўзларининг бошланғич нукталарига етиб, доирани мукаммал этмагунча болиғ бўлолмайдилар. Мулк оламидагилар ўзларининг бошланғич нукталарига етиб, доирани мукаммал этиб, балоғатга етгандан кейин бу доирадан узилиб, янги ривожланиш доирасига тушмагунча хурриятни кўлга киритмайдилар. Малакут оламидагилар ҳам ўзларининг бошланғич нукталарига етиб, доирани мукаммал этиб, балоғатга етганларидан кейин бу доирадан узилиб, ривожланиш ва камолотнинг янги доирасига тушмагунча хур бўлолмаслар. Бу асл сўзни билиш, яъни мулк, малакут ва жабарут оламларининг ўзаро муносабатларини билишда катта сир бордир. Кимки бу сирга огоҳ бўлса, барча илмларнинг эшиги унга очилар ҳамда мулк, малакут ва жабарут оламларини қандай бўлса, шундайлигича англаб олар.

Эй дарвеш! Бу сўзларни келтиришимиздан мақсад – мулк оламидаги балоғат ва хурриятдан малакут оламидаги балоғат ва хуррият ҳакида билиб олишинг эди. Баъзилар айтадиларким, малакутнинг уруғи табоеъ (табиатнинг кўплиги, мижоз)дир табиатдан келиб, табиатга қайтажаклар. Баъзилар айтадиларким, малакут оламининг уруғи аклдир, аклдан келиб, аклга қайтажаклар. Баъзилар айтишича, улар Худодан келиб, яна Худога қайтажаклар – “Минҳу бадъу ва илайҳи яъуд” (Ундан бошланиб, Унга қайтадилар). “А фахасбику ҳалакнокум ъабасан ва иннакум илайно ло таржиъуна фатаъолаллоҳа-мулкул-Ҳақку ло илоҳа илло ҳува”;

Аллоҳнинг сўзи: “Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни бехуда яратдиг-у, сизлар Бизнинг хузуримизга кайтарилмайсиз!” Бас, Ҳак (хакконий) ва Малик (подшоҳ) бўлмиш Аллоҳ юксакдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир ва (У) улуғ Аршининг парвардигоридир¹.

“Куллу шайъин ҳоликун илла важҳаҳу лаҳул-хукму ва илайҳи туржашу”.

¹ Муъминун, 115, 116-оятлар.

Аллоҳнинг сўзи: “Унинг “юзи”дан бошка барча нарса ҳалок бўлувчиdir. Ҳукм Уницидир ва (барчангиз) Унинг хузуригагина қайтариурсиз¹.

Бизнинг мақсадимиз бу сўзларни келтириш эмас. Ҳамма Худодан келиб Худога қайтишига биз ҳеч қандай шубҳа қилмаймиз. Бизнинг мақсадимиз – балоғат ва ҳуррият макомларини баён этмоқдир. Қандай айтишса ҳам, бизнинг ғаразимиз ҳосил бўлар. Негаки, биз ҳам ўзининг бошлангич нуқтасига етишган ҳар бир нарса балоғатга етиби, деб айтмоқдамиз.

Улуғ бир кишидан сўрашди: ниҳоятнинг аломати надир? Буюрдиким: ибтидога қайтиш.

Иккинчи фасл

ИНСОННИНГ БАЛОГАТИ ВА ҲУРРИЯТИ БАЁНИДА

Билгилки, бутун мавжудотнинг асос-уруги ақл, деган фикрни биз сўзимизнинг қоидасига айлантирганимиз. Чунки пайғамбарлар ва ҳакимларнинг яқдиллик билан эътироф этишлари бўйича, Аллоҳ таоло яратган илк нарса жавҳар (асл, асос, субстанция) эди. Бу жавҳарнинг номи Ақли аввалдир. Борликнинг уруғи Ақли аввал бўлгач, жамийки ақллар нағслар, фалаклар, юлдузлар, унсурлар, маъданлар, наботот ва ҳайвонот – бутун борлик Ақли аввалда билкувва (потенциал) мавжуд бўлғанлар. Бу буғдой уруғи донасида буғдойнинг илдизи, танаси, бошғи, меваси билкувва мавжуд бўлиб, тадрижий равишда униб-ўсиб, ўз ниҳоясига етгач, доира тамом бўлишига менгзар. Худди шу каби Ақли аввалдан барча мавжудот пайдо бўлиб, энг охирида инсон пайдо бўлди. Инсондан кейин ҳеч нарса яралмади, маълум бўлдики, Борлик дарахтининг меваси – инсондир. Инсон ҳам аклга эришгандан кейин бошка ҳеч нарсага эришмади. Маълум бўлдики, дастлабки уруғ Ақл эмиш. Демак, инсон ўзининг ақлий камолотига етганидан кейин ўз ниҳоятига етди, балоғатга етишди ва доира тугади.

Эй дарвеш! Ҳеч шубҳа қилмаки, Аллоҳ таоло Ақли аввалдан кўра фозилроқ, азизроқ ва улуғроқ ҳеч нарса яратмади. Ақл – маҳлукотларнинг энг шарафлиси; яралган нарсалар ичida ақлдан ўзга ҳеч нарса ўзини танимади; яралган нарсалар ичida ақлдан ўзга ҳеч нарса Аллоҳни билмади. Ақлдан донороқ ва Ақлдан яқинроқ ҳеч нима йўқдир. Аммо Ақлнинг мартабалари бордир. Мартабадан мартабагача катта тафовутлар бордир. Кимки ақлнинг бир жузъига етишса, ўзини Ақлнинг камолига етган, деб билади, холбуки бундай эмас. Кимки Ақл ниҳоятига етишса, ақлнинг камолига етишибди. Агар бирор охирида Аллоҳнинг нури пайдо бўлди, деб айтса, тўғри айтиби: “Иттаку фаросатил-муъмини файннаху янзуру бинуриллаҳи таъала” (Имонли кишининг фаросатидан кўрқинглар, чунки у Аллоҳнинг нури билан назар солади. – Ҳадиси шариф). Борликдаги нарсаларнинг барчаси Худонинг нурининг мазҳаридирлар. Барча нарсалардан, айнокса, одамлардан зоҳир бўладиган нарса Худодир: Кунту лаҳу самъян ва басарон ва лисанан; бий ясмаъу ва бий юбсиру ва бий ябташу ва бий янтику” (У учун кулок, кўз ва тилга айландим: Мен билан эшитди ва Мен билан кўрди, Мен билан сув ичди ва Мен билан сўзлади). Бизнинг мақсадимиз бу ҳақда сўз юритиш эмас, балки бизнинг асосий мақсадимиз балоғат ва ҳуррият ҳакида тушунтириш беришдир.

¹ Қасос, 88-оят.

Эй дарвеш! Ақлі аввалга етишиб, балоғатта етган киши агар бу доира, яни бу доиранинг ичидаги нарсалардан узилса, хур бўлур; агар жудо бўлмаса ва узилмас, балоғатта етган хисобланар, аммо хур бўлмас.

Эй дарвеш! Бор бўлган, бор ва бор бўладиган барча нарсалар бу доирада мавжуддир. Бу доирадан ташқарида ҳеч нарса йўқ. Агар балоғатта етган киши бу доиранинг ичидаги бирор нарсага боғланиб қолган бўлса ёки бирор нарсани кўнгли истаса, у хали озод эмас; озод бўлмаган кимса кул хисобланар. Масалан, агар хотин ва олттин истаса, ёки бойлик ва амал истаса, ёки бофу бўстон истаса, ё хўжайнлик ва вазирлик истаса, ё подшоҳлик ва салтанат истаса, ё воизлик ва шайхлик истаса, ё козилик ва мударрислик истаса, ё қурб ва валийлик истаса, ё нубувват ва пайғамбарлик истаса ё шу каби бошқа нарса истаса – бу каби истаклари бор одам ҳали озод эмас. Кимки бу нарсалардан бирортасини истамаса, уни озод деб атаса бўлади.

Эй дарвеш! Зарурат юзасидан килинган ишларнинг юкорида айтилганларга аложаси йўқ. Масалан, бирор агар казои ҳожат учун ҳожатхонага борса, ҳожатхонага боришга боғланиб қолмайди, ёки агар бирор совуқ ҳавода офтобрўяга чикса, офтобрўяга чикишга боғланиб қолмайди. Агар кимдир иссиқ ҳавода сояликка борса, бу билан у сояликка бутунлай боғланиб қолмайди. Боғланиб қолмайди, деганимизнинг далили шуки, агар заҳар танг килмаса, ҳеч ким ҳожатхонага бормайди; агар совуқ бўлмаса, ҳеч ким офтобшувокни изламайди; иссиқ бўлмаса, соя қидирмайди. Бу амалларнинг бари зарурат юзасидандир. Бошқа ишларда ҳам агар зарурат юзланса, бу озодлик ва фароғатга монеълик килмайди. Аммо агар кимдадир иссиқ ва совуқ ҳаводан сакланиш учун карбосдан тикилган тўни бўлса-ю, киймасдан “менга хитой, катон ёки ансорий тўн керак”, деса, озод эмас. У – кулдир. Бошқа ишларни ҳам шу каби деб билгил.

Эй дарвеш! Кимгадир эски тўни – бутдир, кимгадир янги тўн – бутдир; озод кишига иккаласи ҳам бир хил кўринар. Тўн кийишдан мақсад – иссиқ ва совуқдан сакланишдир. Қайси бири билан мурод ҳосил бўлса, ўша етарлидир. Қайси бири билан иш осонроқ кўчса, ўшани талаб килиши керак.

Эй дарвеш! Кимки “янги тўн хоҳлайман, эскисини хоҳламайман”, деса, кишишганга тушгандир. Кимки “янги тўн керакмас, менг эскиси керак”, деса, у ҳам кишишганга тушгандир. Кишан олтиндан бўлса ҳам, темирдан бўлса ҳам – кишишлигича қолар. Озод кишида ҳеч қандай банд ё кишиш бўлмайди. Кишан – бут эрур. Озод киши барча бутларни синдириб, барча кишишларни узиб, барчасидан кечгандир; кўнгил – Аллоҳнинг уйини бутлардан тозалаб қўйгандир.

Эй дарвеш! Катта бир бут бор, қолганлари кичик бутлардир. Кичик бутлар катта бутдан пайдо бўлар. Катта бут бирорлар учун мол-дунёдир, бошқа бирорлар учун мансаб-амалдир, баъзилар учун эса ҳалқка мақбул тушмоқдир. Бу бутларнинг энг каттаси ҳалққа мақбул бўлиш истагидир, амалга эришиш бути эса мол-дунё бутидан каттароқдир.

Эй дарвеш! Фарз бўлмаган ишлар, шунингдек, бошқанинг роҳатига сабаб бўлмайдиган ишларга кўнишиб колма! Одат килдингми, бу иш сенинг бутингга айланар ва сен бутпараст бўлиб коласан. Масалан, бирор ўзича аҳд қиласиди, мен бундан кейин уйдан чикмасман; бошқа бири ўзича карор қиласиди, мен бошқа ҳеч кимнинг олдига турмасман, ва ҳоказо; бу ишларнинг барчаси бутлардир. Шундай одамлар борки, узок йиллар

бутпарамстлик килиб, яна бутпарамстларни танқид қиласди. Билмаски, ўзи хар куни бутга сифинади. Кимки бирор бехуда ишга ўрганиб қолиб, уни ташлай олмаса, озодлик ва фароғат даъвосини килмасин.

Эй дарвеш! Озод кишининг уй-жойи, бог-бўстони бўлиши мумкинмас, деб янгиш ўйламагин. Озод кишининг уй-жойи ҳам, бог-бўстони ҳам, мулк ва салтанати ҳам бўлиши мумкин. Аммо агар унга подшоҳликни берсалар, шод бўлмасин; агар подшоҳликни ундан олсалар, ғам чекмасин. Подшоҳликнинг келиши ҳам, кўлдан кетиши ҳам, ҳалқ уни яхши кўриши ҳам, ёмон кўриши ҳам унинг назарида бир хил бўлсин. Агар ҳалқ уни қабул қиласа, ҳалқ мени ёмон кўришини истайман, демасин; агар рад этсалар, ҳалқ мени яхши кўришларини истайман, деб айтмасин. Балоғат маъноси, ризо ва таслим маъноси ушбудир. Кимдаким бу неъматлар бўлса, унга муборак бўлсин!

Учинчи фасл

БУ РИСОЛАНИНГ ХОТИМАСИ

Билгилки, бу рисолада бизнинг мақсадимиз инсон балоғати ва хурриятининг баёни эди. Шарҳини келтирдик. Бошқа донишмандлар ислом балоғати, имон балоғати, ийкон балоғати, аён балоғатига тасниф этгандар, биз мавриди келганда бошқа рисолаларимизда баён этгандик. Такро-рига эҳтиёж кўрмадик. Валҳамду лиллаҳи Роббил-ъаламийн.

ЎНИНЧИ РИСОЛА

КИЧИК ОЛАМ КАТТА ОЛАМНИНГ НУСХАСИ ВА ҚЎРИНИШИ ЭКАНЛИГИ БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъақибату лил-муттақийн, вассолату вас-саламу ўала анбиёҳи ва авлиёҳи хойру холқихи, ва ўала алихим ва асҳабихим ат-тойибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, заифларнинг энг заифи ва факирларнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсан – сўрадиларким, анчадан бери катта оламда нимаики бор бўлса, кичик оламда ҳам бор, деб эшитамиз. Сиздан ўтиңчимиз шуким, бир рисола тузиб, унда катта олам нима, кичик олам қандай килиб унинг нусхаси ва қўриниши бўлади – шулар ҳақида маълумот берсангиз. Уларнинг таклифларини қабул қилдим ҳамда хато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, фақат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат килишга муқтадир?

Биринчи фасл

КАТТА ОЛАМ ВА КИЧИК ОЛАМ БАЁНИДА

Аллоҳ таоло сени икки дунёда азиз килсин, билгилки, Аллоҳ таоло мавжудотни яратганда уларни олам деб атади. Негаки, мавжудот Унинг борлиги, илмининг вужуди, ироди ва кудратига аломат – белгидир.

Эй дарвеш! Мавжудот бир томондан аломатдир, бошка бир томондан мактубдир. Аломат бўлганлиги сабабли олам деб атади, мактуб бўлганлиги сабабли китоб деб исм қўйди. Сўнгра буюрдиким, бу китобни ўкинглар, Мени, Менинг Илмим, Ирода ва Қудратимни таниб олинглар. У пайтда ўкувчилар фаришталар эдилар. Ўкувчилар ҳаддан ташкари кичкина ва китоб ҳаддан ташкари катта эди. Китоб варакларининг нариги четига ва барча сахифаларига ўкувчиларнинг назари етмасди. Бу ўкувчиларни ожизлиги жиҳатидан эди. Бу китобдан бир нусха олиб, муҳтасар қилган ҳолда қайтадан ёзиб чиқди. Аввалги катта китобни олами кабир – катта олам деб атади, иккинчисини олами сағир – кичик олам деб атади. Аввалгисини катта китоб деб ном қўйди, иккинчисини кичик китоб деб ном қўйди. Катта китобда нимаики бўлса, кичик китобда қисқартирмасдан ва кўпайтирасдан барчасини ёзиб чиқди. Кимки кичик китобни ўқиган бўлса, катта китобни ўқигандек бўлади. Сўнг Ўз халифасини бу кичик оламга халифаликка юборди. Худонинг халифаси Ақлдир. Кичик оламда Ақл халифаликка ўтирганида кичик оламнинг фаришталари унга сажда қилдилар. Факат ваҳм (гумон, янгилик тасаввур) унга сажда қилмади ва ибо қилди (бўйсунмади). Худди шундай катта оламда Одам халифаликка ўтирганида барча фаришталар унга сажда қилдилар, факат Иблис унга сажда қилмади ва ибо қилди (бўйсунмади).

Эй дарвеш! Кичик оламда Худонинг халифаси – ақлдир, катта оламда оқил инсон Худонинг халифасидир. Катта олам биргаликда Худонинг Ҳазратидир. Кичик олам биргаликда Худонинг халифасининг ҳазратидир. Ақл халифаликка ўтирганида нидо келдиким, эй Ақл! Ўзингни англа, ўз сифатларинг ва феълларингни билиб ол, ўшанда Мени, Менинг Сифатларим ва Феълларимни танирсан!

Иккинчи фасл

ХУДОНИНГ ФЕЪЛ (АМАЛ)ЛАРИ ҲАМДА ХАЛИФАСИНинг ФЕЪЛ (АМАЛ)ЛАРИ БАЁНИДА

Билгилки, Аллоҳ таоло агар бу оламда бирор нарсани яратишга ирода қилса, дастлаб Аллоҳнинг илмида мавжуд бўлган бу нарсанинг сурати Аршга келар. Аршдан Курсига келар, Курсидан событилар (турғун юлдузлар) нурига осилар. Ундан сўнг етти осмонга ўтиб, кейин юлдузлар нурига йўлдош бўлар ва кўйи оламга тушар. Кўйи оламнинг подшохи – Табият бу гайб оламидан келган мусофирини истиқбол қилур, негаки бу мусофири Худонинг хузуридан келмоқда. Сўнгра тўрт унсурдан бу гайб оламнинг мусофиригининг ахволига муносиб биттасини тортиқ килар. Гайб оламнинг мусофири бу уловга миниб шаҳодат оламида мавжуд бўлар. Олами шаҳодатда мавжуд бўлгач, Худонинг Илми Худонинг Феълига эврулди. Шаҳодат оламида нимаики мавжуд бўлса, унинг жони амр оламидан, колип (жисм)и эса ҳалқ оламидандир. Худонинг хузуридан келган бу жон унга буюрилган ишни бажариб бўлгач, Худонинг хузурига қайтиб боради. Минху бадъун ва илайҳи яъуд. (Ундан келиб, унга қайтажакмиз). Бу Худонинг феълларининг баёни эди.

Эй дарвеш! Катта оламда Аллоҳнинг феъллари ҳақида билиб олдинг, энди Аллоҳнинг халифасининг кичик оламдаги феъллари ҳақида ҳам

билиб ол. Билгилки, кичик оламда акл – Аллоҳ таолонинг халифасидир. Нафсоний рух – Аллоҳнинг халифасининг аршидир, ҳайвоний рух – Аллоҳнинг халифасининг Курсиси, ички етти аъзо – етти фалак, ташки етти аъзо – етти иклимидир.

Дастлабки маълумотни ҳосил қилдинг, энди билгилки, Худонинг халифаси агар бирор иш қилмоқчи бўлса, бу ишнинг сурати дастлаб аклда пайдо бўлур. Аклдан Аклнинг Арши бўлмиш нафсоний рухга инар, ундан Аклнинг Курсиси бўлмиш ҳайвоний рухга тушар; сўнгра томирларга осилиб, етти фалак бўлмиш етти ички аъзодан ўтар, ички кувватларга кўшилиб, ташкарига чикар. Агар қўлнинг йўлидан келса, қўл бу гайб оламининг мусофирини истиқбол этар, негаки бу мусофири Худонинг халифасининг ҳузуридан келмоқда. Тўрт руқндан бир улов мусофирининг ахволига яраша тақдим этар. Гайб оламининг мусофири бу уловга миниб шаҳодат оламида мавжуд бўлар. Худонинг халифасининг билими бўлган нарса Худонинг халифасининг феълига эврулди, яъни Худонинг халифасининг ёзуви бўлди.

Эй дарвеш! Аллоҳ таоло нимаики иш килса, дастлаб ўзи килади: воситасиз, моддасиз, меҳнат қуролисиз; сўнг бу ишнинг сурати бу воситаларга ўтиб, қуи оламга тушади ва шаҳодат оламида мавжуд бўлади. Биринчи сурат илм вужудидир, иккинчи сурат файбий вужуддир. Шунингдек, Худонинг халифаси ҳам нимаики ёса, ёки нимаики амалга оширса, дастлаб ўзи қилар: воситасиз, моддасиз, меҳнат қуролисиз; сўнг бу нарсаларнинг суратини воситаларга ўтказади ва ташкарига чикаради, шаҳодат оламида мавжуд бўлади. Темирчилик, ўймакорлик, кулолчилик – барча хунар ва амалларни шунга киёслаб хуласа чикар. Дастлабки сурат аклий вужуддир, иккинчи сурат хиссий вужуддир. Дастлабки сурат ички вужуддир, иккинчи сурат ташкаридаги вужуддир.

Агар тил йўли билан чикса, тил унинг истиқболига чикар, негаки бу гайб оламининг мусофири Худонинг халифасининг ҳузуридан келмоқда; тўрт руқн – нафас, овоз, ҳарф ва сўздан бу мусофирининг ахволига муносабини улов сифатида тақдим этар; бу мусофири уловга миниб, шаҳодат оламида мавжуд бўлар. Шаҳодат оламида мавжуд бўлгач, Худонинг халифасининг билими бўлган нарса Худонинг халифасининг сўзига эврилади. Бу ёзилган нарса сайр этиб, кўз йўлидан Худонинг халифасига этиб бора; айтилган бу сўз сайр этиб, кулоқ йўлидан Худонинг халифасига этиб бора. Минху бадъян ва илайхи яъуд (Ундан келиб, ва Унга қайтажакмиз). Бири – сувора сайридир, бири – кўнгил сайри.

Эй дарвеш! Икки хил сўз бор, бири айтилган сўздир, иккинчиси ёзилган сўз. Иккала сўзда ҳам бу гайб оламининг мусофирининг жони амр оламидандир; қолипи эса ҳалқ оламидан. Бу икки сўзниң мусофирилари маъноларидир; сўзниң шакли эса бу маънонинг муваккат ватанидир. Бу икки хил сўзниң маъноси Худонинг халифасининг сўзидир.

Эй дарвеш! Исо сўздир, Исо Одамга ўхшар. Демак, Одам ҳам сўздир. Аммо Исо айтилган сўздир – бу жаҳон оғзидан жон осмонига борур; Одам ёзилган сўздир – жон осмонидан қалам Ҳиндустонига келур.

Худонинг феъллари ҳамда Худонинг халифасининг феълларини билиб олдинг, нарсалар оламда қандай пайдо бўлиши ҳакида ҳам сенга маълум бўлди; энди билгилки, ҳар неки катта оламда бўлса, кичик оламда ҳам бор.

КИЧИК ОЛАМНИНГ ФАРИШТАЛАРИ ҲАҚИДА

Билгилки, нутфа (уруг) онанинг раҳмига тушганида илк жавҳарнинг аёнлашувидир. Тўрт табакага бўлинганида унсурлар ва мижозларнинг аёнлашуви бўлади, бадан аъзолари шакллана бошлаганида, ташқи аъзолар – бош, кўл, корин, олат, оёқ эса етти иклиминг аёнлашуви, ички тана аъзолари – ўпка, мия, буйрак, юрак, ичак, жигар ва ўтпуфак – етти осмоннинг аёнлашувидир. Ўпка – биринчи осмондир, камар (Ой) фалакининг аёнлашувидир. Чунки Ой катта оламнинг ўпкаси хисобланиб, икки оламнинг ўртасида воситачидир. Бу фалакда фаришталар кўпdir, мўътадил об-ҳавога масъул бўлган фаришта бу фалак фаришталари-нинг бошлиғи хисобланади. Димоғ – иккинчи осмондир, Аторуд (Юпитер) фалакининг намудоридир. Негаки, Аторуд катта оламнинг димоги (мияси)дир. Бу фалакда фаришталар кўпdir, хат-савод ўргатиш, илм-фан касб-хунарга масъул бўлган фаришта бу фалак фаришталарининг бошлиғи хисобланади. Бу фариштанинг исми Жабраил бўлиб, Жабраил оламдагиларнинг илмига сабабдир. Буйрак учинчи осмондир. Зухра фалакининг аёнлашувидир. Негаки, Зухра катта оламнинг буйраги хисобланади. Бу фалакда фаришталар кўпdir, шодлик-хурсандчилик, шахватга масъул бўлган фаришта бу фаришталарнинг бошлиғидир. Юрак тўртинчи осмондир. Куёш фалакининг аёнлашувидир. Негаки, Куёш катта оламнинг юрагидир. Бу фалакда фаришталар кўпdir, хаётга масъул бўлган фаришта бу фалак фаришталарининг бошлиғи хисобланади. Бу фариштанинг исми Истрофил бўлиб, Истрофил оламдагиларнинг тириклигига сабабдир. Ичак бешинчи осмондир. Миррих фалакининг аёнлашувидир. Негаки, Миррих катта дунёнинг ичагидир. Бу фалакда фаришталар кўпdir, қаҳру ғазаб, уруш ва қатлга масъул бўлган фаришта бу фалак фаришталарининг бошлиғидир. Жигар олтинчи осмондир. Муштарий фалакининг аёнлашувидир. Негаки, Муштарий катта оламнинг жигаридир. Бу фалакда фаришталар кўп бўлиб, ризқ-рўзга масъул бўлган фаришта бу фалак фаришталарининг бошлиғи хисобланади. Унинг номи Микоил бўлиб, Микоил олам аҳлининг ризқ-рўзига сабабдир. Ўтпуфак еттинчи осмондир. Зухал фалакининг аёнлашувидир. Негаки, Зухал катта оламнинг ўтпуфаги хисобланади. Бу фалакда фаришталар кўпdir, жонларни олишга масъул бўлган фаришта бу фалак фаришталарининг бошлиғи хисобланади. Исми Азоилдир. Азоил оламдагиларнинг жонининг олинишига сабабдир. Ҳайвоний Рух Курсидир. Собитлар фалакининг аёнлашувидир. Негаки, собитлар фалаки катта оламнинг Курсиси хисобланади. Бу фалакда фаришталар кўпdir. Нафсоний рух Аршидир. Фалак ул-афлокнинг аёнлашувидир. Негаки, фалакул-афлок катта оламнинг Аршидир. Ақл Аллоҳнинг ҳалифасидир. Аъзолар ривожланмасдан турғанларида маъданлар аёнлашувидир, ривожланиш юзланса, наботот аёнлашувидир. Ҳис-туйғу ва ихтиёрий ҳаракат пайдо бўлганда ҳайвонот аёнлашувидир.

Тўртинчи фасл

ОДАМ ВА ҲАВВО БАЁНИДА

Билгилки, катта оламда Одам, Ҳавво ва Иблис бор бўлганидек, кичик оламда ҳам Одам, Ҳавво ва Иблис бор. Катта оламда даррандалар, ҳайвонлар, шайтонлар ва фаришталар бўлганидек, кичик оламда ҳам бу тоифа мавжуд.

Эй дарвеш! Инсон кичик оламдир. Акл – бу оламнинг Одамидир, жисм – Ҳавво, вахм – Иблисидир; шаҳват – Товусдир, ғазаб – Илон, яхши ахлок – Жаннатдир. Ёмон ахлок – Дўзахдир. Акл, Рух ва Жисмнинг қувватлари фаришталардир.

Эй дарвеш! Шайтон бошқадир, Иблис бошка. Шайтон табиатдир, Иблис – вахмдир.

Эй дарвеш! Суратнинг эътибори йўқдир, маънонинг эътибори бор. Исмнинг эътибори йўқ, сифатнинг эътибори бор. Насабнинг эътибори йўқ, хунарнинг эътибори бор. Ит ит суратида бўлгани учун палид ва ифлос эмас, балки, газанда ва даррандалиги учун палид ва ифлосдир. Агар бу сифат одамда бўлса, одам ҳам бу сифат билан бир итдир. Тўнгиз тўнғиз шаклида бўлгани учун палид ва ифлос эмас, балки ҳарислик ва очкўзлик сифати борлиги учун палид ва ифлосдир. Бу сифатлар агар одамда бўлса, одам ҳам бу сифати билан бир тўнғиздир. Шайтон ҳам шайтон шаклида бўлгани учун ифлос ва палид эмас, балки бўйин сунмаслик, ёвузлик ва ёмонликка хидоят қилиши учун палид ва ёмондир. Бу сифат агар одамда бўлса, одам ҳам бу сифати туфайли бир шайтондир. Иблис ҳам иблис қиёфасида бўлганлиги учун ҳайдалган ва ражим бўлмади, балки такаббурлик, манманлик ва ҳасад туфайли ҳайдалгандир. Бу сифатлар агар одамда бўлса, одам ҳам бу сифати туфайли бир иблисидир. Фаришта ҳам фаришта қиёфасида бўлганлиги учун пок ва яхши эмас, балки фармонбардорлик, тоат-итоат қилишлик сифатлари туфайли пок ва яхшидир. Агар одамда бу сифат бўлса, одам ҳам бу сифати туфайли бир фариштадир. Бошка барча нарсаларни ҳам шундай деб билгил. Худонинг ҳалифасининг иши шуки, бу сифатларни ўзига бўйсунтириб олсин ва ҳар бирини керакли жойда ишлатсин. Унинг амр-фармонисиз бирор иш амалга ошмасин. Аллоҳнинг ҳалифаси Сулаймондир; Сулаймон учун бу нарсаларнинг ҳаммаси керак.

Эй дарвеш! Фаришта ва Иблис бир қувватдир. Бу қувват Сулаймонга тобе бўлгунига қадар Иблисидир. Сулаймон уни тутқун қилиб, кишандা саклар. Сулаймонга муте ва тобе бўлгач, номи Фаришта бўлди. Сулаймон буларнинг ҳар бирига иш берар. Баъзиларини мъеморликда, баъзиларини ғаввослиқда. Демак, Сулаймоннинг иши – сифатларни йўқ қилиш эмас, балки табдил этмоқ – аксига ўзгартироқдир. Сифатни йўқ килмоқ имконисиздир. Саркашни бўйсунувчи килур, одобсизни одобли килур, кўрга кўз бағишлар, карни эшигувчи килур, ўликни тирилтирад. Акл – Худонинг ҳалифасидир, одам эса ҳам Сулаймондир, ҳам Исо. Агар бунинг акси бўлиб чиқиб, Сулаймон бўйинсуниб, таслим бўлса, унда Сулаймон ит ва тўнғизларнинг бандиси, дев ва шайтонларнинг асирига айланар. Ҳар куни ўшаларнинг хизматини қилиш, уларнинг орзуларини амалга ошириш, девлар қўлида банди ва ожиз қолмокка тўғри келар. Дев унинг устидан ғолиб ва ҳоким чиқиб, тахт узра ўтирад, Сулаймон эса тахт пой-

ида хизмат камарини белига бойлар. Илохий хулклардан мосиво бўлиб, девлар ахлоқи унда пайдо ва зохир бўлар.

Эй дарвеш! Бундай кишилар одам киёфасида бўлгани билан, ички олами дев ё шайтон, ит ёки тўнғиздир. Дев (нафс) тахтга ўтириб, Сулаймон (руҳ) унинг хизматида бўлиши катта таассусуфли ҳолдир.

Бешинчи фасл

ЖАННАТ ВА ДЎЗАХ КЎРИНИШЛАРИ БАЁНИДА

Охиратда жаннатда нимаики лаззат ва роҳат бўлса, унинг кўринишлари бу дунёда одам боласида мавжуддир; дўзахда нимаики ранжу азоб бўлса, унинг кўринишлари бу дунёда одам боласида мавжуддир.

Билгилки, ҳар бир нарсанинг овқати ва ичимлиги ўзига мувофиқ бўлур. Ҳар бир нарсанинг лаззат ва роҳати ҳам ўша нарсанинг ахволига муносибдир. Жумладан, ақлнинг лаззат ва роҳати ҳикматни билиш ва илм ўрганишдадир; жисмнинг роҳат ва лаззати жисмнинг физолари ва жисмоний шахватлардадир. Нимаики малакут (руҳоният) оламига оид бўлса, унинг лаззат ва роҳати ҳам малакутий (руҳоний) нарсалардадир. Нимаики мулк оламига оид бўлса, унинг лаззат ва роҳати ҳам мулк оламидадир.

Олдингиларни билдинг, энди шуни ҳам билгилки, жисм учун таом ва ичимлик, хур ва ғилмонлар моддий кўринишда мавжуддир; ақлнинг ҳам ақлий таом, маънавий ҳурлар ва ғилмонлари бордир. Ақл – Сулаймондир, куш тилини билди, барча у билан сұхбатлашадилар, барчанинг тилини тушунади; Худонинг ҳикматини барчада топади. Шу сабабдан, лаззат ва роҳатдадир.

Эй дарвеш! Мавжудотнинг ҳар бир намунаси – күшлардир; улар бу Сулаймон билан сўзлашадилар; ҳар бири аслида нима эканлиги, яратилганинг ҳикмати нима эканлиги ҳақида айтиб беради. У (Ақл) барчанинг тилини тушунади, барчанинг ҳикматини англайди, ҳикматни топиш ва англашдан лаззат ва роҳатдадир. Бу Сулаймон агар хуш ифор ё гўзал жамол лаззатини орзу қиласа, ниманини хидласа, барча нарсадан Худонинг бўйини ислайди, нимага назар солса, барча нарсада Худонинг жамолини кўради. Сұхбат лаззатини орзу қиласа, барча мавжудотнинг намуналари унинг наздида гўзал қасрлар ва кошоналардир. Бу қаср ва кошоналарда ҳурлар ва парилардир. Ҳеч ким уларга етишмаган, барчалари бокираидир. Бу қаср ва кошоналарда Сулаймондан ўзга ҳеч кимга йўл йўқ. Бу Сулаймон ушбу қаср ва кошоналарга кириб, бокира ҳурлар ва париларнинг бўйнига қўлинни ҳалқа қиласа, уларнинг сұхбатидан лаззат ва роҳатда бўлар. Бу шундай лаззатки, бунда паришенлик, пушаймонлик бўлмас; канча сұхбат давом этса, лаззат ва роҳат кўпроқ бўлур. Бу сұхбатдан жаннат ҳурлари ва ғилмонлари туғилар.

Эй дарвеш! Бу қаср ва кошоналар айримларининг жисмоний вужуди бордир, айримларининг ақлий вужуди бордир; айримларида лафзий вужуддир, баъзи бирларида китобатий вужуддир. Китобатий вужуд мушкин хайёmdir. Жумладан, мен ушбу кофурий сахрода мушкин хайма урганман.

Эй дарвеш! Бу уч рисолани Исфаҳонда тўплаб, туздим. Ўнинчи рисола тугади. Ушбу биринчи жилдда ўнта рисола ёзилди.

Валҳамду лиллаҳи Роббил-ъаламийн.

ЧҮЛПОННИ АНГЛАГАН ОЛИМ

*Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов
таваллудининг 90 йиллигига*

Ўтган асрнинг ўрталарида Аскад Мухтор ёзувчи ва шоирлар даврасида “Бинафша” шеърини ўкиб, атрофдагилардан шеър муаллифини сўраган экан. Кимдир: “Ойбекнинг 20-йиллардаги шеъри бўлса керак”, – дебди. Кимдир: “Комил Яшин”, – дебди. Аскад ака бу гўзал сўз санъати намунаси Чўлпон қаламига мансуб эканини айтгани заҳоти унинг ёнида биронта адаб қолмабди. Чунки Чўлпон шеърини ўқишигина эмас, эштишишнинг ўзи ҳам кўп ўтмай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳамма билган. Ўзбекнинг бокира қизи бинафшага қиёслантган мўъжизавий санъат даражасидаги назм кўп ўтмай, кайсиdir ношуд кимса чакувчи билан яна бир нечта хонадонга фожиа олиб келиши тайин экан. Фақат баҳтли та-содиф рўй берганми, “ўзинг ҳам шу шеърни эшитдингми?” – деган са-вол кўркитганми, ҳар ҳолда биз эсга олган давра иштирокчилари жазога тортилмаганлар. Умарали Норматов ўз хотираларида Абдулла Қодирий, “Ўткан кунлар” хақида савол бергани учун беш йил камалган студент хақида ёзган-ку.

Биз ўша пайтларда Тошкент давлат университетининг (хозирги ЎзМУ) филология факультетида ўкир эдик. Устозимиз Озод Шарафиддинов биздан мамнун бўлиб эриб кетган кезлари Чўлпоннинг “Бинафша”, “Мен кетай деб”, “Қаландар ишқи”, “Куз ёмғири” каби шеърларини мароқ билан ўкир эдилар. Биз – талабалар мисраларни каторма-қатор, навбатма-навбат, ўзаро бўлишиб ёзиб олар эдик. Кейин уларни тартиб билан жамлаб, тўлиқ ёдлашга тушар эдик. Замон вазияти, Абдулла Қаҳхор таъбири билан айтганда, “Оқ пошто таҳтдан тушгани билан, оқ амин аминликдан туш-манти”, деган таърифга мос эди. Чунки Сталин катағонига учраганлар олдинма-кетин оклангани билан Чўлпон боши устидаги булут дарз кетса ҳам ҳали тарқалишни ўйламаётган эди. Бу булут шу қадар мустаҳкам эдики, ҳатто ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам бир хил – қовогини солиб турарди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган бир нуфузли мажлисда ўша пайтдаги жуда катта амалдор сўзга чиқиб, Чўлпон ижоди-ни ўрганиш вақтинча тўхтатиб турилишини айтган. Ана шундай нозик бир сонияларда ҳам замон сиёсати кад кўтариб туришига қарамай “қовун тушириш”ни одат килган Озод Шарафиддиновнинг “Қачонгача?” – деган овози жаранглайди. Бу овоз сув қўйгандек жимжитлик хукм сураётган мажлисда момақалдириқдек ларза беради. Бутун зал Озод акага ваҳима билан қарайди. Амалдор эса бу саволни кутгандек: “Қанча лозим бўлса, шунча кутасиз!” деб жавоб кайтаради.

Аслини олганда бундай муносабатга устозимиз кўп йиллардан бўён ўрганиб қолган эди. Фикри ожизимча, унинг тасаввурода Чўлпондан гўзал инсон, ундан буюк шоир йўқ эди. Унинг поэзияси, умуман, шеъ-

рият осмонида ёркин юлдуз каби муттасил нур сочиб турарди. Хос сухбатларимизда мавзу Чўлпонга етиб келгани заҳоти Озод домланинг киёфасида такрорланмас файз, жило топарди. Айникса, бу мавзу Миртемир шеърияти ҳақидаги фикрлардан кейин бошланса, домламиз мутлак ёзилиб гапиради. Орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, бу чехра хотира-мизда муҳрланиб колган.

Менимча, биринчи навбатда Озод Шарафиддиновни Чўлпон поэзиясида ўзига мафтун этган фазилат фавкулодда акл, нозик қалб, бадий ифодадаги уйғунлик эди. Чўлпон XX аср ўзбек шеъриятига янги ҳаво олиб кирди. Унинг асарларидағи ҳар бир мисра Озод домла учун маржонлар шодасидек лаззат бағишиларди. “Мана буни ҳақиқий поэзия деса бўлади, черт побери” дердилар устоз. Чўлпондек шоир ижодидан баҳраманд бўлиш имконини чеклаган сиёsat билан муросада бўлишни истамасди.

1968 йилда “Тирик сатрлар” китоби нашр этилди. Бу китобда 30 йилдан ортиқ вакт давомида Чўлпон шеърлари биринчи марта ўкувчи эътиборига тақдим этилганди. Аммо яна “ок амин аминликдан тушмагани” боис факат Чўлпон эмас, Озод домла тепасидаги булат куюқлашди. Кўп ўтмай китобни тарқатиш тақиқланди, ортиқча савол-жавоблар, асад бузишлар бошланди. Ҳақиқат букилади, аммо синмайди, деганларидек юртимизнинг мустакиллиги Чўлпон поэзиясини халққа қайтарди. Бу шеърияти сирларини кашф қилувчи олимлар каторидаги биринчи ўрин эса яна Озод Шарафиддиновга насиб этди.

Ҳаётдаги янги вазиятдан фойдаланган Озод домла зудлик билан Чўлпон асарларини топиш, нашр этиш ва ўрганиш жараёнига раҳбарлик килди. Натижада буюк адабининг “Адабиёт надир”, “Баҳорни соғинидим”, “Яна олдим созимни”, каби уч жилдлик асарларининг биринчи жилди интиқ китобхон кўлига етиб келди. Озод Шарафиддиновнинг “Чўлпон” (1991), “Чўлпонни англаш” (1994) китоблари “Чўлпон”, “Ёзувчи” нашриётларида босмадан чиқди. Олим атрофида бир нечта ёш назм муҳлислиари астойдил ҳаракатда бўлишди. Етук мутахассислардан Наим Каримов, Умарали Норматов, ИброҳимFaфуров, Абдуғафур Абдурасулов, Асрор Самадлар Озод домлани кўллаб-куватлашди.

Озод домланинг олдида турган биринчи мақсад “Чўлпон ўзи ким?”, “Нега биз уни шу пайтгача билмаймиз?”, “Нега унинг шеърлари дарсларларга киритилмайди?” – деган кенг китобхонлар оммасидан юборирилган мактубларга жавоб бериш эди. Мутахассислар даврасида, ҳатто рус адабиётшуносларининг таъкидлашича, Чўлпон бадий маҳорати ва шоирлик иқтидори жиҳатдан А.С.Пушкинга teng шоир даражасида тан олинаётганига қарамай, оддий ўзбек китобхони бу сўз санъаткорини билмас эди. Шунинг учун Озод Шарафиддинов “Чўлпон” китобидаги беш бобдан иборат фаслларда шоирнинг фожиали тақдирли, ижодий фаолиятининг бошланиши, ўтган асрнинг 20-йилларида унинг шеърияти юзасидан амалга оширилган жанжалли муҳокамалар тарихи, унга нисбатан уюштирилган ноҳақ ҳужумлар тафсилотлари билан ўкувчини танишитирди. Китобда адабининг шеърияти, насли, драмалари, театршунослик фаолияти, таржималари, мунаккидлиги бобма-боб таҳлил этилади. Матбуот тарихига оид газета ва журналлар саҳифаларидан келтирилган иқтибослар, шоир ижоди юзасидан эълон қилинган мазмунан қарамакарши мақолалар, назм намуналари, “Кеча ва кундуз” романининг теран таҳлили, драмаларидаги образ яратиш маҳорати, таржимон сифатида-

ги ноёб иктидорига берилган баҳолар китобхонни Озод Шарафиддинов бутун илмий умрини Чўлпонни ўрганишга бағишилаган, деган хуносага олиб келади. Буюк санъаткордаги “муте бир оксоҳ” бўлиб замон зайлига бўйсуниб ижод қилишдан воз кечиш сонияма-сония очиб берилар экан, давр адабиётiga баҳо берилиши билан уйғун олиб борилади: ҳоким сиёсатга “бошига қилич келганда ҳам ҳақиқатни айтадиган ёзувчилар керак эмас эди. Адабиёт “так” деса қўлига қўнадиган күш бўлмоғи керак эди... ҳалқнинг кўйинини пуч ёнгокка тўлдириб турмоги зарур эди. Сафда юролмайдиган, честь бериб, ғоз қотиб туролмайдиган, ха деганда луқма ташлаб безор қиласдиган ёзувчиларнинг попугини пасайтириб, шаштини кайтармоқ лозим эди”. Иктибосга эътибор беринг. Озод домла ўз фикрларини тўлик равишда ҳалқона ифодалар билан (бошига қилич келганда ҳам ҳақиқатни айтадиган, “так” деса қўлга қўнадиган, кўйинини пуч ёнгокка тўлдириб турмоги, честь бериб, ғоз қотиб, луқма ташлаб) ўша замонга, ўша давр адабиётiga таъриф бermokda. Чўлпоннинг давр мезонига мос келмагани учун бошида ёнгок чакилганини айтилмоқда. Бошига ўткир қилич тушаётган бир пайтда сўзлаган Чўлпон нуткини келтириб шундай дейди: “Умуман, Чўлпон нуткининг оҳангига эътибор беринг – унда ялинчоқлик, ялтоқланиш йўқ, аммо унда мантиқ излаш бор, адолат ва ҳақиқатнинг карор топишига умидворлик бор”.

Озод домла Чўлпон шеъриятининг мафтуни эди. Назаримда, устозимиз шеърият қадрини белгилаш мезонларини Чўлпондан ўргангандар. Шоирдаги шеър мазмунига сингдирилган теран фалсафий моҳият, пичок тегмаган гапдан фойдаланиши ва шу гапга шахсий фалсафанинг мазмунини сингдириш воситасида ўкувчи маънавиятини бойитиш маҳорати домлани ҳам ўзига жалб этган, муҳлис килган эди.

Домламиз Чўлпон поэзиясига баҳо берар эканлар, шундай дейдилар: “Чўлпон маҳорати шунчалар юксак эдики, у қаламнинг бир енгил ҳаракати билан сўз лашкарларини истаган измига сола биларди. Чўлпон мерос қолдирган шеърият – чиндан-да мўъжиза...” Ана шундан кейин муаллиф “сўз лашкарларини истаган измига” солиши сирларини ўз ўкувчисига эринмасдан тушунтиради.

Аввало айтиш керакки, Чўлпон ўз шеъриятини шунчаки шеър ёзиш учун яратмаган. Унинг поэзиясида ҳар бир сўз, ҳар бир поэтик ифода рамзий моҳият касб этар эди. Она табиат, ўзбекона менталитет ижтимоий мухит шароити билан боғланган ҳолда ифодасини топарди.

Чўлпон шеъриятини ўкувчига Англияни учун аввало унга қўйилган айбнинг бўхтон эканини исботлаш лозим бўлди. Замон зайлига бўйсуниб, “так” деганда қўлга қўнадиган күшга таклид қилувчи адабиётшунослар шоирни жадид, буржуа ёзувчиси, ашаддий миллатчи, босмачилик кайфијатидаги унсур сифатида коралайдилар. Озод домла ёзадилар: “Шундай килиб, шўролар хукумати ўзининг ilk қадамлариданоқ ижод эркинлигини чеклаш, зиёлилар фаолиятига тўсиклар қўйиши, меҳнаткаш ҳалқни уларга нисбатан ишончсизлик руҳида тарбиялаш сиёсатига амал килдилар. Сотти Хусайн, Абдурахмон Саъдий, Миёнбузрук Солихов каби адабиётшунослар ўзларини ҳоким сиёсатга якин кўрсатиш ниятида ёш шоир ижодидан тирноқ остидан кир кидириш қабилида сиёсий нуқсонлар топишга уринадилар. Устозимиз, аввало, “Бузилган ўлкага” шеърига мурожаат килган. Тахминан Фарғона водийсидаги фожиали воеалар оқибатида мусибатли хаёт кечираётган ҳалқнинг тақдирни акс эттирилган бу шеър-

да “минг-минглаб одамлар очлик ва зўравонлик туфайли ҳалок бўлган” и тасвиirlанган эди. Шоир шеърда бутун Шаркни, хусусан, Фарғонани ҳам ўша замонда мушкул шароитда қолганини ифодалашга уринган. Бу ҳақиқат, аввало, ўзбек фарзандини, қолаверса, ҳар бир фарғоналикини лоқайд қолдира олмасди. Ваҳоланки, сиёsat хизматчилири бу шеърни ҳатто “босмачилар гимни” деб аташгача боришиди. “Чўлпон” китобининг шеъриятга бағишинган иккинчи бобида кирқдан ортиқ шеърий парчалар келтирилган. “Чўлпонни англаш”да шеърларнинг номлари эсга олинган. Уларда поэтик маҳорат маҳсули бўлиб яралган сатрларда шоир қалбидан отилган вулкон бутун замон адолатсизлигини күйдириб ўтгани бир томондан алам, бир томондан гурур ила китобхон эътиборига етказилади. Шоир шеъриятининг ҳамма намуналари поэзиянинг олий кўринишида бўлса-да, улар таркибидан энг мўъжизали сатрлар нозик дид ва акл мезонида ажратиб олинади ва шоҳ сатрлар даражасида тақдим этилади:

*Бир қўзғалар, бир кўтирап, бир қайнар,
Бир интилар, бир ҳовлиқар, бир ўнтар,
Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар.*

Адабиётшунос олимларни бадиий адабиётда ёритилган мавзулар қаторида энг эътиборли ҳисобланган инсон шахсини улуғлаш, инсон – Ер куррасининг ҳокими эканини таъкидлаш йўналиши доимо жалб этиб келган. Чунки инсон ўзининг инсоний қадрига етмай туриб, ёруғ дунёга келиш сабабини англамайди. Озодлик, эркинлик неъматини баҳолай олмайди. Яхшилик, эзгулик, иймон фазилатларини тушунмайди. Табиат гўзаллигини хис қилмайди. Чўлпоншунос Озод домлани ҳайратта солган фазилат ҳам, бизнингча, шоир поэзияси моҳиятининг заминини ташкил этувчи ИНСОН концепцияси бўлган:

*Тириксен, ўлмагансен,
Сен-да одам, сен-да инсонсен.
Кишин кийма, бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур тугилгонсен.*

Фикри ожизимча, Озод домланинг бутун ҳаёти давомида ишонч билан яшаш табиати юқоридаги тўрт сатрда муҳрланган. Домламиз яшаган муддат давомида ижтимоий ҳаётда бир неча марта сиёsat ўзгарди. Шахса сифиниш, қайта куриш, ўзбек пахтаси, мустакиллик довонларидан ўтди ўзбек ҳалки. Аммо домла ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифодалайдиган замон бўлмади. Кўп марта домламиз бошида калтак синган вазиятларга гувоҳ бўлдик. Чўлпон бошидаги дашном ёғдирувчи булатлар устозимиз тепаларида ҳам роса чарх урганини кўрдик. Аммо ҳар сафар муйян муддат ўтганидан сўнг бу кўланкалар ҳақиқат, иродада шамоли билан тарқаб кетарди. Ва ҳар сафар устозимиз “кишан киймай, бўйин эгмай” ҳаёт синовларидан эсон-омон ўтар эдилар. Ҳавас киладиган жиҳатлар шундан иборат бўлар эдики, шахсий ҳаётидаги тазиикларни биз – шогирдларига деярли билдирилмасдилар. Гоҳида бу йўналишда нобопроқ савол берсак, “биринчи мартами, бир гап бўлар, чўрт побери”, деб кўярдилар. Ҳатто умрларининг охирида жуда оғир жарроҳлик муолажаларини бошидан

кечирганда ҳам уларда рухий тетиклик йўқолмади. Ҳазил-мутойибалар эсдан чикмади. “Нажот – ҳамкорлиқда” (Салмон Рушдийга очик ҳат) га ўхшаш мақолалар ёзилаверди. Ўйлайманки, хаётда энг мушкул вазиятлар вужудга келганда, домламизни Абдулҳамид Чўлпон қўллаб-кувватлаган. Чўлпон ва Озод домла – икки буюк инсоннинг вафот куни айнан бир кунга – 4 октябрга тўғри келишида ҳам илоҳий ўхшашликни кўраман.

Озод Шарафиддиновни шоир Чўлпон поэзиясида жалб қилган мавзулардан бири ўзбек бокира кизига ижтимоий ҳаётда бўлган муносабат муаммоси эди. Мақоламиз бошланишида Аскад Мухторнинг “Бинафша” шеърини ўқиганини эслагандик. Шеърда ўзбек кизи билан бинафшанинг мукояса қилиниши шеърият муҳлисини бефарқ қолдирмайди. Ўзингиз тасаввур қилинг:

*Бинафша, сенмисан, бинафша, сенми,
Кўчада ақчага сотилган...
Кимлардир, уларким,
Ингани баерингга санчалар?..
У қандай қўлларким,
Узалар, ҳидлайлар, янчалар.*

“Шарқ қизи”, “Мен ва бошқалар” каби шеърлар, хикоя ва романидаги ўзбек қизи ифодасида Озод домла Чўлпоннинг бутун вужудига сингиб кетган мусибатнинг рухий шархини қўради. “Мен ва бошқалар” шеъри ҳакида олим ёzáди: “Ўзбек қизи бениҳоя ҳазин оҳангда ўз ҳолини изхор килади. Унинг сўзларида шикоят йўқ, аммо тизгинсиз мунг бор, у бошқалар каби эрк эртакларини эшитмоқ истайди, бироқ бунинг ўрнига тўрт девор ичидаги куллик қўшиғини тинглашга мажбур... Чўлпон шеърларида аёлга теран ҳамдардлик бор: шоирнинг табиий ҳақ-хукукини химоя килиб бонг уради, калбларни қалкитишига харакат килади”.

Чўлпоннинг санъатта, бадиий адабиёти, поэзияга драматургияга бўлган муносабати Озод домланинг табиатига, феълига ҳар жиҳатдан мос эди. Бу яқинлик охир-окибатда икки гўзал инсоннинг муомаласига таъсир ўтказди, уларнинг дунёкарашида эгизак рухни, холатни вужудга келтириди.

Озод домла ёшлигидан бошқа тенгдошларидан ростгўйлиги, дангаллиги билан ажralиб турарди. Биринчи ўқитувчиси Кудрат Аҳмедов қуйидаги воқеани эслаган эдилар: Озод Тошкент шаҳридаги 14-мактабнинг бошлангич синфларидан бирида ўқиб юрган кезлари мактабга текширувчилар келади. Кудрат ака синфидаги ўқувчиларнинг билими яхши эканлигини кўрсатиш учун назорат диктантни аввалги ёзилган матндан танлайди. Диктант синфдаги орка партада ўтирган текширувчи кузатувида ёзиб бўлинганидан сўнг ўқитувчи одатдагидек ўқувчиларидан: “Саволлар борми?” – деб сўрайди. Шунда 8 ёшли Озод ўрнидан туриб: “Бу диктантни аввал ҳам ёзган эдик-ку”, деб сўраган экан. Мана шу ҳақгўйлик умр бўйи уни тарк этмади. Эҳтимол, унинг Чўлпонга бўлган чексиз хурмати ва қизиқишининг сабабини ҳам айнан шу фазилатдан ахтариш тўғри бўлар. Олим Чўлпонни шу қадар синчковлик билан мукаммал ўргандики, охир-окибатда айрим ўринларда ёзувчи услуги билан тадқиқотчи ўртасида уйғунлик намоён бўла бошлади.

Озод Шарафиддинов табиатан поэтик асарларни таҳлил қилишга кўпроқ қизиқарди. Аммо гап Чўлпон ҳакида кеттанида, бадиий асарни

жанрга нисбатан ажратиш кейинги ўринларга ўтарди. “Чўлпон” рисоласининг учинчи бобида олимимиз адабижодидаги ҳикоянавислик фаолиятига алохига ўрин ажратди. Бу фаслда “Қоғоздан қайичалар”, “Оқбулутлар билан тўлкинлар”, “Кўнгилчанлик” миниатюралари таҳлилидан бошланган тадқиқ мантиқан ривожланиб “Қор қўйнида лола”, “Ойдин кечаларда”, “Нонушта”, “Гавҳарой” каби ҳикоялар йўналишида давом этади. Тадқиқотчи кичик прозаик асарлар ҳакида фикр юритишда ҳам шоирнинг поэзиясидаги асосий мавзулардан хисобланган ўзбек кизи тақдирни инфодасига диккатини қаратади. Бу ўринда Чўлпоннинг ўзбек кизи ҳаётини тасвирлашдаги икки жиҳат алохига эътибор билан ўрганилади. Биринчидан, ёзувчининг ўзбек қизларидағи ҳаётдан асосан ёшлик чоғлари баҳраманд бўлиш фазилати, иккинчидан, айнан шу бокира қизларнинг балоғатга етганидан кейинги фожиали кисмати юзасидан мулоҳазалар юритилади. “...озиб-ёзиб бир эркинлик тегиб колса, ҳовуз бўйига чикиб қолишса, ўзларини қўйиб юбориб, болалардек самимият билан ўйнаб қувнайдилар”. Аммо кўп ўтмай “Қор билан лола ўт билан сувдек гап, қор қўйнида бир кун эмас, бир нафас турган лола дархол бужмаяди, ногуд бўлади”, – дейилади. Олим дахосининг кучи шундаки, бу таҳлилда ўзбек кизининг тақдирни, кисмати ўзбек миллати тарихи билан узвий мукояса килинади. Бокира қизларимизнинг фожиаси “таксирим” деб аталмиш ношуд инсонлар билан боғланади. Аслини олганда, ўзбекнинг XX аср бошларидағи мусибати ҳам ана шу кимсаларнинг мунофикалиги оқибатида рўй берган эди. Олим кичик проза намуналари ҳакидаги фикрларини якунлаб: “Умуман, Чўлпоннинг ҳикоялари кўпинча оддий ва жўн воқеаларга бағишлиланган бўлса-да, ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги билан эътиборга лойик”, – дейди.

Чўлпон кичик ҳикоялар ёзиш фаолиятини бадиий прозанинг юксак маррасини эгаллаш ўйлидаги маҳорат мактаби тажрибасини тўплаш билан ўйгуналаштириди. Йирик проза намунаси хисобланмиш роман поэтик шеърлар, миниатюралар, ҳикоялар даражасидан анчайин кенг кўламли имкониятга эга эди. Адибнинг ҳаётий мақсади ҳам ўзбек китобхонига миллий тарихимизнинг бадиий аксини мерос қилиб қолдириш бўлган. Бу ўринда Озод Шарафиддиновнинг бир фикрини келтириш максадга мувофик деб ўйлаймиз. Олим Зеби образини яратишдаги ёзувчи маҳоратига баҳо берар экан, шундай дейди: “У (Чўлпон – муал.) Зеби характерини тасвирлашда бирон нуктада ҳам ҳаётийлик принципидан чекинмайди, ҳамма жойда меъёрни саклашга интилади”. Иктибосдаги “меъёр” сўзига эътибор килайлик. Бизнингча, бу сўз ҳаёт ҳақиқати, реал воқелик, самимий турмуш тарзи маъноларини ифодалайди. Кўп ўтмай олим ёзади: “Романда жуда кўп учрайдиган бундай парчалар (ҳаётий лавҳалар – муаллиф) психологик теранлиги ва ҳаққонийлиги билан Зеби характерига чинакам ҳаётийлик бахш этади, унинг реаллигига китобхонни ишонтиради, образнинг таъсир кучини оширади”. Аслини олганда айни шу ҳукмни романдаги Мирёқуб, Акбарали, Рazzok сўфи, Зебининг онаси, Салтанатхон, аравакаш бўзўғлон йигит Ўлмасжонлар каби ҳамма образ ва персонажларга тааллукли деб қабул килиш мумкин. Чунки, “меъёрни саклаш” буюк адибнинг ўзбек миллати тарихини бўёкларсиз кейинги авлод китобхонига мерос қилиб қолдиришдек бош мақсад – мезон бўлиб хизмат килган. Озод Шарафиддинов бадиий адабиётдаги, хусусан, романлардаги характерларнинг яратилишида ёзувчи томонидан йўл қўйиладиган

бир ёқламаликни ҳамиша коралаган. Ижобий образларни уларнинг табиатига мос келмайдиган ёлғон фазилатлар билан тасвирлаш, салбий қаҳрамонларни мутлақо салбий бўёклар билан чаплаб ташлашга қарши фикр юритганларида, биз – шогирдларга ҳаётда мутлақ ижобий, мутлақ салбий инсон бўлиши мумкин эмаслигини қайта-қайта уқтирганлар. Чўлпон “Кеча ва кундуз” романнида олимнинг айнан шу фикрини кўллаб-куватлагандек бўлган. Шунинг учун бўлса керак, олим асардаги Раззок сўфи, Ақбарали, Мирёкуб, Ноиб тўраларнинг салбий жиҳатларини далиллар билан кўрсата туриб, ёзувчининг бу қаҳрамонларида кам бўлсада, ҳар ҳолда учрайдиган ижобий хусусиятларни ҳам тасвирлашга эътибор берганини алоҳида таъкидлайди. Салбий образлардаги ижобий ҳатти-харакатлар белгиларини Чўлпоннинг маҳорати билан боғлайди. Бу ўринда, айникса, Мирёкубни ўзбек буржуазиясининг илк вакилларидан эканини унинг “империя” сўзи маъносини тафтиш килиши, темир йўл куриладиган қаровсиз ерларни арzon-гаровга сотиб олиши билан асослайди. Айни пайтда бу қаҳрамоннинг “аналитик ақл эгаси” эканлигини, айникса, замон ўзгаришига қараб иш юритишни маъкуллайди. Ҳатто, ҳаёт тақозоси билан бу шахснинг келажакда асосий қаҳрамонга айланиши мумкинлигини тахмин қиласди. Ёзувчининг Зебини суд қилиниши лавҳаси воситасида чоризм тизимидағи нуқсонларни Н.В.Гоголь, Л.Н.Толстой даражасида фош эта олганини фаҳр билан таърифлайди. “Кеча ва кундуз” романни фазилатлари олимимиз томонидан етук адабиётшунос сифатида таҳлил қилинар экан, Чўлпоннинг шоирлиги, ҳақиқий маънодаги сўз санъаткорлиги бир сония ҳам устоз ҳаёлидан кўтарилилмайди. Романда воқеалар баёни давомида адабнинг ўрни келганда лавҳалар тавсифига аралашуви, фаолашуви; ўрни келганда оддий китобхон қаторида кузатувчига айланиши алоҳида маҳорат намунаси сифатида таҳлил қилинган: “Романнинг айрим сахифалари фавқулодда таъсир кучига эга. Айникса, Зеби устидан суд мажлислари тасвирланган сахифаларда Чўлпоннинг фош қилувчилик санъати юкори чўккига кўтарилиган. Уларда ёзувчи овозини баландлатмайди, кора бўёкларни қалаштирумайди. Сиз ҳатто муаллифнинг мавжудлигини сезмай ҳам қоласиз; у бир чеккада, панада туриб, ўта босикълик билан, факат ҳаққоний деталларга алоҳида урғу берган ҳолда мажлис иштироқчиларини тасвирлаб беради”.

Ўнлаб йиллар давомида олимнинг Чўлпон прозаси устида олиб борган кузатишлари XX аср бошларида Фитрат, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Faфур Ғулом ижоди билан янги мазмунга эга бўлиб бораётган адабиётимиздаги хикоячилик, роман жанрларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнининг қарор топганини исботлаш имконини берди. Устозимиз адаб прозаси юзасидан айтилган фикр-мулоҳазаларга хулоса ясар экан: “...“Кеча ва кундуз” ҳаётйлиги, миллий рангларга бойлиги, табиийлиги ва самимийлиги билан қаҳрамонлар характерининг бутунлиги ва тўқислиги билан реализм тантанасига катта хисса кўшди”. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романни ҳакида айтилган бу якуний фикрни унинг шеърияти, хикоялари, романни, драматик асарлари, қўйингки, бутун ижодига берилган таъриф сифатида баҳолаш мумкин.

Озод Шарафиддинов буюк Чўлпон ҳаёти, ижоди ҳакида ёзар экан, иккита мухим масалани қайта-қайта эсимизга солади, таъкидлайди. Биринчиси, Чўлпон асарларини ахтариш жараёни тўхтамаслиги керак. Унинг йўқолган

“Кече ва кундуз” романининг иккинчи – “Кундуз” кисми (бу ҳақда ўзаро сұхбатларимизда күп айттылған), 30-йилларнинг бошида ёзилған “Ёв” деган кисса, шеърлар, мuloхазалар ва бошқа ижод намуналари, мактубларни топиш, ўрганиш, нашр килишни тұхтатмаслигимиз керак. Иккинчиси, Озод Шарафиддинов танқид килинаёттән шахснинг хатти-харакатидаги нұқсанларни исбот-далиллар билан күрсатғанлар, аммо унинг шахсиятини бирон марта ҳақорат килмаганлар. Аксари ҳолларда хато килиш банданинг табиатига хос хусусият, беайб Парвардигор йүсінінде иш туттандар. Ана шу фалсафий эътиқодға амал килған равишида ўзларининг фикр-мuloхазалары, хукм-хуласалари; хоҳ ижобий, хоҳ танқидий мuloхазаларини ўкувчига мұтлақ ҳақиқат сифатида тақдим килмаганлар. Олим ҳамиша камтарлық, одоб доирасидан чикмаган ҳолда муомала мезонига амал килар эди. Бұтун умри давомида Чүлпон шеъриятiga садоқат билдириб яратған илмий тадқиқтлари ўзбек адабиёт шарының соғысига асос солиши ҳам ана шу эътиқод самарааси сифатида вужудға келген. Ҳеч иккىланмай айтиш мүмкінки, ўзбекнинг кейинги авлод китобхони Чүлпондек буюк миллат фарзанди борлигини Озод Шарафиддиновнинг саъй-харакатлари самараасида билди, англаб етди.

Чүлпон ижоди ўтган асрнинг 20-30-йилларидаги вактли матбует саҳифаларыда, бадий адабиёт саҳифаларыда олмосдек яшириңған ҳолда сакланарди. Чүлпоншунос Озод бу олмосни ажратиб олди. Садоқати, заргарона ақли заковати билан ўзбек адабиёти узугига Чүлпон деб аталған бриллиант күз күйиш шарафига еришди.

Омонулла МАДАЕВ,
филология фанлари номзоды

Омонулла ака ушбу мақолани таҳририятта олиб келгандарига үнча күп бўлгани ўқ. Дорилғунунда бирга ишлаган кезларимиз, ёшларни илм-маърифатга қизиқтириш, устоз-мураббилик, ўқытувчининг ҳалол-поклиги тўғрисида узоқ гаплашиб ўтиридик. Журнал ҳақида яхши фикрлар айттилар. Бир-икки ой ичида яна мақола олиб келаман, дедилар. Хўб дедик. Аммо... кутмалмагандан совуқ хабар келди. Қазонинг аччиқ шароби тобига келган экан. Начора...

Омонулла ака ўрик гулларини сөвардилар. Шунданми, кўнгиллари ўрик гулидай, билинар-билинмас совуқ шабадага ҳам бардош беролмайдиган даражада нозик эди. Илм, таълим, тил, адабиёт соҳаларидаю ютуқлардан фаҳрланган ҳолда, номутаносибликларни ҳазм қила олмай, турфа хил йигин, анжуманларда инсонгарчилик, инсоф-диёнат ҳаққи гаплининг пўст калласини борлигича, бутунлигича, силлиқ қоғозга ўрамай гапириб, кўнгилларини бўшатиб олмасалар бўлмасди. Илм-маърифат ривожи ўйлига тўсиқ бўлиб турган нарсалар ҳақида бонг уриши, югуриб-елиши лозим бўлган айрим зиёлилар ҳамон сирли сукут сақлаб, улар ёнидан бепарво ўтиб кетаётгандарни Омонулла акани жунбишга келтирарди.

Домла фавқулодда куюнчак, жонсарак инсон эди. Бу фазилатнинг мұхим “фазилати” шундаки, у ҳамиша куюнчак ва жонсаракларнинг асабига совуқ шабада бўлиб урилади, соглиғига соя ташлайди. Юпанчимиз шундаки, домла сөвған ўрик боялари гуллашда, рўйи заминга ифору латофат таратишда давом этаверадилар.

Охиратингиз обод бўлсин, устоз!..

Бош мұхаррир

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ФЕНОМЕНИ

Назаримда, кўпчиликка таниш бир гапни сал бошқача қилиб, мана бу тарзда айтиш мумкин: “Сен менга қандай китоблар ўқишингни айт, мен сенга кимлигингни айтиб бераман”. Ҳар гал устоз Озод Шарафиддинов ҳакида сўз кетганда, мана шу мезон ёдга тушади. Бунга кўшимча, Озод домла мисолида нафақат ўқилган китоблар, балки таржима учун танланган асарлар ҳам у кишининг қандай шахс бўлганидан дарак берарди, деб bemalol tасдиқлаш мумкин.

Аввало, домланинг ўзи ўқиган ва бошқаларга ҳам ўқишни уқтирган айрим китоблар хусусида.

“Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007 йил) тўпламига кирган мақоламда эслатганимдек, 1982 йилда – Чўлпон асарларини тарғиб қилиш тугул, номини эслаш хавфли бўлган йиллари менга – университетнинг биринчи курс талабасига адабнинг “Кечава кундуз” романини, албатта, ўқишим кераклитетини, бу китоб фақат Субутой ака Долимовда борлиги, у кишининг ишончини қозониши учун “Озоднинг шогирдиман” дейишим мумкинлигини айтган киши Шарафиддинов домла бўлганди. Бу роман мутолаасидан кейин эса яна иккита китобни шахсий кутубхонаасидан олиб келиб, кўлимга тутқазгандилар: Ўлжас Сулаймоновнинг “АЗИЯ” ҳамда Ян Парандовскийнинг “Алхимия слова” (“Сўз кимёси”) китоблари. Ўша курс охирида эса домлага Габриэль Маркеснинг “Сто лет одиночества” романи атрофида баҳслар кизиётгани, асар тезрок ўзбекчага таржима қилинса, ўқишим кераклитетини айтганимда, “Э-э, нима қиласиз шўрвасининг шўрвасини ўқиб, бу романни ҳеч бўлмаса русчада ўқиб маза қилиш керак” дея танбех берган ҳам домла бўлдилар. У киши кейинчалик ўқиб ўрганганимиз кўплаб китоблар, манбаларнинг ҳам илк илҳомчиси ўлароқ, ҳар галги мутолаадан сўнг ўқилган мазмун-моҳиятнинг муҳокамаси соатлаб, бальзан эса кунлаб давом этарди.

Бизга ибрат бўладиган яна бир жихат. Озод домла бирон яхши нарса ўқисалар, ўзидаги шунча билим, тажрибага қарамай (айрим иззатталаб олимлардаги каландимоғликка мутлако ёт тарзда), ўқиб ўзи учун кашф этган янгилик ва илмни сидқидилдан эътироф этар, ўша муаллифни ма-салага “одамнинг хаёлига келмайдиган ракурсдан ёндаша олгани” учун олкишлар, унга тан берар эди. Домланинг инсон аклу тафаккури олдида-ги бу ҳайрати умрининг охирига қадар сўнмади, сўнгти нафасига довур янги билимларга чанкок яшади.

Озод ака “Абдулла Қаххор романларининг ижодий тарихи” мавзуси-да ёзган номзодлик диссертациямга илмий раҳбарлик қилган. Ишда бир неча қаххоршунослар катори домланинг ҳам айрим карашлари билан

бахсга киришилган эди. Бироқ устоз бирор маротаба бу ҳолни оғир олмagan, “ў-ўв, тирмизак, нима деяпсан, бизга тегиб ўтилган жойларни олиб кўй” қабилидаги гапни айтмаган эдилар. У киши бунака “даражা”лардан жуда-жуда баланд эдилар-да.

Домла ўзи ўзлаштириб улгурган маънавий-маърифий бойликларни бошқаларга, юқорироқ пардада айтадиган бўлсак, ҳалкига ҳам илинар эдики, бу фазилат у киши амалга оширган юзлаб йирик таржималарда ҳам ўзини кўрсатади. П.Мериме, В.Белинский, Н.Добролюбов, В.Катаев сингари сўзининг салмоги дунё миқёсига чиккан адиблардан бошлаб Л.Толстойнинг “Шекспир ва драма тўғрисида” номли йирик мақолосигача – ҳар бирининг таржима учун танланишига жиддий сабаб бор.

Ўрни келганда бир истихолани айтиб ўтишимиз керакки, Озод Шарафиддиновнинг ижодий мероси, жумладан, таржима соҳасида амалга оширган улкан меҳнати хусусида бир мақола доирасида, узук-юлук фикр билдириш маъкул иш эмас. Шу туфайли ҳам ҳозир мана шу меҳнатнинг бир-икки киррасини эплаб ёрита олсан ҳам катта гап.

Дейлик, “Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида” номли китобдан ўрин олган Оноре де Бальзакнинг “XIX аср француз ёзувчиларига мактуб” и барча жамиятлар ва барча замонларда, афсуски, ўзгармай қоладиган аччик ҳақиқатлардан сўз очадики, домла бу ҳақиқатлардан миллатдошларининг ҳам огох бўлишини истагандилар. Юксак тафаккур эгаларининг, жамият ва ҳалқни, демакки, давлатни ҳам муңтазам ривож сари етакловчи чина-кам зиёлилар меҳнатининг писанд килинмаслиги, аклий ва интеллектуал жиҳатдан уларнинг тиззасига етмайдиган кишиларнинг эса “жамият гуллари” сифатида эъзоз ва эҳтиром топиши Бальзакдай мутафаккирни ҳам қон қақшатгани мақола матнидан, пафосидан яққол сезилиб туради. Таржимон айни пафосни ўзбекчада шундай ифода этадики, мактубнинг асли гўё шу тилда ёзилгандай:

“Агар бу дунёда мұқаддас мулк бўлса, агар чиндан ҳам инсон тасарруфига тегишли бирон нарса мавжуд бўлса, бу – инсон еру само ўрталиғида барпо этадиган, чиндан ҳам факат унинг аклий фаолияти самараси ўларок майдонга келадиган, лекин ҳамма одамларнинг қалбида гуллаб-яшнайдиган нарсадир. Илоҳ қонунлари ҳам, инсон қонунлари ҳам, соғлом акл ўйлаб топган аянчли қонунлар ҳам, кўйинг-чи, жамики қонунлар биз томонда бўлган, бизни хонавайрон қўлмок учун бу қонунларнинг ҳаммасини топтаб чиқмоқ даркор эди. Биз мамлакатга ҳазиналар ато этамиз, биз бўлмасак, мамлакат улардан маҳрум бўларди, бу ҳазиналар заминга ҳам боғлиқ эмас, жамоатчилик битимларига ҳам боғлиқ эмас. Шу ҳазинани барпо этиш борасидаги энг машаққатли меҳнатга мукофот ўрнига, мамлакат унинг самарасини мусодара этмоқда. Корнель ҳамма омборларни бойликларга тўлдириб ташлади, ҳеч кандай об-ҳаво инжиқликларидан кўрқмайдиган ҳосиллар кўтарди, у актёрларга, ноширларга, коғоз ишлаб чиқарувчиларга, муқовачиларга, шархловчиларга асрлар мобайнида камаймайдиган бойликлар ато килди, эндиликда эса мамлакат уялмай-нетмай шу Корнелнинг авлодларини қашшокликка, тўрваҳалтасини кўтариб, Корнель ҳайкалининг пойида тиланчилик кильмокка маҳкум этмоқда. Изтироб чекишдан тўхтаганларга нисбатан кўнгли раҳм-шафқатга тўла шаҳарлар – қайта-қайта таҳкирланг ўз даҳоларингизни! Уларни ҳар куни

таҳкирланг, хорланг, шундай килсангиз, сизлар изтироб чекаётганларни куткариш тӯғрисида камроқ ўйладиган бўласизлар”.

Домла бутун умри давомида ўзи изтироб чекиб яшashi баробарида бошка изтироб чекаётганлар тақдири, машаккатларини имкон қадар енгиллаштириш, хеч курса кўнгилларига малҳам бўлиш дарди билан ўтди. У кишининг жўмард шоир укаси Шавкат Раҳмон химоясига (“Бир тилда сўзлашайлик” номли мақоласи), туркӣ ҳалқлар шаън-шавкати химоясига (Гарри Каспаровга очик хоти), миллиардлаб инсонлар эътиқод қилаётган муқаддас дин химоясига (Салмон Рушдийга очик хоти) ва бошка кўплаб чикишлари Шарафиддинов феномени нималигидан, бу одам бошка ҳамкасларидан нимаси билан кескин ажralиб туришидан дарак берарди. Шунга кўра, “Эътиқодимни нега ўзгартиридим?” (“Тафаккур” журналиниг 1997 йил 1-сони) деган ниҳоятда оғир ва оғрикли савол қўйиб, худди Лев Толстой янглиф ўз умрини, сигиниб келган “мозорлар”ини ошкора тафтиш килиш қудрати ҳам айни феномен табиати билан изоҳланади.

Озод домладаги бу фазилатларнинг бир қисми унинг тугма истеъоди билан изоҳланса, бошка қисми умри давомида муттасил амал килгани – тинимсиз ўқиш-ўрганиш, шахсини тарбиялаш йўлида олиб борилган мешакатли илмий-ижодий меҳнат самараси эди, десак тўғри бўлади. Миллат тарихи, унинг ментал-рухий ва ақлий имкониятлари хусусида чуқур билимга эга бўлган домла хеч качон миллий бикикликка ҳам, миллий нигилизмга ҳам йўл бермас эди. Жаҳон мутафаккирлари меросидаги умумий руҳиятни, Шарку Ғарб тафаккуридаги муштарак жиҳатларни, барча замонлар ва маконларда инсоният аклини кийнаган абадий муммолово мөхиятини теран идрок этган олим омонат ҳаётнинг ўткинчи ташвишларига чалғимас, борар манзилларини руҳият юксакликларидан белгилай олганди.

Мана шу мезонлардан келиб чиқарок, у Николай Васильевич Гоголь меросидан айнан “Ал-Маъмун” эссеини ажратиб олади ва уни она тилига маромига етказиб ўгиради. Ушбу эссе – маърузада давлат ҳокимиятини бошқаришга даъвогар кишилардан нелар талаб этилиши, айни талаблардан четта оғишлик кандай фалокатларга сабаб бўлиши ҳажман мўъжаз, мазмунан ниҳоятда теран тарзда асослаб бериладики, Озод домла 1834 йилда, Санкт-Петербург университети аудиториясида А.С.Пушкиннинг ёнида ўтириб, буюк Гоголни ўз қулоғи билан эшитади гўё. Инсоният, жумладан, Шарқ ва ислом тарихидан яхши хабардор Гоголь эса, масалан, куйидаги тарихий сабокни беради: “Маърифат ҳалқнинг ўзидан олинади, ташкаридан келадиган маърифат факат шу даражадагина ўзлаштирилмоғи керакки, бу унинг ривожига кўмаклаша оладиган микдорда бўлсин, бирок ҳалқ факат ўзининг миллий мухити, заминидагина ривож топмоғи керак...”

Ўзбек зиёлиси Озод Шарафиддиновнинг эътиқодини ўзгартиришига сабаб бўлган тарихий, бадиий, фалсафий, ҳаётий омилларни санаб адогига етиб бўлмайди, албаттa. Уларни яқиндан ҳис килмок учун домла барча хавф-хатарни билгани холда ҳаёти ва ижодини астойдил ўрганиб тарғиб қилган Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Мустафо Чўқаев, Ота-жон Ҳошим сингари ўnlаб жабрдийдалар асарларидан сизиб турган дардни қалбга жойламок керак. Ёхуд таржима қилгани ўnlаб китобларни, хеч курса, И.Буничининг “Партияниг олтинлари”, Э.Савеланинг “Тўхтатинг

самолётни, тушиб қоламан”, В.Краскованинг “Рутбали маъшуқалар” асарларини очик кўз билан ўқимоқ лозим. Ана шунда Озод домланинг эътиқод масаласида канчалар талабчан бўлгани, бу борада ўзини ҳам, бошкани ҳам аямаслиги яқиндан – кўнгилдан хис килинади.

Етмиш йил давомида “пролетариат доҳийси” дея алқанган, Н.Погодиннинг “Милтикли киши” пьесасига кўра, ўзига таклиф қилинган оддий аскар нонуштасининг чойини ичишга розилик бериб, “Қандини болаларга беринг!” дея “етимпарварлик” кўрсатган Владимир Лениннинг аслида ким бўлгани, унинг соткинлиги туфайли ҳокимиятга келиб қолган олчоқ большевикларнинг чинакам башараси қандай бўлгани хусусида бир эмас, ўн эмас, юзлаб, минглаб манбаларни ўқиб-ўрганганд олим аллақанча замондошлари, касбдошларидан фарқ қиласроқ, Чингиз Айтматов айтганидек, ўзи ҳақидаги бор ҳақиқатни ўзи, ҳаётлигига билдириб кетди.

Чунки бу инсон учун одам боласи, у ким бўлишидан катъи назар, дунёга “ўтказиб қўйган жойи йўқлигини” билмоғи ва тан олмоғи, жамики хатти-ҳаракатини шу ҳақиқатдан келиб чиқиб амалга оширмоғи лозим эди. Яъники, дунёдаги барча моддий ва маънавий бойликлар осмондан тушмагани, уларнинг, аввало, Яратувчи эгаси ва у томонидан алоҳида истеъдод юқтириб яратилган одамлар ақлу закоси билан бунёд этилгани туфайли, бу бойликларни исроф қилишга, топтаб хор айлашга ҳеч банданинг ҳаққи-хукуки йўқлигидан бошқаларни огоҳ этмолик – Озод Шарафиддиновнинг бутун илмий-ижодий фаолиятининг ўқ томирини ташкил этар эди.

Устознинг бенихоя мазмунли, мағзи тўқ ва қизиқарли ҳаёти ҳамда ижодига ана шу нуктаи назардан назар солинса, менимча, жуда кўп нарсага ойдинлик киради, Озод Шарафиддинов феномени кўз олдимизда бутун салобати билан яққол намоён бўлади.

Раҳмон КЎЧКОР,
ТДЮУ доценти,
филология фанлари номзоди

Бранислав НУШИЧ

(1864–1938)

ЎН УЧ ОЙДАН СҮНГ...

Роман

Рус тилидан

Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ
таржимаси

ИИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Бу бобда жаноб Сима Неделькович коллекционерга айланишига сал қолади. Унинг рафиқаси Босилька хоним эса, бола ўрнига гоя тугади. Неделько энди уй остоноасидан баҳт бўсагасига қадам қўяди. Лекин барибир баҳтиёр бўлмайдики, акс ҳолда роман тугаб қолган бўларди. Ваҳоланки, муаллифда яна бир неча бобга етгулик материал бор.

Афтидан, Неделько жаноб Недельковичнинг ниятидан боҳбар бўлса керакки, бу ниятни амалга оширишга кўмаклашиш учун қўлидан келганини қилди. Мусиқа муаллими томонидан дарвоза олдида колдирилган Неделько бир соатдан бери писмиқларча дамини чиқармаган эди, энди эса, шунчалик чинқириб йиғлаб бердики, унинг йигисини ҳатто иккинчи қаватдагилар ҳам эшилди.

Жаноб Сима Неделькович камзули остида бола кўтарган мусиқа муаллими қандайдир аёлга илакишиб кетишга мажбур бўлганини кўриб, қаттиқ умидсизликка тушган ва энди қайғули ўйга ботган, бўрон кемасини очик денгизга олиб кетган бандаргоҳ бошлиғи янглиғ, калласида турлитуман тахминлар ғужғон ўйнай бошлаган эди. Кўққисдан ғам-ташвишлар йўқолди – дарвоза томонда унга таниш ўкирик янгради.

Бу ҳодиса ёш рафиқаси, Босилька хоним билан чой ичиб ўтирган паллада юз берди. У қошиқчани тушириб юборди, маъсум киёфага кириб, хотинига ўгирилди.

– Босилька, сенга каерданdir бола йигиси эшилгандаи бўлмадими?

Босилька хоним қулок тутди, қўлидаги чой чашкасини столга қўйиб, дераза томонга югуриб борди, ўнгга, чапга қаради ва қарс урди.

– Вой, худойим-эй!

– У ерда нима бор экан? – сакраб турар экан, сўради жаноб Сима, хануз ўзини гўё мусичадай гўлликка солиб.

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

— Кел, бу ёкка кел, кара. Деразадан кара: эшигимиз олдида ётган нима ўзи?

Жаноб Сима дераза олдига келди ва ўзини чинданам ҳайратга тушган-дай қилиб күрсатди.

— Қандайдир бўхчами?

— Қанака бўхча? Кўрмаяпсанми, оёқ-кўллари типирчилаяпти-ку?

— Ана, холос! – хануз ҳайрат ичиди деди жаноб Сима. – Эшигимиз олдида бола қаердан пайдо бўлиб қолди?

Босилька хоним кўнгирокни чалиб, хизматкорни чақирди, жаноб Сима хизматкорга кўчага чикиб, эшик олдида ётган нарсани келтиришни буюрди. Кўп ўтмай хизматкор Неделькони олиб келди. Хонага келган Неделько жаноб Симага шунчалик кулиб бокдики, у Неделько мени танидими-кан ва бола билан бир-бирилизга қараганимизни Босилька хоним сезиб қолдими-кан, дея юраги така-пуга бўлди.

— Қара, қандай яхши, бўлаликини бола экан! – суюниб деди Босилька хоним.

Бу сўзларни эшитган жаноб Сима яна қўркувдан қотиб қолди – калла-сига ўғли билан икковининг бир-бирига ўхшашини Босилька хоним се-зиб қолса-я, деган ўй келганди.

Яхшиямки, болани дикқат билан кўздан кечираётган Босилька хоним бунга эътибор бермади. Хатар ўтиб кетганини тушунган жаноб Сима дарҳол йўргакка қўл юбориб, у ердаги мактубни топди ва хотинчасига ўқиб берди. Мактубни ўқиркан, кўзларида ёш айланди. Жаноб Сима кўз ёшларини артаркан, кечирим сўраган оҳангда деди:

— Бундай ҳолларда юрагим қанчалик санчишини тасаввур ҳам килолмайсан-да. Ташиб кетилган болани кўрсан, кўз ёшларимни тутол-май қоламан.

— Сенга ишонаман, – деди хотини эркаланиб.

— Биласанми, азизам, – давом этди жаноб Сима, гўё фикр ҳозиргина калласига келгандай, – икковимиз ҳам жуда раҳмдилмиз, болани ўғил қилиб олсак, жуда яхши бўлармиди? Худо бизни фарзанддан кисган.

— Ойнинг ўн беши коронги бўлса, ўн беши ёруғ.

— Тўғри айтасан, дунёда мўъжизадан кўпи йўқ. Лекин мен нега болали бўймаслигим керак? Худога шак келтирганим йўқ, лекин... – Жаноб Сима мана шу “лекин”дан кейин бироз довдираб қолди, чунки топган шундай зўр жумласини қандай якунлашни билмай қолди. – Лекин... ҳозирда бо-ламиз йўқлигини ҳамма билади.

— Эҳ, баъзан парвардигор бераҳм бўлади-да! – деди хўрсиниб Босилка хоним.

— Яна шафқатсиз ҳам бўлади! – деди жаноб Сима қайғу билан. У гўё худодан ёзиришга барча асослари борлигини айтишини хоҳлаётганга ўхшарди.

— Ҳа! – гапини маъқуллади Босилька хоним. Унинг овозидан бу кулфат унга ҳам тегишли экани сезилиб турарди.

— Демак, – давом этди жаноб Сима, – ҳозирги мавжуд вазиятда ёки, бошқача айтганда, ишнинг мавжуд томонини хисобга олганда, ҳозирги вақтда боламиз йўқ.

— Йўқ! – бу оддий ҳақиқатни қатъий тасдиклади Босилька хоним.

— Худонинг ўзи эшигимиз тагига кўйиб кетган болани ўғил қилиб ол-сак, тарбияласак бўлмайдими?

Босилька хоним жиддий ўйлаб қолди, сўнг эридан сўради:

— Олдин менга айт-чи, болали бўлолмаслигимизга аминмисан?

У бу саволни шундай оҳангда айтдики, бамисоли, айтайлик, бу карз берган киши қарздоридан: “Наҳотки сиз ҳақикатан ҳам карзни тўламокчи бўлмасангиз?” деб сўраганга ўхшарди.

Жаноб Сима Неделькога тўланган векселга қарагандай каради, елкаси-ни кисди ва яна мавжуд вазият, Худо ва тақдирни илохийни баҳона килди.

Босилька хонимга тақдирни илохийдан камроқ насиба берилгани боис, у ўзи қарор килиши кераклигини тушунди.

— Яхши, Сима, — деди у, — лекин бу ҳақда жиддий ва акл тарозисига солиб ўйлаб кўрамиз. Бу болани бокиши, катта қилиш, тарбиялаш лозим...

— Албатта! — хотинининг гапига кўшилди жаноб Сима.

— Бокилган, катта қилинган, тарбияланган болани олиш мумкин бўлганда қийналиб ўтиришнинг нима кераги бор?

— Бу қанақасига?

— Мана бунака. Масалан, кичик синглимни киз қилиб асраб олсанг бўлмайдими? У ўн саккизга кирди, балофатга етиб, тарбия олган...

Бу тақлифдан жаноб Сима даҳшатга тушди. Уйида аллакачондан бери сепга қўшиб олган қайнисинглиси ўтириби, энди бўлса, хотинининг кистови билан яна бир қайнисинглисини олиб келиши, бунинг устига фарзандликка қабул қилиши керак! Уйни қайнисингилларга тўлдириш – мусофирихона очиш ва уни ўз хисобига тўйдириш деган гап-ку!

У чинакамига кўркиб кетди ва ўзини мусофирихона директори ролида тасаввур қила бошлади; ҳар бир хонада пианино, ҳар бир пианино олдидаги биттадан мусиқа муаллими; тикувчилар, совчилар, хат ташувчилар; столлар, оромкурсилар, устида ноталар ва мода журналлари қалашиб ётган кенг диванлар; ҳаммаёғига открыткалар осиб ташланган деворлар; ҳамма жойда фотосуратлар, сунъий гуллар, елпифичлар, устига “Шеърият” деб ёзилган альбомлар; турили-туман модачилардан, фотографлардан ва қандалотчилардан келган ва столининг устида қалашиб кетган хисоб варакалари; ва ниҳоят, гўё истиқболда қизларига қараш баҳонасида ҳар куни уйида серрайиб ўтирадиган, қизларини юқори доираларга олиб бормаётган ёки қизлари одам қаторига кўшилиши учун бу доираларни уйига чакирмаётган куёвига таъна қиласерадиган қайнонаси – шуларнинг барини кўз олдига келтириди.

Кўз олдидан лип-лип этиб ўтаётган ва бутун борлигини қаҳратон изғиринидай музлатиб юбораётган бу манзарадан жаноб Сима Неделькович қалтирай бошлади ва бир лаҳза ўтмай қарор қабул килинди. Уйини қайнисингилларнинг мусофирихонасига айлантиргандан кўра, у кечакуундуз кўчаларда изғиб, барча ташландик болаларни тўплаб уйига олиб келишга рози эди.

Бошқа баҳтиёр одамлар манзарали откриткалар, тангалар, майдагарсаларни йигишади, у бўлса, ё ташландик болаларни, ёки қайнисингилларини йигиши керак. У иккинчисидан кўра, биринчи коллекцияни афзал кўрган бўларди. Лекин ўз қарорини айтиш учун эндинги оғиз жуфтлаган вақтда, калласига машъум фикр келди. Бу фикр нақ юрагини тешиб ўтади, худди вексел пулини тўлаш муддати кечагина ўтиб кетганини эслаб қолган одамдай, юз-кўзида аҳмоқона ифода пайдо бўлди.

Мана, унинг калласига қандай фикр келган эди: агар у раҳмдиллиги туфайли, хотинига таклиф килганидек, ташландик болани уйида колдирса, Эльза бу билан тинчирмикан? Модомики, болани ташлаб кетиш, хотинига мактуб ёзиш иш бермаган экан, у кунларнинг бирида жаноб Симанинг уйида пайдо бўлиб, рафиқасига: “Хоним афанди, эрингиз болани раҳмдиллиги учун ўғил қилиб олгани йўқ, отаси бўлгани учун шундай килди!” деса, нима бўлади? Эльза қасос ўтида ёнмаётган тақдирда хам, у она эмасми, худди Сима каби болани дунёга келтирган эмасми? Агар она юраги дош беролмаса ва ўғлини кўргиси, бағрига босгиси келиб қолса, нима бўлади? Яқин келажакда Босилька билан Калемегдан боғида сайр килиб юришлари, уларнинг олдида ёш энага – словак аёл гу-гулаётган, оппок ҳарир кийим кийдирилган, устига ипак кўрпача ташланган, кўлида – панама сомонидан ясалган шақилдок, оғзида – боши аллақачон кемирилган резинка қўғирчоқ бўлган асрандини аравачада олиб кетаётгани жаноб Симанинг кўз олдига келди. Шу вактда ўт ўчирувчи ёки еттинчи пиёда полкининг чолғучиси билан қўлтиқлашган Эльза йўлкадан, уларнинг рўпарасидан келаверади ва ўша лаҳзада она юраги дош беролмайди, у қичкириб юборади, хўнграб, болани аравачадан юлиб олади, юкорида тилга олинган она юрагига босади ва кўёшли аралаш дейди:

– Оҳ, жаноб Сима, сизга раҳмат! Сизнинг нақадар олижаноб одам эканингизни ва боламнинг ҳақиқий отаси эканингизни мана энди ўз кўзим билан кўриб турибман!

Жаноб Сима буларнинг ҳаммасини бир дақиқа... йўқ, бир сония ичидা кўрди ва эшитди. У, ҳатто, хотини Босилька хонимнинг қандай хушдан кеттанини, қайнинглиси ёрдамга чақираётганини, қайноаси паркнинг ўзидаёқ куёвининг бошига шамсия билан тушираётганини ва, нихоят, ўт ўчирувчи ёки, балки, еттинчи пиёда полкининг созандаси Эльзанинг елкасига мушт ёғдиаркан: “Сенинг ифлос ўтмишингни энди билдим ва хиёнатнинг учун лаънатлайман!” деб хитоб қилаётганини тасаввур қилди. (Еттинчи пиёда полкининг созандалари гап севигига бориб тақалганда доим шеърий тилда сўзлайдилар.)

Буларнинг ҳаммасини эшитган, кўрган, тасаввур килган бечора жаноб Сима шунчалик кўркиб кетдики, уни, ҳатто, қалтироқ босди. У ҳорғин ахволда бошини хам қилди ва орага узоқ сукунат чўқди, уни нихоят Босилька хоним бузди:

– Сен менинг таклифим ҳақида ўйлаяпсанми?

– Ҳа... ўйлаяпман, – жавоб берди жаноб Сима ва калласига уя қурган вахимали ўйларни ҳайдаб солмоқчидек, пешонасини кўли билан артди.

– Хўш, қандай фикрга келдинг?

– Ҳеч қандай... Бизга асрандининг нима кераги бор, бизга усиз хам яхши-ку. Хўш, модомики, бу бола Худонинг инояти билан уйимиз олдида пайдо бўлган экан, биз насронийлар сифатида унинг кўчада қолмаслиги учун ғамхўрлик қиласиз. Уни нима қилиш, қаёққа олиб бориш кераклигини ўйлаймиз, лекин асранди қилиб олмаймиз. Нима деб ўйлайсан, Босилька, бу мақбулми?

– Синглимни-чи?

– Лекин... биз энди ҳеч қандай асранди олмаймиз деган тўхтамга келдик-ку.

– Сен шундай қарорга келдинг. Мен бўлсан, синглимни уйга олиб келиш учун ҳеч қандай тўсик кўрмаяпман.

– Тўсиқ бор, бўлгандаям жуда асосли! – қаттиқ ҳимояга ўтди жаноб Сима. – Биринчидан, синглингни топиб олганимиз йўк. Агар қайнинглимини, айтайлик, кўчадан йўргакка ўралган, мактуб илова қилинган ҳолда топиб олганимизда бошқа гап эди. Ва иккинчидан...

Шу ерга келганда жаноб Симанинг тили тутилиб қолди, чунки биринчи сабабнинг ўзиёқ унчалик ўринли эмасди. Иккинчисини эса, ўйлаб то-полмади ҳам.

Босилька хоним зарда билан тескари ўгирилди ва деразага қаради. У бўлса, Недельконинг устига эгилди ва боланинг мўйловини тортқилашига қўйиб берди. Жаноб Сима бола мўйловини тортқиласанда ҳар кандай ота хис киладиган оталик қувончини туймоқда эди. Неделько учун бу маъсумона болалик эрмаги мутлақо янги бўлиб, у ишга шунчалик ваҳшиёна жидду жаҳд билан киришдик, жаноб Симанинг кўзидан тиркираб ёш чиқди. Неделько тақдирни илоҳийнинг аралашуви хотинига тугишга кўмаклашишидан умид килаётган бечора эрга имкон борича кўпроқ зиён етказишни хоҳлаётгандай, мўйловнинг ок тукларини авайлаб қолдириб, фақат қораларини юлаётганини сезиб қолганида жаноб Симанинг жони халқумига келганини айтмай кўя қолайлик.

Шундай қилиб, жаноб Симанинг оталик қувончидан роҳатланиш истаги тезда сўнди ва у Босилька хонимга юзланиб савол берди:

– Хўш, сенингча, бу болани нима қилишимиз керак?

– Мен қаердан билай! – хўмрайиб жавоб берди Босилька.

– Лекин нимадир қилиш керак-ку, биз ғайринасронийча иш тутолмаймиз-ку.

– Хўш... – деди хотини, – балки Белградда ташландик болаларга бошпана берадиган бирор жамият бордир?

– Ташландик болаларга бошпана берадиган жамият? Йўк, бунака жамият йўқ, лекин... тўхта-чи, ахир, бу жуда ажойиб фоя! Босилька, бу жуда зўр фоя эканини биласанми?

– Қанақа фоя?

– Сен айтаётган фоя, ташландик болаларга бошпана берадиган жамиятни ташкил этиш фояси.

Фоя бутун борлиғини қамраб олган жаноб Сима мамнун бўлиб, оғзи кулогига етди.

– Бу фоя менини деган гапни қаердан олдинг? – бепарволик билан сўради Босилька хоним.

– Фоялар фақат мана шунака – хеч кутилмаганда, гап орасида туғилади. Сенга сўз бериб айтайки, бу фояни амалга оширишга эришаман ва, эриша олсан, у сенини эканини доим таъкидлайман.

Фоядан ва ўша маҳфий сабаблардан рухланиб кетган жаноб Неделькович бу фикрга жон-жаҳди билан ёпишиб олди, хонада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, фояси амалга ошди, Неделькони бўлса, ташландикларга бошпана бериш жамиятининг биринчи тарбияланувчиси дея тасаввур килаётганди...

– Бемалол амалга ошириш мумкин бўлган фоя бу! – деди жаноб Сима аввало хотинини, сўнгра ундан ҳам кўпроқ ўзини ишонтиришга ўриниб.

– Бизда етимхоналар бор, лекин улар бошқача, яъни катта болалар учун, у ерда болаларга касб-хунар ўргатишади. Кейин бизда кексаларга бошпана берадиган жамият бор, бу ҳам яхши, жуда яхши. Шундай экан, нега энди

ташландик болаларга бошпана бериш жамиятига эга бўлмаслигимиз керак? Ахир, кўчаларимиздан нукул бола топишаётган бўлсa?

У хаёлга чўмиб, индамай турди, сўнг катъият билан деди:

– Ишни пайсалга солмай, якшанба куниёқ бир нечта обрўли ҳамشاҳарларимизни таклиф қиласман ва уларга ташландик болаларга бошпана бериш жамиятини таъсис этишни таклиф этаман.

– Якшанбагача нима қиласми? – сўради Босилька хоним.

– Якшанбагача ҳаммасини обдон ўйлаб оламан. Бугун ҳали сешанба, вакт етарли экан.

– Тушунарли, – деди Босилька хоним, – лекин болани нима қиласми? Мени бола билан ўтиради, деб ўйлаётганинг йўқми?

– Дарҳақиқат! – хитоб қилди жаноб Сима. Бу масала унинг учун шу заҳотиёқ янги муаммога айланди. – Ҳакиқатан ҳам, болани нима қилиш керак?

Янги муаммо уни шу даража ташвишга солдики, яна хона бўйлаб юра бошлади.

– Агар бирор камбағал хотин топилиб, болани вактинча уйида боқиб туришга рози бўлганида эди... – деди Босилька хоним.

Жаноб Сима рафиқасига қойил колиб каради. Ўша вактдан бошлаб у хотинига тўхтамай таҳсин ўқийдиган бўлди. Рафиқаси у билан никоҳда экан, бола туғмади, бироқ ғояларни туғиб ташлайверди.

– Мутлако тўғри! Мана буни порлок ғоя деса бўлади! Мен озрок ҳак эвазига болани олиши мумкин бўлган бир факир аёлни биламан. Бораман, хозироқ унинг ёнига бораман ва ҳаммасини ҳал қилиб келаман.

Жаноб Сима бир дакиқани ҳам бой бермай, уйдан чиқди.

ЙИГИРМА ТЎҚКИЗИНЧИ БОБ

Учинчи чўқинтириши

Жаноб Сима кидириб кетган факир аёл Палиулада, яҳудийларнинг эски кабристони ортида яшарди. У жаноб Симанинг Эльза билан тошишасидан олдинги эски таниши эди. У вактлари жаноб Сима ҳали кичик амалдор бўлиб, мансабга кўтарилиш ва бой кизга уйланишини астойдил хоҳларди. Ўша вактлари Белградда кафтга қараб фол очадиган Мара хоним машхур бўлганди. Жаноб Сима навбатдаги мансабга қачон кўтарилишини ва кимга уйланишини билиш учун бу машхур аёлнинг қаерда яшашини суриштириб топди ва бир куни уникига борди. Мара хоним кафтига қараб, унинг “жуда шўх” ва “аёлларни жалб этадиган” йигит эканини айтди. Жаноб Сима фол тўппа-тўғри эканига шу заҳоти ишонч ҳосил қилди, чунки у шу ернинг ўзида, Мара хонимнида унинг “жияни” билан танишиб олди. Бу киз меъерида ноз-карашма килиб, “у ўзига жалб этаётганини” эътироф этди.

Жаноб Сима бир марталик ташриф билан чекланиб колмади ва истак пайдо бўлиши биланок кафтини кўрсатиб, фол очдириш учун Мара хонимнига катнаб турди, ҳар гал келганида у ерда янги “жиян” ўтирган бўларди.

Ўшандан буён кўп вакт ўтди, бироқ жаноб Сима Мара хоним билан алоқани узмади. Эльза билан юрган кезлари у Мара хонимнига

катнамади, лекин уни эсидан ҳам чиқармади, Мараникига қатнаб юрган дўстлари орқали салом йўллаб турди, бир куни эса Мара унга илтимос билан мурожаат қилди ва у, ҳатто, кичикроқ бир хизмат ҳам килиб кўйди.

Узоқ йиллик айрилиқдан сўнг жаноб Сима Мара хонимни ўша уй-часида топди. Мара бўлса, оиласи ҳаётдан тўйиб кетгани учун жаноб Сима унинг ёнига қайтди, деб ўйлади. Ҳамма нарса ёшлигини эслатадиган чоғрок хонада жаноб Симанинг яна вакти чоғ бўлди. Столга ташланган дастурхон ҳам, бурчакдаги кат ҳам, девордаги расм ҳам, устига тоза тўр чойшаб тортилган кровать ҳам, ўзини таниширган янги жиян ҳам – ҳамма-ҳаммаси унга аввалги ажойиб кунларини эслатди, юзлари ёришди, оғзи бўлса, тушида холва кўрган боладай чучиди.

Хотираларга берилиб хузурлангач, у замонасига қайтди ва Мара хонимга нимага келганини айтди. Жаноб Сима ташландиқ болаларга бошпана бериш жамияти ташкил қилингунга қадар бечора етимчани вақтинча, кўпи билан икки ой бокиб туришни, бунинг учун яхшигина ҳақ тўлашини айтиб, Мара хонимни кўндиришга уринди.

Мара хоним бола бокишга жойи йўқлигини, бола унга халакит беришини ва шунга ўхшаш баҳоналарни рўйиҳа килиб, аввалига кўнмади. Аммо жаноб Сима ўз катъияти билан қаршиликни синдириди ва Мара хоним бугун кечкуруноқ болани олишга рози бўлди.

– Бола каттами? – сўради Мара хоним.

– Йўқ, лекин соғлом бола, – жавоб берди жаноб Сима.

– Ўғилми?

– Ўғил.

– Исли нима?

Жаноб Сима довдираб қолди. Бу ёғини ҳисобга олмагани энди калласига келди. Эльза ўз мактубида боланинг исмини ёзмаган эди.

– У, афтидан, чўқинтирилмаган бўлса керак, – иккиланиб ғулдиради жаноб Сима.

– Ундей бўлса, жаноб Сима, – деди Мара хоним, – менинг уйимда унга жой йўқ. Менга канча тўласангиз ҳам чўқинтирилмаган мавжудотни уйимда олиб ўтиришни истамайман. Уни олдин чўқинтириб, сўнг олиб келинг. Сиз учун қилишим мумкин бўлган иш шу, холос.

– Майли, биз уни чўқинтирамиз, лекин бунинг учун анча вақт керак бўлади-да.

– Канака вакт? Уни эрталабки ибодатга олиб боринг-у, чўқинтиринг. Ахир, сиз шу муносабат билан тантана ўюштиromoқчи эмассиз-ку!

– Ҳа, шундай, – деди жаноб Сима унинг ҳақлигини фахмлаб.

Мара хоним ўз диний карашларини катъий химоя қилди ва жаноб Сима бошини ҳам қилганча уйига қайтди. Унинг олдиди янги муаммо – болани чўқинтириш ташвиши пайдо бўлди.

Уйига келиб, Неделькони мусиқа машғулотлари ўтказиладиган хонада беланчакда ётган ҳолда кўрди. Боланинг атрофи одамга тўлиб кетган. Жаноб Сима аёллар ҳам шу масалани муҳокама этишаётганини кўриб жуда хайрон бўлди.

– Сима, кулоқ сол, биз бу боланинг исмини билмаймиз, – деди унга Босилька хоним.

– Бу гоя миянгга қайдан кела қолди? – хайрон бўлди жаноб Сима рафиқасининг бола ўрнига ғоя туғиш қобилиятига катъий ишонч хосил қилиб.

Аммо жаноб Сима янглишган эди – бу гал ғояни қайноаси “түкканди”. Аслини олганда, у ҳеч қандай ғояни туғмаган, факт шунчаки: “Бу боланинг исми нима?” деб сўраган эди, холос.

– Куёвтўра, бола чўқинтирилганми-йўқми? – сўради у.

– Чўқинтирилганми? Билмайман, мактубда унинг исми ёзилмаган.

Гарчи мактубни жаноб Сима мусика муаллимига айтиб ёздиран бўлса-да, Эльза Босилька хонимга битган мактубда ҳам боланинг исми тилга олинмагани боис, жаноб Сима, ҳархолда, рост гапирган эди. Эльза эса, бундай аҳамиятсиз тафсилотни онасидан, уста Юлианадан сўраб олишни унуган. Лекин, ҳарқалай, Эльза учун исм эмас, боланинг ўзи муҳимроқ эди.

– Бола, афтидан, олти ойлик, кўряпсанми, бўлаликкина. Чўқинтирилган бўлиши керак, – тахмин қилди Босилька хоним.

– Эҳтимол, лекин аниқ айтиб бўлмайди. Мактубда... яъни онасининг мактубида бу хақда ҳеч нарса дейилмаган.

Уйида йўл-йўлакай ўйлаб келган ўша масала ҳақида гап бораётгани унга ҳеч қандай алоҳида тайёргарликсиз масалани бирваракайига ҳал қилишга киришиш имконини берди.

– Ҳозиргина камина хузуридан қайтган ўша факир аёл шунчаликномусли ва художўй эканки, чўқинтирилмаган мавжудотни уйига киритиши қатъян рад этди. У болани эрталаб чўқинтиришни, сўнг олиб келишини таклиф қилди.

– Эрталабгача-чи? – сўради Босилька хоним.

– Эрталабгача нима қилиш кераклигини билмайман, – маъюс қиёфага кирди жаноб Сима.

– У бу ерда ётиши мумкин эмас, – икки оёгини бир этикка тиқди Босилька хоним. – Модомики, Худо менга бола бермаётган экан, бегонаси билан ухлашни хоҳламайман.

Жаноб Сима Босилька хонимнинг сўзларида иззат-нафсига тегадиган таънани сезди, лекин Неделькога – тухматни шак-шубҳасиз рад этувчи далилга қараб, тинчланди.

– Яхши, – деди жаноб Сима узок ўйлаб олгач. – Мусика муаллимидан болани бу кеча олиб кетишини илтимос қилсан қандай бўларкан?

– Шу етмай турувди! – Эътироз билдириди қайнингил мусика муаллимини химоя киларкан. – Биринчидан, бу ёш йигитнинг обрўсими тўқади, иккинчидан, у кечалари мусика яратади, ижодий илҳом келиб турган вақтда бола йиғлаб қолса, нима бўлади? Йўқ, бу ҳечам мумкин эмас!

– Нима қилишни билмай қолдим! – дея яна маъюсланди жаноб Сима.

– Биласанми, куёвтўра, – гапга аралашди қайнона, – мен сизларга ёрдамлаша қолай. Болага бир кеча ўзим карайман.

Жаноб Сима суюниб кетди. Умрида биринчи марта қайноаси унга улуғ ва олижаноб аёл бўлиб кўринди ва миннатдорчилик хислари жўш уриб, унинг кўлини ўпди. Лекин айни чоғда ичкоралиги тутди: тақдирнинг ҳазилини қарант: ўзининг никоҳсиз туғилган зурриёдини қайноасининг тўшагига ётқизса-я! Бундан яхшироқ қасос етти ухлаб тушингта ҳам кирмайди, чунки Босилька хонимнинг боласи бўлмаётгани ҳақидаги барча таъна-дашномларининг манбаи битта – қайноасининг гиж-гижлашлари эди.

Биринчи ва асосий масала ҳал этилгач, гал иккинчи масалага келди: боланинг чўқинтириган отаси ким бўлади?

— Биласанми, — деди Босилка хоним эри бу масалани ўртага қўйгач. — Мана шу вазифани ўз зимманинг мумкин! Бу насронийларга хос, жуда гўзал иш бўларди!

— Сен нима ҳакда гапиряпсан?

— Сима, болага сен чўқинтирган ота бўлишинг керак!

— Мен? — ҳайрон бўлди Сима ва хотинига тентакларча бақрайиб қолди.
— Ҳа, сен!

Жаноб Сима сал бўлмаса янглишган ва розилик бериб юборган бўларди, чунки дастлабки лаҳзаларда бу ҳакиқатан ҳам олижаноб иш, деб ўйлади. Аммо шу заҳоти ўзига келиб, сесканиб кетди. У ўз ўғлининг чўқинтирган отасига, собик ўйнаши Эльза учун эса кумга¹ айланган бўларди! Йўқ, йўқ, бу мумкин эмас! Бунинг устига гуноҳ ҳам! Қандайдир роман эсига тушди. Ўша романда турклар кулликка олиб кетган бир бола узок йиллардан кейин қайтиб келгани ва танимагани сабабли синглисига уйлангани ҳикоя қилинган эди. Унга худди ўша романдаги воқеаларни бошидан кечираётгандек туюлди. У ўз боласининг чўқинтирган отасига айланишига бир баҳя қолди-я!

Шундан кейин хаёлига бундан ҳам ваҳималироқ фикр келди. Иттифоқо, Эльза чўқинтириш маросими эртага белгиланишини хисобга олиб қўйган бўлса-чи? Жаноб Симанинг олижаноблигини билгани учун Эльза, эҳтимол, унинг чўқинтирган ота бўлишга розилик беришини олдиндан билгандир? Башарти у эртага черковнинг қайсиdir бир устуни оркасига яшириниб, маросим бошланишини кутиб турса ва жаноб Симанинг кок юрагига ханжар санчса ёки юзига кислота сепиб юборса-чи? Одатда, барча романларда алданган ўйнашлар жазманларидан мана шу тарзда интиком олишади.

Мана шуларни ўларкан, жаноб Симани қора тер босди, Босилька хонимга нима деб жавоб беришини билмай, кўзларини ерга тикди. Чора йўқдай туюлаётганди, бироқ шу онда хонага жаноб Симани барча иложиз вазиятларда кутқарган киши кириб келди. Бу мусика муаллими эди.

— Ана! — кўнгли кўтарилиб кетди жаноб Симанинг. — Мана, жаноб муаллим чўқинтирган ота бўлади!

Муаллим эсанкираб қолди, лекин жаноб Симага қайнингил ёрдамга келди. Унга бу фоя жуда ёқкан эди.

— Биласизми, бола чўқинтирилмаган экан ва биз, ҳаммамиз, сизнинг унга чўқинтирган ота бўлишнингизни хоҳлардик.

— Ҳа! — тасдиқлади жаноб Сима.

Муаллим яна хижолат тортди ва жаноб Симага юзланди.

— Бу унчалик куляй иш эмас. Мен сизга кум бўлишни хоҳламаган бўлардим, — деди у ва қайнингилга маъноли қараб қўйди.

— Қанақасига менга кум бўлар экансиз? — фифони чиқиб деди жаноб Сима ва муаллимга ёвқараш қилиб ўқрайди.

— Шунакасига, — тушунтира кетди муаллим, — биласизми, кумлик — кариндошлиқ демакдир, менинг эса сизга қариндош бўлгим йўқ.

Жаноб Сима яна сесканди ва қўлини узатиб, мусика муаллимини мажаклаб, скрипка калитига айлантириб ташлаш истагидан зўрға тийилди.

— Лекин болани кўчадан, эшигимиз олдидан топишгани сизга маълумку! — муаллимни тўғри йўлга солмоқчи бўлди жаноб Сима.

¹Кум – боланинг ота-онаси уни чўқинтирган кишини шундай аташади.

- Тўғри, – жавоб берди муаллим.
- Шундай экан, сиз ким билан қариндош бўласиз?
- Сиз ҳақсиз! – деди муаллим қовун туширганини фаҳмлаб.
- Жаноб, бу гўдак ташландиқ болаларга бошпана бериш жамиятининг биринчи асрандиси бўлади. Сиз, моҳиятан, бу жамиятнинг кумига айланасиз. Менимча, Белграднинг энг таникли вакилларидан ташкил топадиган жамиятнинг куми бўлиш – улуф шараф. Мен, ҳатто, сизнинг номзодингизни доимий чўқинтирган оталикка тавсия қилишни ўйлаётирман.

- Қанақасига? – ҳайрон бўлди муаллим.
- Шунақасига, жаноб! Жамият ташлаб кетилган болаларга бошпана беради. Бу болалар одатда чўқинтирилмаган бўлади ва шунинг учун жамиятга ўзининг доимий чўқинтирган отаси керак. Тўғрими?

Ҳаммага бу мақбул тушди ва муаллимни чўқинтирган оталикка рози бўлишга мажбур килишди.

Кун тартибидаги иккинчи мухим масала ҳал қилинди, жаноб Симанинг елкасидан яна бир тоғ ағдарилиди. Энди гарчи олдинги икки масаладай мухим бўлмаса-да, кизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган учинчи масала кўрила бошланди.

- Менимча, – деди сўз олган Босилька хоним эрига мурожаат қилиб,
- болани сенинг шарафингга Сима деб аташ керак. Уни сен топдинг ва ўзинг жамиятнинг асосчиси бўласан.

Жаноб Симани яна бояги фикрлар кийнай бошлади. Сербияда болани отасининг исми билан аташ қабул қилинмаган, ахир! Агар бу бола қачондир туғилиши тарихини онасидан эшилса ва отасининг фамилиясини олса, кунларнинг бирида яна бир Сима Неделькович пайдо бўлади-ю, бир умр жаноб Сима Недельковичнинг йўлини тўсади. Болани хеч нарса, айникса, исм билан ўзига боғламаслик лозим. Жаноб Сима бу таклифни рад этиш учун эндиғина оғиз очгандики, онаси кизига ёрдамга келди.

- Симеоннинг ўзгинаси, топилган Симеон! – гап кистирди у.

Шунда жаноб Сима ичida беихтиёр ҳалқ қўшигини ўкий бошлади:

*Тонгда кетди кекса роҳиб
Муздек сувга, Дунайга,
Дунай сувига ювинаи-у
Қиласай штижсо Худойга...*

Кейин у қўшикнинг бутун мазмунини эслади. Қўшикда куйланишича, ташландик Симеон катта бўлгач, онасини, Будим кироличасини топади. Тўғри, жаноб Сима Будим қироли эмасди, лекин ўша лаҳзада унга ташландик Симеон номи берилган бу бола қачондир онасини ёки отасини, албатта, топадигандек туюлди. Бундай истиқбол жаноб Симани ҳаммасидан кўпроқ кўркитгани сабабли, у камтарлиги туфайли бунака шарафга ноил бўлишни хоҳламаслигини айтиб, болани ўз номи билан аташни қатъян рад этди. Эътиrozларга узил-кесил барҳам бериш учун у болани Божидар¹ деб чўқинтиришни таклиф қилди, чунки у ҳақиқатан ҳам худонинг инъоми эди.

Қайнингил “Б” ҳарфи монограммада чиройли кўринмайди, деган оддий сабабни рўкач қилиб, бу таклифга қатъий қарши чиқди.

¹ Божидар (Божий дар) – Худонинг инъоми.

– Бола кунларнинг бирида катта одам бўлса, унда монограммали дастрўмларга эхтиёж тугилади, “Б” харфи эса, монограммада жуда ху-нук кўринади!

Қайнингил болани Ромео ёки Абраам деб аташни таклиф килди, унга қайнона қарши чиқди.

– Бола, – деди у, – кучук эмаски, уни Ромео ёки Абраам деб атасак. У насроний, унга динимизга ёт исмларни кўйишнинг нима кераги бор?!

Муаллим эса, болани Бетховен деб аташни таклиф килди ва бундай ном бергани учун чўқинтирган отани Бетховеннинг ўзи дуо қилган бўларди, деб таъкидлади.

Бунга энди жаноб Симанинг ўзи қаршилик килди.

– Яна қанақа Бетховен! – деди у. – Бу исм болага ҳаётда роса ҳалақит беради. Тасавур қилинг: давлат маслаҳатчиси Бетховен, округ бошлиғи Бетховен. Агар у, айтайлик, рухоний бўлса-чи... Уни тақсир Бетховен деб чақиришса-я, ана сизга ҳангома... Агар одам ўғри бўлишини олдиндан аник билса, бу бошқа гап... Ўғриларда “Бобой”, “Тикин”, “Бетховен” деган ана шунака ғалати исмлар бўлади...

Нихоят, муаллимнинг таклифи ҳам рад этилгани боис яна қайнона сўз олди ва якинда топилгани сабабли болага Ненад¹ деб исм бериш таклифи-ни илгари сурди. Ҳамма бу таклифга кўшилди ва иш ҳал қилинди.

Аммо барibir эртасига, черковдан қайтиб келгач, мусиқа муаллими жаноб Симага болага Сима деб исм кўйганини айтди. Босилька хоним шундай деб каттиқ туриб олган экан. Хоним камтарлиги боис ушбу исмдан воз кечган жаноб Симага шу йўл билан ҳурмат бажо келтиришни ўз бурчи деб билишини мусиқа муаллимининг ўзига айтган.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

Ташландик болаларга бошпана бериши жамиятининг биринчи қурултойи

Чўқинтириш маросимидан кейин икки ҳафтача ўтди. Бу ҳафталар жаноб Сима Неделькович учун юрак ўйноқларидан сўнг кандайдир дам олиш каби бўлди. Учинчи ҳафта ҳам ўтгач, жаноб Сима романнинг олдинги бобларидан бирида уни жуда ҳаяжонлантирган ғоя ҳақида ўйлай бошлади. У бир ҳафта давомида ўйлади. Шундай килиб, уни асир қилган ғояни амалга оширишга, яъни ташландик болаларга бошпана бериш жамиятига асос солишга узил-кесил ва қатъий қарор қилганида чўқинтириш маросимидан кейин бир ой ўтиб бўлган эди.

Жаноб Неделькович бу ишни қандай амалга ошириш кераклигини ўйлаб яна бир ҳафтани ўтказди ва, нихоят, ҳаммасини жуда оддий деб топди. Ғояни амалга ошириш учун ташландик бола аллақачондан бери мавжуд. Устав ёзиб, одамларни йигиб, кўмита ташкил этилса бас, иш битди, тамом вассалом. Жаноб Сима Неделькович барча олижаноб кишиларни жуда фойдали, жуда инсонпарвар жамиятининг таъсис курултойида бирлашишга даъват этувчи мактубни энг бежамдор ифодалар билан битди ва қайта-қайта ёзди.

Шаҳарнинг энг таникли кишилари тўпланадиган курултой бир ҳафтадан кейин Фуқаролар клубида ўтказилиши керак эди. Жаноб

¹ Ненад – бу исм сербча “ненадан” – “кутилмаган” деган сўздан олинган.

Сима Неделькович қолган бутун вактини нутк тайёрлашга сарф қилди. Нутқдаги асосий фикр Исо пайғамбарнинг “Болаларни хузуримга кўйиб юборинг!” деган сўзларида ўз ифодасини топган эди.

Курултой очиладиган куни роппа-роса соат ўнда жаноб Неделькович бу машхур ғояни амалга оширишга жалб этилган мусика муаллими кузатувида Фукаролар клубига йўл олди. У ерда бир нечта таниш жанобни учратишиди, улар қолганларни сабрсизлик билан кутиб туришарди. Жаноб Неделькович “тиқ” этган товуш эшитилса, беҳудага ўтирилиб, эшикка каарди, мусика муаллими бирор келаётганмикан деб бекордан-бекорга, ҳатто, кўчага ҳам чикиб келарди. Жаноб Недельковичнинг курултойни яна бир хафтага кечиктиришдан бошқа иложи колмади.

Шундай килиб, Неделько чўқинтирилгандан кейин ва курултой очилгунга қадар бутун бошли икки ой ўтиб кетди. Икки ойдан кейингина, ҳарқалай, бу тадбир бўлиб ўтди.

Бир-икки кишини айтмаганда, таклиф килинганларнинг ҳаммаси йигилди. Архимандрит Григорий келиб, залга киравериша жаноб Недельковичнинг қўлини сикди ва: “Насронийларга хос бу ниятни амалга оширишга бел боғлаганингиз учун сизга раҳмат. Менинг ўзим ҳам навқиронлик чоғларимда ташландикларга қандайдир ғамхўрлик килиш мумкин эмасмикан, деб кўп ўйлаганман, лекин кексайиб қолганимдан кейин бу ҳақда ўйламай кўйдим. Раҳмат, сизни табриклайман!” деди.

– Бу рафиқамнинг ғояси, – деди камтарлар билан жаноб Неделькович, авлиё отага миннатдорчилик билдиаркан.

Математика ўқитувчиси жаноб Станое Лекич ҳам келди. У ҳар қандай қўмитага жон деб аъзо бўлиши билан ном чиқарган эди. У адабий жамиятнинг, Врачара ободонлаштириш жамиятининг (ваҳолонки, ўзи Белграднинг бошқа туманида – Палиулуда яшарди), чавандозлар тўғараги, шахар клуби, кўшиқчилар жамиятининг раҳбариятидан жой олганди. У, ҳатто, хотин-кизлар жамияти қўмитаси аъзолигига ҳам ўз номзодини кўйган, лекин ягона сабаб – эррак эканлиги боис сайланмай қолганди.

Истеъфодаги округ бошлиғи Сречко Остоич ҳам келди. У шу заҳоти бу ишларда, яъни ташландиклар масаласида ҳеч нарса тушунмаслигини айтди, аммо жаноб Сима Остоичнинг қайниснглиси доя бўлгани сабабли таклиф килинганини тушунтириди.

Жаноб Савва Янкович ҳам келди. У доимо ҳар қандай жамиятнинг хисобчилигига ўз номзодини кўрсатар, чунки аъзолик бадаллари хисобига яхшигина яшаш мумкин, деган фикрда эди. Жаноб Пая Станоевич ҳам кўриниш берди. Бу жаноб жуда ақлли киши бўлиб, у ҳақда бор бойлигини хайрия мақсадларига васият килган деб гапиришарди. Айни чоғда, унинг қўшниси, Мария хоним у хамма бойлигини хотинининг номига расмийлаштирган, деб даъво қиласди.

Савдогар, жаноб Тома Петрович ҳам келди. У ўз ўғилларини оқ қилганини “Серб газетаси”да эълон қилган. У ҳам остонондан ҳатлар экан, жаноб Сима Недельковичнинг қўлини сикди ва: “Сизнинг олижаноб ғоянгизни хурсандчилик билан кувватлайман. Биз ўзгаларнинг ташлаб кетилган болалари ҳақида жиддий ғамхўрлик қилишимиз даркор!”, деди.

Жаноб Аксентий Ристич ҳам келди. У болаларни шунчалик севардики, ҳамиша уйида ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган иккита киз яшарди. Ристич мархум хотинининг хотираси учун бу кизларни ўз фарзандидай бокарди.

Яна анча-мунча кўзга кўринган кишилар келди, уларнинг ҳаммаси келганиданоқ ғояга тарафдор эканлигини айтишди. Жаноб Сима бўлса, ҳар гал бу ғоя рафиқасига оид эканини таъкидларди.

Ҳамма йиғилиб бўлганидан кейин жаноб Сима қўнғирокни чалди ва бир ҳафта давомида ёзган, иккинчи ҳафтада ёзганларини тузатиб чиккан ўша нутқини сўзлади.

Нуткни ёд биладиган мусика муаллими жаноб Симанинг сўзини “Тўғри, тўғри!” деган хитоблар билан бўлиб турди.

Нуткининг иккинчи ярмида жаноб Сима “ўз бошидан ўтган бир ҳодисани” маҳсус тасвиirlаб берди. У эшиги тагида чиройли, соғлом, икки юзи қип-қизил болани топиб олди. Модомики, бола чиройли, соғлом ва икки юзи қип-қизил экан, ундан намунали фукаро чиқиши мумкин. Бироқ агар гўдак жамоага берилса, у эса ўз навбатида чақалокни кандайдир аёлга берса, бола келгусида ким бўлади? У хеч кандай маълумот олмайди, бинобарин, одам бўлмайди. Ҳолбуки, чин фукаролар борган сари камайиб кетаётгани кундан-кунга сезилиб бормоқда, бу ўринда давлатнинг ўзи ташвишланса ёмон бўлмасди. Шунинг учун у – жаноб Сима – хисоблайдики, ҳамма бирлашмоғи зарур ва энг аввало, унинг остонасига ташлаб кетилган бола, сўнгра унинг остонасига ёки яна қаергадир ташлаб кетилган бошқа болалар тўғрисида ғамхўрлик қилмоғи лозим. Ўзининг ажойиб нутқини жаноб Сима қўйидаги сўзлар билан якунлади:

– Бизнинг инсоний хиссиётларимиз мана шунга чакиради, ота-оналиқ туйғумиз мана шунга чорлайди, улугустозимиз, дин йўлида жон фидо килган пайғамбаримизнинг: “Болаларни ҳузуримга қўйиб юборинг!” деган сўзлари бу ишимизга ок фотиҳа беради.

Мусика муаллими, ундан кейин эса бутун қурултой “Тўғри! Ура!” деб хайкирди.

Кейин ҳазрат архимандрит Григорий сўз олди ва черков номидан барча болалар ҳакида сўзлади. Унинг нутқи кискача қилиб айтганда, болалар севгимизга кўз тутишга ҳакли экани тўғрисида эди.

Ундан кейин математика профессори ўрнидан турди ва болалар қандай яратилишини кифтини келтириб, илмий йўсунда тушунтириб берди. Жаноб Сима унинг сўзларини алоҳида дикқат билан эшилди.

Математика профессори одатдаги никоҳда иккита математик қиймат – ота ва она маълумлигини ва, бинобарин, икки маълум қийматдан учинчи номаълум қийматни, яъни болани осонгина чиқариб олиш мумкинлигини билагонлик билан исботлаб берди. Лекин ҳаётда шунақа математик формулалар борки, факат биргина қиймат маълум. Мана шу формулани ечиш натижасида ташландиклар ҳосил бўлади. Айни мана шу ҳолат мазкур қурултойнинг кўриб чиқиши учун ҳавола этилган. Бизнинг шахримизда ҳам ташландиклар муайян қиймат касб этгани учун у бу қиймат тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш лозим, деб хисоблайди.

Жаноб Савва Янкович, турли жамиятларнинг хисобчилигига ўз номзодини тиқиширишни севадиган ўша киши ҳам сўз сўради ва янги жамиятнинг аъзолик бадаллари имкон борича кўпроқ бўлишини таклиф килди.

Жаноб Сима бу ҳақда гапиришга ҳали эрта эканини, қурултой хозир факат масаланинг назарий жиҳатлари билан шугулланаётганини тушунтириди.

Яна бир нечта киши сўзлагач, ташландик болаларга бошпана бериш жамиятини таъсис этиш ҳақида карор қабул қилинди. Бунинг учун беш

кишидан иборат кўмита сайланди. Чет эллардан шунга ўхшаш жамиятларнинг уставини топиш, ўрганиш, сўнгра иккинчи қурултойни чакириш ва у ерда маъруза килиш мазкур кўмита зиммасига юклатилди.

Муваффақиятдан руҳланган жаноб Сима Босилька хонимга ғояси қандай амалга оширилишини гапириб беришга, хотинининг ғояси жуда ажойиб эканига уни яна бир бор ишонтиришга шошиб, шодон ҳолда уйига шахдам қадам ташлаб кетди.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Ўтмиши шубҳали хотин

Роман муаллифи профессор бўлганида, у, равшанки, бу бобни мана бундай бошларди:

Хотинлар ўтмиши ёрқин ва ўтмиши шубҳали хотинларга бўлинади. (Аслида, ўтмиши шубҳали хотинлар ва келажаги шубҳали хотинларга бўлинади, деб ёзса тўғри бўларди.)

Ўтмиши ёрқин хотинлар бир неча синфга бўлинади: ўтмиши мутлако ёрқин, ярим ёрқин, хира ёритилган хотинлар ва шу кабилар. Ўтмиши шубҳали хотинлар ўтмишида доғча, доғ ва катта доғ бўлган хотинларга бўлинади.

Биз энди хоҳласак-хоҳламасак, танишишимиз керак бўлган Мара хоним сўнгги, энг булганиб кетган синфга мансуб эди. Ёшлик йилларида ҳар қандай аёл гўзал бўлади. Мара хоним ёшлик чоғларида жуда камтарин ҳаёт кечирап ва кўча-кўйга камдан-кам чиқарди, лекин бунинг эвазига худди мукофотлашмокчи бўлгандек, эркаклар уникуга тинмай қатнарди. Мара хоним бу узоқ ўтмишни энди яхши эслолмайди: боши ва елкасида уч марта шамсия сингани – ўша йиллардан элас-элас қолган ягона хотира.

Бу шамсияларнинг ҳаммасини эрли хотинлар дабдала килган эди.

Бирордан кейин Мара хонимни, гарчи давлат хизматида бўлмаса ҳам, бу шаҳардан унисига кўчира бошладилар. Аллақандай шаҳарчада энди қўним топди дегунча, бир неча ой ўтгач, полиция унга хизмат зарурити юзасидан бошқа ёкка ўтказилиши тўғрисида билдиришнома юборарди. Ўша вактлари, афтидан, иклим ва об-хавонинг тўхтовсиз кескин ўзгаравергани сабабли бўлса керак, ҳадеб кўйлакларини кенгайтиришга тўғри келарди. Шу боисдан янги ишнинг ҳадисини олди ва бу иш билан шуғулланишни канда килмади, чунки бу иш унга мўмайгина даромад келтиради.

Унинг янги санъати, мохият эътибори билан, кишиларнинг оғирини енгил қиласарди, лекин полиция барибир қандайдир айб топди ва иш судга бориб етди. Суддан уни турмага жўнатишиди. Мара у ерда роса беш йил ўтиради. У турмада ўзини муносаб тарзда тутди, итоаткор бўлди ва шунчалик итоаткорлик билан тавба-тазарру килди, ҳатто, турманинг аёллар бўлими бошлиғига эркаклар ҳаётини енгиллаштиришнинг барча усувларини айтиб берди. Бу аёл бошлиқ эса бадбаҳт Мара канчалик айбдор экани ҳақда тасаввур ҳосил килиш учун, шунингдек, турманинг хисобчиси бир ёш йигит бўлгани сабабли булар тўғрисида нима килиб бўлса ҳам билиб олгиси келарди.

Ўша ерда, турмада Мара қарттада ва кафтга қараб фол очишни ўрганди, узок айрилиқдан сўнг Белградга қайтгач, ўзини шу машғулотга бағишлиаш фикрига келди. Аммо муваффакият қозонолмаслигини дарҳол тушунди, чунки бу хунарда асосий нарса – картада ёки кафтга қараб келажакни топишни улдалаш эмас, балки ном қозонишидир. Шундай қилиб, аввалига шуҳрат қозониши керак. Бунинг учун Мара Белграднинг бир нечта нафис хонадонларида хизмат қилишга қарор қилди, чунки нафис хонимлар яхши фолбин тўғрисидаги мишишларни ҳаммадан кўра таркатадилар.

Мана шу усул билан ном қозонишига бел боғлаган Мара бир нафис хонадонга оқсоч бўлиб ишга кирди. Ўн беш кундан кейин бу уйдаги барча сир-синоатни миридан-сиригача билиб олгач, у хонадон бекасига қарттада фол очди ва... нишонга аниқ урди. Мара унга деди: “Сиз оиласи турмушда бебахтсиз, сиз каттарок ишлар учун туғилгансиз, аммо тақдир сизни номуносиб инсонга рўпара қилган. Бир ёш йигит сизни деб оҳ чекиб юриди!”

Бека Маранинг санъатига қойил қолди ва биринчи зиёфатдаёқ бу ҳақда сўзлаб берди.

– Хонимлар, айтсан ишонмайсизлар, – деди у йигилган нафис хонимларга, – бу аёл фол очишни қийиб кўяди! У менга бор ҳакиқатни айтиб берди.

Ундан кейин Мара бошқа нафис хонимнигида ишга кирди, бир неча кундан сўнг унга фол очди ва... нишонга аниқ урди. Мара унга деди: “Аёллар орасида душманларингиз кўп экан, улар гўзаллигингизга хасад қилишади, аммо эркак жинси сизни кўрса, ақлдан озади”.

Бу бека ҳам Маранинг санъатига қойил қолди ва биринчи зиёфатдаёқ йигилган нафис хонимларга у ҳақда сўзлаб берди:

– Мен сизларга айтсан, у жуда ажиб аёл! У қарттада шундай фол очадики, ўзгалар турмушининг бутун сир-асорори унга аён дейсиз.

Сўнгра Мара учинчи нафис хонимнигида ишга ўтди, бир неча кундан сўнг бекага фол очди ва... нишонга аниқ урди. Мара унга деди: “Эрингиз билан яшаш сизга зерикарли, ваҳоланки, бир йигит кечак-ю кундуз сизни ўйламоқда, сиз туфайли унинг ҳаёти зерикиш ва қайфу-ҳасрат ичиди ўтмоқда. Бир хабар келди... осон йўли бор... тўшак. Аллақандай бева бу йигитни эгаллаб олмокчи, лекин унинг фикри-зикри фактат сизда!”

Бу бека ҳам Маранинг санъатига қойил қолди ва биринчи зиёфатдаёқ дугоналарига ёрилди:

– Бу жуда ажиб аёл, бамисоли худо юборган пайғамбар дейсиз. У фикрингиз ва хисларингизни, китобдан ўқиётгандек, аниқ топади!

Уч нафар нафис хоним унга етарли бўлди; улар Маранинг ном қозониши учун йигирмата эрталабки газетада бериладиган эълондан кўра кўпроқ иш қилишди.

Мара ном чиқариб олгач, бекаларидан айрилди ва ўз фирмасини ташкил қилиш мақсадида алоҳида хонани ижарага олди. Ўшандан бошлаб уни Мара хоним деб атайдиган бўлдилар.

Ишлари жуда силлиқ кетаётган эди, Белграднинг энг баобрӯ хонимлари ва жаноблари уникига ташриф буюришарди, лекин битта хато килди-ю, иши юришмай, шундай мashaққат билан топган обрўсининг бир пул бўлишига сал қолди.

Биринчи нафис хонимницида хизмат қилған вактлари у беканинг извошчиси билан танишиб қолувди. Извошли оқ қўлқоп ва цилиндр шаклидаги шляпасини кийиб чиқсан вактлари Марага жуда ёкарди. Бу танишилик узилиб қолмади ва извошчининг таклифига кўра, Маранинг унга тегиши билан якун топди. Аммо извошли куёв Марадан фолбинликни ташлашни талаб қилди. У рози бўлди.

Бир неча йиллик хонанишин турмушдан кейин одамлар Марани бутунлай унудилар. Устига устак янги машхур фолбинлар пайдо бўлди. Маранинг оиласи турмуш йиллари унчалик ёрқин кечмади.

Олдинига ҳаммаси яхши кетаётган эди, ҳар қандай оиласи ҳаёт аввалига яхши бўлади-да. Тўғри, куёв извошчилик одатига кўра, баъзан жиловни торгарди, бироқ Мара қадамини секинлаштирас ва улар оила аравасини яна тузуккина тортиб кетишарди. Оила араваси кўпам қаттиқ таракламас эди.

Кейинчалик, ҳар қандай оиласи бўлгани сингари, ҳаммаси у қадар силлиқ кетмади. Извошли эр извошчилардек ичкиликка ружу кўйди. У олдинлари ҳам шундай килар, лекин “ўкни мойлаш” учун қанча керак бўлса, шунча ичар, яъни яримтадан кўп ичмасди. Бироқ бир йили қиши жуда қаҳратон келди ва ўзини оклаш учун айтганидек, унга икки баравар кўпроқ “мойлаш” керак бўлиб қолди. Иссик кунлар бошлангандан кейин ҳам извошли бу одатини ташламади, нихоят бекаси уни қувиб юборди.

Шунда одат устига алам ҳам кўшилди ва извошли ичкиликка муккасидан кетди. У кундузи ҳам, кечаси ҳам хушёр бўлмасди, ичиш имконини топиш учун уйдаги нарсаларни бирин-кетин олиб чиқиб сотишга киришди. У энди Марани фолбинлик билан шуғулланишга мажбур қила бошлади, лекин Маранинг ишлари юришмади, чунки обрўсини тиклаш кийин бўлди.

Мара хоним, албатта, ёнди-кўйди. Эрини даволатишга ҳаракат қилди: бир қўшни аёл қанақадир ўт қайнатмаси ичиришни маслаҳат берди. Буни ичса, ароқдан кайтар экан. Аммо извошли бу қайнатмани қанча кўп ичса, аракни шунча кўп тортадиган бўлди ва, нихоят, шунгача бориб етди, куни бўйи лоақал икки оғиз гапни эплаб гапиромай қолди.

Охир-оқибат Мара яна қўшни аёлларнинг маслаҳатига кириб, бир машхур шифокорга мурожаат қилди. Миш-мишларга караганда, бу докторнинг ўзи бир замонлар шишанинг ичига кириб ётаркан, лекин кейинчалик ичкиликбозликка қарши курашнинг ашаддий тарғиботчисига айланибди ва ўтмишда ароқнинг таъсирини ўрганиш мақсадидагина ичганман деб ўзини оклабди. Мара унга нима гаплигини баён этгач, доктор ўйга чўмди ва бармоклари билан столни черта бошлади.

– Хоним, узоқ йиллик амалиётимда бунака касаллик хеч учрамаган, – деди у.

- Наҳотки даволаб бўлмаса, жаноб доктор? – сўради Мара қўркиб.
- Ҳар куни ичадими? – кизиқди доктор.
- Кеча-ю кундуз ичади! – жавоб берди Мара.
- У тўнғиздай ича оладими? – сўрашда давом этди шифокор.
- Тўнғиз нима бўпти? Тўнғиз маст бўлганида, жиллакурса, хуриллайди. У эса, бўкиб ичса-да, овозини ҳам чиқармайди.
- Жуда зўр, жуда зўр! – хитоб қилди доктор кўлларини ишқалаб.

Мара у хозир дори ёзиб беради, деб суюниб кетди, аммо шу заҳоти бирор бошидан совуқ сув қўйғандек бўлди.

– Хоним, унга дорининг фойдаси йўқ. Бироқ беморнинг ўзи фойда келтириши мумкин

– Маст одам қандай фойда келтирарди?

– Биласизми, хоним афанди, мен ҳар якшанбада ичкиликнинг зарари ҳакида оммабоп маъруза ўқийман. Менга сизнинг эрингизга ўхшаган киши жуда керак, лекин, ўз-ўзидан равшанки, маъруза пайтида унинг чўчқадай маст бўлишини кафолатлашингиз лозим, шунда уни жон деб ижарага олиб турган бўлардим.

– Мен бунга кафолат бериш имумкин, лекин...

– Мен сизга ҳар бир маъруза учун ўн динор тўлайман.

Мара хоним ичига бу ойига қанча бўлишини дарров хисоблади-да, мўмайгина акча келишини кўриб, рози бўлди ва доктор билан кўл ташлашди. Хуллас, у эрини ижарага бериб, яшай бошлади. Извошли бўлса, ҳар якшанба куни доктор маъруза ўқиётган вактда стол ёнида ағанаб ётар, доктор эса, маъруза давомида мастни кўли билан тез-тез кўрсатиб кўярди.

Бу иш бир куни кечаси Мара хонимнинг даромад манбаи кўчада ўлиқ холда топилгунга қадар беш-олти ой давом этди. Извошли ўша куни оммабоп маърузага тайёрланмаслиги лозимлигини хисобга олмасдан, энди бир эмас, икки чўчқачалик бўкиб ичди ва уйига қайтишида боқий дунёга равона бўлди.

Доктор учун ҳам, Мара учун ҳам бу катта талафот эди – Маранинг даромади, докторнинг эса, тингловчилари камайгандан-камайди.

Даромадсиз қолган беванинг эски хунарига – қартада ва кафтга қараб фол очишга қайтишдан бошқа иложи қолмади. Нафис хонимларникида оқсоч бўлиш ва уларнинг кўмагида ўзини танитиш энди унга кийин эди. Шунда реклама мақсадида уйига жиян келтиришдек ажойиб фикр калласига келиб қолди. Тез-тез алмашиб турадиган қиз жиянлар қартада фол очишга ёрдам бермас, балки кўпроқ бир безак бўлиб хизмат қиласарди. Бу кизлар этикдўз ёки сартарошнинг устахонасидаги сайроқи күшга ўхшарди. Сайроқи күш соқол ооломайди, пошнани қоқолмайди, шунчаки эшик тепасидаги кафасда ўтиради-ю, мижоз ўтиб кетаётганда сайрайди ва ўткинчининг диккатини устахонага тортади.

Мара хонимнига кўпроқ ёши ўтганроқ жаноблар ташриф буюра бошлаганини, у эса ҳар гал меҳмонларнинг кафтига қараб, улар бир бало-ю азим ва шўх йигит эканликларини, аёлларни оҳанрабодай ўзига тортишини айтишини билганингиздан кейин бу реклама ёмон бўлмаганига ишонч ҳосил қиласиз.

Бир куни у жаноб Симанинг кафтига қараб фол очган ва ўшандан кейин ошначиликлари бошланган эди.

Кичкина Симани чўқинтиришгандан кейин Палиуланинг алла-қаеридағи яхудийларнинг эски қабристони ортида жойлашган мана шу уйга олиб келишди.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Ижарага бериладиган бола

Бир куни эрталаб Мара хонимнига кўшниси, хамма кудагай деб чакирадиган Стана кириб келди. У кўпгина мактаб вазифаларини ёд билиши билан ном чиқарганди. Узок йиллар унинг уйида ижарада яшаган ўқувчилик дарсларини овоз чиқариб тайёрганлари боис, ҳар хил аникловчи, турланишлар, кўпдан-кўп иқтибослар Стананинг қулоғида қолган эди. Факат шугина эмас, қайсиdir кўшниси билан сўкишиб қолса, яхудийларнинг эски қабристони ортидаги маҳалланинг бу борадаги тил бойлигига оид барча сўзлар захирасини тамом қилгач, у даргазаб бўлиб кичкиришга ўтарди:

— Квоускве тандем, Катилина, абутере пациентиа ностра! Квем ад фи-нем сесе тута актабит аудация! Имо веро ин санатум венит!

Бу сўзлардан кейин иш, одатда, ёқалашишга бориб етар, чунки навбатдаги ракибасини ҳеч ким тушунмайдиган бу лотинча жумлалар батамом ёндириб юборарди. Агар Стана сербча сўзлаб, унинг ота-онасидан олганида ҳам бунчалик бўлмасди, чунки ракиба Стана можорчасига сўкяпти, деб ўйларди. Билимдон кишиларнинг айтишича, можор тилида жуда бўралатиб сўкиниш мумкин экан.

Хуллас, кўшниси Стана бир куни эрталаб Мара хонимнига кириб келди ва одоб юзасидан ул-бул нарсалар ҳақида сўраб, сўнг нима мақсадда келган бўлса, ўшанга кўчди.

— Кўшнижон, сенда қандайдир гўдак бор экан, шу ростми?

— Рост! — жавоб берди Мара хоним.

— Уни тарбиялаш учун сенга жамоа бердими?

— Йўқ, — деди Мара хоним. — Ташландик болалар учун очилган аллақандай жамият аъзолари беришди. Шу жамият тўла ташкил этилгунга қадар, гўдакни вактинча бокиб турибман.

— Мен эса, — деди кудағай Стана, — сендан гўдакни эртага тушликкача қарзга сўрагани келдим.

— Гўдакни қарзга? — ҳайрон бўлди Мара хоним.

— Факат тушликкача!

— Кўшнижон, бола сенга нимага керак бўлиб қолди? — қизиксинди Мара хоним.

— Сенга айтганим бўлсин. Биласанми, кўшниларнинг ҳар нарсани валдирашини ёқтирамайман, лекин сенга айтишим мумкин. Эртага жамоа бошкармасига факирлик нафақасини сўрагани бораман. Бундай ҷоғда кўлингда бола бўлгани яхши-да. Кўлида боласи борлар навбатсиз ўтади ва кўпроқ пул олади.

— Эҳ, мана нимага керак экан! — деди Мара хоним ва шу заҳоти мархум эрини эслади. У эрини ижарага бериб, яхшигина пул ишлаб юрган эди. Ким билади, балки бу Худонинг иродасидир — Худо эрини олиб, вакт-вақти билан яна пул ишлаб топиши учун болани бергандир.

Бироз ўйлагач, Мара хоним кўшнисига деди:

— Яхши, кўшнижон, болани сенга бераман, лекин бунақа хизматлар тикинга килинмайди, тўлаб кўясан.

— Модомики, шундай экан, тўлайман, — рози бўлди кўшни. — Мана, ярим кун учун сенга бир динор.

– Нима деяпсан, кўшнижон! – ясама газаб билан деди Мара хоним. – Бундай болани бир динорга беришганини каерда кўргансан? Ахир, у ўн беш килоча чиқади.

– Лекин кулок сол, Мара хоним, – савдолаша бошлади қудагай Стана, – нега сен уни килолаб ўлчаяпсан? Мен болани сотиб олаётганим йўқку, ижарага олмоқчиман. Мана, бир динорни ол, тамом-вассалом. Бундан кўп турмайди.

– Бўлмаса сен шундай болани бир туғиб кўр-чи, ўшанда у қанча туришини биласан-кўясан. Мен сенга тайёр болани беряпман...

– Борига барака, – бир қарорга келди Стана, – ярим кун учун сенга бир ярим динор тўлайман, лекин болани ҳар шанба куни бериб турасан.

Шунга келишдилар ва эргаси куни қудагай Стана болани олиб кетгани келди. Шундай килиб, бошка болалар ота-онасига нукул зарар келтирган бир чоғда Сима гўдаклигиданоқ пул ишлай бошлади. Қудагай Стана ҳар шанба куни келар, болани олиб жамоа идорасига кетар, туш пайти бўлса, шартлашилган пулни олиб келарди.

Бу иш кўшнилар учун сир бўлиб колмади, албатта. Гарчи қудагай Станицинг сири фош бўлган эса-да, бу Симага ўз касби билан шугулланишга халакит бергани йўқ, аксинча, реклама бўлиб хизмат қилди.

Сима пул ишлай бошлаганига икки шанба ҳам ўтмасдан Мара хонимнига Роска хола деган бир аёл келди. Гарчи Роска хола Маранинг кўшниси бўлмаса-да ва Янги қабристон оркасидаги қайсиdir узок кўчада яшаса-да, уни ҳамма танир эди. Ҳеч ким соч бўёгини Роска холадай тайёрлай олмас, у яна қутурган ит тишлаганларни, чипқон, бавосилни даволай оларди, чуррани тувак ёрдамида тўғрилашни ва шунга ўхашаш кўп нарсаларни биларди. Бирок Роска хола булар билан эмас, эридан мерос қолган ажойиб санъати билан машҳур эди. Марҳум эри созанда бўлиб, Роска ундан карнай чалишни ўрганганди. Роска кўшиқ ва ракс куйларини, турли маршларни, шунингдек, “тўхта”, “хужумга”, “сафлан” сингари ҳарбий сигналларни ҳакиқий карнайчидай чала оларди.

Аёллар унга қойил қолишар, болалар бўлса, уни сидқидилдан яхши кўришарди. Кўшни хотинлар унга неча марталаб:

– Роска, нега ҳарбий созанда бўлмайсан? – деб сўрашарди.

– Агар фельдфебель¹ килиб олишларини билганимда борардим, лекин ўлсам ҳам оддий аскар бўлмайман, – деб жавоб берарди Роска.

– Ким билади, агар қандай чалишингни эшлишганида, балки фельдфебелликни беришармиди?

– Беришарди, биламан, лекин шундан кейин мен узок муддат хизмат килди, деб хисоблашларини талаб қиласардим, бунга эса рози бўлишлари амри маҳол.

– Яна қанақа узок хизмат?

– Қанақаси бўлса ҳам, майли. Марҳум эрим билан яшаган йилларимни хисобга олишадими, беваликда ўтган ҳаётимними, барибир. Қанақа бўлса ҳам розиман, менга фарқи йўқ.

Роска хола пул учун эмас, кўнгил учун чаларди. Баъзан, окшом вақти тахта ўриндикини ҳовлига чиқарар, тут дарахти остига ўтириб олиб, карнайда уйғотиш сигналини чала бошлар, барча болакайлар дарҳол хозир нозир бўлишар, девор устига чиқиб ўтиришарди. Гоҳо хотин-

¹ Фельдфебель – рота командирининг хўжалик ишлари бўйича ёрдамчиси.

қизлар тўпланиб, хурсандчилик қилишар ва шўх куйлардан чалиб берини сўрашарди. Хотинлар ҳовлига чиқиб жанжал бошлаб қолсалар, у карнайини олиб чиқиб, ҳужум сигналини чаларди ва хотинлар рухланиб кетиб, мусика садолари остида бир-бирини кокилларидан тортиб, юмдалашишарди.

Бироқ Роска хола ўз карнайидан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланарди. Чунончи, у ашёларини хатламоқчи бўлган суд ижроисининг калласини карнай билан уриб ёришига бир баҳя қолган. Ҳар қандай конституциявий давлатда давлат хизматчиларининг калласини карнай билан уриб ёриш тақиқлангани учун суд ижроиси, ўз-ўзидан тушунарлики, уни судга берди, шикоят хатига докторнинг маълумотномасини кўшиб топшириди. Иш жуда жиддий тус олди – бир неча ой қамоқнинг ҳиди анқиб қолди ва Роска адвокат ёллашга мажбур бўлди.

Айни шу суд арафасида Роска хола Мара хонимнига келди.

– Эртага судим бўлади, – деди у, – шунинг учун ҳам, Мара хоним, болангни эртага тушлик вақтигача бериб тур деб келдим.

– Бола сенга нимага керак?

– Керак. Ўзинг тушунасан-ку, судга кўлингда гўдак билан келсанг, иш тамоман бошқача тус олади. Шунда суднинг ҳам, прокурорнинг ҳам, суд эшиги олдида турган қоровулнинг ҳам, ҳатто, томошибинларнинг ҳам раҳми келади. Қолаверса, бир бошларини оғритишин – мени турмага тикишар, лекин гўдакни нима килиш керак? Бола мана шу иш учун керак.

– Беролмайман, – қатъий жавоб берди Мара хоним, – эртага у банд.

– Қанақасига банд?

– У жамоа бошқармасига бориши керак. У ҳар шанба куни жамоа идорасига қатнайди.

– Сенга нима бўлди, хонимча? – ҳайрон бўлди Роска, – эртага жума-ку!

– Жума?.. Буни қара-я, менда эс қолмабди ўзи!

– Хўш, болани эртага бериб турасанми?

– Бу, албатта, мумкин. Лекин ўзинг биласан, у менинг бокувчим...

– Пулини тўлайман, текинга деб ўйлама. Қиммат бўлмаса, бас. Яrim кунга қанча сўрайсан?

– Сенга нима десам экан? – тараддулланди Мара хоним. – Ўйлаб қарасанг, адвокатдан кўра сенга боланинг нафи кўпроқ тегади. Ана ўзинг хисоблаб кўр, адвокатга қанча тўлашингни бир хомчўт кил...

– Олиб қочма, хонимча!.. Нимага энди сен болани адвокатга тенгглаштиряпсан? Эртага туш пайти сенга уч динор бераман. Кудағай Стана сенга бир ярим тўлайди, мен бўлсам, уч динор бераман.

– Гапинг тўғри, – ўзини химоя килишга ўтди Мара хоним. – Стана менга бир ярим динор тўлайди, лекин у доимий мижозим, ҳар шанба куни олиб кетади. Сен факат эртага оласан, тамом-вассалом... Агар ҳар ҳафта карнайинг билан кимнингдир бошини ёриб турганингда бошқа гап эди... Унда сен учун нархни туширган бўлардим.

Савдолашиб, ниҳоят беш динорга келишдилар ва кичкина Сима куйи судга жўнади. Роска холанинг адвокати аёлнинг кўлидаги гўдакни кўриб, тилла топгандай хурсанд бўлиб кетди, чунки Роска холанинг фойдасига далил топиши фирт дардисар бўлиб турганди.

“Бахтикора она”, “агар конундан келиб чиқсан, биз онани жазолашга ҳақлимиз, лекин болани жазолашга ҳеч қандай ҳақкимиз йўқ”, “жаноб

судъялар, сизларнинг ҳам болаларингиз бор” ва шу каби гаплар, гарчи Росканинг айбисизлигини исботлаб бера олмаса-да, адвокатнинг нутқини бежамдор қилди.

Ҳақиқатан ҳам, нутқ жуда зўр чиқди, ҳатто, касбининг ўзи тошюрак бўлишини тақозо этадиган давлат қораловчиси мажлис вактида йиғлаб юборди ва айбланувчини кечирди. Шу тариқа Сима Роска холани куткарди. Роска хола болани қайтараркан, катъий нарх бўйича беш динор пулни вижданан тўлаб, уйига қайтди, карнайни қўлига олди-да, “Ол кошиқни, ол нонингни!” куйини чала бошлади.

Бир куни Мара хонимнига ёш ва башант кийинган бир аёл келди. Бу Мара хонимни ҳечам ажаблантирмади, чунки у кўпроқ олийнасаб жанобларга хизмат кўрсатгани учун бунақа хонимлар картада ва кафтга қараб фол очтириш учун уникига кўп келадиган бўлиб қолган эди.

Ёш хоним ўтириди ва шу захотиёқ мақсадга кўчди:

- Хоним, эшитдимки, сизда ижарага бериладиган бола бор экан.
- Сизга ким бундай деб айтди? – кўрқиб кетди Мара хоним.
- Тинчланинг, мен полициядан эмасман, кўркманг. Мен болани сўраш учун келдим ва сизга яхшигина ҳақ тўлайман.

– Мен болани ижарага бермайман, – ўзини ҳимоя қилди Мара хоним, – лекин сизга нима кераклигини билишни истар эдим.

– Майли, сизга очиғини айтаман, – дея ўз икрорини бошлади ёш хоним. – Биласизми, менинг эрим бир латта. Худо пешонамга шуни ёзган экан, елкамга миниб ўтириби. У иш ўрганувчи-амалдор, лекин бир жойда олти ойдан кўп ишлай олмайди. Хизматга энди кўниди, турмушимизни энди йўлга қўйдик деганда уни хайдаб юборишади. Мана, шу кунларда полиция маҳкамасида ишлаб юрган эди. Кимгadir суд карори хақида маълумотнома ёзib бериби. Энди буни қаранг! Маълумотномада “ножоиз” сўзидаги “но” ни тушириб колдириби, уни бўшатишди! Факат шу “но” сабабли, мана шу икки лаънати ҳарфни деб уни ишдан бўшатишди! Марҳамат килиб, айтинг, шу адолатданми? Лекин ҳаммасидан ёмони шуки, уни янги ишга жойлаштириш ташвиши менинг зиммамга тушади.

– Сизнинг? – ҳайрон бўлди Мара.

– Ҳа, менинг, – давом этди иш ўрганувчи-амалдорнинг хотини. – Ахир, унинг бир латта эканини сизга айтдим-ку, ўзининг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Қўлидан келадигани – факт ишини ўйқотиш, иш топиб бериш эса менинг чекимга тушган. Агар вазир ёш йигит бўлганда-ку, бу ишни эплаш мумкин эди. Ёки, айтайлик, вазир эмас, унинг ўринбосари ёш йигит бўлганида ҳам майли эди... Лекин хозир, Худо урган, вазир ҳам, ўринбосари ҳам – шарти кетиб, парти қолган чоллар. Ҳечам тушунолмайман, бу қанака тартиб ўзи: давлат ёш бўлса-ю, вазирлар қари бўлса?! Бунакаси факт бизда бўлиши мумкин!

– Гапларингиз тўғрику-я, – деди Мара хоним, – лекин, барибир, бола сизга нимага кераклигини тушунмаётирман.

– Нега тушунмайсиз? – ажабланди иш ўрганувчи-амалдорнинг хотини. – Агар вазир ёш бўлганида, хузурига борардим ва йиғлашибимга хожат қолмасди, бир кулиб қўйсам бас, менинг латтам ишли бўларди қўярди. Ҳозирги вазир – қари чол. Айтишларича, болалари бўлган, лекин ҳаммасидан айрилган экан. Шунинг учун ҳам унинг хузурига бола кўтариб бораман, йиғлайман, раҳми келади ва менинг латтам ишли бўлади.

– Балки шу йўл тўғридир, – унинг гапига кўшилди Мара хоним. – Лекин мен сизни танимасам, болани қандай бераман?

– Ё худо! – ҳайратланди иш ўрганувчи-амалдорнинг хотини. – Балки сиз болани қайтариб бермайди, деб кўрқаётгандирсиз? Агар сиздан кийим-кечак ё кумуш қошиқ, ёки шамсияни ижарага олганимда бошқа гап эди. Агар болани хоҳлаганимда, ўзимникини туғиб олган бўлардим, қанақасини хоҳласам, шунакасини туғардим, бирорларнинг боласини олиб ўтирамасдим.

– Бу тушунарли, лекин...

Мара хоним иккиланиб, бош чайқади.

– Агар чўчиётган бўлсангиз, тилхат ёзиб беришим мумкин. Ўзимнинг латтамга ҳам айтаман, у ҳам расман тилхат ёзиб беради.

– Яхши, мен розиман, лекин... Менга қанча тўламоқчисиз?

– Беш динор.

– Нима деяпсиз! – хитоб қилди Мара хоним. – Бола эрингизга иш ўрни олиб беради, сиз эса бунинг учун бор-йўғи беш динор тўламоқчисиз...

Ўн динорга келишдилар, факат шарти шу бўлдики, иш ўрганувчи-амалдорнинг хотини болани олгани келганида тилхатни келтириб, пулни олдиндан тўлайдиган бўлди.

ТИЛХАТ

Белградда яшайдиган Мара Здравковичдан эркак жинсига мансуб бир бола ишга яроқли ҳолда қайтариш мажбурияти билан ижарага олинди.

Хотинимнинг ҳаракатларини маъқуллайман.

Иеремия Терзич, собиқ иш ўрганувчи.

Ҳаммаси кўнгилдагидай бўлди, Сима вазир қабулига йўл олди ва у ерда шунчалик муваффакият қозондики, латта ишга жойлашди.

Шу тариқа Симанинг шухрати кундан-кунга оша борди. Олдининг у қўшниларнинг кор-холига яраб турди, бора-бора тобора уйидан узокларда хизмат киладиган бўлди. Нихоят, бир куни Мара хонимниги ғалати киёфадаги киши келди. Кир-чир, соколи олинмаган, духоба камзул кийиб олган, кўзларининг тийраклиги кишини ҳайратга солади. У Мара хонимга афсунгар эканини айтди, олов ютишни, шаробни сувга, сувни шаробга айлантиришни ва бошка мўъжизалар кўрсатишни биларкан. Мара хонимнинг ишонкирамай караганини кўриб, чўнтағидан икки динорлик кумуш танга чиқарди, уни Маранинг кафтига кўйди, қандайдир бир афсун ўқиган эди, танга бирдан ғойиб бўлди.

Нотаниш кишининг устамонлиги Мара хонимни ҳайратга солди ва афсунгарнинг шахсини тасдикловчи ҳеч қандай хужжатнинг кераги бўлмади. Маранинг ишончини қозонгач, у ўзини таништириди ва нимага келганини айтди.

– Мен биринчи серб афсунгари Илия Божич бўламан. Оловни юта оламан, шаробни сувга айлантираман, ит бўлиб ҳураман, мушук бўлиб миёвлайман, – дей афсунгар қандай мўъжизаларга кодир эканини санай кетди. Саноқни битиргач, эртага авлиё Марк черкови олдидা Марк куни, катта

байрам бўлишини, у ерда томоша кўрсатиш учун маҳсус чодир курганини ва мутлако янги саҳна кўриниши учун унга гўдак кераклигини айтди.

– Уни нима киласиз? – сўради Мара хоним кизиксиниб ва чўчиб. У бу кўзбойлоғич Симани улокчага ёки қандайдир бошка бир ҳайвонга айлантириб кўймасайди деб кўркаётган эди.

– Болага хеч нарса килмайди. Мен катта шов-шувга сабаб бўладиган янги томоша тайёрладим. Тухум босиб, бола чиқараман. Сиз кунига ўн динор оласиз, бундан ташқари, сизга биттага чиптани текинга бераман.

– Майли, лекин бола учун менга тилхат ёзиб берасиз, – деди Мара хоним. У аллақачон янги тартибга кўнинккан ва болани тилхатсиз бермайдиган бўлганди. Кўзбойлоғич рози бўлди ва битимга келишилди.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Марк куни

Марк куни – Белградда катта байрам. Авлиё Марк ибодатхонасига йиғилган турли кўнгилочар ўйингоҳлар ва мувакқат томошахоналарнинг эгалари, қатлама пирог ва бўза сотувчилар, киссавурлар ва машшоқлар Тошмайдонга чиқиб шунаقا шовкин-сурон кўтарадики, буни кўриб ва эшитиб жонинг хузур килади. Белграднинг бошқа черковлари ўз диний байрамларини анча камтарона ва шов-шувсиз ўтказишади. Мангур ором ва осудалик макони бўлган қабристон ёнида жойлашган ибодатхона аҳли айни мана шу сабабли мархумларни йилига бир марта бўлса-да, хурсанд қилиш даркор, деб хисоблайди шекилли, қабристонда шунаقا сайил уюштирадики, ўликлар гўрдан чикиб, раксга тушмаган тақдирда ҳам, хеч бўлмаса, тобутда бир ағдариладилар. Черков учун эса бу катта муваффақият.

Диний байрам чиройли ва тантанавор тарзда очилади. Сахармардонда кирол саройидаги замбараклар шундай салют берадики, камида ўнта тўп шаҳарни бомбардимон қилаётгандек туюлади. Шаҳарликлар тўшакдан иргиб туришади-да, кийинишни ҳам унугиб, кўчага отилиб чиқишади ва вахимага тушиб, бир-бирларидан душман кўшини бостириб кирдимикан, Топчидер тепалигидаги порох заводи портладимикан, кирол саройида битта ўринга бирданига иккита валиаҳд туғилдимикан деб сўрашади.

Эрталабки ўткинчилар, сут, бўза сотувчилар ва дам олиш учун казар-масига кайтаётган тунги коровуллар кўркиб кетган фукароларга бугун Марк куни эканини, муқаддас черков ўз байрамини бошлагани ҳакида мана шу тарзда камтарона хабар бераётганини тушунтиришади. Тинчланган фукаролар бузилган уйкусини давом эттириш учун тўшакларига кайтишади.

Руҳонийлар тўп отишмалари садоси остида ибодат хизматини адо эта-дилар, бу жуда кулай, ахир парвардигор уларнинг илтижоларини эшитмаган тақдирда ҳам, замбараклар салотини, албатта, эшитади. Ибодатдан кейин ҳалқ сайили бошланади: чодир остида скрипкалар чийиллайди, панорама олдида карнайлар ўкиради, каруселлар ёнида шарманкалар фарёд уради, томошахоналарда ноғоралар гумбуzlайди, бўза сотувчиларнинг

қичқириклари, лўлиларнинг кўшиклари, гадоларнинг зорланишлари, чўнгатги кесилган кишиларнинг хўнграши – ҳамма-ҳаммаси бир-бирига коришиб кетади. Хуллас, мұқаддас ибодатхонага жуда ярашадиган урйикит, шовкин-сурон, кий-чув, ғовур-ғувур авжига чиқади.

Халойиқ ғужгон ўйнайди, бир-бирини туртиб, кий-чув кўтаради. Қабристон четида мусика жаранглайди, мозортослари оркасида ёшлар саир қиласди, жуфт-жуфт бўлиб холи жойга ўтишади, севги сўзларини шивирлашади. Ана, қабртошга ёзилган сўзларга караганда, “князъ ва ватаннинг содик хизматкори, намунали ота ва содик эр” бўлган давлат маслаҳатчисининг қора мармар обидаси ортида жамғармалар бошқармасининг мўйловли амалдори ва беваларнинг қора кўйлаги остидан қизил юбка кийиб олган жиккаккина бева яшириниб ўтиришибди. “Содик эр”нинг қабри устида қўтарилган бу ёдгорлик тоши нега энди беванинг севгисини нокамтар нигоҳлардан яширмаслиги керак?!

Ана у ёкка қарасангиз, фельдфебель билан жаноб вазирнинг ошпази жандарма капитанининг мозори устига ўтириб, хохолаб кулиб ётиришибди. Афтидан, бу кулги бечора капитаннинг жонига тегиб, қабрда ётган жойидан: “Фельдфебель, тек тур!” деб ўқиргунча давом этса керак. Мана, иш ўрганувчи йигит мархум поп Милиянинг сағанаси устидаги қабртошга суюниб, бир кизчага шунака уят гапларни гапиряптики, буларни эшитса, поп Милия ўллик эмас, ҳатто, тирик бўлганидаям кизариб кетарди. У ёқда, черковдан узокроқдаги ўт босган қабрлар орасида икки нафар ёш палилулалик гимназия муаллими Стаменковичнинг қабри устида ўтириб олиб севги хакида шундай бир тилда сўзлашяптиларки, мархум муаллим чаноқ калласида қолган охирги соchlарини ҳам юляпти. Шуни билиб кўйишингиз керакки, мархум тирик вақтида серб тилининг машҳур билимдони эди ва энг номуносиб жойда газета парчасини топиб олса ҳам, ишлатишдан олдин ўқиб чикар ва барча имло хатоларини тузатар эди. Энди унинг қабрда ётиб, палилула лаҳжасидаги севги изҳорини эшитиб, қандай ахволга тушганини ўзингиз тасаввур килаверинг.

– Эртага дарвозага чик-чи, – дейди ёш палилулалик.

– Чикаман, лекин сен бундан кейин Мица билан юрма! – жавоб беради палилулалик ёш қиз.

Муаллим қабрда титрайди, у ёқдан бу ёкка ағдарилиб, кўкрагига муштлайди.

Қабрлар ўртасида, хилватда қолиш учун қулай шароити бор она черковга миннатдорлик туйгуларидан илҳомланган севишган жуфтлар саvodхонларча ёки омиларча севги изҳор этишар экан, қолганлар, севишмаган томошабинлар ширин кулчалар сотиладиган чодирлар, қовокхоналар, панорамалар, томошахоналар олдида уймалашади, аҳмокона қалпоқ кийган, юзига ун сепиб оқартирган, бақиравериб томоғи зўриккан бечораларнинг таклифлари ва изоҳларини дикқат билан эшитишиади.

“Биринчи серб цирки” деб номланган томошахона олдида “Сербия” қовокхонасининг собиқ ошпази, эндиликда кунига бир ярим динор оладиган масхарабоз Стевица чилдирма чалиб ётиби. Унинг масхарабозлик репертуари шундан иборатки, циркда ҳамма бирин-кетин унинг юзига тарсаки тортади. Агар унинг бир кунлик маошини тарсакилар сонига бўлсак, бир тарсаки беш чақадан қимматга тушмайди. Стевица хириллаган товушда, овоз пайчаларини зўриктириб, бир чақага дунёда энг

эгилувчан киши – Радоиц Симоновичнинг томошасини кўришга таклиф этади. Радоиц Симонович дунёнинг беш китъасида “Резинка одам” деб ном чикарган ва жаҳон мусобакаларида олий мукофотни олган. Халойик томошахонага ёпирилиб киради ва резинка одамни ўз кўзи билан кўради. У ҳар томонга биланглайди, бошини оёклари орасига тиқади, оёкларини бошининг орқасида чалишитиради ва шу орада ошпаз Стевицанинг юзига бир неча шапалок тортади.

Панорама олдида бошига цилиндросимон шляяпа кийган (афтидан, ажнабийга ўхшаш учун) машхур жарчи Пера бор овози билан кичкиради: “Жаноблар, марҳамат қилиб, ажиб нарсаларни кўриб қолинг. Мессинадаги зилзила асримизнинг энг даҳшатли воқеасидир. Замонавий бой шаҳар харобага айланган. Узокдан оғзидан ҳалигача олов пуркәётган Этна вулкони кўриниб туради. Картина шундай маҳорат билан чизилганки, оддий кўз билан ер кандай титраётганини кўришингиз мумкин. Бундан ташқари, сиз ўтган асрнинг энг буюк кашфиёти – Ниагара шаршарасини кўрасиз. Бу ҳақикатан ҳам шовуллаб оқиб тушаётган денгизнинг ўзгинаси; агар ўн олтига Дунай ва кирқ учта Сава акционерлик жамияти тузган тақдирда ҳам, шунча сув бера олмайди. Ундан кейин, биродарлар ва сингилларим, сиз Наполеоннинг ўлимини кўрасиз ва сизга аён бўладики, дунёда энг курдатли киши ҳам ўлимдан кочиб кутула олмайди. Мархумнинг ўлим тўшаги олдида Наполеоннинг ҳомийси авлиё Елена турибди!”

Жарчи Пера томошабинларни мана шундай чорлайди. Халойик эса чодирга ёпирилиб кириб, думалоқ шишачалардан ола-була расмларни томошা қиласди, Этна вулконини, Наполеоннинг тўшаги устида турган авлиё Еленани ва энг буюк кашфиёт – Ниагарани кўрганидан мамнун холда кетади.

Учинчи чодир олдида найнов йигит ўт ўчирувчиларнинг карнайини пулфлайди ва томошабинларнинг диққатини тортгач, уларни ўргимчак кизни кўришга таклиф этади. “Табиат мўъжизаси, унинг калласи қизники, гавдаси ва оёклари ўргимчакни. Бу ғалати жонзот Парагвай чангальзорларида ушланган ва уни ўргатиш жуда машаккатли бўлган!” Халойик бу мўъжизани кўргани киради, лекин ҳафсаласи пир бўлиб чиқади, чунки кўпчилик ходима Мицанинг бошини таниб қолади, томошабинлар орасидаги бир созанда, ҳатто, қичқиришга тушади: “Мица... Онангни!.. Илон-лигингни билардим, лекин аслида ўргимчак экансан!” Бунга ўргимчак киз бундай деб жавоб беради: “Бу ердан даф бўл, мусиқачи чўчқа!”

Аммо устига мағруона “Биринчи серб афсунгари Илия Божич!” деб ёзилган чодир олдида томошабинлар ҳаммадан кўп эди. Бу ярмаркаларда томошা кўрсатиб юрадиган кекса олғир бўлиб, сербчани тўғри сўзлашдан ташқари, дунёдаги барча хунарларни ўрганганди. Биз у билан романнинг олдинги бобида танишган эдик.

Божичнинг чодиридан чиқаётган кишилар чинакам мўъжиза – унинг дастурининг янги номери ҳақида ҳикоя қилишарди. Бу номерни у олдинги ярмаркаларда намойиш этмаган. У кенг, пастак саватни олиб, тубига сомон ўрнига телеграф тасмаларини солади, сўнг тухумни олади ва бу ерда ҳеч кандай “қаллоблик” йўқлигига ишонч хосил қилишлари учун томошабинларга олдиндан кўрсатади, тухумни тасмалар устига кўяди ва шахсан ўзи саватдаги тухум устига ўтиради. У тухум босиб ўтирган вактда томошабинлар зерикиб қолмаслиги учун шу заҳоти шарманка чалина бошлайди. У мусиқа садолари остида саватда ўтирган жойида ҳар

хил латифалар айтиб, томошибинларнинг вактини чоғ қиласди. Бу латифалар ёш аёлларни ерга қарашига, ёш йигитларни қийкириб қарсак уришга мажбур қиласди. Мана, шарманка ҳам товушини учиради. Илия жараён нихоясинга етганини эълон килиб, саватдан туради, уни олиб, столга кўяди, у ердан, телеграф тасмалари устидан шир яланғоч ва, ўхў, буни қаранг-а, йириккина чакалокни олади. Турли англашилмовчиликларнинг олдини олиш учун Илия шу ондаёқ тухумни эркак одам босгани учун бола ана шундай йирикроқ бўлди, агар аёл киши босганида, чакалок кичикроқ бўларди, деб изоҳ беради. Унинг санъати, ҳазил-хузулларини томошибинлар хаяжон билан узок олкишлайдилар.

Бу гаройиб номер ҳакидаги хабар бутун ярмаркага ёйлади, томошибинлар чодирга ёпирилиб келади ва Сима ўзининг янги ролида Илия Божич учун ғарам-ғарам пул ишлаб беради.

Табиийки, бунақа шов-шувли томошани томошибинлар турлича изоҳлайдилар.

– Агар у саватга ўн иккита тухум қўйганида, ўн иккита бола чикарган бўларми? – сўрайди Банатдан Белградга кўчиб келган палиулалик лимонад сотувчидан.

– Албатта, модомики, биттасини чикардими, ўн иккитасини ҳам бемалол чикаради! – катъий жавоб беради лимонадфуруш.

– Ҳар соатда ўн иккитани-я?

– Модомики, ҳар соатда биттани чикардими, ўн иккитани ҳам чикаради!

– Демак, у кун бўйи тухум босиб ўтиrsa, юз элликта бола очадими?

– Албатта, очади, лекин кечаси дам олишига имкон бериш керак.

– Унда бир йилда қанча бўлади?

Улар ҳисоблашга тушиб кетишади, лекин ҳисобни охирига етказишни ҳечам эплай олишмайди. Йилига гоҳ 14 минг, гоҳ 40 минг бола бўлиб чикаверади. Нихоят, уларнинг ёнига навбатчи жандарм яқинлашади. У бир стакан лимонад ичиш учун бу ерга тез-тез келиб турарди. Жандарм чўнтагидан бир варақ когоз чикариб, ёзма ҳисоб-китобга тушиб кетади. У узок ҳисоблаб, терлаб-пишиб, ёзиб, учиради ва охири Илия Божич йилига 50 минг бола очиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқади.

– Мана буни қаранг! – хитоб қиласди банатлик.

– Биз, ҳатто, пасха, янги йил ва яна қандайдир катта байрамларни чикариб ташлаганимизда ҳам – ахир, одам дегани дам ҳам олиши керакку! – у йилига кирк беш минг бола очади, бу эса бутун бошли дивизия деган гап, – дейди жандарм.

– Ўхў, биз қандай катта армияга эга бўлардик! – дейди қойил колиб банатлик.

– У билан ҳарбий вазирлик шуғулланиши лозим, – мулоҳаза юритади жандарм.

– Ким билан?

– Илия Божич билан! Бу хақда кичик унгер-зобит билан, албатта, гаплашаман.

– Йўқ, яхиси, ўзимизникиларга бу найрангини ўргатиши учун ҳарбий вазирлик унга кўпроқ тўласин, – дейди лимонад сотувчи.

– Тўғри, ана ўшаниси яхши бўлади, – маъқуллайди жандарм. – Генералларимиз бу фокусни ўргансинлар. Конун кабул килинса яхши бўларди, бу қонунга кўра ҳар бир генерал ўз дивизиясини очтиргмагунча бир йил тухум босиб ўтирасин.

Эркаклар шу таҳлит фикр юритишида давом этдилар, бу вақтда ширин кулча сотувчининг дўкони олдида тўплланган аёллар Илия Божичнинг ҳар сафар ўғил бола очгани, бир гал ҳам қиз очмагани билан ҳеч келиша олмаётган эдилар.

— У қиз бола ҳам очиши мумкин, ундан бу ҳақда сўрадим, — деб уларга лукма ташлади ширин кулча сотувчи амаки.

— Қандай килиб? — сўрашди қизиқувчан аёллар.

— Курканинг тухумини босса бас, қиз бола чиқади-кўяди, — деди амаки.

Бу гаройиб томоша ҳакидаги қизгин гап-сўзлар бутун ярмаркани тутиб кетди ва Симанинг шуҳрати тобора ошаверди. Агар Сима бир қилифи билан ишни бузиб кўймаганида, унинг шуҳрати узоқ-узокларга етган бўйларди.

Бу ҳодиса шундай юз берди. Кун бўйи қип-яланғоч меҳнат қилгани учун унинг қорни шамоллаб қолган бўлса керак. Кундузги соат тўртда, авлиё Марк черкови руҳонийларининг ўzlари катнашаётган энг тантанали томоша бошланган бир пайтда Сима сеҳргар саватга ўтирасдан олдиноқ чинкира бошлади. Симанинг йиғиси эшитилмаслиги учун шу заҳоти шарманка чалина кетди, аммо Сима шу қадар жазава билан бигиллардики, худди авлиё Марк черкови руҳонийларининг кўзи олдида томошани атайлаб барбод қилишни хоҳлаётганга ўхшарди.

Агар Сима ишни бундан ҳам расво килмаганида ахволни ўнгласса бўйларди. Илия Божич ҳали тухумдан чиқмаган гўдакнинг йиғисини ҳеч ким эшитмасин дея, тухум босиш вақтини кискартириди. Саватни стол устига кўяр экан, “Шундай килиб, жаноблар, сиз ҳозир бола тухум очиб чиқканига ишонч ҳосил киласизлар!” дея кичкириди, икки кўлини саватга тикди ва телеграф тасмалари орасидан Симани кўтариб олди. Илия Божичнинг кўллари гўё тухум саригига булғангандек эди. Бола баданининг ўша маълум қисмлари ҳам шу рангда эди.

— Тухум ёрилиб кетибди! — деб кичкириди бир томошабин кулги аралаш.

Томошабинлар бу изоҳни қабул қилишлари мумкин эди, лекин ҳаммаёқни шундай сассик ҳид босдики, ҳатто, машхур афсунгар ҳам бурнини беркитиб олди.

Томошабинлар олдинига тўнғиллашди, кейин сўкинишга ўтишди ва, ниҳоят, афсунгарнинг муттаҳамлиги ҳакидаги миш-мишлар бутун ярмаркага ёйилди.

Шундай килиб Симанинг енгилтаклиги сабабли биринчи серб афсунгарининг дастуридаги ғоят шов-шувли томоша барбод бўлди ва у болани Мара хонимга қайтариб берар экан:

— Олинг, ишга ярамаскан, мутлако интизомсиз бола экан! — дея хитоб килди.

Лекин Сима, ҳарҳолда, ўша куни пул ишлаб олди, муҳими шу эди.

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

Бу бобда кичкина Сима ишилаётган вақтда катта Сима ҳам қўл қовуштириб ўтиргмагани маълум бўлади

Ижарага бериладиган Сима қўлдан-қўлга ўтиб юрган вақтда ташландик болаларга бошпана бериш жамиятига асос солиш борасидаги ишлар ҳам бир лаҳзага бўлсин тўхтамаган ва ўз зайлida кетаётган эди.

Ўқувчиларга маълумки, биринчи қурултойда беш кишидан иборат қўмита сайланган ва хориждаги ана шундай жамиятларнинг уставини то-пиш, ўрганиш, сўнгра кенгайтирилган таркибда қурултой чакириш ва ўз изланишлари тўғрисида маъруза қилиш қўмитанинг зиммасига юклатилган эди.

Шундай килиб, ҳаммаси бешлар қўмитасига боғлик эди, лекин бу қўмита йиғилавермади. Қўмитани лозим даражада ташкил этишмагани, раисни сайлашмагани, балки, ишнинг орқага кетишига сабаб бўлгандир. Раис сайланганида, у барчани мажлисга чакиради. Энди бўлса, улар бир-бирига солиб, уч ой давомида ҳеч иш қилишмади. Ниҳоят, катта машаққатлар билан қўмита мажлиси бўлиб ўтди, у ҳам узок давом этмади. Ҳар бир киши кимгadir мактуб ёзишига ва мана шунга ўхшаш жамиятларнинг уставини топишига қарор килинди.

Энди жавобларни кутиш керак эди, бунга яна тўрт ой кетди, шундан кейин яна бешлар қўмитасининг мажлиси бўлди ва улар ўз таркибидан икки кишини сайлаб, иш билан танишишни ўшаларнинг зиммасига юклашди. Бу икки киши бир неча ой мобайнида иш билан танишди ва бир неча марта бешлар қўмитасини чакирди. Қўмита аъзолари бир ойлик панд-насиҳатлар ва бўйин товлашлардан кейин зўрга тўпланди. Масалани ойига бир марта бўлиб ўтадиган икки-уч мажлисда ўрганишди ва охирги мажлисда бешлар қўмитаси, ниҳоят, янги қурултойни чакиришга қарор қилди.

Табиийки, қурултойни тайёрлашга яна бир ой кетди ва, яна табиийки, биринчи йиғилишга атиги бир нечта киши келди, хуллас, янги йиғилиш факат бир ойдан кейингина бўлиб ўтди.

Иш сарёғдан кил суғургандай силлиқ кетаётганга ўхшарди, чунки бу йиғилишда бешлар маъруzasи асосида уставни ишлаб чикиш ва бошқарув хайъатини сайлаш қолганди холос. Ана шунда жамиятга асос солинган хисобланарди. Аммо кимдир ўрнидан турди ва дедики, унинг фикрича, умуман, фуқароларнинг тор доираси чакирилган, фоя бўлса, шу қадар улуғвор ва кенгки, фуқароларнинг кенг доираси бунга кизикиш билдиради, шунинг учун қурултойни кейинга суриш ва келгусидаги йиғилишга кенг жамоатчиликнинг имкон борича кўпроқ вакилларини таклиф қилиш керак.

Таклиф қабул килинди, жаноб Симага бўлғуси қурултойни ташкил этиш ва унга фуқароларнинг имкон борича кўпроқ катламларини таклиф қилиш вазифаси топширилди.

Икки ойдан кейин катнашчиларни Фуқаролар клубига қийинчилик билан тўпладилар, лекин ўтган мажлисда таклифи ўргага кўйган киши яна ўрнидан турди ва қурултой уни нотўғри тушунганини, жаноб Сима фуқароларнинг кенг катламини чакирап экан, унинг фикрини, бошка сўзлар билан айтганда, унинг таклифини факат ярим-ёрти амалга оширганини айтиб қолди. У бу жамиятта, бинобарин, қурултойга хотин-қизларни ҳам таклиф қилиш кераклигини назарда тутган ва ўз фикрида колади. Жамият барпо этишда асос килиб олинган “ота-она мухаббати” тушунчалини онасиз тасаввур этиб бўлмайди. У ўз таклифида яна шунинг учун ҳам қатъий туриб олганки, жамият тузиш фояси аёлга, хурматли хоним Босилька Недельковичга оидdir.

У ўз таклифини мустаҳкамлаш мақсадида келтирган далиллар шунчалик кучли ва ишонарли эдики, жаноб Сима Недельковичнинг ўзи биринчи бўлиб: “Тўғри!” деб хитоб килди. Модомики, у, кечиқтиришларга қарши бўлган кишининг ўзи “Тўғри!” деб хитоб қилган экан, курултойнинг барча қатнашчилари унинг хитобини кўллаб-кувватладилар.

Мажлисни яна ортга суришди ва жаноб Симага кейинги курултойни ташкил қилишни ва унга иложи борича кўпроқ аёлларни таклиф этишни топширишди.

Бу қийин иш эди ва хотин-қизлар жамиятининг, шунингдек, бошқа жамиятларнинг рўйхатини дастуриласал килиб олган ҳолда янги курултойни факат тўрт ойдан кейингина чакиришга муваффак бўлинди.

Янги курултой куни етиб келди. Бу курултой қатнашчиларнинг кўплиги, хусусан, нозик жинс вакилаларининг иштирок этаётгани билан кўзга ташланиб турарди.

Округнинг истеъфодаги бошлиғи жаноб Сречко Остоичнинг қайниснглиси, доя кампир биринчи бўлиб етиб келди. Боласи бўлмаган, лекин кучукларни тарбиялаётган Янкович хоним; ҳомиладор бўлиш умидида курортма-курорт кезадиган, лекин ҳар гал эри бирга боргани учун уринишлари чиппакка чикаётган Петкович хоним; ўнта боласи ва битта эри бўлган – худо адолат юзасидан тескарисини қилиши лозим эди – Яковлевич хоним; ташлаб кетилган болаларни, лекин вояга етганларинигина севадиган ва олижаноб туйғуларини бостира олмаган Стефанович хоним; боласи йўқ, лекин оналилка мойил Станкович хоним ва ҳар кандай йиғилишга қатнашишни хуш кўрадиган кўплаб бошқа хонимлар шу ерда ҳозири нозир бўлдилар.

Жаноб Сима бу халойиқни кўриб ва ўз ғоясининг амалга ошишини олдиндан сезиб, хурсандчилиги ичига сифмаётганди. У ўша қабих пасткаш бугун ҳеч нарсага тирғилмаслигидан ва курултойни яна кейинга суришни таклиф этмаслигидан умид киларди. Ахир, энди у болаларни ҳам курултойга чакиришни таклиф этмайди-ку.

Ҳақикатан ҳам, тирғилувчи бошқа ҳеч нарса таклиф килмади, курултой бошланди ва жаноб Сима Неделькович бир овоздан раис этиб сайланди. Энг аввало бешлар кўмитаси бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш жамиятлар уставлари ҳақида маъруза килди, шундан кейин ўн бир кишидан иборат кўмита сайланди, бу кўмита чет эл уставлари асосида ўз устави лойиҳасини ишлаб чикиши даркор эди. Шу тарика, курултой, жаноб Сима Недельковичга катта мамнуният баҳш этган ҳолда, ўз ишини якунлади.

Ўн бирлар кўмитаси қандайдир тўрт-беш ой ишлади, бироқ биронта жамиятда бўлмаган уставни яратди. Икки юз етмиш уч модда бирин-кетин каторлашди, ҳар бир моддада ҳамма масалалар аниқ ва батафсил баён этиб берилди, биронта майда-чуйда эътибордан қочмади.

Ҳаммаси тайёр бўлгандан кейин жаноб Сима кенгайтирилган курултойни чақирди. Курултой ўша заҳоти уставни муҳокама қилишга киришди. Табиийки, қизгин ва давомли баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Бир серб тили муаллими кирқ беш марта сўз сўради ва у ёки бу сўздан кейин, албатта, вергул кўйишини жон-жаҳди билан қатъий талаб килди. Қайсиdir дъякон “Жамиятнинг доимий манзили – Белград” деган сўзларни “Жамиятнинг қароргохи – Белград” деб алмаштиришни талаб килди. Жаноб Сречко Остоич “жамият” сўзига карши чиқди ва уни “иттифок” сўзига ал-

маштиришни талаб килди. Бир тужжор ва бир соликчи унга қарши чиқди. Улар “жамият” тарафдори эдилар. Бу келишмовчилик чинакам машмаша-га сабаб бўлди, сўкиш сўзлари ёғилиб кетди, дъяконнинг мусика муаллими билан муштлашишига бир баҳя қолди ва, ниҳоят, бир соатлик қизгин баҳс-мунозаралардан кейин “иттифок” сўзи қабул қилинди, шу боис юкорида тилга олинган тужжор билан соликчи ва уларнинг йигирмата тарафдори мажлис залини намойишкорона тарк этди.

Мажлис эрталабки соат тўққизда бошланган эди, кечки ўн иккига бо-риб бор-йўги ўн тўрт модда кўриб чиқилди ва қабул қилинди... Демак, яна икки юз эллик тўққиз модда қолганди. Уларни мухокама этиш учун тўққиз кундан кейин янги мажлис чакириладиган бўлди.

Мажлис кетидан мажлис ўтаверди ва тўрт-беш ойлик ишдан кейин устав ниҳоят мухокама этиб бўлинди ва қабул қилинди. Ўшандада яна мажлис белгиланди, бу мажлис уставга мувофиқ, мувакқат бошқармани сайлаши керак эди. Мувакқат бошқарма аъзоликка қабул қилиши дар-кор бўлиб, бошқарманинг биринчи мажлисидаёқ жанжал келиб чиқди ва мувакқат бошқарма тўлалигича истеъфо берди. Шунда яна кенгайтирилган курултой чакирилди. Курултой янги мувакқат бошқармани сайлади, бу бошқарма аъзоликка қабулни бошлаб юборди. Кўп кишилар аъзоликка ёзилгач, мувакқат бошқарма уставни тасдиқлатиш учун маъмурларга берди. Тасдиқланган устав асосида бошқармани сайлаш учун биринчи доимий йиғилиш чақирилди. Қарор қабул қилиш учун йиғилганлар сони етарли бўлмади ва шунинг учун бошқа йиғилиш тайинланди. Бу маж-лисга, йиғилганлар сонидан катъий назар, қарор қабул қилиш ваколати берилди.

Бу йиғилишда бошқарма аъзолигига номзодларнинг тўртта рўйхати бор эди; пичир-пичир, пинхоний югар-юурлар, айрим номзодларга бўхтон ёғдириш бошланиб, булар очиқ жанжалга айланди. Оқибатда йиғилиш ўз ишини тўхтатишга ва янги йиғилиш белгилашга мажбур бўлди. Бу бошқа йиғилишда номзодлар рўйхати энди олтитага чиқиб кетди, аммо бошқармани ҳарқалай бир амаллаб сайлаб олишиди. Бошқарма жаноб Сима Недельковични ўз раиси этиб сайлади.

Жаноб Сима Неделькович жамиятнинг дархол иш бошлаб юбориши учун биринчи мажлисни белгилади. Бироқ биринчи мажлиснинг ўзидаёқ илк масалани ҳал қилиш чоғида уставда зиддият борлиги аниқланди. Мана шу зиддият сабабли, умуман, ҳеч қандай қарор қабул қилишнинг имкони бўлмади. Гап шундаки, раиснинг хукуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги 27-моддада пул маблағларини раис бошқарманинг қарорисиз сарфлай олмаслиги кўрсатилган бўлса, бошқарманинг хукуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги 40-моддада молиявий масалалар ҳеч қандай ҳолда бошқарма ваколатига кирмайди ва у қарор қабул қилишга ҳакли эмас дейилганди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу янги тўсикни бартараф этиш имконисиз эди ва шунинг учун янги бошқарма уставни ўзгартариш учун жамиятнинг фавқулодда курултойини чакиришга қарор килди.

Фавқулодда курултойда қарор қабул қилиш учун иштирокчилар сони етарли бўлмади, шу боисдан иккинчи фавқулодда йиғилиш белгиланди, бу йиғилишга, қатнашчилар сонидан катъий назар, қарор қабул қилиш ваколати берилди.

Иккинчи йиғилишда фақат йигирма еттинчи ва киркинчи моддаларни ўзгартириш ўрнига, бутун уставни қайта кўришга киришиб кетишиди. Чунки, математика муаллимининг айтишича, тажриба кўлгина бошка коидалар ҳам чалкашлигини кўрсатди. Бир мажлислада буни бажариш мумкин эмасди, шунинг учун қатор мажлислар ўтказилди, натижада деярли янги устав майдонга келди (энди “иттифок” сўзини “жамият”га ўзгартиришни таклиф килган ўша соликчи устун чиқди), шу боисдан эски бошкарма истеъро берди, янги сайланган мувакқат бошқармага уставни тасдиқлатиш учун маъмурларга бериш топширилди. Кейин бошқармани сайлаш учун яна йиғилиш чакирилди, лекин қарор қабул килиш учун йиғилганлар сони етарли бўлмай колди ва бошка йиғилиш белгиланди, бу йиғилишга, қатнашчиларнинг сонидан қатъий назар, қарор қабул қилиш ваколати берилди.

Янги йиғилишда рўйхатлар сони энди саккизта бўлди, бироқ жаноб Сима Недельковичнинг рўйхати энг кўп овоз олди, бир амаллаб бошқармани сайлашди, у биринчи мажлисида жаноб Недельковични яна ўз раиси этиб сайлади.

Шундай килиб Сима Неделькович ўз ғоясини амалга оширишга кийинчиллик билан эришиди. Энди унга бошқарманинг биринчи мажлисини белгилаш ва Симани биринчи ракамли тарбияланувчи сифатида қабул килиш колган эди. Бу эса болага бир умрга ҳузур-ҳаловат ва баҳт таъминлаган, жаноб Недельковични эса бир умрга унга ғамхўрлик килиш заруриятидан халос этган бўларди.

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

Бу бобда, тог тог билан учрашмайди, одам одам билан учрашади деган ҳалқ мақоли яна бир бор тасдигини топади

Бир куни Мара хонимнинг уйига кутилмаган меҳмон келди. У эскирган, ёмғир ювган, офтоб қуритган, тикан йиртган ва кишлок попининг нўноқ кўлли хотини ямаган жубба кийган бақувват поп эди.

Остонадан ҳатларкан, у ёқ бу ёққа аланглади, лекин хонада Мара хонимдан бошка ҳеч кимни кўрмагач, саломлашди ва сўради:

— Ўша Мара хоним сизмисиз?

— Қайси ўша? – ҳайрон бўлиб сўради Мара хоним.

— Ҳалиги Мара хоним... Маъзур тутасиз, лекин менга одамлар айтишгандики, сиз қартада фол очишни билар экансиз. Демак, ўша Мара хоним сизмисиз?

— Эҳ, шунака демайсизми? Ҳа, ўша менман. Марҳамат, ўтиринг.

— Сизни топганим қандай яхши бўлди-я! – деди ҷарчаган тақсир ва курсига чўқди.

— Сиз нимани билишни хоҳлар эдингиз? – деди Мара хоним гапни узоқдан айлантириб. У тақсирнинг ўзидан бирон нарсани билиб олиш ниятида эди.

— Бошимга оғир кулфат тушди, – деди тақсир, – ва мен хоҳлардимки... мен хоҳлардимки, менга ҳаммасини айтиб берсангиз.

— Балки, кимдир оғир касаллангандир?

– Йўк!

– Балки, сизда...

– Бошимга кулфат тушди, бошка хеч кандай гап йўк. Бунга ўзим айбдор эмасман, лекин қўлимдан хеч нарса келмайди... Кишига ёлғон айбўйишса, кандай бўлишини биласизми?

– Хўш, энди кўрайлик-чи, қарта нима дер экан!

Мара хоним стол устини йиғиштиргач, доим ёстиғи тагида турадиган картгани олиб, таксиринг рўпарасига ўтиб ўтириди, лекин картани чийларкан, уни гапга тутишда давом этди:

– Сиз бевасиз, шундайми?

– Йўк! – жавоб берди тақсир. – Лекин бева бўлганим чандон яхши эди!

– Албатта, яхши, – гиж-гижлади Мара хоним, – бу хотинингиз сизга роса халакит беради-да.

– Ҳикилдоғимга келди! – мъқуллади поп.

– Сиз хотинингиздан нарироқда дам олиш учун Белградга келгансиз, шекилли?

– Йўк, бунинг учун эмас, кулфат мажбур килди. Эртага мени суд килишади, лекин айбим йўк, шунинг учун карта нимани кўрсатишини билгани келдим.

– Менинг қартам бор ҳакиқатни айтиб беради. Шунинг учун ҳам шуҳрат қозонганман.

– Ҳа, одамлар айтишганди.

Картани чийлаб бўлган ва фолни бошлаш учун қўлга киритган мълу-мотларини етарли деб хисоблаган Мара хоним картага пуфлади, таксирига ҳам пуфлатди ва уларни ё баҳсолади. Тўрт қаторга еттитадан карта қўйиб чиқди ва уриш учун яна тўртта қартани қўлига олди.

– Хотинингизни урайми?

– Уни худо урса яхши бўларди, ё эгам, ўзинг кечир! Менга деса ўлиб кетмайдими, ахир бошимга бу кўргуликларни у солди-ку!

– Хўш, майли, унда манави ёш хонимни урамиз!

– Ундей килманг, уни деб мени суд килишяпти.

– Унда мана бу шавкатли киролни урсак бўладими?

– Шавкатли кирол ким ўзи?

– Кирол – генерал, вазир ёки шу қабилидаги бир киши.

– У митрополит бўлиши мумкинми?

– Мумкин, – деди Мара хоним.

– Унда митрополитни уринг!

Мара хоним митрополитни урди, ёш хонимни урди, хабарни урди, зарбани урди. Кейин урган карталарини очиб, шубҳа аралаш бош чайқади.

Таксир на тирик, на ўликдай ўтиради.

– Таксир, карталар хотинингизга кўпам раҳм-шафқат килмаслигинизни кўрсатяпти.

– Нега энди ундан бошладинг! Мара хоним, сен қарагин, митрополит менга раҳм-шафқат киладими-йўқми?

– Шошманг, таксири, сизга ҳаммасини ётиғи билан айтиб бераман. Шошманг... бир, икки, уч, тўрт...

Мара хоним нималарнидир пичирлаб, бош чайқаганча еттитадан карта санади.

Таксир бўлса, кандайdir китоб ўкиётгандай, ундан кўз узмай ўтиради. Ниҳоят, Мара хоним картадан бошини кўтариб, деди:

— Карталар менга сиз аллакандай ёмон иш қилганингизни айтяпти, таксир.

Таксир стул устида типирчилай бошлади ва эътиroz билдиrmокчи бўлди, лекин индамади, карта яна нималар дейишини эшигаверди.

— Хотинингиз сиз томонда эмас, ҳаммасига қандайдир ёш хоним сабабчи.

— Тўппа-тўғри, ўша хоним сабабчи! – деди таксир.

— Шуни айтайки, сизга шавкатли кирол томонидан қандайдир хатар хавф солмоқда.

— Бу митрополит! – қичкириб юборди таксир. – У кеча мени ишдан бўшатишга сўз берди.

— Сизни суд қилишади.

— Мени шунинг учун чақиришди.

— Судъялар қандайдир қора либос кийиб олишган.

— Диний суд.

— Бу иш сиз учун яхшилик билан тугамайди.

— Турган гап! Бутун дунё менга қарши!

— Қарталарим шундай деяпти!

— Ҳаммасини топдинг, охиригача топдинг! Лекин мен айбисизман...

Мара хоним айёrona кулимсираб, попнинг кўлини олди ва кафтига тикилди.

— Мени кечирасиз-у, таксир, лекин бу ерда сиз жуда шўх эканингиз аник кўриниб туриби.

— Бу қаерда ёзилган? – ҳайратга тушди таксир.

— Мана бу ерда, мен кафtingиздан ўкияпман. Сиз шунчаки шўх эмасиз, хотинларни йўлдан оздиришда ҳам устаси фаранг экансиз, сизга йўқ дейдиган хотиннинг ўзи йўқ!

— Нахотки, бу рост бўлса?

Шу лаҳзада жиян патнисда қаҳва кўтариб келиб қолди.

— Марҳамат! – деди Мара хоним. – Мижозларимни қаҳвасиз қайтармайман.

Таксир кўлини финжонга узатди ва жиянга кўз ташлади, қиз унга ёкимли табассум килиб хонадан чиқди.

— Ана, ана, айтдим-ку сизга шўх одам экансиз деб. Қизнинг сизга кулиб бокиши учун бир қарашингиз кифоя қилди.

— Бу қиз синглингизми?

— У ҳеч кимим эмас, менинида яшайди холос.

— Сиз, ҳалиги, – гапни айлантириди таксир, – балки, хонанингизни ижрага берарсиз?

— Ижарага бермайман, лекин яхши танишим келиб қолса, бир-икки кечага қабул қилишим мумкин. Мўмай ҳак тўласа, албатта.

— Ҳа, ҳа, – бесаранжом бўлиб қолди таксир, – мен сизга очигини айтай, бир расво меҳмонхонага бормокчи бўлиб тургандим. Пулни кизғанмайман, лекин кечкурун ким биландир валаклашиб ўтиришни истаётгандим. Шунака бўлиб туради... Одамни ташвиш босганида ким биландир гаплашгиси келади.

— Нима ҳам дердик, уйим ёккан экан, менинида колаверинг.

— Катта раҳмат. Менга, руҳонийга меҳмонхонада яшаш ноқулай. Хусусий уй яхши-да...

Келишиб олишди, таксир гўшт ва шароб сотиб оладиган, жиян кечки овқатни пиширадиган ва улар попга тасалли бериш учун кечкурун ўтиришадиган бўлишди.

Агар романларда муаллиф ўз асари персонажлари билан бевосита сухбат куриши расм бўлганида, муаллиф билан бу поп ўртасидаги сухбат тахминан қўйидагича кечарди:

М у а л л и ф. Менга қара, таксир, сени танийман, шекилли?

Т а к с и р. Бўлиши мумкин, жаноб, лекин мен сиз билан қачондир учрашганимни эслолмаяпман.

М у а л л и ф. Нега энди эслолмас экансан, таксир? Аниканинг атрофида ўралашиб юрган ўша поп сен эмасми?

Т а к с и р. Қанака Аника?

М у а л л и ф. Аника-чи, Алемпийнинг беваси.

Т а к с и р. Ҳа, марҳум Алемпийни эслайман.

М у а л л и ф. Шундай экан, нега энди Аникани эслолмаяпсан?

Т а к с и р. Ҳа, у Алемпийнинг бевасимиди?

М у а л л и ф. Албатта, Алемпийнинг беваси! Шундай қилиб, мен сени, таксир, романнинг биринчи бобида Аниканида учратганман; романнинг бешинчи бобида Аниканинг боласини чўқинтирганингни кўрганман; ўнинчи бобда, таксиргинам, тонг палласи қишлоқдан гўдакни жуббангнинг тагида олиб чикканингни эслайман; яна уезд бошлиғи хузурида оташкуракка тушган илондай тўлғанганингни кўрганман; ўн иккинчи бобда сени туғиб қўйди деган миш-миш тарқалиб кетишига сал қолганида шарманда бўлганингни эслайман; шундан кейин биз романнинг ўн тўртинчи бобида, адвокат Фичанинг идорасида яна бир марта учрашганмиз. Бу бизнинг охирги учрашувимиз бўлди. Сен қишлоқка қайдинг, мен эса бола билан бир қанча вақт шаҳарчада қолдим, кейин биз Белградга йўл олдик.

Т а к с и р. Ҳа, энди таниш эканимизни билдим. Ахволлар қалай?

М у а л л и ф. Худога шукр! Ўзингиз қандайсиз, таксир?

Муаллиф билан таксир ўртасида мана шундай сухбат бўлиши мумкин эди, чунки Мара хонимга тақдирини билиш учун келган поп прелепницалик таксир Перанинг ўзгинаси эди.

Энди бўлса, бу попнинг ким эканини билиб олганимиздан кейин, уни кўздан қочирмайлик. Чунки бунақа бебош руҳоний ҳатто, биздан хам қочиб кетишига қодир, у ҳолда муаллиф бу бобни қандай тугатишни биломай мушкул ахволга тушган бўларди.

Оқшом палласи эди, таксир эса, хуржунини кўтариб, меҳмонхонадан Мара хонимнига кўчиб ўтгаётганди. Хуржунда ички кийимлардан ташқари яна гўшт, нон, мева-чева, шароб ва турли газаклар бор эди. Айтиш мумкинки, Мара хонимнидаги оқшом жуда яхши ўтди, деярли оиласи ўтириш бўлди.

Таксир олдинига бироз хижолат тортиб ўтиреди, лекин ё яхши шароб, ёки жияннинг майин нигоҳлари ахволни ўнглади ва таксир печкадаги қоркаби эриб кетди.

У даставвал ўзининг “загизгони” ҳақда сўзлаб берди (агар ўкувчиларнинг хотираси яхши бўлса, улар таксир хотинини шунаقا аташини эслашлари лозим). У бармоқларини мушт килди ва бўғин суюкларини кўрсатиб деди: “Унинг елкаси худди мана шундай”. Ундан кейин таксир

у-бу ҳақда вайсади, охир-оқибат Мара хоним билан жияни уни нега суд қилишаётганини очиқасига айтишга мажбур этишди, чунки улар бу ҳикоя жуда кизикарли эканини сезгандилар.

– Эҳ, бу жуда кизик бўлса керак! – деди жиян поп Перага, нима учун судлашаётганини айтиб беришини ялинниб сўраркан.

– Арзимаган гап, – оёқ тиради таксир. – Бир кўнгилсиз ҳодиса юз берди, хеч кизик жойи йўқ.

– Майли, бизга айтиб бераколинг! – туриб олишди Мара хоним билан жиян.

– Қишлоғимизда Стана деган қиз яшайди, – ҳикоясини бошлади таксир. – Комати сарвдек, ёнокларини қизил шафтolinинг икки палласи дейсиз, жоду кўзлари ўтдай порлаб, ёндираман дейди. Ёнингдан ўтиб қолса, қайрилиб қарамай иложинг йўқ.

Бу кизнинг шаҳарда қандайдир жанжалли иши бор эди. У отасиз, онасирик етим эди, онасининг вафотидан кейин унга қолган ягона мерос – даласини амакиси тортиб олмокчи бўлган; кимлардир унга амакисини судга беришни ўргаттан. Қиз даъво юзасидан тез-тез шаҳарга қатнаб турарди, охир-оқибат судда ютиб чиқди, лекин номусини йўқотди. У қишлоқда хотиржам яшар, лекин ҳар кеча ёмон туш кўргани учун, мижжа қокмай чикарди. Бир куни кечки ибодатдан кейин уйга қайтаётсан, қиз учраб колди ва менга: “Таксир, нима қилишим керак, ёмон тушлар дастидан тинчим йўқ!”, деди. “Қизим, – дедим унга, – бирор гунохинг борми?” – “Бор”, – шивирлади у, кўзларини ерга тикиди, қизарди ва янада гулжабинроқ бўлиб кетдиди, сал бўлмаса юзларини силардим. Лекин қайда дейсиз, йўл устида турибмиз, ҳалойиқ у ёқдан бу ёққа ўтаяпти! “Ҳай, – дедим, – модомики, ўзинг гунохингга икрор экансан, сенга ёрдам бериш кийин эмас. Бугун чоршанба; якшанбагача уч кун рўза тут, якшанба куни кечкурун уйимга тавба килгани келасан. Мен бир караб кўрай: агар гунохинг катта бўлмаса, парвардигордан кечиришини сўраб илтижо қиласман ва у сени ёмон тушлардан ҳалос этади”.

Уйга келдим ва ўзимни дилим хуфтон бўлганга солиб, хотинимга қишлоқма-қишлоқ юриб озик-овкат харид киладиган бир савдогардан қайнисинглим касалланини қолганини эшитганимни айтдим. Хотинимнинг синглиси ҳам бир шаҳарчадаги попга теккан, у ерга қишлоғимиздан бир ярим кунлик йўл.

Хотиним ташвишланиб колди ва эрталаб менга: “Биласанми, Пера, синглимини кираганда бориб келишга рухсат бер, хасталанганини эшитиб тинчим йўқолди”, деди. “Қанакасига рухсат бермаслигим мумкин?! – дедим унга. – Ахир у сенинг синглинг, бунинг устига бор-йўғи биттагина бўлса!” Шу тарика якшанба куни уйда ёлғиз қолиш учун хотинимни кузатиб юбордим.

Якшанба куни кечкурун Стана ҳозири нозир бўлди. Уч кун рўза тутибди, кўзлари киртайибди, лекин у янада гўзаллашганга ўхшарди. “Ўтир, қизим, – дедим, – мана бу ерга, менга якинроқ ўтири! Ўтири-да, хамма гапни айтиб бер, тавба қил!” Қиз хамма гапни миридан сиригача айтиб берди. У адвокат билан ҳам, ундан кўрсатма олган полиция амалдори билан ҳам, қандайдир гувоҳ ва суд котиби билан ҳам ётган. Буларнинг ҳаммасини ўша далани деб килган. “Худо гунохларимни кечиравмикан?” – сўради қиз. “Бу қанакасига гуноҳ бўлсин! – тасалли бердим унга. – Парвардигор

хеч кимга севишни ман этмайди. Қара, ҳатто, худонинг хизматкори бўлган мен ҳам ёшгина ва тузуккина бирортаси учраб қолса, ўзимни тия олмайман!” Мен кизга бу хеч кандай гуноҳ эмаслигини амалда аник-равшан исбот бердим. У менга ёшгина ва тузуккина бирортаси учраб қолса, ўзимни тия олмаслигимга тамомила ишонч ҳосил қилди.

Кейинги куни хотиним синглисниникидан қайтиб келди ва синглиси соппа-соғ эканини, савдогар, афтидан, ёғон сўзлаганини айтди. Мен унинг фикрига кўшилдим. Сўнг яна Станани учратдим, у яна ёмон тушкўраётганидан шикоят қилди.

“Нима ҳам килардик, тавба қилишинг учун биз яна кўришишимиз керак, лекин энди рўза тутишнинг кераги йўқ!” Иш пишди-ю, аммо учрашадиган жойимиз йўклиги чаток бўлди-да. Ўйимда хотиним бор, уни кида бўлса, холаси ўтирган экан, хуллас, азоб бўлди. Нихоят, киз тонг маҳали унинг чордогига келишни таклиф қилди. Мендек руҳоний кишига чордокка тирмашиб юриш ярашмайди, десам ҳам гапида туриб олди.

Агар чордокка чиқаётганимни кимдир кўриб қолиб, югуриб бориб хотинимга сотмаганида олам гулистон эди. Кишлоғимизда Радое Убогий деган бир кимса бор. Мен у билан уришиб қолганман ва у доим мени пойлаб, кўлга тушириб юради. Бу галгиси ҳам, ҳойнахой, ўшанинг иши бўлди. Станани эндинига тавба килдиришга киришган эдим, чордок титраб кетди ва у ерга хотиним бостириб кирди. Бамисоли аждарҳонинг ўзи, оғзидан олов пуркайпти. Олдинига менга хужум қилди, соқолимни тутамлаб, ярмини юлиб олди, кейин кизга ташланди, тогорадаги хамирни муштлагандек, ура кетди. Оғиз очишга на қизда, на менда журъат бор. Мен хотинимдан ўн карра кучлирокман, лекин авралган одамдай қаққайиб турибман, кўлларимни қимирлатишга ҳол йўқ.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Чордоқдан пастга қарасам, тумонат одам, Радое Убогий ярим кишлоғни йиғибди. Ҳаммаси мени шунчалик сабрсизлик билан кутишяптики, гўё чордоқдан худди Сино тоғидан тушгандек тушаман-у, уларга парвардигорнинг муждасини етказаман, ўзинг кечир, худойим!

– Мана шунақа килиб, кўнгилсизликлар мени диний судга олиб борди, – ҳикоясини тугатди тақсир. – Ана энди ўзингиз кўриб турибсиз, менинг айбим йўқ, ҳаммасига хотиним ва Радое Убогий айбдор!..

Тақсирнинг ҳикоясини эшитаркан, жиян ҳам, Мара хоним ҳам қотиб-қотиб кулишиди, тақсир бўлса, уларнинг вактини чоғ этганини кўриб, яна шу кабилидаги нималарнидир ҳикоя қилгиси келди, аммо шу чоккача катда тинчгина ухлаб ётган Сима кўқкисдан чинкириб йиғлай бошлади. У беш динор ишлаш учун куни билан меҳнат қилган, уйга чарчаб қайтган ва дархол ухлаб қолган эди.

– Ўйғонадиган вактини топди-да! – Мара хонимнинг жахли чиқди ва Симани кўлига олди.

– Уни менга беринг-чи, – деди тақсир.

– Нима кераги бор? – сўради жиян.

– Мен болачаларни яхши кўраман!

Тақсир қайта-қайта чўқинтирилган Симани тиззасига олди. У бу бола Прелепница черковида ўзи чўқинтирган, унга шунча ташвиш келтирган, жуббаси остида кўтариб юрган, айтиш мумкинки, ўзи тукқан ўша Милич эканини хаёлига ҳам келтирмади. Агар тақсир бу боланинг отаси ўзи эканини ўйлаб шубҳалана бошлаганида, афтидан, шу дақиқада оталик виж-

дона кийналган бўларди. Аммо диний суд мажлиси олдидан виждан азоби таксирнинг ҳаётини фақат мураккаблаштиради, шуни ҳисобга олган муаллиф бу романда виждан азобига умуман ўрин йўқ, деб қарор қилди.

Модомики, муаллиф шундай қарор қабул қилган экан, Сима попнинг тиззасида хотиржам ўтираверди. Таксир уни тебратиб, эркалата бошлади.

– Чиройли бола экан, – деди таксир.

– Онаси чиройли бўлган, шекилли.

– Онаси кимлиги маълумми?

– Ким билади дейсиз? На отаси, на онаси маълум.

– Ё худойим! – ўйга ботди таксир. – Қисматни каранг! Отасини ҳам, онасини ҳам билмай, катта бўляпти.

Шу чоғда Сима билан таксирнинг кўзлари тўқнашиб қолди, лекин отасининг тиззасида ўтиргани Симанинг, бир умрга ажralишдик деб ўйлаган Милични ҳаётда қачондир яна учратиши эса, таксирнинг хаёлига келмади.

Сима ухлаб қолгач, кичкина жамоа вактни кўнгилли ўтказиша давом этди ва болаларни тиззасига ўтказиш одатини ҳозиргина ўзлаштирган таксир жиянни тиззаси устига тортди, буни кўрган Мара хоним хитоб килди:

– Айтган эдим-ку, шўх экансиз деб. Қарталарим ҳеч качон мени алдамайди!

Хурсандчилик шароб тугагунча давом этди. Тўшакка узанишганида таксир анчагача ухлай олмади. Аммо, кейин қаттиқ ухлаб қолди, шекилли, ғалати туш кўрди. У трамвайда ўтирган эмиш, ёнига кондуктор келармиш. Лекин бу кондуктор бошқа бирор эмас, митрополитнинг ўзгинаси эмиш. Кондуктор ундан паттасини сўрармиш ва таксир паттани берармиш, аммо митрополит паттани тешиш ўрнига таксирнинг соқолининг ярмини юлиб олармиш.

– Ёмон аломат! – деди уйкудан боши оғриб уйғонган таксир хўрсиниб. У судга кетди.

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

Бу бобда, роман охирида жсоиз бўлганидек, ахлоқ тантана қиласи, ёмонлик жазоланади

Одатда, роман битар экан, муаллиф ўқувчиларини турли-туман жойларга олиб боради, ҳар хил воқеаларни кўрсатади, айлантираверади, айлантираверади ва бирдан янги бобни бундай бошлайди: “Азиз ўқувчилар, бир дақиқага анави жойга қайтамиз!” Бу “анави жой” эса, роман бошланган жойнинг ўзгинаси. Мен битикчиларнинг бу одатини тамоман унутиб қўйибман, аммо охирига келиб бўлса ҳам эслаб қолдим, акс ҳолда ёзувчилик анъанасини бузиб, романни оддийгина тутатиб қўяқолардим.

Шундай қилиб, азиз ўқувчилар, бир дақиқага Прелепница қишлоғига қайтамиз.

Бизнинг танишларимиз – таксир, оксоқол ва баққол Йова билан романнинг ўн тўртинчи бобида, айни адвокат Фичанинг идорасида хайрлашган эдик. Ўшанда улар Фичага жамоанинг боласини бериб, оғир ташвишдан кутулган эдилар.

Кишлоқка яёв, лекин юксиз қайтар эканлар, танишларимиз энди ғамдан холи мавзуларда гаплашиб кетаётгандилар. Улар шаҳарга бораётгандарида кўллари ва юракларини оғир юк босиб борганди.

– Бу Фичани учратганимиз кўп яхши бўлди-да. Ақлли киши экан! – деди баққол.

– Факат ақллигина эмас, уддабурон ҳам! – кўшимча килди оқсокол.

– Уезд бошлиғига келганда эса, – деди таксир, – сизларга очигини айтаман – у менга ёқмади. Оқсокол, у сенга қанакадир комиссия тўғрисида бир нарсалар дегандай бўлдими?

– Ҳа, – жавоб берди оқсокол ва ягринини қашиди. – Лекин бизни тирноғи билан бургани эзгандек эзишини айтганида, у сенга каради, таксир, сенга!

– Нега энди менга қарапкан? – эътиroz билдириди таксир. – Икковимизга ҳам каради!

– Кетишимиздан олдин нима деганди? – сўради баққол.

– “Сизларни катта бало-қазодан асраб қолганим эсларингиздан чикмасин, баъзилар бор, остонаян чиқди дегунча ҳаммасини унутишади”, деганди, – эслади таксир.

– Бу нима дегани экан? – сўради оқсокол.

– Нима дегани бўларди? Бундай қиламиз: мен пасха байрамида унга кўзичоқ юбораман, сен, Йова ҳосил ийғиб олингандан кейин икки бочка шароб, сен эса, оқсокол, янги ийл байрамига бўрдоқига бокилган қобон жўнатаисизлар. Мана, нима дегани, билиб кўй!

– Шундай қилиш керак, шекилли, – деди оқсокол хаёлга чўмиб. – Факат бу қанақаси, таксир, ўзингга қўзи, менга эса қобонни танладинг. Бу адолатданми?

– Қанақа бўлиши керак? – хурпайди таксир. – Черковнинг чўнтагида даромад кўп деб ўйлайсанми?! Зўрга товуққа етади, давлат солиги ҳам, маҳаллий соликлар ҳам сенинг ғазнангда, бошлиқка қобон бериш сенга ҳеч гап эмас.

– Менга бўлса, икки бочка шароб таксимладинг. Нима, менинг узумзорим бормиди?! – тўнғиллади баққол.

– Сен овозингни ў chir! – деди оқсокол. – Тарозидан урганларинг билан ҳаммасини қоплайсан. Сенинг тарозинг ҳар қандай узумзордан яхши!

Улар қишлоқка кайтаркан, мана шу йўсинда гаплашиб кетаверишди. Қайтиб келишгач, қилган биринчи ишлари ҳамма гапни мирзага айтиб бериш бўлди, ҳаммаси шунақа якун топгани мирзага мъқул бўлди.

Қишлоқда хузур-ҳаловат ва осойишталик карор топди, барча ўз иши билан шуғулланиб юраверди. Факат Радое Убогий қовоқхонада нималар бўлгани ҳақида бир нарсалар деб вайсаб кўяр, қолганлар эса, ҳаммасини унутиб юборишганди.

Оқсокол идорасида ўтириб олди, баққол ишга чиқмаган кунларининг ва болани деб сарфлаган пулларининг ўрнини коплаш учун дўконидан бурнини чиқармай кўйди, поп Пера бўлса, яна черковни эслаб қолди ва, худди аввалгидек, якшанба кунлари ваъз ўқий бошлади.

Ҳаммаси худога ва бандаларига мақбул йўлда бораётган эди. Киши, одатда, роҳат-фароғат ва беҳбудликда яшаса, елкасидан ағдариб ташланган ташвишларини унугради. Поп Пера ҳам, оқсокол ва баққол ҳам уезд бошлиғининг: “Сизларни катта бало-қазодан асраб қолганим эсларингиз-

дан чикмасин, баъзилар бор, остоидан чиқди дегунча ҳаммасини унугашди”, деган сўзларини бирон марта эслаганини ҳеч ким эшитгани йўқ. Пасха ўтиб кетди, лекин тақсир қўзичокни жўнатмади; ҳосил йигиб олинди, аммо баккол шароб юбормади; янги йил байрами орқада колди, бироқ оксоқол қобон жўнатмади. Ҳолбуки, оёклари остидаги ер ёниб кетаётган вактда улар шунга келишиб ва ўзаро таксимлаб олган эдилар.

Аммо тақсир, оксоқол ва бақкол унугтган бўлса-да, уезд бошлиғи унугтмади ва бир куни қишлоқда уезддан бир амалдор пайдо бўлди. Жамоа идораси олдидা отдан сакраб тушиб, уйга кирди ва югурдакка оксоқол ва мирзани чакиришни буорди.

— Оксоқол, қани, дафтарларни бу ёкка чўз-чи! Кўрайлик-чи, қанча миқдорда давлат соликлари ва маҳаллий йиғимлар тўплланган экан!

Оксоқол бунака нарсаларга нисбатан, ўн беш яшар киздай ҳассос экани маълум ва амалдор соликлар ва дафтарни эсга олиши биланоқ корни бураб огрий бошлади. У курсига ўтириди ва жонсарак бўлиб мирзага қаради.

— Тезрок, оксоқол, тезрок! — деди амалдор қатъий қилиб. Оксоқол ҳеч бўулмаса нафасини ростлаб олиши, меъда санчигининг ўтиб кетишими кутиши керак эди.

Нихоят у тилга кирди ва деди:

— Жаноб бошлиқ, дафтар кўриш ва овора бўлишнинг бизга нима кераги бор? Ғазнани очаман ва ғазнада нима бўлса, шуни санаймиз, тамом вассалом!

— Ол-а, — деди амалдор, — менга дафтарларни бер дедим!

Оксоқол, албатта, амалдорнинг қатъиятига қарши чиқолмади, кутидан дафтарларни олиб бераркан, деди:

— Жаноб тафтишчи, бу ерда ишинг кўп бўлади, ярим кун колиб кетсанг керак. Мен югуриб бориб, буорай, барра чўчқачани сўйишсин. Нак пешингача пишади.

— Ана холос, — деди амалдор, — мен тез кўриб чиқаман. Сен бу ердан бир кадам ҳам жилма!

Мана шу “бир кадам ҳам жилма!” деган буйруқ оксоқолга мутлақо ёқмади, бутун аъзойи баданида чумолилар ўрмалагандай бўлди ва яна ошқозони санчиб, жонсарак бўлиб мирзага қаради.

Мирза эса, бошини ҳам килиб, на амалдорга, на оксоқолга қарамай, коғозларини кўздан кечираётгандай жимгина ўтираверди.

Амалдор овоз чиқариб санай бошглади:

— Еттига тўрт — ўн бир, бешга тўқкиз — ўн тўрт, олтига ўн бир — ўн етти...

Оксоқол курсида ўтирганча, унинг оркасидан шивирлаб тақрорлайверди: “ўн бир”, “ўн тўрт”, “ўн етти”, боши ғовлади, кўзлари хирадашиб, қандайдир ғалати нарсалар кўрина бошлади. Ўн бир раками унга ҳозир корнини ёриб ташлайдиган паншаха, ўн тўрт — бошига тушадиган улкан харсанг, ўн етти — ҳозирок хикилдоғидан оладиган ориқ, кок сувак кўл бўлиб кўринди. Амалдор хисоблаб бўлиб: “Тўрт минг етти юз йигирма бир” деди. Буни эшитган оксоқолга баҳайбат бир тирноқ уни бутун оғирлиги билан босиб тушгандай, ўзи тирноқ остида қонга тўйган бурга қандай ёрилса, худди шундай ёрилаётгандай туюлди.

— Эшитяпсанми, оксоқол? — амалдорнинг овози унинг ҳушини жойига келтириди.

— Эшитяпман, жаноб тафтишчи! — сесканиб жавоб берди у.

- Газнандга тўрт минг етти юз йигирма бир динор бўлиши керак.
- Бўлиши керак! – деди оқсоқол.
- Оч, оқсоқол, санаймиз!
- Санашнинг нима кераги бор, – деди оқсоқол, – шунча бор, бир чака ҳам кўп эмас. Яхиси, жаноб тафтишчи, кетдик, тушликка чўчкачани сўйялил.
- Тушлик қиласиз, оқсоқол, лекин олдин иш битсин. Мен ўн дақиқага колмай санаб ташлайман.
- Йўғ-э, нима деяпсан?!
- Оқсоқол, ғазнани оч.
- Наҳотки, санасанг?
- Албатта, санайман.
- Айтдим-ку, – пайсалга солди оқсоқол, – қанча деган бўлсанг, у ерда шунча бор, санашга на ҳожат?
- Қани, оч-чи!

Оқсоқол, албатта, бу гал ҳам амалдорнинг катъиятига қарши боролмади, ҳамёнидан калитни чиқариб, ғазнани очди. Амалдор у ердан ҳамма пулни олиб, стол устига кўйди ва санай бошлади. Бирдан дармонсизланган оқсоқол тағин курсига чўқди ва яна аъзойи баданида чумолилар ўрмалагандай бўлиб, ошқозони санча бошлади. Амалдор тезда санаб чиқди ва бошини кўтариб, деди:

- Хўш, оқсоқол, бу ерда уч минг тўққиз юз кирқ бир динор бор экан.
- Ҳа, шунча бор, – маъқуллади оқсоқол, – бир чақа кўп ҳам, оз ҳам эмас.
- Яна етти юз саксон динор каерда?
- Шу ерда, ҳаммаси шу ерда! – ғурракдай ғуриллади оқсоқол.
- Бу пул ғазнандга йўқ, оқсоқол! Сен, мирза, бу пуллар қаерда эканини биласанми?

Мирза бошини кўтарди ва сал бўлмаса: “Бу вакти келганда ўзини намоён килади!” деб юборарди.

– Эҳ, оқсоқол, дўстгинам, – деди амалдор, – қани, бир баённома тузайлик, сен кўрсатма берасан...

Оқсоқол шу заҳоти уезд бошлигининг тирноғи остида бурга қандай эзилганини тасаввур килди.

Жамоа идорасида шундан кейин нималар бўлганини биз билмаймиз, фақат кўп ўтмай у ердан юурдак Срея отилиб чиқди ва Аксентие Жёкични, ҳайъатнинг энг кекса аъзосини чакирди. Амалдор жамоа раиси вазифасини унга юклади, ўзи бўлса, оқсоқол билан бирга қандайдир қоғозларни олиб, шаҳарга жўнади.

Кечкурун мирза қовоқхонада Радое Убогий буюртирган графин ёнида ўтиаркан, бундай хикоя килди:

- Партиявий фитналар! Бу одамни партиявий мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда ишдан олишди. Амалдор менга ҳам тирғилмоқчи бўлди, лекин муштимни нак бурнининг тагига олиб бориб, дедим: “Жаноб амалдор, мен конунларни худди сендей, ҳатто, сендан ҳам яхшироқ биламан, чунки чет элда яшаганман, у ерларда маъмурларнинг фуқароларга бунака зулм ўтказишга юраги бетламайди, чунки жазо олиши тайин!”.
- Оқсоқолнинг ғазнасида камомади кўп эканми? – сўради Радое Убогий.
- Етти юз саксон динор!

— Ўхў! – қичқириб юборди Радое Убогий ва мирза учун яна бир графин раки буюрди.

— Амалдор мендан сўради, — давом этди мирза. — “Бу нимаси, жаноб мирза?” — “Бу маъмурый ишда дефицит деб аталади”, — дедим унга. — “Тўғри, мирза”, — деди амалдор ва бу сўзларни қандай айтган бўлсан, шундайича, бирон харфини туширмай ёзib олди.

— Дефицит дегани нима? — сўради Радое Убогий.

— Маъмурый ишда шунака нарса бор, — деди мирза. Унга бу хорижий сўзни такрорлаш ёкиши кўриниб турарди. — Дефицит дегани мана бундай бўлади: дафтарни кўрасан, пуллар жойида; газнага қарайсан, пул йўқ. Мана шу дефицит дегани бўлади.

Бунақа гап-сўзлар ўша оқшом ҳам, эргасига ҳам ва кўп кунлардан кейин ҳам давом этди, чунки оқсоқол амалдор билан кетганича қишлоқка бошка кайтиб келмади. Партиявий фитналар сабабли уни икки йилга қамашди ва Белградга олиб кетиши.

Бироз вақт ўтгач, мирза ҳам жамоада ишлаш истагини йўқотди.

— Германияга кетаман, у ердагилар мени хурмат қилишади, кадримга етишади! — деди у.

У истеъфога чиқди ва бир куни ҳеч кимга қаёқка йўл олаётганини айтмай жўнаб кетди, лекин ҳамма унинг Германияга кетганини биларди.

Шундай қилиб, худди юқумли касаллик ёки ўлат бошлангандай, бир балонинг кетидан иккинчиси келаверди. Қишлоқда оқсоқол ҳакидаги гап-сўзлар эндиғина тўхтади деганда, уни эндиғина унутишганда, шундай ҳодиса содир бўлдики, бу ҳақда Прелепницаада узоқ вақт гапириб юришди.

Радое Убогий бир куни эрталаб уйғонди ва қандайдир иш юзасидан Крман қишлоғига йўл олди. Тўсатдан у қишлоқ чеккасида попни кўриб қолди. Поп атрофга алантлаганча, секингина нарвондан чордокка кўтарилаётган эди. Радое бунга ҳайрон қолди ва ўз-ўзича мулоҳаза юрита бошлади:

— Хўжайн чордоғини кўздан кечиргани чикяпти, десам тўғри келмайди — чунки у ўзининг эмас, ўзганинг чордоғига чикяпти; руҳоний эрталабки ибодатни адо этмокчи десам ҳам бўлмайди — чунки ҳозиргacha чордокда ибодат қилинганини ҳеч ким кўрган эмас.

Радое Аника туфайли тақсирни аввалдан ёмон кўргани сабабли, Крмандаги ишларини бир четга кўйиб, тезда қишлоққа қайтиди ва тўғри попнинг хотини ёнинг борди, аёл рўзғор ишлари билан ўз ховлисида куйманиб юрган экан.

— Хайрли тонг, онахон! — четан девор ортида туриб саломлашди Радое.

— Парвардигор сендан марҳаматидан дариф тутмасин, Радое! — жавоб берди попнинг хотини.

— Таксир уйдами?

— У йўқ, тонгданоқ эрталабки ибодатта кетди.

— Яъни, у ибодат қиляптими?

— Ҳа, — жавоб берди попнинг хотини.

— У качондан буён чордокда ибодат қиласиган бўлиб қолди?

— Қайси чордокда? — хайрон бўлди попнинг хотини.

— Ҳозиргина унинг Живко Здравкованинг чордоғига тирмашаётганини кўрдим!

— Қайси Живко Здравкова?

– Анави-да, уникида Стана деган қыз яшайды, мерос талашиб шаҳарга қатнаб юрадиган қиз-чи.

Попнинг хотини илондай вишиллади ва кўлига тушган паншахани олиб, ховлидан кўчага югуриб чиқди.

– Сен ўз кўзинг билан кўрдингми? – сўради у Радоедан югуриб кетаркан.

– Ўз кўзим билан кўрдим, – тасдиқлади у ва попнинг хотини қадамини илдамлатди.

Деҳқонлар югуриб кетаётган аёлга карадилар, ўтиб кетгандан кейин ҳам ўгирилиб, ҳайрон бўлиб тикилдилар. Ҳайрат узоқ чўзилмайди, чунки орқама-орқа югуриб келган Радоे ҳаммага тушунтириди:

– Кетдик, халойик, кетдик, хеч кўрилмаган мўъжизани кўрасизлар. Поп эрталабки ибодатни чордокда киляпти, хотини бўлса, бухўр тутишга шошиб кетяпти.

– Ҳой одам, нималар деяпсан?! – ҳайратга тушди деҳқонлар, лекин барибир нима бўлганини билишга қизиқиб, ишларини ташлаб, Радоега эргашдилар.

Уч-тўрт киши тўпландими, бас, оломон ўз-ўзидан кўпаяверади. Фақат эркакларгина эмас, хотинлар ҳам тўп-тўп бўлиб, бало-қазо етилаётган жойга шошилишди.

Оломон уй олдида тўхтади, ҳамманинг кўзи чордокда. Юкоридан шундай гумбурлаган товуш эшитилдики, гўё бутун бошли қўшин жанг қиляпти деб ўйлайсиз. Ҳеч нарса кўринмайди, баъзан кимдир чинқиради, холос. Гоҳо эркак овози эшитилади: “Секинрок, худодан кўрк!”, гоҳо аёл овози эшитилади: “Лаънати қанжик, мана сенга, мана!”

Кейин бироз жимлик чўккандай бўлди ва нарвонда поп кўринди. Аммо унинг кўриниши... Худонинг ўзи асрасин! Жубба йиртилиб, жулдур бўлиб кетган, қалпоқнинг титиги чиккан, соқолнинг ярми юлиб олинган, шилинган чакка қонталаш.

Салдан кейин нарвонда синиқ паншаха кўтарган попнинг хотини кўринди. Учинчиси, Стана, чордокдан тушгиси келмади, ўша ерда қолиб, боши билан сомонга кўмилди. У тавба килиш хаёлига келган кунни ва соатни лаънатлар, лекин калтақдан кейин ёмон тушлар уни энди, албатта, қийнамаслигини ўйлаб, юпанаётган эди.

Тақсир, ўз-ўзидан тушунарлики, нарвон остида турғанлар билан, ҳатто, саломлашгани ҳам йўқ, кўз кирини ташлади-ю, орқасидан ит қувгандай, чопиб кетди.

– Тақсиримиз бунчалик учқур экани кимнинг ҳам хаёлига келибди! – деди Спасое Томич.

– Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, Спасое, – кўшимча килди бошқаси. – Агар елкангта паншаха тикишганида, сен ҳам учқур бўлиб кетардинг. Айтганча, тақсиримиз чордокда соқолини совунсиз олганини кўрдингизми?

– Оғайнилар, кетдик ковоқхонага, ичкиликнинг ҳақини мен тўлайман! – таклиф килди Радое Убогий яхши суҳбат бўлишини ўйлаб лаззатланар экан.

Улар ковоқхонага етиб бормасиданоқ у ерда одамлар тўпланган ва бўлиб ўтган ходисани муҳокама қилишаётган эди. Бу ходиса тўғрисидаги хабар кишлоққа шунчалик тез тарқалдики, бамисоли жарчи ногора

коқиб, эълон қилган бўлса керак, деб ўйлардингиз. Одамлар эрта туриб, ишга отланишган, энди эса, ҳеч кимнинг ишга боргиси келмаётганди. Баъзи бирорвлар шу ерда, йўл устида, бошқалари у ерда, дарвоза олдида тўплланган, яна кимлардир қовоқхонада ўтириб олган. Ҳамма бўлиб ўтган воқеа ҳакида гапирап, котиб-котиб кулишар эди. Ўша куни ҳам, эртасига ҳам бу гапларнинг кети узилмади. Қовоқхонада ҳам, йўл устида ҳам, жамоа идорасида ҳам, далада ҳам шу гап... Икки киши учрашиб қолса бас, гап шу ҳақда бораради.

Соколининг ярми юлинган таксир бўлса, хонасига бикиниб олди, у ҳеч қаёқка чикмас, ҳатто, черков хизматига ҳам бормас эди.

Буни қарангки, шу пайтда Раја Янич ўлиб қолса бўладими. Тақсирнинг бошқа иложи йўқ, у мархумнинг жанозасини ўкиши лозим. Ахир, одамни жанозасиз кўмиб бўлмайди-ку. Энди бу дағн маросими қандай ўтганини бир тасаввур қилинг! Жанозага каттадан кичиккача, ҳамма келди. Аммо улар тириклигига жанжалкаш бўлган ва кўплар билан келишмаган мархумга хурмат бажо келтириш учун эмас, балки шу чоққача қорасини кўрсатмаган, уйидан чикмаган попни ўз кўзи билан кўриш учун келишганди.

Дағн маросими, ўз-ўзидан тушунарлики, такводор насронийга яраша бўлгани йўқ. Мотам эмас, факат кулги, шунинг учун ҳам ҳар бир киши ичидан гуноҳ ҳиссини туйр ва қабр тепасида туриб, “Мени ўзинг кечир, раббим!” дер экан, уч бора чўкиниб кўярди.

Пера ота бўлса, офтоб жизғанак килаётганига қарамай, бўйнига шолрўмол ўраб олган, рўмолнинг бир учини кулогигача (соколи юлинган томонидан) кўтариб боғлаб олган эди. У Рајанинг руҳига тиловат қилди, лекин олдингидай баланд овозда эмас, кўпроқ эркак гоздай фўнгиллаб дуо ўқиди. Юрганда никоҳ маросимидағи келиндай ҳайикиб кадам ташлар, бирорга қараганда йигитнинг кўзига биринчи марта боқсан қиздай журъатсиз қаарди.

Тақсирнинг шармандалиги, равшанки, Прелепница қишлоғи доирасида колмади, бошка қишлоқларга дув-дув гап таркалди, Радое бўлса, албаттга, бу ҳақда округдагилар хабар топиши учун ғайрат қилди, округ бошқармасидагилар шармандалик ҳақидаги хабарни Белград диний судига жўнатишди. Пера отани бир неча бор округ протопопи хузурига чакиришди – сўроқ қилишди, тергов ўтказишди ва, нихоят, Белградга, судга чакиришди.

Мана шундай килиб тақсир кунларнинг бирида Белградда пайдо бўлди.

Соколи юлинган тарафда бироз тук ўсиб чиқди, бошқа томонини у қайчилади ва яна тузуккина киёфага кирди. У ёнида ички кийим ва диний суд аъзолари учун учта сўйилган, яхши тозаланган, қатрон шимдирилган чўчқа боласини олиб олди. Судъялар билан учрашиб, вазиятни ўрганиш ва қисматини имкон кадар енгиллаштириш учун суддан тўрт кун олдин этиб борди.

Судгача ҳали анча вақт борлиги учун бир куни эрталаб тақсир ўз бурчини бажо келтиришга қарор қилди. Дўстлик туйғуси ҳам, руҳонийлик шуури ҳам уни шундай қилишга ундаётганди. Маҳбуслар ва беморларга совға элтиш одатини эсда туттган тақсир уч қути тамаки сотиб олди ва оқсоқолни кўриш учун шаҳарнинг юқори қисмига йўл олди.

Киши кўнглини эритиб юборадиган, жуда таъсиричан учрашув бўлди. Эгнига чордоқда йиртилган кора жубба кийган тақсир билан маҳбусларнинг

оқ кийими ўзига жуда ярашган оксокол қаттиқ күчклашди. Улар анчагача күчклашиб турдилар. Ким билади, иккөві хам бу дақикаларда аллақаңчонлар ораларыда бўлиб ўтган жанжални ва оксоколнинг:

“Майли, поп, икковимизга ҳам узок умр ва соғлик берсин, бир куни соколингни киргандарини кўриш насиб қилсан!” деган гапини эслашгандир.

Ўшанда таксир бунга жавобан: “Билмадим, билмадим, бу дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин, бирок сени кишанда кўришимни, худди “Отче наш”дай, аниқ биламан”, деган эди.

Мана энди улар, маҳбуслар кийимидағи оксокол ва соқоли кирдириладиган кун арафасида турган таксир күчклаштилар.

Таксир оксоколнинг ёнида узок ўтири, чунки у кишлоқ, одамлар ва у ердаги турмушни атрофлича суриштири, кейин ўзининг келгуси режаларини ўртоқлашди:

– Турмадан қайтган захоти скупшчина депутатлигига ўз номзодимни кўяман.

У билан хайрлашгач, таксир диний суд аъзоларидан бирини зиёрат килиш учун жўнади. Нак Калемегданнинг ўзидан трамвайга чиқди ва ёнига кондуктор келганида унинг нечоғлик хайратта тушганини тасаввур этишингиз мумкин. Таксир патта сотиб олиш ўрнига ўрнидан иргиб турди ва кондукторни күчоклади.

– Наҳотки, бу сен бўлсанг? – хитоб килди ниҳоятда ҳайратда қолган таксир.

– Биласанми, эндинга Германияга отланганимда, – деди мирза, – бу ердаги электр станцияси менга ёпишиб олди ва: “Шошма, шу ерда қол, сен бизга кераксан”, деди. Мен электр станциясига: “Чет элга кетишим керак”, дедим. Электр станцияси бўлса, хира пашшадек ёпишиб олиб, бир одим ташлашга ҳам имкон бермади. Шундай килиб, бу ерда колдим!

Таксир мирза билан сухбатлашар экан, Дорчолагача иккى марта бориб қайтди. Фолбин Мара хоним нима бўлишини, суд қандай якунланишини – ҳамма-ҳаммасини борича айтиб бериши учун таксирни унинг ҳузурига йўллаган ҳам мирза бўлди.

Таксир, оксокол ва мирза романнинг ниҳоясига ана шу ҳолда етиб келишди; халқ парвардигор ҳеч кимдан қарздор бўлиб қолмайди, деган гапни бежиз айтмайди-да.

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

Бу бобни ўқувчи алоҳида мамнуният билан ўқийди, чунки у охирги боб-да

Модомики, бу романнинг охирги боби экан, роман ёзиш анъаналарига кўра, бу боб сўнгига “қаҳрамонларимиз бўлган йигит ва киз”ни никоҳлаш лозим. Ҳм, мен кимни никоҳласам экан? Аммо воқеалар бу мухим, асосий, айтиш мумкинки, коидани бажаришга деярли имкон қолдирмаган йўсинда юз берган бўлса, мен нима қилай? Ахир, таксир Перани Аникага уйлантириб кўя олмайман-ку! Биринчидан, Аниканинг каердалиги хозиргача номаълум, иккинчидан, поп – поп-да, бунинг устига, хотини тирик бўлган бир вактда уни уйлантира олмайсан. Жаноб полициячи Рис-

тани унга деразадан калит узатган ўша Ленка Петрович хонимга ҳам уйлантира олмайман, чунки Ленка хонимнинг эри ҳам ҳали тирик. Мерос ишлари бўйича бўлим амалдори Васа Жюрични тул Милева хонимга уйлантира олмайман, чунки жаноб Васанинг бошмоғини ниҳоятда усталик билан яшириб қўйган Милева хоним ҳалигача Пожаревец турмасидан чиккани йўқ. Жуда таъсирчан семинарист ТоманиМария Магдалина га уйлантира олмайман, чунки Тома артистлик касби ҳақидаги ҳар қандай фикрни йигиштириб қўйган ва, қарангки, энди у Палилула черковининг сўл клиросида¹ хизмат килаётир, семинарияning тўртинчи босқичини тамомлади ва ўзига қавм қидириб юрибди. Пера-Отелло билан Перса-Дездемона ҳам турмуш қура олишмайди, чунки ораларида бўлиб ўтган ўша машъум фожиадан кейин улар мангуга ажralиб кетдилар ва қайтиб қўришмадилар. Уста Юлиананинг қизи Эльза ўт ўчирувчига ёки еттинчи пиёдалар полкининг чолғучисига турмушга чика олмайди, чунки жаноб Сима хаёлан чизган манзарадан бизга маълум ўша ҳодиса сабабли бу севги шу билан хотима топдики, Эльзанинг елкасига яхшигина муштладилар. Ҳатто, мусика муаллими тикувчи Йоцанинг қайнинглисига уйлана олмайди, чунки ўша машъум мактуб ораларини бузди.

Лекин, шунга қарамасдан, бу бобнинг охирида ким турмуш куриши мумкин? Ҳеч ким! Муаллиф бу борада қимматли ўкувчиларининг талаб-этиёжларини кондира олмагани сабабли қаттиқ таассуф билдиради.

Демак, романни бирданига учта исм эгаси бўлган жамоа боласининг қисмати билан тугатиш қолди холос.

Милич, Неделько ёки Сима – хоҳлаганингизни танлайверинг – ҳалихануз Мара хонимникида яшаб келмоқда. Ҳолбуки, уни ташландиқ болаларга бошпана бериш жамияти ташкил этилгунга қадар, бир ойга бериб туришган эди. Бироқ қурултойлар, мажлислар, йигилишлар ўтар экан, тор таркибдаги қўмиталар кенгайтирилган таркибдаги қўмиталарга маъруза ўкир экан, материаллар тўпланар экан, у ёки бу вергул устида муфассал, узок ва кизгин баҳс-мунозаралар давом этар экан, белгиланган мажлисларда қатнашчилар етарли даражада бўлмагандага қатнашчилар сонидан қатъий назар, карор қабул қилиши мумкин бўлган бошқа йигилишлар тайинланар экан, уставни ўзгартиришар ҳамда мувакқат ва доимий бошқармалар сайлашар экан, вакт ўтиб бораверди, кунлар кетидан ойлар ва, ҳатто, йиллар ўтди.

Мара хоним иш чўзилиб кетганига қарши ҳеч қандай эътиroz билдирамади; жаноб Сима болани бокиши учун унга ўз чўнтағидан мунтазам равишда пул тўлаб турди, бунинг устига кичкина Симанинг ўзи ҳам яхшигина ишлаб топарди, чунки Мара хоним уни ижарага беришда давом этди.

Бу вакт давомида, ўз-ўзидан тушунарлики, Сима ўсади, каттагина бўлди ва палилулалик шумтакалар қаторига кўшилди. Агар яна Палилулада кизчалар ҳам, ўғил болалар ҳам пойтахтнинг бошқа туманларига караганда анча тезроқ пишиб етилишини хисобга олсан, унда романнинг сўнгти саҳифасида содир бўлган воқеа нега юз бергани аён бўлади.

Шундай қилиб, бир куни, тайёргарлик ишлари битгач ва барча тўсиклар олиб ташлангач, жаноб Сима бошқарманинг биринчи мажлиси-ни белгилади. Бу мажлисда раис кун тартибининг бошқа масалаларидан ташқари, бир неча йилдан бери мазкур жамиятга асос солинишини интиқ

¹ Клирос – ибодатхонада хор учун белгиланган махсус жой.

бўйлиб кутаётган бир бола ҳақидаги масалани ўртага қўйди. Бошкарма бир овоздан сабрсиз боланинг эҳтиёжини иложи борича тезроқ кондириш ва уни ташландик болаларга бошпана бериш жамиятининг биринчи фарзанди сифатида кабул этишга қарор килди. Жаноб Сима Неделькович ва идоранинг яна бир аъзоси бу қарор ҳақида номзодга шахсан хабар беришдек ёқимли мажбуриятни ўз зиммаларига олишди ва мажлисдан кейин Мара хонимнинг уйига жўнашди.

Энди ташландик болаларга бошпана бериш жамиятининг жаноб раиси ва бошкарманинг жаноб аъзоси Мара хонимдан жамоанинг боласи қочиб кетгани тўғрисидаги ҳайратланарли хабарни эшитганларида донг қотиб колишганинг ўзингиз тасавур килаверинг.

– Нима деяпсиз?! – кичкириб юборди жаноб Сима ва карс урди. Унинг пешонасини тер босиб, оталик юраги конга тўлди.

– Шунака бўйлиб қолди, жаноб, – деди Мара хоним. – Бу бола тиниб-тинчимаган шумтака бўйлиб чиқди. Агар битта эмас, юзта қўзим бўлганида ҳам, уни назорат килишимнинг иложи йўқ эди.

– Балки, у каердадир яшириниб ўтиргандир?

Жаноб Симанинг кўзларида сўнгти умид шуъласи ялтираб кетди, у оталарча ташвишга тушиб, болани ертўла, чордок, товуқхона ва бошка шу каби жойлардан кидиришга тайёр турарди.

– Йўқ, у қочиб кетди. Қочиб кетмокчи эканини олдинлари ҳам менга бир неча марта айтганди.

– Сиз уни ахтариб кўрдингизми? – хаяжонланиб сўради ташландик болаларга бошпана бериш жамиятининг раиси.

– Қандай килиб кидирмаслигим мумкин, кидирдим, – ўзини оклай бошлади Мара хоним, – уйни тинтиб чиқдим, кўшнилардан сўрадим. Шаҳардан ташқариларда ҳам ахтардим, полицияга ҳам арз килдим. Уни деб, мана, тўртингчи кундирки, мижжа кокмадим.

* * *

Жамоанинг боласи мана шундай килиб қочиб кетди.

Уни туккан онасидай тарбиялаган Мара хонимдан қочиб кетди; ўзининг валинеъмати жаноб Сима Недельковичдан қочиб кетди; уни деб ташкил этилган ташландик болаларга бошпана бериш жамиятидан қочиб кетди; унинг саргузаштларини катта меҳр-муҳаббат билан кузатиб борган азиз ўқувчилар, сиздан қочиб кетди; бутун бошли бир роман учун материал берганидан кейин мендан, ёзувчидан ҳам қочиб кетди.

Усиз нима қилиш керак?

Азиз ўқувчиларим, факат бир нарса қолди – сизга бу шумтаканинг орқасидан қувишни ташкил этишга чин сўз бераман ва агар уни топсан, романнинг давомини ёзишни ваъда қиласман.



Николай ДОБРОЛЮБОВ

РУС МУНАҚҚИДИ БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР ҲАҚИДА

Рус тилидан
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ
таржимаси

Таржимондан:

Дунё олим ва адиларининг Бобуршоҳ ижодига муносабати, асосан, тўрт ўйналишда кузатилади: Бобурнинг подшоҳ сифатидаги сиёсий фаолияти (1), унинг ижодига улуғ санъаткор сифатида мурожаат этиш (2), "Бобурнома"га камёб тарихий манба сифатида қараш ва уни таржима қилиш (3) ҳамда Бобуршоҳнинг шахси ва жасорати хусусида бадиий асарлар (4) ёзиш. Айни мана шу йўналишлар Россиядаги XIX асрдан кузатилади.

Жаҳон афкор оммаси ичидаги Бобур сиймоси ва унинг асарларининг вужудга келиши, тараққиётидаги Россия олимларининг ҳам ўз улуши бор. Дастрраб "Энциклопедик лексикон"да (СПб, 1835) "Бобурнома"га "Буюк мўғул Бобурнинг тарихий хотираларининг сарлавҳаси" дея қисқа изоҳ билан Россия бобуршоҳнолиги бошланади. "Бобурнома"нинг матни Қозонда Н. И. Ильминскийнинг "Бобурнома" ёки Султон Бобур хотиралари" сўзбошиси билан эълон қилинган (1857)дан сўнг Бобур шахсига қизиқиш ортган ва шу йилнинг ўзида И.Н.Березин томонидан тузилган "Турк хрестоматияси"нинг 1-қисмида (226-272-бетлар) Бобуршоҳ асарларидан намуналар чоп қилинган. Бу илмий ҳаракат бошида турган Н.Ильминский "Университетда (Қозон унив.) турк-татар курси учун Кирши маърузаси"да "Бобурнома" материалига тарихий чигатой тили нуқтаи назаридан ёндашган (1865). Айни даврда рус мунаққиди Н.Добролюбов "Ост-Индиянинг тарихи ва ҳозирги ҳолатига назар" (1857) асарини "Современник" журналида эълон қилган. Албаттга, қисқа умри (1836-61) давомида, асосан, XIX аср рус адабиётини ҳақида мақола ёзиб юрган рус мунаққидининг Ҳиндистондаги Ост-Индия компанияси ва Заҳирийдин Мұхаммад Бобур ҳамда бобурийлар тарихини чукур ёритишига нима сабаб бўлган эди, деган табиий савол туғилади.

Унга жавобан айтиш мумкинки, мақола "Н.Турчинов" имзоси билан чоп этилган бўлиб, бу таҳаллуснинг Н.Добролюбовга алоқадорлиги ҳақида Н.Чернишевский бундай хабар беради: "У (Н.Добролюбов – Ҳ.Б.) "Н.Турчинов" таҳаллуси билан "Современник" журналининг 1857 ўйи сонида "Ост-Индиянинг тарихи ва ҳозирги ҳолатига назар" сарлавҳали мақола эълон қилди. Мақола шу йилнинг май ойида кўтарилган сипоҳийлар кўзғолони ҳақида бўлиб, у бутун ёз давомида көнгайиб борган. Бу ҳодиса Фарбий Европада ва бизда китта қизиқиши ўйғотди. Журнала у ҳақда мақола керак эди. Бундай воқеалар хусусида мақола ёзиб юрган ходим (яъни, Н.Чернишевскийнинг ўзи – Ҳ.Б.) уни ёзишга тайёр эмас эди, шунинг учун мақола ёзишини Николай Александровичдан илти-

мос құлдим. У дастлаб вөкеалар билан кам хабардор эканини айтиб рад құлди, сүнгра ҳар ҳолда бу вазифаны қониқарлы даражада бажаришга киришиб, илти-мосимни бажо қилишга рози бўлди. Ҳақиқатан ҳам мақола яхши чиққан эди”¹.

Ҳиндистон тарихидан бизга маълум бўлишича, сипоҳийлар қўзғолони номи билан тарихга кирган ҳаракат 1857 йилнинг 10 майида Мирут шаҳрида инглиз армиясида ёлланма жангчи бўлиб хизмат қиласётган сипоҳийлар полкида бошланган. Қисқа муддатда Дехли қалъасини эгаллаган қўзғолончилар яна икки ҳафта давомида бутун Шимолий Ҳиндистонни ишғол қилган эдилар. Бу ҳаракатга Лакнау ва Панжоб аҳолиси ҳам қўшилган. Инглиз ҳарбийлари қўзғолонга қарши 8 июнда Дехлига кириб келган бўлсалар-да, катта қаршиликка учраб, ниҳоят 20 сентябрдагина Дехлини эгаллай олган эдилар. Бутун ёз давомида инглиз бошқарувига қарши йўналган бу қўзғолонда минглаб мусулмонлар иштирок этган, у инглизларнинг Шарқдаги муваффақиятли юришига жиддий тўсиқ бўлган эди. Бутун Фарбий Европани ҳаяжонга соглан ушбу вөкеалар арафасида Россия Кавказни забт этиш учун уруш бошлаган, сўнгра куролини Марказий Осиёга қаратгани Русия қўшинининг ҳаракатидан маълум бўлиб қолган ва ундан кейин навбат Ҳиндистонга келиши мумкинлигини матбуотдаги мақолалар билдириб турар эди. Биргина рус матбуотида, жумладан, “Отечественные записки”да “Ҳиндистондаги жиноятлар ва турмалар ҳақида” (1857, №7); “Библиотека для чтения”да “Ост-Индия шу йилнинг бошида” (1857, №10) ва айни мақола “Русский вестник” (1857, XI, 2-китоб)да қайта босилган; шунингдек, “Русский инвалид”нинг 133-, 174-, 214-, 231-сонларида; “С.-Петербургские ведомости” газетасининг 163-, 164-, 169-, 240-сонларида мақола ва хабарлар эълон қилинган. Инглизларнинг “Times” (“Таймс”) газетаси ҳолатни тан олиб, “Ҳиндистон ҳозир яна курашга чоғлидир” дега эътироф (1857, 31 июл) этишга мажбур бўлган ҳолат эди.

Н.Добролюбов мақоласи 2 қисмдан иборат бўлиб, унинг дастлабки қисмida Ҳиндистон тарихига мурожаат этилган ва “ҳинд қолоқлиги”нинг сабаблари тарихан кўпинончли мамлакат бўлгани ва ҳиндлар қаршиликдан кўра, итоатга мойиллиги билан асосланиб кўрсатилган. “Ҳиндлар қолоқлигига қарши инглиз цивилизациясини олиб кириш” баҳонасида, асарнинг 2-қисми иқтисодий ва ҳарбий уруш бошлаган инглиз мустамлакачилари “фаолияти”га бағишланган. Н.Добролюбов мақоласида Ост-Индия компаниясининг босқинчилик ҳаракатининг қоралангани унинг мана бу бошлангич сўзларидан маълум: “Ост-Индия ҳайрати (ажабланиши) мана неча ойдан бери бутун Европа эътиборини жалб қилмоқда. Унинг ҳозирга қадар тинмайтгани инглиз куролининг сипоҳийларга қарши курашда айрим муваффақиятлари бутун мамлакат бўйлаб тарқалмоқда. Кутимаганды Ҳиндистон Англия босқинидан ҳалос бўлиши шубҳасиз, ҳозирга қўзғолон Ост-Индия компаниясининг мамлакатдаги аҳволига ўзгартиришлар киритиши мумкин”².

Асарнинг 1-қисмida муаллиф Ҳиндистондаги Бобурийлар асос соглан салманат, Панипат жанги, Бобуршоҳ, Акбаршоҳ, Аврангзеб ҳақида батарфсил сўз юритган³.

¹ Добролюбов Н.А. Собр. соч. в 9-ти т-х. т. 2. М., 1962. С.506.

² Добролюбов Н.А. Собрание сочинений в 9-ти т-х. Т.2. М., 1962. С.7-46.

³ Добролюбов Н. Взгляд на историю и современное состояние Ост-Индии / Глазами друзей: Русские об Индии. М., 1957. С.7-46.

ОСТ-ИНДИЯНИНГ ТАРИХИ ВА ХОЗИРГИ ҲОЛАТИГА НАЗАР

Ост-Индия ҳайрати (ажабланиши) мана неча ойдан бери бутун Европа эътиборини жалб қилмоқда. Унинг ҳозирга қадар тинмәётгани инглиз куролининг *субойларга* қарши курашда айрим муваффакиятлари бутун мамлакат бўйлаб тарқалмокда¹. Кутилмаганда Ҳиндистон Англия босқинидан халос бўлиши ҳам, шубҳасиз, ҳозирги қўзғолон Ост-Индия компаниясининг мамлакатдаги аҳволига ўзгартиришлар киритиши ҳам мумкин. Европадан Ҳиндистонга бир неча ўн минглаб жангчи ва миллион фунт-стерлинг юборилишининг ўзи инглиз ҳукуматининг хавфсизлик чоралари кўраётганинг исботидир. Гёёки, “*Таймс*” ибораси билан айтилган “Ҳиндистон ҳозир яна курашга чоғлидир” сўзлари ушбу ҳолат ҳақиқатига яқин келади². Шунга қарамай, шубҳа йўқки, энди қўзғолонни охирига қадар босдириш учун Ост-Индия компаниясининг ерлашишига караганда ҳам кўпроқ куч керак бўлади.

Ҳайратли хабарлар инглиз ҳукуматини чўчитиб ва хавфга солиб қўйдик, инглиз матбуотида хиндларга қарши мақолалар кучайиб кетди. Бу ҳолат кутилмаганда ҳайратланарли тус олди. Англиянинг давлат одамлари, амалдорлари, Ост-Индия компаниясининг ходимлари, ҳатто қизикувчан саёхатчилар ҳам Ҳиндистондаги воқеалар ҳақиқатидан яқиндан хабардор бўлиб, аллақачонлардир инглиз хокимиюти маҳаллий қўзғолончилар томонидан хавф остига олинганини башорат қилмоқдалар. Улар бошқарувдаги тартибсизликларни, ахолига зулм қилинаётганини кўрдилар, уларда соков норозилик пайдо бўлганини ва бу эртами-кечми очик кўринишга келиши мумкин, чунки ҳар қандай инсоний сабру бардошнинг ҳам ўлчови бўлади. Энди ҳозир айтилаётган ҳавфли ба-шоратлар, инглиз газеталари тан олаётган ҳақикат, бу қўзғолон тасодифан ўз-ўзидан вужудга келмаганини, бу ҳолат Ҳиндистондаги инглиз бошқарувининг азал-оқибати эканини тан олмоқдалар. Омма фикрига кўра, сипохийларнинг ҳозирги исёни, бу огохлантирувчи тўлкин бўлиб, эртами-кечми Ҳинд – Британия мулкларида кучайиши мумкинлиги, у ҳолда тарихан воқеаларнинг бориши бу буюк қўзғолонга дебоча бўлиб хизмат қилиши айтилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, ахолининг тинчликпарвар характеристи, замонлар давомида ҳар қандай зулмга кўникувчанлиги охирги вактда Ост-Индия компаниясининг нисбатан осон бошқарувига сабаб бўла олмагани, келиб чиқкан қўзғолон Ост-Индия муносабатига қарши норозилик қўзғолони бўлгани бу тарихий зарурат экани аён бўлди³. Унинг сабабларини ўёки бу ҳодисадан эмас, балки Ҳиндистоннинг бутун давомли тарихидан ва бугунги хисоб-китобидан келиб чиқкан тарихий

¹ Ҳалқ қўзғолони Ҳиндистонда 1857 йил 10 майда сипохийлар (инглиз армиясидаги хинд ёлланма жангчилари)нинг бир неча кўшинларида Мирут шаҳрида бошланган. Қўзғолончилар Дехли қальясини эгаллагандан сўнг иккى ҳафта давомида бутун Шимолий Ҳиндистон бўйлаб тарқалган. Қолган инглиз кўшинлари Лакнуага беркинишган. Панжобдаги умумий қўзғолон сикхлар билан маҳаллий феодаллар ҳамда мустамлакаҳи ҳокимият томонидан бостирилди. Сикҳ ва непал кўшинларига таянган ҳолда феодал бошқарувчилар бу вилоятларни инглизлар ёрдамида эгаллаб олдилар. Инглиз кўшинлари Дехлига 8 июняда кириб келиб, уни 20 сентябрда қамал орқали олдилар.

² “Times”даги “Ҳиндистон яна босиб олинса керак” иборасига К.Маркс ҳам ўзининг 1857 йил 31 июлдаги “Ҳиндистондан ахборотлар” мақоласига ишора қиласди.

³ Н.Добролюбов қарашлари бу масала бўйича К.Маркс нутқати назарига яқин келади. Қўзғолон бошланни пайтида Маркс айтган эдики: “Вакт ўтиши билан бошқа фактлар ҳам юзага чиқадики, булар Жон Булни ишонтирган ҳолда бу ҳаракат ҳарбий исён бўлиб, у ҳалқ миллий қўзғолонига айланади” (Асарлар. 2-нашри, 12-жилд. Б.259).

харакатдир. Бу нүктәи назар Ост-Индия воқеаларига илова равишда шунчалар зарурки, у ерда инглизлар хукмронлигининг ўрнатилиши бу тарих ҳақиқати бир неча кичик воқеалардан иборат эмаслигини кўрсатмокда. Ост-Индия компаниясининг Ҳиндистонда жойлашуви дастлабки пайтда ва француз таъсири билан курашётган даврда инглизлар кўлидан чиқиб кетган жой ва мулклар бундай таъсиrlарни йўқ қилиши мумкин эди. Буларга қарамай, у ерда жойлашиб олиб, бутун Ҳиндистонга хукмронлик килмоқчи бўлган тақдирда французлар бундай тасодифлардан наф кўрмагани ҳолда айрим йўкотишларга учради ва бунинг сабабини нокулай вазиятдан кўрган эдилар. Бунда айрим шахсларга айб кўйилиши ҳам мумкин: ҳалқ кудрати, асрлар давомида ҳалқ орасида етилиб келган кувват, куч бу инглизларнинг тўғридан-тўғри муваффакиятларининг гарови сифатида баҳоланди. Ўша ҳалқ кудрати, ўша ҳалқ руҳи тарихий жараёнда ҳозирги кўзғолонга сабаб бўлган бош омил сифатида тушунилади. Фақат бу ерда масала мураккаброқ эди, чунки ҳинд ҳалқи турлича тарақкиётни бошдан кечирди. Унинг бошига ўз ҳалқининг бошқарувидан ташқари, ислом ва насронийлик, шарқона деспотизм ва инглиз савдо бошқаруви, брахманлик инончи ва Европа тамаддуни қабилар ҳам кўшилди. Бошбошдоқларча тараққий эттан ҳалқ ҳақида, унинг танбал сажиёси ва доимо босим остида бўлиши, ҳар бир янги таъсиrlарнинг коронги жиҳатлари ва сўнгига воқеалар чигалининг хавфли тус олиши ҳалқ онги ўзгаришига сабаб бўлди. Бу воқеа қандай келиб чиқди, қандай килиб Ост-Индия компанияси секин-аста бугунги ҳолга тушиб қолди – тўғрироғи, унинг бугунги кисматини яхшироқ кўрсатиш учун бу тарихий очерк орқали китобхонларга инглиз бошқарувидаги Ҳиндистоннинг ҳозирги ҳолатини изоҳламоқчимиз.

Ҳозир Англия кўли остида бўлган ҳинд қабилалари жуда катта ҳудудни эгаллайди (1400000 инглиз км²/мили), бу улкан ҳудудда 160 миллион киши ҳаёт кечиради, уларнинг олтидан бири исломга эътиқод килади, қолғанлари ҳиндуларнинг ўзак динлари ва одатлари бўйича яшайдилар. Бу ерда яшаётган европали аҳоли маҳаллий ҳалқка нисбатан сезиларсиз даражададир. Улар ҳаммаси бўлиб 30 мингдан иборат европалик лашкарлар ва бир неча ўн мингларча инглиз амалдорлари, савдогарлари ва саноатчилариdir.

Ахолининг яриморолда яшаётган нуфузи жуда зич ҳолда турмуш кечиради. Аввалги вактларда бундай зичлик у қадар катта эмас эдики, Ҳиндистон азалдан тарихан аҳоли яшаб келган ўлкалардан биридир. Унинг табиий бойликлари доимий суратда Ҳиндистонни ўраб турган тоғларнинг шимолидан келганлар томонидан таланган, табиат саҳовати билан бу ерда яратилган неъматлар бўлинган. Ҳиндистонда дастлаб яшаган аҳоли ҳақидаги маълумот сақланмагани учун бу қабилалар ҳозирги яриморолга қаердан келиб қолганини айтиш кийин. Қадимги Ҳиндистон ўз тарихчисига эга эмас эдики, биз у ҳақдаги илк маълумотларни Геродотдан оламиз. Лекин Ҳиндистоннинг бошқа ҳалкларга нисбатан қадимгиrok бўлган адабий ва ҳукукий ёдгорликлари унинг бой ва тараққий эттан тамаддуни бўлганини исботлайди. Лекин таассуфки, бундай тараққиётдаги тамаддун бизнинг эрамиздан беш аср олдин, Дорою Гиштасплар ва Искандар Макдунлилар даврида ривожланишдан тўхтаган эди. Буюк тараққиётдан кейинги бундай турғунликнинг сабаби ҳинд тамаддунинг асосланади. Бу тамаддун тамойилларини ҳаракатга келтирган рух шунда

эдики, улар ўзларининг илк бошланғичи билан курашишлари ва бу йўлда тўхтамасликлари лозим эди. Улар тездан жорий этилиши билан Шарқка хос фанатик қизикувчанлик ривожланиб, ўзининг сўнгги натижалари ни берди – қизикувчанлик рухида бошланган бундай ҳаракатларнинг ҳаммаси фақирликда акс этган эди. Турли томонлардан тоғ ва денгизлар орасида ташки дунёдан ажралган хинд ўзича алоҳида ҳаётда яшар, бошқа ҳалқларнига ўхшамаган ўз дунёқарашини ишлаб чикқан эди...

Ҳиндистоннинг шундай сокин ва турғун ҳаёти минг йилдан кўпроқ давом этди. Ахоли ерга тинчгина ишлов берди, ер эгалари хукумат олдиди ўз вазифаларини сокин бажарди, хукумат ўз соликларини тинчгина қабул килиб олди ва онда-сонда бўлиб турган ўзгаришлар туфайли ҳам ҳеч ким тинч ҳинд ҳаёти ҳакида қайғурмади. Турғунлик бу сокин мамлакатга ташкаридан кучлар кириб келгунга қадар бу турғунлик давом этди. Тўкнашув VIII асрда мусулмонлар Ҳиндистонга кириб келиб, ўзларининг диний эътиодларини сингдиришларидан бошланди. Лекин бу масалада ҳам уларга диний фанатизм ҳалақит берди: ўз эътиқоди ҳимояси учун минглаб кишилар кўзғолдилар. Мусулмонлар Ҳиндистоннинг шимолий қисминигина эгаллаб, у ерда Афғон ҳокимиятини ўрнатдилар. Орадан уч юз йил ўтиб (1004), Ҳиндистоннинг шимолий қисмини Маҳмуд Фазнавий¹ эгаллади.

XIII асрдан бошланган мўғул истилоси секин-асталик билан ярим оролни қамраб олди. XIV асрнинг охирида (1399) (Ҳиндистон шимолидаги) афғон сулоласининг бошқаруви Амир Темурни қониқтирумади ва юз минг лашкари билан Дехлига кириб келди. Шу вақтдан эътиборан Ҳиндистонда Темурийлар сулоласи ўрнатила бошлади. XV асрдан бу хукуматни афғон кўзғолонлари ва раҳбарларнинг ўзаро урушлари паронанда кила бошлади. Лекин Бобур давридан бошлаб, унинг Панипатдаги (Дехлининг шимолида) ғалабасидан сўнг бутун Ҳиндистон ҳокимиятини кўлга олди ва бу салтанат мустаҳкам қарор топди.

Мусулмон темурийларнинг интилишлари шундайки, улар ҳиндларнинг миллий талабларига осонгина мослашди. Муҳаммад пайғамбардан кейинги араблардан фарқли равишда XIV асрдан диний ташвиқот усули ўзгартирилди. Ички бошқарувларга бефарқ бўлган аввалгила факат ўз ҳокимияти манфаатини ўйлаб, уларни кенгайтириш йўлини тутдилар... Лекин заминдорлар² кўпроқ мустақилликка эришиб, юкори лавозимдаги амалдорларнинг тазиқидан узоклашдилар. Уларнинг ҳаракатлари олдиндан юкоридан белгилаб кўйилган қонунлар билан эмас, бевосита ўзларининг ишлаб чиқариши билан боғлик бўлди. Улар хукумат олдиди факат тўлаётган соликлари учунгина жавобгар бўлиб қолдилар. Шундай килиб, ҳалқ заминдорга бевосита ўзининг эгаси сифатида қарашга одатланди, уларнинг мулклари хинд одатлари бўйича наслдан наслга ўтиб борди, улар белгиланган соликни хукуматга тўлаш билан чекланиб, ниҳоят бобурийлар салтанати даврида ўз ерларида эгалик қила бошладилар. Шундай килиб, ҳинд заминида азалий одатлардан ташкари, ерга эгалик хукуки шаклланди.

Бундай ўзгаришларга қарамасдан, ҳалқ ўз таълимоти тамойилларига содик қолди, яъни уларнинг ҳаммаси ўзларининг аввалги сокин ҳаётини саклаб қолдилар. Ҳатто ҳинд ҳалқи мамлакатни ким бошқараётганига

¹ Маҳмуд Фазнавий (998–1030) – Афғонистондаги мусулмон сулоласи ҳукмдори. Шимолий Ҳиндистонга юриш қилиб, уни эгаллаган.

² Заминдор – ҳинд вассал князларининг наслий мулкдорлари.

бефарқ бўлиб қолди. Агар ҳукумат яхши бўлса, бу Брахманинг донишмандлиги ва қудратининг ифодаси сифатида қабул қилинди. Аввалгидан бошқача янги хокимиият пайдо бўлди, бирок бу ҳам Брахманинг иродаси бўлиб, у ўз қудратини намоён қилишнинг янги бошқарувчисини топгани эди. Бу ҳолатларда ҳиндлар шахсият масаласида изчил бўлиб, шахс уларни унвондан айрилтириди. Бу ҳолат, айниқса, машхур саркарда Бобур даврида ҳам кузатилган эдики, у ўз асарида қуйидагиларни ёзади: “Ҳар кайси ерда тобиъ ва муттиъ навкар ва чокар ва жамъи муайян ва мукаррардур. Подшоҳнинг наслб ва азли хотири (271 б) тиласа, ҳар кимни ким бирорнинг ериға ўлтургузди, ул ерга тобиъ ва муттиъ навкар ва чокар тамом бу кишининг бўлур, балки подшоҳнинг таҳтида ҳам бу хосияттур. Ҳар ким подшоҳини ўлтуруб, таҳтга чиққунча фурсат топса, ул подшоҳ бўлур. Умаро ва вузаро ва сипоҳий ва раият барча анга итоат ва инқиёд килурлар. Бурунги подшоҳидек подшоҳ ва фармонраво билурлар”.¹ Бундай карашлари орқали Бобур нега энди ҳалқ мутлақо ҳукуматнинг бошқарувига бепарво эканини изоҳламоқчи бўлган, ўзи билан ҳукумат олдидаги ишларга аралашибдан тийилган. Ҳалкнинг қуи синфлари олдидаги вазифа факат уни бошқараётган унвонли кишини билиш, у билан яқин муносабатга киришиш, айни шу ҳолдагина уларнинг тирик жон эканликлари намоён бўлади...

Секин-асталик билан Ҳиндистон заминида ҳинд эътиоди билан бирга муҳаммадийлик шакллана бошлади: мулкдор ва заминдорлар исломни қабул қилдилар ёки мусулмон бошликлари билан алмашдилар. Бутун Ҳиндистонни узок йиллар бошқарган Дехли императоридан ташқари, амалдор мусулмонлар ҳам ажойиб қишилар бўлган: Де-кан (шахри) нозими, Уд (худуди) кироли, Мисор (вилояти) сultonи ва Бенгал набоби (бошқарувчиси) шулар жумласидан. Куръон талаблари бўйича давлат бошқаруви ҳиндларнинг аввалги раҳбарлик тизимидан кескин фарқланмади. Брахманинг сабр-қаноат ҳақидаги донишмандона ҳикматлари ҳаётда ўз тасдиғини топди, ҳар ҳолда ҳиндни келишувчилик билан яшаш шароитига кўнилтириди. Ҳинд тасаввурнида Брахма иродасига кўра, аслида Куръонда белгиланган тарзда ҳукмдорнинг солик олиши ҳиндистонлик учун конуний ҳолдай кўринди: у ўзини доимо ердан вактингча фойдаланувчи деб ҳис қилди, унга эгалик эса юкори унвонли қишиларга тегишли эди. Шунинг учун ҳам мусулмонлар солиги – хирож² аввалги соликларга қўшимча бўлса ҳам, лекин у доимо заминдор томонидан тартибли равишда йиғилди ва ерга тўлиқ эгалик ҳуқукини саклаган қишиларга етказилиб турилди.

XVI–XVII асрлар бобурийлар салтанати Ҳиндистон учун ўзининг донишмандона давлат бошқаруви тизимини мерос қилиб қолдирди. XVI асрнинг 2-ярмида ҳукмронлик қилган Акбаршоҳ, 1707 йилда вафот қилган Аврангзеб шундай донишманд ва ажойиб ҳукмдорлар сифатида хотирланади. Ҳақиқатан ҳам Акбаршоҳ амалдорлар бошқаруви учун жуда кўп ижобий ислоҳотларни қонунлаштириди, солик йиғишнинг энг яхши тизимини жорий қилди, давлат киримларини кўпайтириди, йўллар

¹ Таржимон изоҳи – Добролюбов бу иқтибосни “Бобурнома”нинг инглизча таржимасидан олган. Биз асл матнни қуйидаги нашр бўйича келтиридик: Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: “Шарқ” НМАК, 2002. Б. 196.

² Хирож – Ҳиндистондаги мусулмон ҳукумати томонидан жорий қилинган киши бошига олинадиган солик.

курдирди, почта ҳаракатини тўғри йўлга солди, кўшинда яхши интизом ўрнатди, гўзал иншоотлар курдирди, ҳозир сақланган харобалар ҳам саёҳатчиларга уларнинг асл маҳобатини кўрсатиб турибди. Аврангзеб, айникса, ўзининг муҳташам ва қулай меъморий иншоотлари билан шуҳрат козонди. У ҳокимиятга келгунга қадар кўлига курол олиб, Декан шаҳрида ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун курашиши керак эди. Бу жанглар ҳам мўғулларнинг аввалги вайронагарчилик урушларидан фарқ килган. Бундан кейин Аврангзеб ўз зиммасига жуда кўп ижтимоий вазифалар олди, бу оркали ўзи эришган заминни қўлда саклаб туриш иктидорини кўрсатди, уруш оқибати туфайли ишсиз колганларга иш берди. Шунинг баробарида кўплаб буюк иншоотлар: масжидлар, сарой ва хонакоҳлар курдирди. Бу бунёдкорлик бир францууз ёзувчисининг тъбирича, ҳалк учун маҳобат манбаи нима эканини кўрсатди.

Шунингдек, бу қудрат ва маҳобат ҳакиқатан ҳам буюк бобурийлар салтанатига бетимсол улуғворлик келтирди. Лекин ҳинд жамияти шундай қурилган эдики, хукумат бошлигининг шуҳрати ва унинг худудининг кенглиги муҳим эмас эди. Буюк бобурийнинг бойлиги ва ажойиблиги уни соликдан бутунлай озод қилмади. Аксинча, секин-аста соликлар ортиб борди. Акбардан аввал ўтган Шершоҳ Сурий, масалан, ҳосилнинг тўртдан бирини талаб килди. Акбаршоҳ ҳамма кичик соликларни бекор килиб, ягона солик тизимини барпо қилди. Ишлаб чиқарувчилар билан солик йиғувчилар орасида ўртачи амалдорлар пайдо бўлмаслиги учун масъул бўлган амалдорлар тизимини шакллантирди. Мусулмон амалдори билан ишлаш ёки ўз жамоатидаги амалдор билан яшашдан осонрок бўлганми билмадик, бирок бундан конуний солик ва унинг хукуматга тез етиб бориши ютди. Акбаршоҳ даврида мусулмон амалдорларининг сони орти, сипоҳсолор ёки субадор (волий – тарж.) каби янги мувовинлар белгиланиб, уларга лозим бўлганда уруш очиш ва ўлим жазосига хукм килиш хукуки берилди. Акбаршоҳ улкан мамлакатни 12 худудга бўлгани каби бундай субадорлар сони ҳам 12 га етказилди. Шу билан бирга субодар ёнида қўшимча вазифалар жорий килиндики, бу вазифаларга кўпроқ киборлар тайинланди. Акбаршоҳ тамойилига кўра, киборлар жамиятини сақлаш ва уларнинг мамлакатдаги обрўсини ошириш лозим бўлди. Куръонга кўра, ҳиндлар коғир бўлса-да, уларга нисбатан раҳмли бўлиш талаб этилганди. “Оламнинг яратувчиси, – деб ёзди Акбаршоҳ ўз китобларида, – подшоҳларга шуни ишониб топширдики, улар ўз ҳалқини саодатли қилишлари ва айникса, таникли оиласарнинг номуси ва шуҳрати ҳакида қайгуришлари лозим”. Бундай дунёкараш, кўринадики, ҳиндлар учун эътиод муҳим саналгани каби улар рухига мос келар эди. Кузатилишича, ҳар ҳолда ҳалқ энг яхши мусулмон хукмдорига қарши чиқмаган, қайсики, аввалги хукмдорлар пайтида содир бўлган телбаларча исёнлар бўлмаган.

Ҳалкнинг аклий ривожи Акбаршоҳ олдида юкори бўлмаганини шу нарса тасдиқлайдики, Акбаршоҳ томонидан янгитдан олиб кирилган гоялар ҳам етарли тушуниб этилмаган. Акбаршоҳ (1605) ҳакиқатан даҳо (гениал) кишилардан эди. Унинг ҳолати ўзининг эркин ниятларини тўлиқ амалга оширишга имкон бермаса-да, у ўз аклий қудратига яраша ишлар килиб ултурди. Муҳаммад ва Пайғамбар ворисларининг қонунлари асосида тарбияланган Акбаршоҳ исломда ҳаётнинг бутун кулагайликларини кўрди, ўз фалсафий мулоҳазаларини кенгайтириш оркали дору-р-роҳат

үйлари – ибодатхоналар курмоқчи бўлди. Халкнинг диний эътиқоди юкори эканини англаб, Акбаршоҳ уни қондириш мақсадида роҳиб Францис Ксавье насронийликни тарғиб килса ҳам уни қўл остида узок саклади, унинг сўзларига кулоқ тутди, гарчи бу сўзлар унга ёқмаса ҳам ўз мамлакатида унинг томонидан насронийликни тарғиб этилишига қарши турмади. Турли динлар тарихини яхши билган ва ўз эътиқодида событ Акбаршоҳ деистик характердаги ўз диний тизимини яратди¹. У ўзини Худонинг ердаги элчиси деб атамади ва ўз қарашларини акла мувофиқ келадиган тарзда расмийлаштириди. Унинг таълимотига кўра, дунёни улуғ Аллоҳ бошкаради, унга ҳар ким ўз фикри ва ҳаракат йўли билан интилади. Бу Илоҳ ташки жиҳатдан алоҳида диний кўрсатма талаб килмайди: Унга эътиқод доимий равишда кундалик ҳаётда бўлиши ва ўзининг шахсий манфаату қизикишларини инсониятга бағишилаши лозим. У ўз таълимотини Ҳиндистон бўйлаб ёймокчи бўлди. Бирок на мусулмон, на браҳман уни тушунмади. Ҳиндларнинг диний эътиқодлари аллақачон шунга келиб қолган эдик, унга қандайдир аклий турғунлик керак эди. Фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, ўз эркин аклий тараққиёти давомида турли тўсикларга учраган хиндлар гўёки зоҳирлан бирор диний шакл билан чекланиб қолишлари мумкин эмас эди. Ов қилишни хоҳламай, ҳалқнинг маънавий тараққиётини ўйламай факаттинга одатдаги урфларнинг бажарилишини кузатиб юришга ўрганган, тантанавор маросимларга ўч ва курбонликлар қилишга саховатли браҳманлар ҳалқнинг маънавий тараққиётини ўйламас эдилар.

Бундай мамлакат ва ҳалқ орасида Акбаршоҳга ҳар қандай зўрликлардан холи бўлган динни белгилаш лозим кўринди, чунки подшоҳ зулмни истамас эди. У қандайдир истисно қилиб, ўз эътиқодига сипоҳийларча денгиз ва оловни киритди, бу билан унинг дини кўринарлирок бўлди. Бирок бу эътиқод Акбаршоҳнинг ўлими туфайли кенг ёйилмасдан тўхтаб колди.

Худди Акбаршоҳ каби бир қанча подшоҳлар Ҳиндистонга жалб қилинди. Лекин бобурийларнинг ҳолати бундай Ҳиндистон каби мамлакатда ва унинг аҳолиси ҳинд ҳалқига нисбатан ҳasad қилишида эди. Акбарнинг давомчилари ҳалқнинг фаровонлиги ҳакида кам бош котирдилар. Уларнинг инжикликлари ҳатто сулҳпарвар хиндларни ҳам қарши ҳаракаттага чорлади...

Буларга қарши ўзини саклаб қолиш сақфи табиати бўйича ҳам ниҳоят қуролланишга олиб келди. Ҳиндларнинг қанчалик шахксизлантиришларига қарамай, уларнинг ҳаётга бўлган муҳаббати зулмларга қарши чикишга олиб келди. Файри юртлардан келганларнинг боскини мамлакатни камбағаллаштириди, вазиятдан чиқиши учун қилинган ҳаракатлар ўз ҳукуматининг сусайишига ҳам сабаб бўлди. 1739 йили форс шохи Нодир бобурийлар салтанатини бутунлай талаб, Аврангзеб ўғли Мухаммад XIV га мерос килиб колдирган таҳтни ўғирлади. Унинг Деҳлини талаб, олиб кетган ҳазиналари орасида шундай улкан ўлжалар бор эдик, уни факат тарихгина эсга олади. Бошқа турли ашёю анжомлар орасида Деҳлидан олиб кетилган ва ҳозирга қадар Техрон саройларини безаб турган таҳт тоғуснинг каноти тарзида бутун биллур ва қимматбаҳо тошлардан ишланган эди. Ўлжани эгаллагач, Нодиршоҳ ўша ондаёк Ҳиндистондан жўнаб колди, лекин унинг боскини бобурийлар салтанатини ларзага солди,

¹ Акбар (1542-1605) маъмурий ўзгаришларни амалга оширишдан ташқари, ўз вазири Абул Фазл билан бирга бутун Ҳиндистон учун умумий бўлган ҳиндувийлик, зардуштийлик ва ислом, ҳатто насронийлик элементларининг эклектик йигиндиси асосида дин яратишга эриши.

халқнинг сабр косасига қуйилган сўнгти томчи бўлди. Бу воқеалар, яъни ҳокимиятнинг сустлашувидан, биринчи навбатда, Марказий Хиндистонда Аврангзебобод билан Берар ўртасида яшовчи маратхалар фойдаланиб колмоқчи бўлдилар¹. Бу қавм доим ўзининг жохил ва ғазабноклиги билан ажралиб тураг, Дехли султонлари уларни батамом йўқотиб улгурмаган эди. Улардан бири, ўзининг кенг фикри ва амалдаги чакконлиги билан ажралиб турувчи Сивожий² маратхалар ҳокимиятининг асосчиси эди. Унинг даврида кучли Маратха давлати Хиндистондан ажралиб чикиб, мустақил давлатга айланган ва шу билан буюк бобурийлар салтанати нураб борган эди. Ўша вактда ўзини Низомулмулук атаган Шайд Кулихон Ҳайдаробод давлатини тузди³. Бирмунча кечрок Ҳайдар Али⁴ Мисор салтанатини вужудга келтирдики, бу давлат унинг ўғли Тиббу Соиб давридан асримиз бошигача гуллаб-яшнади. Бу барча хайратланарли воқеалар кучли урушлар туфайли юзага келиб, ҳукуматлараро урушлар ярим оролни хароб килган эди. Бундай бошбошдоклик даврида хинд халқи изтироб чекди, бир ҳокимиятдан иккинчисига ўтиб таланди, ўзига енгиллик тилади...

Инглиз-хинд компанияси қиролича Елизавета томонидан 1600 йили таъсис этилган эди. Инглизларнинг биринчи савдо ўчоги – Хиндистоннинг гарбий соҳилидаги Сурат шаҳри 1611 йилда барпо қилинди. Сўнгра фактория (компаниянинг бир кисми – тарж.) 1654 йили Мадрас шаҳрида ва 1664 йили Бомбайда ташкил қилинди. Бу даврлар орасида инглиз савдо компанияси алоҳида кенгайиб борди, Сурат шаҳридаги фактория Агра султони Шоҳ Жаҳонга ўз элчилигини юборди. Бу элчилик ичida шифокор Боуфтон ҳам мавжуд бўлиб, у султон кизини ўлимдан сақлаб колгани учун алоҳида эъзоз топди. Бунинг учун Шоҳжаҳон эркин савдо қилиш ҳукукини берди. Бу ҳукукини Боуфтон ўзигагина эмас, компанияга тегишли билиб, фурсатни бой бермай, Бенгалиянинг Ганг соҳилидаги Гугли шахарчасида савдо конторасини очди. Кейинроқ бу ерда Калькутта шаҳри ҳам кад ростлади.

Шундай килиб, Хиндистоннинг икки қарама-карши кутбида жойлашиб олган компания мамлакат ичкарисида ўз ҳаракат доирасини кенгайтира борди. Компаниянинг маблағи у кадар кўп эмас эди, шунинг учун у бутун Хиндистонни эгаллашни орзу қилмаганди. Ташкилотнинг бутун сармояси ҳар бири 50 фунтли акцияларга эга бўлиб, унинг қиймати 40 минг фунт стерлингдангина иборат эди. Бу маблағ билан компания ўша пайтда Дехли султони бўлган Аврангзеб замонидаги мавжуд голланд ва француз компаниялари билан рақобат қила олар эди холос. Баҳтга қарши, компаниянинг айrim аъзоларининг ҳаракати туфайли султон билан қарама-каршилик келиб чиқди. 1690 йили Аврангзеб қўшинлари компаниянинг барча факторияларини эгаллаб, уни тарқатиб юборди⁵. Подшоҳ компания чиновникларини занжирга солиб, Бомбай кўчалари бўйлаб бадарға қилдири. Вазият кескинлашгани туфайли Сурат шаҳридаги элчилик

¹ Бобурийлар ҳукуматининг сусайишига сабаб афғонлар, маратхалар, сикхлар каби турли ҳаракатлар натижаси здики, улар орасида қисман бўлса-да, галабага эришганлари маратхалар ва сикхлар бўлди.

² Сивожий (Шивожий) (1627–1680) – маратхалар давлатининг асосчиси.

³ Декандаги бобурий ҳукмдор Чин Қиличхон (Низомулмулук исми билан ҳам машхур бўлган) 1724 йили ўзини Ҳайдаробод ҳукмдори деб эълон қилган.

⁴ Ҳайдар Али (1728–1782) – Хиндистонда Майсур вилояти ҳокими.

⁵ 1685 йили инглизлар 10 кемадан иборат экспедиция ташкил қилиб, Хиндистоннинг гарбий соҳилига қўшин туширди ва мамлакат ичкарисида бир неча жанглар орқали аҳолига дахл қилди. Бунинг натижасида эса инглиз факториялари тарқалиб кетди.

Аврангзеб олдига ўз вакилларини юбориб, узроҳлик қилдилар. Аврангзеб элчиларни занжирбанд килдириган ҳолда қабул килиб, уларни тавбасига таянтириб, таъзим қилиб подшоҳдан кечирим сўрашликтин буюрди. Ниҳояда эса компанияни кечириб, унинг аввалги имтиёзларини кайтарди, инглиз компаниясидан жабр кўрганларнинг йўкотган чикимларини мукофот оркали қоплаб ҳам берди. Савдо компанияси ишлари янада жонланди.

Ўттиз йил ўтгач (1726), компания Дехлига ўз янги элчиларини юборди, унинг таркибида санъаткорлар бўлгани учун бу миссия муваффакият қозониб, подшоҳ билан сұхбатлашиш шарафига эришди. Подшоҳни даволаган Компания шифокори доктор Гамильтон туфайли инглизлар учункада: Бомбай, Мадрас ва Калькуттада маҳкам ўрнашиб олдилар...

Шундай қилиб, инглиз компаниялари Ҳиндистонда ўз сўзини айта бошладилар. Асрлар давомида кулликка кўнинкан ҳалқ улар ерига ўрнашиб олган “маърифатли” компаниялардан норозиликларини секинасталик билан ифодалай олдилар. Агар Ҳиндистонда китоб чоп этиш йўлга қўйилган бўлса ҳам, хинд браҳманларининг китобларини чоп этиб, ҳалқни чалғитиб турганига қарамай, Англияning охир-оқибат мақсади маърифат ва цивилизация эмас, балки хусусий эгалик қилиш экани маълум бўлиб колди. Аввал хинд амалдорлари инглиз компанияларидан норози бўлган бўлса, энди амалдорлардан кейин ҳалқ бу норозиликка қўшила борди. Ва ниҳоят у компания ва ташкилотлардаги инглиз бошқарувининг башарасини кўриб, унга қарши исён кўтарди...

Асрлар давомида юқори доираларга қурбон бўлиб келган баҳтсиз авлодлар энди бундай ваҳшатларга барҳам бермоқчи бўлди. Бу қўзғолондан уйғонган хинд ҳалқига энди кийин бўлади. Бундан кейин исённи бостиргач, инглиз цивилизацияси Ҳиндистонда узоқ йиллар ҳукм суриб, унга раҳбарлик килмоқчи бўлади. Англияning ўзида ҳам Ост-Индия компаниясига муносабат ўзгаради. Энди унинг вазифаси ҳалқни маърифатли қилиш эмас, балки эксплуатация қилиш эканини ҳар ким тушуна боради. Буни сезган ва Ҳиндистонни бошқармоқчи бўлган инглиз давлат одамлари шуни тушунишлари керакки, Ҳиндистон Англия томонидан инглизлар учун эмас, Ҳиндистон учун ҳиндлар томонидан бошқарилиши лозимdir.

Энди сипоҳилар қўзғолони туфайли инглизлар орасида қандай шовшувлар кўпайган бўлмасин, митинг ва парламентларда Ҳиндистонда ҳукуматни сунистемол қилган инглиз бошқаруви ҳакида сўз боради. Лондон газеталарида Англия ҳукуматига эътиrozли мақола ва хатлар босилиб турибди. Бу қадар кучли тўлкинлар давлат ва жамият камчиликларини очиқ айта бошлагани каби Англияning буюк кучидан дарак бермоқда. Ўзининг давлат бошқаруви давомида кўплаб камчиликларни яшириб келган жамият овози энди баралла эштила бошланди. Эҳтимол, бу жамоатчилик қарашлари Ҳиндистонга ҳалқнинг эҳтиёжларини ҳисобга олишда, сўнгиз божлар ва соликларнинг камайишига ёрдам бериши мумкиндири. Ва ўшанда, албаттга, Ост-Индия компаниясининг кучли экани ўз тасдиғини топар ва ана ўшандагина тамаддун сари бошқаруви кўлдан-кўлга ўтиб боришини таъминлаши мумкин бўлади.

“Современник”, 1857. № 9.



QIYOS VA TALQIN



Рустамжон УММАТОВ

БОБУР ВА НАПОЛЕОН

(эсседан боблар)

ДАФН ВА ҚАТЛ ГУЛХАНЛАРИ

Тириклайн ёндиришган аёллар. Искандар

Зулқарнайининг мутаассирлиги.

Инквизициянинг Ҳиндистондаги одамкуши ханжари.

Ҳиндистон – ниҳоятда ўзига хос, ҳатто ақл бовар килмас гаройиботлар ва анъаналар мамлакати: гоҳ куласиз, гоҳ ёқангизни ушлайсиз, гоҳ дахшатга ҳам тушасиз. Ҳиндлар девдай филни елпигичнинг чўпи билан бошқара оладилар, дengiz тубидан маржон топиш, лаъл тусли лакқа чўғ устида оёқяланг юриш, захрининг зарраси арслонни ўлдирадиган илондан раккос яратиш ҳам уларга чўтмас. Аммо шунақанги урф-одатлари ҳам борки, бунақасини бошқа халқларда топиш кийин. Чунончи, катхиёвар, жажхар, сати ва ҳоказо...

* * *

Сати қачон ва қандай урфга айлангани ҳакида тарихан муким фикр айтиш мушкул. Фақат ривоятлардан хulosса чиқариш мумкин. Маъбуд Дақшаражапатининг қизи Сати маъбуд Шивани севар ва иккови турмуш куриб, баҳтли яшар эдилар. Қайнота бу никоҳга қарши, нуфузи тобора юқалиб бораётган куёви Шивани ёмон кўрарди. Кунлардан-бир кун Дақшаражапати катта зиёфат бериб, унга казо-казоларни, калон-калон зотларни таклиф этди, фақат кизи ва қўёванигинча чакирмади. Шундай бўлса-да, Сати эрига ёлвориб, бирга боришига кўндиради. Таассуфки, бу ташриф қайнотага ёқмайди, қўёвани хўрлайди, ёмон сўзлар билан ҳакоратлайди. Суюкли ёрининг бунчалар оёқости килинишига чидолмаган Сати ўзини оловга ташлайди. Шива унинг ортиданоқ аланга ичига интилади, лекин аёлнинг куюқ мурдасинигина олиб чиқади. Жононидан жудо этилган йигит қоракўнгил қайнотасини қаҳр устида шартта чопиб ташлайди...

Ривоят бу билан хотималанмайди, унинг якуни бир неча варианtlарда талкин қилинади. Ўша-ўша эрини деб тириклайн ўзини ўтда куйдириш ҳинд аёли учун муҳаббат ва садоқат рамзига айланиб, сати номини олган эмиш.

“Махобхорат” эпосида эрамиздан аввалги 400 йилда содир бўлган сати гулханлари ҳакида маълумот бор. Санскрит тилидаги “Ригведа”

(мадхиялар мажмуаси) китобида эса 30 аср бурун эри билан бирга ёндирилган аёллар тилга олинади. Аммо у пайтларда сати зодагонлар оиласидагина амалга ошириларди.

Александр Македонский эрамиздан аввалги 316 йилда шундай воеанинг устидан чиккан: икки кундош марҳум эрининг дағн гулханида ёнмоқ хукукини талашиб турган экан. Бу юонон саркардасида чукур таассурот қолдирган ва бундай холат Ҳиндистонда тез-тез учрашини таъкидлаган.

* * *

Жаҳон тарихида алоҳида ўрин тутувчи буюк хукмдорлардан йигирма бир нафарининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида М. А. Лятскийнинг китоби бор (М. А. Лятский. Великие мира. Петроград, 1915 г.) Муаллиф Жалолиддин Ақбар тўғрисида ёзаркан, шуни таъкидлайди:

“У (Ақбар) 1587 йили бева қолган ҳинд аёлларининг дағн гулханида ёндирилишини тақиқловчи фармони олийга имзо чекди...”

Аврангзеб саройида бўлган Франсуа Бернье бевалар учун жаллод болтасига айланган 17-аср дағн гулханлари ҳақида кенг маълумот беради. Шуниси ишончлики, муаллиф бу фожиаларнинг деярли ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган ва ёзган:

Шайтоннинг измидаги бир аёл бўйдоқ қўшини билан дон олишиб қолади. Жазмани чевар бўлиб, чилдирма ҳам чаларди. Маъшуқа эрини заҳарлаб ўлдиради ва ҳамсояни холи топиб, ниятини изҳор қиласди:

– Сенинг йўлингга юриб, шу ишни қилдим, энди икков олисларга қочиб, ҳаловатда яшайлик. Агар тезроқ қочмасак, ҳали-замон мурдага қўшиб, мениям ёқиб юборишади.

Чилдирмачи-ошиқ жусвонни қанчалик севмасинки, қотилга шерик бўлишни асло хоҳламайди.

– Нима бўлсанг – ўзинг бўл, лекин мени бу жисноятга аралаштирма! – чўрт кесади у.

Чорасиз хотин ортиқча сўз демаса-да, кафтига туфлайди-қўяди ва ота-онасига эри тўсатдан қазо қилганини, ўзи дағн гулханида куймоқчи эканини айтади. Қизнинг мардона аҳди оила учун обрунинг каттаси ҳисобланарди. Хандақ кавлаб, ўтин-чўп ташланади, гарам устига марҳумни ётқизадилар, ифорли мойлар, сандал тараашаси кукунлари сепилади ва гугурт чақилади. Хандақни куршаган издиҳом марҳум эр ва унинг фидоий хотини ҳақига дуолар қиласди.

Ўзини ўлимга чөвлаган қотил маъшуқа олов гурлагач, даврадаги яқинлари билан бирма-бир видолаша бошлайди. Машюқлар орасида чевар қўшини мусиқа чаларди. Аёл у билан ҳам хайрлашмоқчи: жазман чилдирма чўпини қўйиб, хотинга қучогини очди.

– Алвидо! – деди аламзада маъшуқа ва йигитга маҳкам чирмашди-да, уни ҳам чуқурдаги оловга судраб кетадилар...

– Ўзим кўрган дағн гулханлари даҳшат эди, уларни айтаб адo қилолмайман ва шуни ҳам ўйлайманки, менинг битикларимга Европада бирор ким ишонадими-йўқми? – ёзади Франсуа Бернье.

Аҳмадободдан Аграга бораётган карбонимиз кичик қишлоқда тўхтади. Кун ниҳоятда иссиқ, кечгача салқинлаб, оқшомда йўлга тушимоқчи

бўлдик. Марҳум эри билан куйдириладиган 12 яшар (!) келинчакнинг хабари келди. Олов ёниб турибди, унинг ёнидаги норасида жусвон титраб-қақшайди, хуни бийрон йигламоқда. Уч-тўрт браҳман билан бир кампир бечорани ўтга итариадилар, кейин оёқ-қўлини чилвирлаб, аланга устига ўтиргизадилар ва шўрлик додлаганича ёниб кетади.

Кези келганда шуни эътироф этмоқ лозимки, Ҳиндистонга инглизлар кириб келгач, сатига қарши кураш кўлами янада кенгайди ва ҳинд маърифатпарварлари ҳам бунга кўшилдилар. Жюль Верннинг “Дунё бўйлаб 80 кун” романидаги сатининг бориб турган ваҳшийлик экани жуда ишонарли тасвирланган.

Ўн тўққизинчи асрда Бхаратенду Ҳаришчандр, Дин Бандху Митра, Бонкимчандра Чаттержий, Мадху Судан Датт ва бошка ёзувчилар хурофотларга қарши ўт очишган. Бхаратенду Ҳаришчандр (1850-1885) аёллар учун махсус “Банабадҳини” номли журнал ташкил этди. Унда эри ўлгач, ўзи ҳам қатла маҳкум жувонларнинг мусибати тез-тез тилга олинарди. 1828 йили ташкил топган “Браҳма Самож” жамияти, кейинчалик Тагор, унинг отаси билан бобоси, шунингдек Ганди сингари ҳалқнинг улуғ даҳолари сати аксилиансоний ҳодиса эканини далиллашди. Замонавий ҳинд маърифатпарвар адиллари ўша кўхна курашни ҳамон давом эттироқдалар.

1889 йили сатини ўз кўзи билан кўрган англиялик журналист Жон Фрестер шундай ёзади:

— Бу Банорас шаҳрига яқин қишилоқлардан бирида содир бўлди. Ўтга ташланадиган жувоннинг ўн гулидан бир гули очилган эмас, ёши йигрма саккизда. Коҳин унга қандайдир ичимлик берди, чамаси у оғриқни камайтиrsa керак. Шўрлик қиз фарёд уриб, қочмоққа уринди. Лекин оломон бунга йўл кўйгани йўқ. Бир кампир унинг сочларидан тутамлади, икки йигит кўлларини қайирди. Маҳкума ҳарчанд қутулишга интилмасин, қариндошлири беражмлик билан уни мурда тарафга судрайдилар. Боз устига коҳин сакраб турди-да, бечоранинг бошига кўлидаги таёқ билан солди.

Кўз олдимдаги қотилликка ақлим ишонмасди: мен даҳшатли фильм кўраётганим йўқми? Жону дилим билан бевага ёрдам берсан дейман, лекин мутаассиб оломон йўл қўядими? Шу аснода аёлни марҳум билан ёнма-ён боғладилар. Кимдир гугурт чақди. Таёқ зарбидан беҳуши мазлума дарҳол ўзига келди. У жон аччиғида шундай дод солдики, бу оҳу зор ҳатто ногоралар гумбуруни ҳам босиб кетди. Аланганинг қип-қизил тили тирик инсонга чанг солди, у жонли оловга айланди. Ўтинга хушибўй нарсалар сепилган дейшиди, лекин күйиндининг кўланса ҳидидан беҳуши йиқилаётдим. Бундан ҳам даҳшатлиси шундаки, дағи гулханининг кулини коҳинлар таомига кўшиб берар экан. Айтишларича, бу билан гуноҳкор бандалар боқий дунёга покланиб кетармиш...

Ҳамма ерда ҳамхобидан жудо бўлган мотамзадаларга ҳамдардлик билдирилиб, кўнгил сўралса-да, хинкларда нега бундай? Неча юз йиллардан бери сатига қарши курашилгани ҳолда, нима учун бу мудҳиш ақида ҳамон барҳам топмаяпти?

Бунинг иккита муҳим сабаби бор дейиш мумкин. Аввало, хиндуизм мутаассиблари бевани ёндирилмаслик – гуноҳи кабира деб оёқ тираб олишган. Иккинчи омил шуки, бутун мамлакатда, алалхусус, кишлоқ жойларда эрсиз қолган аёлларнинг ҳаёти нихоятда аянчли, улар факат ҳазар ва

ҳақоратга маҳкум. Илгариги замонларда бу баҳтикароларнинг сочлари қириб ташланган, оқ кўйлак кийиш, зеб-зийнат тақиши уларга мумкин-мас. Тул хотин факат бугдой нон ва гуручли таом ейишга ҳақли, башарти, бошка егулик истеъмол қилса, жазо мукаррар. Эл уни тирик мурда деб билади, ҳаёт кувончларига, ҳатто ташвишларига ҳам йўлатмайдилар. Эрининг бошини еган деб, баҳтсизлик тимсоли саналувчи бундай бечораларга тўйхоналар эшиги ёпиқ, байрамларга йўл бўлсин, унақалар янги туғилган набирасини ҳам оғушига ололмайди. Кўчада кетаётган баҳтиёр йўловчи бирор бевани кўриб колса бас, таъби тиррик бўлади. Чунки, бу ёмонлик аломати-да. Бева ташқарига чиқмагани, ерда ухлагани маъқул, диванда ётиш ҳам тақиқланади. Тул хотин эр зоти билан, ҳатто ўғиллари билан ҳам сўзлашолмайди. Бева қайта турмушга чиқадими? Йўқ, албатта. Аммо айни муаммода ягона истисно бор: аёл марҳум эрининг туғишган инисига тега олади. Шундагина уни оловга тириклийн улоқтиrolмайдилар.

Юқорида тилга олинган Жон Фрестернинг ёзишича, 2001 йили қишлоқлардан бирида шунака бўлган ва эрнинг укаси бева кеннойисини никохлаб олган. Икков уч йил бирга яшайдилар ва таассуфки, иккинчи эр ҳам дунёдан ўтади. Сатига бир карра чап берган ва манглайига баҳтсизлик тамғаси тушган хинд аёли энди қазодан кочиб кутулолмайди. Бир неча йил бурун Малегаономда (Марказий Ҳиндистон) эри ўлган жувон ўзини осиб кўйибди. У дафн гулханида куйишга кўнмаган ва ота уйига қайтгач, қисматидаги таҳкирларга чидашга мажбур. Унинг онаси тунда кўрсаки, бева қизи ердамас, каравотда ухлаётган эмиш. Бояқиши дархол уйдан кувилади, аммо каерга борсин? Ноилож кўлидаги аркон билан бокка чиккан...

Эри ўлган бошқа бир жувон кўзгуга қараётган экан. Бу “кори бад”ни опалари кўриб қолади: икков уни уриб-тепкилайдиларки, баҳтиқаро сингил ўлар холатга етади. Олис тарихда эмас, 2006 йили Ҳиндистонда содир бўлган бу воеанинг боиси шуки, “эрнинг бошини еган” хотин зоти ойнадаги аксига бокишига ҳам ҳақли эмас...

Бобурийларгача Ҳиндистон тарихида сатига қарши кимдир курашгани ҳакида бирор маълумот топиш амри маҳол. Демоқчимизки, тирик инсонни мурда билан ёндиришдай жаҳолатга барҳам берилиши энг аввало Бобурийларнинг саъи-харакатлари самараси эдики, бу ҳам буюк сулолага муносиб эзгулик ва тарихий хизматдир.

* * *

Европада катл гулханлари “ижодкори” бўлмиш инквизиция суди қачон вужудга келди? Бу саволнинг жавоби баҳсли ва турли-туман. Тадқиқотчилар ҳар хил саналарни кўрсатишиади: 1198–1230, 1184–1252, 1198–1216, 1227–1241 ва ҳоказо йиллар. Лекин шуни бемалол айтиш мумкинки, инквизиция жаллодларининг одамкуш ханжаридан камида олти аср муттасил кон томиб, сон-саноқсиз инсонларнинг умрига зомин бўлди.

Инквизиция чақимчилари ҳар ерда ҳозир: 14 яшар болалар, 12 ёшлик қизлар ҳам бу ирkit хизматга жалб этилаверарди. Сехр-жоду ё фолбинликда, роҳибни танқид қилишда ё файридин билан дўстлашувда, черковга қарши чиқишида салгина шубҳа туғилса бас, у энди омон қолмайди. Ҳомиладор аёл ҳам, мўйсафид кария ҳам, ҳатто норасида гўдак ҳам аյб ўтирилмайди.

1597 йили Гельнгаузенда (Германия) 67 га кирган бева Клара Гейслер хибсга олинган. Чакув тушганки, кампир жодугарликда, чунончи, бир эмас, учта жин билан ишрат қылганликда айланади. Ваҳоланки, бундай куракда турмас жиноят гумондорнинг етти ухлаб тушига кирганмас, бориб турган бўхтон. Уни кийнокка соладилар, исканжа қисувидаги сүяклири қисирлайди. Оғриқ азоби хилвиратган аёл ахийри “қилмишлари”ни бўйнига олиб, инквизитор козилар уйдирмасидаги ушбу “туноҳлари”га икror бўлади:

— Мен қирқ йил давомида кўплаб иблислар билан муттасил зино қилдим. Улар ётогимга им ва мушик ёки қурт ва каналар қиёфасида кириб келишарди. Шайтонлардан 17 фарзанд орттиридим ва болаларимнинг барини ўлдириб, гўштини едим, қонини ичдим. Шунингдек, 240 кишининг аянчи ҳалокатига сабаб бўлдим, улар орасида ёшлар ҳам, кексалар ҳам бор эди. Ўттиз ё қирқ йил давомида кенг минтақада бўронни қутуртиридим, афсун билан олов ёндириб, тўққиз марта ўйларни кулга айлантиридим. Ўзим турган шаҳарни ёнгин домига топшириб, батамом яксонламоқчи эдим. Бироқ Бурсиан исмли иблис розилик бергани йўқ. Унинг айтишича, ҳали бу шаҳардаги бир талай қиз-жувонларни жодугарга айлантишиши ва улар унинг йўлига юриб, шайтонга эътиқод қилишлари керак экан...

Клара Гейслернинг икрорномаси шу нуктада узилиб қолган. Чunksи, терговда жаллодлар кийноғидан шўрлик аёл ўша аснода жон таслим килган.

Инквизиция пичогини қайраб, уларнинг котилликларига қонуний тус берувчи кодекслар ҳам талай. Шундай “низом”лардан бирининг муаллифи Антониу де Соуза (Португалия, XVII аср) эди. Соуза жаноблари ёзади:

“Инквизиторлар императорларни, қиролларни ва дунёвий ҳокимиятнинг барча-барча вакилларини жиноий жавобгарликка тортиши ҳукуқига эга.”

Яъни, инквизиция подшоҳлар устидаги подшоҳ бўлиб олганди. Шу боис, ўрта аср арбобларидан бири Рим папаси бошлиқ бу трибунал ҳакида шундай деган:

“Менинг ҳаётим мудом даҳшат тазиикуда. Хоҳ сўзлаган чогим, хоҳ ҳат битар чогим – ҳамиша қўрқувдаман. Ўзим билан гаплашаётib ёки хаёл сурган дамларимда... ҳатто сўкут сақлаганимда ҳам ҳадиксираб турман.”

Инквизиция қўлидаги “қонуний” асослардан бири “Такиқланган китоблар индекси” эди. Бунинг учун 1571 йили маҳсус ҳайъат тузилиб, у то 1917 йилга кадар фаолият кўрсатди ва ўқиши гуноҳ саналган “шайтоний” адабиётлар рўйхатини мунтазам нашр этди. Индекс 17-асрда 3 марта, 18-асрда етти марта, 19-асрда 6 ва 20-асрда 12 марта чоп килинган. Унда китоблар сони муттасил ошиб борарди. Масалан, 1900 йили 7200 та бўлса, 1948 йилда 8000 дан зиёд эди. Галилей, Кеплер, Коперник, Паскаль, Вольтер, Руссо, Спиноза, Лейбниц, Кант, Бэкон, Гоббс, Локк, Милль, Сартр, Дефо, Дюма, Стендаль, Бальзак, Гейне, Гюго, Золя, Мильтон сингари буюк олим ва файласуфларнинг, шоир ва ёзувчиларнинг асарларини мутолаа қилган ҳар қандай одамнинг калласи кетарди. “Такиқланган китоблар индекси”ни нашр этиш 1966 йилдагина барҳам топди.

Инквизиция гулхани Европа ҳудуди билан кифояланиб қолган эмас. Бу ўт балоси мустамлақачи ҳарбийлар ва миссионерлар тимсолида Америкага, Африкага, Ҳиндистонга, ахийри, бутун дунёга тарқади...

Бобур ва Бобурийлар бева аёлларнинг ёстиини қуритаётган дағи гулханларига карши кураш бошлаган чоғи Европадаги катл гулханлари Ҳиндистон соҳилларига ҳам ҳамла килди. Дўппидайгина Португалия 16-асрда курдатли колониал империяга айланган эди. Васко де Гама ва бошқа истилочилар шарқ сари сузуб, ҳатто Хитойгача етиб бориши. Ҳиндистоннинг ғарбий кирғоғидаги Гоа князлиги португалияликларнинг штаби бўлиб, колониал ҳокимият ва католик миссионерлар шу ерга уя кургандилар. Улар мусулмон, ҳинд, будда ибодатхоналарини вайрон килибгина қолмай, аҳолини мажбуран католиклаштира бошладилар. Кимки кўнмаса, унга раҳм килмайдилар. Алалхусус, испаниялик Франсиско-Ксаверий пешволигидаги иезуитлар ниҳоятда кутуриб кетишганди.

Гоада 1561 йил инквизиция трибунали тъисис этилди. Бу маҳкама кимнинг пайига тушганди? Ҳиндистонликларнинг, барча ўзга дин вакилларининг, айниқса, мусулмонлар ва бой-бадавлат кишиларнинг шўрини куритарди, албатта. Бу Ақбаршоҳ замони эди. Биламизки, Буюк Ақбар диний бағрикенглик байроқдори бўлиш билан бирга, бева ҳинд аёлларининг марҳум эри билан ёндирилишига дил-дилидан қарши курашган. Шундай шароитда Гоа ва унинг теварагидаги аҳолининг дахрийлиқда айбланиб, тириклайн оловга улоқтирилиши дард устига чипкон бўлди.

“Гоа инквизиция трибунали қонхўрликда испан ва португал жаллодларидан илдамлаб кетди”, деб ёзади француз тарихчиси Ж. Лаваль.

Бирок 1579 йили Ақбар Гоадаги европалик инквизиторларнинг асл мақсади ва хунхўрлигидан ҳали ҳабарсиз эди, саройига келган уч иезуитни яхши кабул қилди, уларнинг ибодати учун шароит ҳам яратиб берди. Ҳатто иезуитларнинг пасха байрамида катнашди (Р. Аквавива ва Монсерратенинг кундаликларида Ақбаршоҳ ҳакида мухим маълумотлар бор.)

Энди буни қаранг – Ҳиндистондаги Сати гулханларига илк ва ҳал киувчи зарбани Бобурийлар урганларидек, Европада инквизиция оловига барҳам берилиши Наполеон Бонапартнинг хизмати эди. Португалияда “муқаддас” козилар террори Наполеоннинг генерали Жюно Лиссабонни фатҳ этгунича (1808 йил) давом этди. Қирол Жоан Олтинчи аркони давлати билан ватанини ташлаб, Бразилияга қочиб кетди. Француздар Португалиядаги тараққийпарвар кучларнинг қувватлашига ишонган ҳолда инквизицияга барҳам беришди. 1789 йили Буюк француз инқилобини инквизиция найза билан кутиб олганди. Испанияга Франциядан ҳатто китоб ва газета келтириш ман этилганди. Лекин Наполеон бостириб кирганда, унга сотилган ҳам Испания инквизиторлари бўлди. Мадриддаги аксилфранцуз қўзғолони чоғи Наполеонни ёқлаб прокламация чиқарган ҳам бебурд инквизиция эди.

Ҳолонки, омад куши кўлига қўниб турган Бонапарт ўша кунлари инквизиторларнинг бунаканги хушомадларини сарик чакага олмасди. Аксинча, у алоҳида декрет билан (1808 йил 4 декабрь) бу “муқаддас” трибунални жинояткорона муассаса сифатида тақиқлади ва унга тегишли молмукларни Испания давлати фойдасига мусодара килди.

Умуман, Наполеон қаламравидаги барча худудларда инквизиция фалиятига чек қўйилди. Айни чоғда унинг қонли ишларини фош килиш кампанияси бошланди. Испан инквизиторлари ҳақидаги ҳаққоний хужжатлар асосида икки жилдлик тўплам 1812–1813 йилларда нашрдан чиқди. Унинг муаллифи Мадрид трибуналининг собиқ котиби Хуан Антонио Льоренте эди.

Наполеон акаси Жозеф Бонапартни Испанияга кирол килиб кўйганди. Лъоренте Жозеф билан фаол ҳамкорликка киришиб, унинг фармонига биноан испан инквизициясининг муфассал тарихини ёза бошлади. Бироқ Наполеоннинг 1814 йил баҳордаги мағлубияти ва унинг Эльба оролига кувилиши бу хайрли ишнинг белига тепди. Лъоренте Парижга қочиб кетди, лекин тарихнависликни тўхтатгани йўқ ва тўрт жилдан иборат китоб 1817–1818 йиллари француз тилида босилди. Асар жуда кўп тилларга таржима килиниб, 24 марта нашр этилди. “Испан инквизицияси тарихи” номли бу солнома ҳамон илмий-тариҳий қимматини йўқотган эмас...

Шу асноларда Галилей ва Брунонинг “муқаддас” трибуналга дахлдор мухим ҳужжатлари топилдики, бу серможаро романнинг ўзгинаси.

Наполеон папа қаламравидаги худудларни ўз империясига қўшиб олгач, архивдан Галилео Галилейга алоқадор фонdlарни Парижга олдириб келади. Бироқ император уларни эълон қилишга улгуролгани йўқ, ундан тож-тахтини тортиб оладилар. Парижга Бурбонлар қайтиб келади, Людовик XVIII Франция таҳтига ўтириди. Рим папаси Пий Еттинчи Ватиканда яна ҳукмронлигини бошлади. Унинг Париждаги вакили Гаэтано Марини дарҳол қирол ҳукуматидан Галилейнинг судловига тааллукли архивни қайтаришни талаб килди. Людовик унинг талабини кондирармиди-йўқмиди? Бу номаълум, гап шундаки, орадан ҳеч қанча вакт ўтгани йўқ, Гаэтано Марини тўсаддан ўлиб колди.

Наполеон 1815 йил баҳорида Парижга яна кириб келди: бироқ юз кунликина ҳукмронлиги асносида у қандайдир ҳужжатларни ўйлай олмасди. Алқисса, унинг омонат таҳти ёздаёқ кунпаяқун бўлди. Рим папасига тағин жон кирди ва унинг қирол ҳузуридаги янги вакили Марино Марини Галилейга оид баённомалар масаласини қўзгай бошлади. Сарой ишлари вазири граф де Блак орадан хийла вакт ўтгач, ҳужжатлар топилганини ва Ватиканга қайтариларажагини маълум килди. Лекин де Блак турли баҳоналар билан, масалан, коғозларни Людовик Ўн саккизинчи шахсан кўраётганини айтиб, уларни пайсалга солиб юрди...

Бу ва бу каби тафсилотлар узундан-узоқ. Шу сабабли, ўкувчини чалғитмай, сўзимизга қайта қоламиш. Фақат таъкидлаш лозим: инквизицияга қарши қақшатқич ва ҳал қилувчи кураш байроқдори Наполеон Бонапарт эди.

АВЛОДЛАР ДОВОНИ

Биродарқушлик ва ота-бала уруслари.

Бобурийларнинг фоҳсиона тақдири.

*Жувонмарг Наполеонзода билан ўйноқи раққоса. Дантес –
Пушкиннинг қотили эса-да, Наполеон Учинчининг дўсти эди.*

Қамалдаги Парижеда им ҳам, мушук ҳам қолгани йўқ,

Бизга замондоши шаҳзода ва маликалар.

Бобуршоҳ оламдан ўтганида ўн саккиз фарзандидан саккизи ҳаёт эди: 1532 йили вафот этган Моҳим Бегимдан – Ҳумоюн Мирзо (1508–1556); Гулруҳ Бегимдан – Комрон Мирзо (1509–1557) ва Аскарий Мирзо (1512–1558); Маъсумасултон Бегимдан – Гулранг Бегим, Гулчехра Бегим,

Ҳиндол Мирзо (1518–1551) ва Гулбадан Бегим (1522–1603). Номлари тилга олинган шаҳзодаю маликалар кўхна тарихнинг безаги эдилар.

Хумоюн Мирзо падар амрига биноан иш тутди. Бирок жигаргўшалари бўйсунмаслик харакатига тушиб қолдилар. Аскарий Мирзо билан Ёдгор Носир Мирзо икков Аграни кўзласа, Ҳиндол Мирзо Дехлини қамалга олди. Бу хабарлардан ичи кизиган Комрон Мирзода ҳам подшоҳлик давоси пайдо бўлди ва қуролланган ўн икки минг суворий билан Дехли фатҳига отланди...

Шаҳзодалар орасидаги ана шу ноаҳиллик ва жиққамуштдан ютган киши факат Шерхон Сур бўлди. Унинг икки тўқнашувдаги устма-уст (1539, 1540) ғалабасидан кейин Ҳиндистон Бобурийлар қўлидан чиқди. Ана шу сабабли Хумоюн подшоҳнинг саргардонлиги бошланиб, 1555 йилдагина таҳти қайта эгаллай олди. Бу орада Бобурзодалар бошига не-не яхши-ёмон кунлар тушди. Комрон Мирзонинг кўзларига мил тортилди, Аскарий Мирзо икков ҳаж зиёратига жўнатилиб, Арабистонда қолиб кетишиди. Панада пайт пойлаган қотил Ҳиндол Мирзони шаҳид этди. Хуллас, фитна-фасод ва тож-таҳт талашувларидан Бобурзодалар қаттиқ шикаст топдилар...

Ниҳоят, Заҳириддин Мухаммад Бобурга вафо килмаган тож-таҳт Хумоюнга ҳам вафо килгани йўқ. Падари фожиона ҳалок бўлганда (1556) валияҳд Акбар Мирзо 14 яшар эди. У бобоси ва отасидан кўра узокроқ умр кўриб, пайғамбар ёшида (1605) вафот этди ва ярим аср Ҳиндистон хукмдори бўлиб, Бобурийлар шарафини кўкка кўтарди.

Акбаршоҳнинг буюклиги шундаки, у Панипатни иккинчи бор Бобурийлар зафарномасига киритди: ўттиз йил бурун бобоси ғалаба қозонган тарихий жангтоҳда асосий ғаними Хемунинг катта қўшинини енгди. Таъқидлаймизки, ўшанда у 15 ёшга ҳам тўлган эмасди. Акбар хукмронликни шаҳд ва шиддат билан бошлаб, 18 ёшидаёқ бес аткаси Байрамхон измидаги давлат тизгинини ўз қўлига олди.

Акбаршоҳ даврида кемасозлик юксак даражага кўтарилиди. Сурат бандаргоҳида курилган кемаларни португалиялик корчалонлар бажонудил сотиб олишарди. У Фатҳпур-Секридай улуғвор шаҳарни бунёд этди: ҳамиша янгиликка интилган подшоҳ Акбар бу ерда ҳамма нарсани хисобга олганди, фақат сув таъминоти унунтилганди. Ҳозир уни шарпалар шаҳри десалар-да, Бобурзодалар бунёдкорлигининг хайкалидай жаҳон сайёҳларини имлаб турибди. Аслида Акбар қурган меъморий обидаларнинг саноги йўқ, ижод, тасвирий санъат (хусусан, миниатюра) гуллаб-яшнади, подшоҳнинг кутубхонасида 24 минг китоб бор эди.

Бобуршоҳнинг йирик тилшунос экани-ку аён, аммо Акбаршоҳнинг тилшунослик илми олдидаги хизмати ҳам кичкина эмас. Акбар бир кун дарборидаги донишмандларга шундай савол беради:

— *Башарти, чақалоқ таваллуд топган куниёқ одамлардан мутлақо ажратиб, бирор сўз эшишишига асло имкон қолдирилмаса, у улгайгач, қайси тилда гапиради?*

— *Олампаноҳ, — дейишади алломалар, — ҳеч ким ўргатмасинки, бари бир, ҳар қандай инсон отаси ва онасининг тилида сўзлайверади. Ҳинд – ҳинд тилида, непаллик – непал тилида, эронлик – форсча гапиради-да.*

— *Унақа бўлмаса керак, — дейди ишонмаган подшоҳ ва маҳсус фармони билан бир неча гўдакни унинг назоратида парваришлай бошлашади. Бо-*

лалар учун алоҳида жой ҳозирланиб, белгиланган мураббийларнинг тили кесиб олинади. (Хоналарнинг калити Акбаршоҳнинг киссасида.)

Шу зайлда орадан етти йил ўтади, айни муддат мобайнида болалар ҳалиги мураббийлардан ўзга кишини кўрмаган ва битта ҳам сўз эшишган эмас. Тақиқланган эшиклар очилади: етти яшар норасидалар ҳамон тилга кирмабди, имо-ишорани, маъносиз вагир-вугурни билади, холос. Бу даҳшатли таъсриба ривоят ё ҳақиқат эканидан қатъий назар, “тил – ижтимоий ҳодиса” ақидасининг амалий исботи эди...

Акбаршоҳ 1605 йили қазо килди, шаҳзода Салим Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ номи билан таҳтга чиқди. У диний сиёсатда падари каби бағрикенг эмасди. Бу хиндлару мусулмонларнинг маълум қисмида нороziлик уйғотди, унинг устига, подшоҳнинг валиаҳди Хисрав Мирзо Панжобда кўзғолон бошлади. Ота-ӯғил мухорабаси исёнкор шаҳзоданинг мағлубияти билан яқунланди ва Хисравнинг кўзларига мил тортилди.

Жаҳонгир зарби зўр подшоҳ эди, 1614 йили Меварни кўшиб олди, бир йилдан кейин Кангра, сўнгроқ Киштвар ҳам кўлга кирди. Европаликлар Ҳиндистондан тобора мўмай бойликларни исташарди. Ички низолар ёнига улар билан тўқнашувлар ҳам кўшилди. Айниқса, португалияликлар тажовузидан Жаҳонгиршоҳ флоти кўп шикаст еди ва подшоҳ инглизлар билан иноклашув йўлини тутди. Англия қироли Яков Биринчининг элчisi Томас Ро уч йил (1615–1618) Жаҳонгир саройида турди.

Бенгалия ҳам нотинч: бу худуд Акбар замонида эгалланган бўлса-да, Мусохон ва Усмонхон раҳнамолигидаги куролли кўзғолонларни (1608, 1612) бостириш хийла қийин кечди. Юсуфзайлар, сикхлар ҳам тек туришмасди. Барibir, Жаҳонгир даврида Бобурийлар худуди кенгайди, торайгани йўқ, унинг кўшини 1621 йили Аҳмаднагарни забт этди, Декан худудидаги учала давлат ҳам йирик миқдорда хирож тўлашни ўз гарданига олди.

Бобурийлар давлатида Гужаротнинг иқтисодий салоҳияти ва тараққиёти юксак даражада эди. Шундай йирик тужжорлар бўлардики, масалан, Виржа Боҳрани Жаҳонгиршоҳ замонида дунёдаги энг бадавлат одам хисоблашган. Аҳмадобод, Агра, Бурхонпур, Голконда ва Дехлида юзлаб гумашталар унинг сармоғси билан иш юритардилар. Виржа Боҳра Гужарот-Малабар савдоси тизгинини ўз кўлида тутиб, ажнабий молларнинг устами нархини шахсан ўзи белгиларди.

Бу пайтларда шаҳзода Хуррам Мирзо Гужарот ҳокими бўлиб, Декандаги ғалабалар суюнчисига Жаҳонгир томонидан унга Шоҳжаҳон номи берилганди. Ҳоким йигит Виржа Боҳра каби бойлардан ундирилган соликлар эвазига Гужаротда йирик хазина ва черик тўплади-да, отасига карши исён кўтарди. У ўғай онаси Нуржакон Бегимнинг таъсири остида валиаҳдлик кўлидан кетишидан, Ҳиндистон таҳти ё Шаҳриёр, ё Доварбахшга (Хисравнинг ўғли) колишидан хавотирда эди. Икки кўзғолон ҳам Шоҳжаҳонга зафар келтиргани йўқ, ғолиб ота барibir ўғлини кечирди, аммо Гужарот ҳокимлиги ўрнига Декандан кичик бир худуд тасарруфини берди...

Сарой мусаввири Абулҳасан чизган Жаҳонгиршоҳ портрети бор: кай бир чизгилари биз билган Бобур сиймосини эслатади, фариштали ва шоҳона суратидан кудрат тўла сийрати ҳам намоён. У саройидан Жамна соҳилигача етадиган “Адолат занжири” боғлатди, 30 газ узунликдаги

олтин занжирни эҳтиёжманд фукаро тортса, 30 жуфт тилла кўнғирок жарангларди ва унинг арзи подшоҳга етарди. Тамфа, мир баҳри соликлари, маҳкумларнинг кулоқ ва бурунларини кесиш жазолари Жаҳонгир замонида бекор қилинган.

Ҳиндистон тарихида янги-янги саҳифалар очиб, Бобурийлар солномасига ўз дастхатини битган Жаҳонгиршоҳ 1627 йилнинг октяброда оламдан ўтди ва 1628 йил бошида Шоҳжаҳон ота тахтига ўтириди. Тарихий адолат юзасидан айтиш зарурки, бунга кадар бир неча даъвогар, жумладан, Шахриёр ва Доварбахш ўз бошидан айрилди.

Бобурийлар дарбори Шоҳжаҳон замонигача бунчалар ҳашаматни ҳам, бунёдкорликни ҳам кўрган эмасди. Ҳиндистон подшоҳлари силсиласида армияси мукаммал ва кўп сонли Бобурзодалардан бири ҳам Шоҳжаҳон эди. Лекин унинг салтанат суриши енгил-елпи кўчгани йўқ: аввало, бобоси ва отасининг қиличи остида бўйин эгиб, эндиликда саркашлик йўлини туваётган маҳаллий рожаларни бўйсундиришни уddyалади. Чунончи, Dekan қайта фатҳ этилгач, ҳокимликка ўғли Аврангзебни қўйди. Шунинг устига Португалия интервенцияси тағин хуружга келди. Айниқса, Бенгалияга мустаҳкам ўрнашиб олган португаллар Шоҳжаҳоннинг фукароларига жабр-зулмни ҳаддан ошириб юборишганди. Масалан, ҳалигача ҳеч замонда кўрилмаган тамаки солигини ўшалар жорий этиши, хиндулар ва мусулмонларни мажбуран чўқинтириш, масжид ва ибодатхоналарни таҳкирлаш, шаҳар-кишлекларга талончилик уюштириш, кўлга олингандарни Европа кул бозорларида сотиши... Бу бедодликларга мазлум ҳалқ ҳам, Ҳиндистон подшоҳи ҳам ортиқ тоқат қилолмасди. Унинг қўшини Хугли шаҳрини португаллардан озод қилиб, тўрт минг душманни асир олди. Асиirlар Аграга олиб келинди ва Шоҳжаҳон зўравонлик билан насронийликни тикиштираётган португалияликлардан уларнинг ўз усули билан ўч олди:

– Ё ҳамманг исломни қабул қиласан, ё ҳамманг қатл этиласан!..

Тарих асрлар бўйи шоҳидки, Бобур авлодлари факат фотих ва саркарда эмас, ислоҳотчи, яратувчи ва меъмор бўлиб ўтишиди. Ҳусусан, Ҳиндистоннинг шимоли ва ҳозирги Покистонда улар тиклаган обидаларнинг саноғи йўқ. Масжидлар, мадрасалар, қалъалар, шаҳарлар, анхорлар... Лоақал Қизил Қалъа – Лаъл Қалъа ва Тожмаҳал мақбарасини эслайлик: бу мўъжизавий иншоотлар ҳақида китоблар ёзилган, иккови Ҳиндистоннинг фаҳригина бўлмай, миллий рамзига айланниб кетган.

Воқеаларни илдамлатиб, 1947 йилга келамиз ва Ҳиндистон истиқлолининг ilk кунига назар соламиз. Буюк Британия қироллик ҳукуматида Ҳиндистонни иккига бўлиш ва икковига доминион ҳукукини бериш ҳакидаги декларация (1947 йил 3 июнь) имзоланганча ҳам, Лондонда баҳслар давом этаверди. Ниҳоят, августнинг ilk кунларида парламент мазкур ҳужжатни тасдиқлади ва у “Маунтбэттен режаси” номини олди. (Чунки, уни амалга ошириш Ҳиндистон вице-қироли Л. Маунтбэттен зиммасига юклатилганди.) Янги конун 15 августдан кучга кирди ва Жавоҳарлабъ Неру худди ўша куни Лаъл Қалъада Ҳиндистон миллий байробини кўтарди. Бу кошона Шоҳжаҳондан ёдгорлик эди ва Ҳиндистон мустакиллиги айнан Акбаршоҳ бошлаган ва уч ярим аср давом этган тарихий курашнинг адолатли хотимаси бўлганди...

Соҳибқирони Соний – Шоҳжаҳон қартайиб бораради, 64 ёшида (1656) унга оғир дард ёпишиб, анча вақт тўшакка михланиб қолди. Соппа-соғ

падарига қарши күшин тортишдан уялмайдыган шахзодаларга мўйсафид отанинг хасталиги айни муддао эдики, Темур авлодидаги касал (Ойбек таърифи) Сохибқирони Соний саройида “қайтавуллади”. Аврангзебнинг тож-тахти оға-инилари қонига беланди. Аврангзеб Оламгир 1658 иили Ҳиндистон тожини кийди ва Шоҳжаҳондай қиблагоҳини зинданбанд этди...

Ярим аср ҳукмронлик килган Аврангзеб шахси ўта мураккаб: уни кўкларга кўттармок учун истаганча фазилат топса бўлади, айни чоғда кусур ва иллатлари ҳам бор. Аврангзеб даврида Бобурийлар салтанати шу даражада кенгайдики, унгача ва ундан кейин хеч бир Ҳиндистон подшоҳи бунчалар йирик ҳудудни қаламравига олган эмас. Қандахордан ташқари аффон ерлари, ҳозирги Покистон ва Бангладеш, шимолда Кашмирдан то жанубий Ҳиндистондаги Пеннар ва Тунгабхарда дарёси ёқаларигача – ҳаммаси Аврангзеб Оламгир кўлида эди. Армиясидаги суворий аскарлар сони 170 мингдан ошиб кетганди. Табиийки, Аврангзеб бунга темир интизом, каттиқўллик ва бакувват ҳазина билан эришганди.

У 1707 иили бир кам тўқсон ёшда бўлиб, ҳамон қилич кўлида, аргумок остида: навбатдаги ҳарбий юришни якунлаб, Бурхонпурга қайтарди. (Аврангзеб пойтахтни бу шаҳарга 1681 йилда кўчириган.) Йўлда мўйсафид подшоҳнинг тоби қочди, бир амаллаб Ахмаднагарга етказдилар, лекин кун-соати биттган экан...

Аммо, Зебуннисо Бегимнинг (1639–1702) бокира исми эсланмас экан, нафақат Аврангзеб Оламгирнинг, балки бутун Бобурийлар сулоласининг тарихи кемтик бўлиб қолади. Шоиранинг онаси Дилрасбону бўлиб, Бобурнинг кизи Гулбадан Бегим унинг катта момосидир. Аврангзеб ундаги ноёб истеъодони пайқаб, Мулло Мухаммад Ашраф Исфаҳонийни мураббий килиб тайинлаган. Шунингдек, у Ҳафиза Марям Бону ва Мулло Жавондан ҳам таълим олган. “Ўзбек шоирлари” асарида Тўхтасин Жалолов ёзади:

– Зебуннисо Бегимнинг ҳаёт йўли романтик бир қиссадир. Ҳусну латофат ва фазлу малоҳатда беназир маликага муносаб умр йўлдоши насиб этмаган. Бегимдан сўрабдилар:

– Оила қурсангиз бўлмасмикан?

Жавоб:

– Менинг эрим ҳам, баҳтим ҳам, ҳатто жсаннатим ҳам китобдир!

Зебуннисонинг Оқилхон Розий деган йигитга мұхаббат қўйгани ҳақида ривоят бор, лекин ошикни ёшлигигидаёт ўлдириб юборишган...

...Малика Зебуннисонинг мунгли ва давомли қиссасини мухтасар килиб¹, Бобурий подшоҳларнинг кейинги тарихига қайта қоламиз. Аврангзеб Оламгирдан сўнг сулоланинг зафарли юришлари аввалгидай давом этгани йўқ. Таассуфки, Бобурийлар саройида тож-тахт талашуви ниҳоятда авжига чиқди, ҳамжиҳатлик чекинди. Бобуршоҳ вафотидан сўнг 177 йил (1530–1707) давомида бешта подшоҳ ўтди: Ҳумоюн (1530–1556), Ақбар (1556–1605), Жаҳонгир (1605–1627), Шоҳжаҳон (1627–1658), Аврангзеб (1658–1707). Улар жуда катта ҳудудни бирлаштириб, давлат бошқарувини мукаммал ҳолга келтиргандилар. Ана ундан кейинги бир ярим аср (1707–1858) ичida Бобурдан мерос табаррук таҳтга сохибу

¹ Зебуннисо Бегим Деҳли шаҳридаги “Зарзарий” қабристонига дағн этилган. Аммо 19-асрда темир йўл курилиши муносабати билан шоиранинг хоки бошқа жойга кўчирилган.

даљвогарлар сон-саноксиз. Ҳиндистонга неча кун, неча ой подшохлик қылғанлар бўлди, эсизки, қанчалаб Бобурзодаларнинг боши кесилди. Европаликлар тажовузи ҳам улуг империяни емирувчи асосий омилга айланаб, инқирозни жадаллатди...

Ост-Индия компанияси Бобурийлар империясининг, умуман, Ҳиндистон мустақиллигининг кушандаси бўлганди. Компания аввал бошда савдо ташкилоти мақомидаги хусусий муассаса бўлиб, бора-бора ҳарбий-сиёсий ва маъмурий аппаратта айланди, Ҳиндистондаги монополистик фаолияти икки ярим асрдан ортик (1600–1858) давом этди. Англия парламенти қабул килган катор меъёрий хужжатларда (1773, 1784, 1813, 1833, 1853) Ост-Индиянинг ваколатлари белгилаб берилган. Компания 1858 йили тугатилиб, пайчиларга (3 миллион фунт-стерлинг) улуш тўланди. Энди Ҳиндистонни бошкариш Лондондаги алоҳида вазирнинг ва Калькуттадаги (кейинчалик Дехлидаги) вице-қиролининг ваколатига ўтди...

1773 йилдаги низомга биноан Англия парламенти генерал-губернаторни ва унинг тўрт маслаҳатчисини тайинлайдиган бўлди. Уоррен Хейстингс (1732–1818) Ҳиндистоннинг биринчи генерал-губернатори эди. У 1750 йилдан бўён Ост-Индия хизматида бўлиб, 11 йил Калькутта ва Мадрасда колониал кенгаши аъзолигига, 1772 йили Бенгалия губернаторлигига тайинланди ва сўнгроқ мамлакат генерал-губернатори сифатида 11 йил ишлади. Хейстингс Ҳиндистондаги узок фаолияти давомида икки марта судланди ва ҳар иккисида ҳам сувдан курук чиқди.

Хейстингс (Бенгалия губернатори бўлган чофи) Шоҳоламнинг нафақасини батамом тўхтатди, устига-устак Ҳиндистон подшохи измидаги Кора билан Аллоҳободни Аудҳ рожасига 50 лакка (беш миллион рупия) сотиб юборди. Орадан ўттиз йил ўтиб, инглиз колониал маъмурияти янгилангачгина, Шоҳолам уларнинг эсига тушиб қолди: пенсиясини ти-клаб, гўё Дехли таҳтини ҳам қайтариб бердилар. Бироқ кўзларига Амирхон Роҳилл мил тортирган сўқир ва кекса подшоҳнинг ҳукми Қизил Кальъадан ташкарида ўтмасди. Кейинроқ, Акбар Иккинчи (1806–1837) даврида Дехли ҳам батамом англияллик генерал-губернатор ихтиёрига ўтиб кетди. Сўнгти Бобурий подшоҳ Баҳодиршоҳ Иккинчи қўлида факат ўша Лаъл Қалъа колганди (бу ҳақда бобнинг ниҳоясида тўхталамиз.)

Алкисса, Бобур подшоҳ бунёд этган империя хомталаш килинаверди: маҳаллий рожаларга, Эрон подшохи ва афғон қабилаларига, инглиз ва французларга, португал ва голландларга – ҳаммасига Ҳиндистондан мойли ўлжа керак. Уларга қарши майдондорлик кила оловчи Акбаршоҳдай, Аврангзеб Оламгиридай подшоҳлар кани?..

Бильякс, Аврангзебнинг эвараси Фарруҳ Сияр 1717 йили ёки киркка яқин шаҳар-кишлокни Ост-Индияга хатлаб берган. Махсус фармон имзолаб, инглиз товарларини божхона чикимидан озод килдики, ўз хазинаси накд 3 миллион рупия йиллик даромаддан маҳрум бўлди. Аврангзебнинг учинчи ўғли Азимушشاън эса Хугли дарёсининг чап соҳилидан Ост-Индияга ер ажратиб, бепул бериб юборган. Инглизлар бу жойга Уильям фортини курди...

Марказлашган Ҳиндистонга асос солган Бобурийларнинг давлат бошқаруви халқчил бўлиб, давр синовидан ўтган эди. Энг муҳим жиҳати шуки, мамлакат бойликларини Бобур авлодлари ҳеч қаёққа ташиб-таш

малаган эмас. Акбар замониданок хинду-мусулмон диний жиҳатдан тенг тутиларди. (Аврангзебина бундан мустасно.) Колаверса, Хиндистон подшоҳлари табиий оғат бўлса, ёки нарх-наво кескин тушиб кетса, соликларни камайтиришар ё заминдорларга давлат хазинасидан қўмак берар эди.

Англиялик мустамлака маъмурларининг сиёсати эса мутлако бўлакча: катъий микдордаги тўлов албатта ундирилади, ҳеч қачон, ҳеч кимга имтиёз йўқ. Алалхусус, дехконни иктисадий асоратга солувчи райятвари ва мавзавар усуслари ҳатто йирик феодалларга ҳам малол келарди. Негаки, бу асрлар давомида Бобурийлар такомиллаштирган ер-сув эгалиги тизимиға зид эди.

Саноат ва хунармандчиликдаги шароитлар ҳам оғирлашди. Биргина мисол: илгари Хиндистон газмолларини оладиган инглиз тужжорлари кейин фақат ипга ҳаридор бўлиб колдилар. Натижада, хинд тўқимачилиги, алалхусус, Банорас (Варанаси) ҳарир матолари касодга учради. Инглизлар Калькутта кемасозлигига ҳам ҳалакит бера бошладилар. Мухтасар айтганда, асоратга солинган Хиндистон ҳалки чекаётган азоб-уқубатлар адоксиз...

Колониал ҳокимиятнинг ҳалқقا қарши курашида асосий куч сипохийлар армияси эди. Бу инглиз-хинд кўшини 1830 йили 223,5 минг кишига етди. Дастлаб шахсий таркиби 1:6 нисбатида, яъни бир англиялик ва олти хиндистонлик тартибида тузиларди. Кейинчалик (1861–1864 йилдаги ҳарбий ислоҳотдан сўнг) 1:2 ва 1:3 нисбати ўрнатилди.

Буюк Британиянинг Хиндистондаги қуролли кучлари ҳалқ кўзғолони арафасида 270 мингдан ошди: кирқ минги англиялик, 230 мингдан зиёдроги сипохийлар. Улар уч округга бўлинниб (Бенгалия, Бомбей, Мадрас), ҳарбий-стратегик, жанговар-техник жиҳатдан Бенгалия армияси мустамлака раҳбариятининг бош таянчи эди, у сони бўйича ҳам (128 минг) устун турарди. Маҳаллий аскарларнинг ойлик маоши 7000 рупия бўлиб, у турмуш кечиришга бемалол етса-да, сипохийлар сафидаги оз сонли хинд ва мусулмон зобитларининг энг “юксак” унвони факат субадор (капитан) ноил эди, погонига бундан ортиқ нишон берилмасди.

Ана шунда Хиндистон ҳалқ кўзғолони (инглизлар сипохийлар исёни деб ёзишади) бошланди. Унинг маркази Панҷоб ва Бенгалия орасида бўлиб, кўзғолоннинг қуролли ўзагини хиндистонлик аскарлар ташкил этарди.

Мератҳ шаҳридаги ҳарбий база англияликлар учун ўта стратегик аҳамиятли хисобланиб, ҳалқ кўзғолонига айнан шу ерда “гугурт чакилди”. 1857 йил 10 май куни Бенгалия пиёда сипохийлари таркибидағи 11, 20-полклар ва 3-енгил суворийлар полки бош кўтарди. Исёнчилар британиялик зобитлар қаршилигига парво қилмадилар, аксинча, уларга карата ўт очдилар. Европаликлар амридан бўйин товлаганлар даставвал ҳеч қанча эмасди: 85 киши, холос. Кўмондонлик ўз вактида эҳтиёт чорасини кўрмагани ва муроса йўлини тутмагани туфайли норозилик қуролли можарога айланаб кетди. Сипохийлар қамоқхоналардаги мингга яқин бегуноҳ маҳбусни озод этишиди.

Кўзғолон учун вазият етилган бўлса-да, баҳона топилмай турганди. Ўша баҳонани инглизларнинг ўzlари топиб берди. Лондондан келтирилган замонавий “Энфилд” милтикларининг кувури ва ўкининг қофоз қобиғи

хайвон ёғи билан мойланарди. Муаммо бунинг учун қўлланадиган чўчқа ва мол ёғидан чикади: мусулмонларга – чўчқа ҳаром, ҳиндтар учун – сиғир муқаддас. Маҳаллий аскарларнинг вакиллари буни тушунтирумокчи бўлсалар, европалик командирлар ҳарбий интизомни маҳкам тутиб, ён беришмасди.

Инглизлар кейин тушунгандай ҳам бўлишиди, лекин фишт қолипдан кўчиб, энди қўзғолончилар Бобурий подшоҳ саройи сари кетиб борарди. Уларга йўл-йўлакай хинду мусулмонлар ва Дехлидаги куролдошлари ҳам қўшилдилар. Қўзғолончилар минбаъд мустамлакачиларга бўйсун-масликлари ва Ҳиндистонда Бобурийлар салтанати тикланганини эълон килишди. Сипохийлар ва мулқдорларнинг вакиллари Қизил Қальяга кириб, Баҳодиршоҳ Зафарга арзларини етказишиди. Йигирма йилдан бери номига Ҳиндистон подшоҳи бўлса-да, инглизлар пенсияси билан кун ке-чирувчи ва амру фармони девор ортида бировга ўтмайдиган Сирожиддин Абулмузаффар Мұхаммад Баҳодиршоҳ шундай кунни орзиқиб кутган эмасмиди? У Ҳиндистонни озод қилиш ҳакидаги қўзғолончилар даъватномасига имзо кўйди, муҳрини босди.¹ Асосий кучлар уч шаҳарда (Дехли, Конпур, Лакхнав) жамланганди. Дехлида ҳокимият ягона бўлмасада, олий ҳокимият Баҳодиршоҳ қўлида эди, факат шаҳар сипохийлари қўмондонлигини Бахтхон ўз зиммасига олди. Шиддат шунчаларки, ватанпарварлар икки ҳафтадаёқ Шимолий Ҳиндистонни тўлиқ эгаллашиди. Аммо икки ярим йилда бари барбод бўлди.

Ҳам форс, ҳам урду тилларида ижод этган Баҳодиршоҳ Иккинчи *Зафар* (гоҳо Абу Зафар) таҳаллусини қўлларди. Мирзо Голиб² унинг қатор ғазалларига мухаммас боғлаган. Ана шундай мухаммаслардан бири ватанжудоликда кўз юмган подшоҳнинг вафотига ўзига хос марсия бўлиб, унинг муқаддимаси айниқса эзгинидир:

*Ярим қолди оёғингга шиқалангач кишин-занжир,
Энди йўқсан, ярим битган сагонангга керак таъмир,
Намозинг ҳам ярим қолди, ярим-ёрти дуо-такбир,
Токи маҳшар йиглаб яшар қиндан ярим чиққан шамишир,
Ярим жонинг қолиб бунда, ярим жонинг олди тақдир...*

Мустамлакачилар қўзғолончилардан беармон ўч олиб, энг шафқатсиз усулларни қўллашиди. Ҳалқ ҳаракатининг етакчиларини замбаракнинг оғзига боғлаб отдиilar. Баҳодиршоҳнинг асириликдаги икки ўғли ва бир набираси қатл этилди. Майор Уильям Ходсон учовининг ҳам конли калласини подшоҳга (наврўз тухфаси қилиб) жўнатган экан.

– Аллоҳимга шукурки, – дейди оппоқ соколидан дувиллаб ёш оқаётган Баҳодиршоҳ, – Темурий шахзодалар ҳамиша оталаридан бурун, Маҳшар

¹ Бу қадам 82 ёшли қария учун ҳаёт-мамот билан баробар эди. Тарихчилар ушбу ҳусусда яқидил фигрига ҳозир ҳам кела олишимаган. Муарриҳларнинг ихтилофи шундаки, у ўша даъватномага (формон ҳам дейдилар) қандай кўп кўйган: ихтиёриими, маҳбuriyimi?.. Кейинчалик Баҳодиршоҳ шундай деган эмиш:

– Қўзғолончилар саройга бостириб киришиди ва мен ҳам, ўғилларим ҳам сипохий-аскарларнинг талабини ноилож адо этдик.

² Мирзо Голиб (1797–1869)нинг бобокалони Турсунбекхон салжуқийлар хонадонига мансуб донгдор амирлардан эди. Бобоси Кўқонбекхон 18-асрнинг бошларида Самарқанддан Ҳиндистонга бориб қолган, у ҳам, ўғли Абдуллабекхон ҳам (Голибининг отаси) Шоҳжаҳоннинг атоқли саркардларидан бўлишган. Мирзо Голиб шеърларида асл ватанини эъзоз билан таъкидлайди: Голибни ким десангиз, Турон тупроғиданман...

сари йўлга тушардилар, мана, менинг жигаргўшаларим ҳам шу удумга содик колдилар...

Хинд халқ кўзғолонидан британияликлар хулосаси: Бобурий подшоҳ мункиллаб колган бўлса-да, омманинг бошини ковуштириди ва олға етаклади. Демак, сулолага ва унинг салтанатига узил-кесил барҳам бериш зарур, Баҳодиршоҳни Хиндистондан олислатиб, босган ҳар бир қадамини кузатмоқ лозим. Мустамлака маъмуриятига сургун манзили сифатида Рангун жуда боп кўринди. Трибунал ҳукми билан 1858 йилда Баҳодиршоҳ Бирмага кувилди, инглиз ҳарбий кемаси сўнгти Бобурий подшоҳни Рангунга олиб бориб ташлади.

Тахту бахти тортиб олинган, энг сўнгти курашда зафар насиб этмаган Баҳодиршоҳ Зафарнинг ёнида маликайи олия Зийнат Маҳал Бегим ва икки ўғли бирга эди: 17 яшар Мирзо Жавон Баҳт (хотини 15 ёшли малика Шоҳ Замони Бегим билан) ва 13 яшар шаҳзода Мирзо Шоҳ Аббос. Улар муттасил капитан Нельсон Дэвис кузатувида: ана шу нозирнинг карорига биноан подшоҳ оиласига ҳар бири каталакдай тўртта хона ажратилиб, хиндлардан тўрт хизматкор тайнинланди. Тартиб-коиданинг камокхонадан фарки йўқ, шунчаликки, маҳкумларга калам, сиёҳ, коғоз бериш мумкин эмас, ташки дунё билан алоқа такисланади. Ваҳлонки, Зафар (Абу Зафар) улуг шоир эди, тасаввуф илмидан теран билим эгаси ва қылқалам хаттот эканини ҳамма тан оларди. Қизил Қалъадаги шеърий-муслимий анжуманларнинг, хиндий, форсий ва урду тилларида кечадиган мушоираларнинг донги довон ошганди. Ахир, шундай кишига коғоз-калам зарур эмасми?!

Рангундаги зулм остида подшоҳзодаларнинг, аввало, тўқсонни қоралаётган подшоҳнинг саломатлиги ёмонлашаверди. Ёшгина малика Шоҳ Замони Бегимнинг аҳволи оғирлашиб, ахийри, иккала кўзи кўрмай қолганди.

Инглиз маъмурларининг бир хуфияномасида 87 ёшли чол ниҳоятда мункиллаб, ҳолдан тойиб бўлгани битилган. 1862 йил октябрь ойининг сўнгти кунларида у тўшакка михланиб қолгач, капитан Дэвис: “бу ёкка қараши даргумон”, деб ёзади. Қўл-оёғи ҳаракатсиз подшоҳни қошиқда овқатлантиришарди, лекин шунда ҳам қийинчилик билан юта оларди. Олтинчи ноябрь куни Баҳодиршоҳнинг томоғидан таом ўтмай қолди ва нозир-капитаннинг бўйруғи билан подшоҳ ётган уйнинг ёнидан қабр кавланиб, фишт ва оҳаккача ҳозирлаб кўйилди.

Эртасига (1862 йил 7 ноябрь) Хиндистоннинг сўнгти императори оламдан ўтди. Унинг жанозасида икки ўғли ва сургунда кулфатдош мулизимлар бўлишди, холос. Англияликлар Баҳодиршоҳнинг вафотини сир тутдилар, Рангун ахли ҳам ундан неча кунлар ўтгачгина хабар топди.

Мустамлакачилар 1867 йили Бобурийларга “шафқат килиб”, озмоз енгилликлар беришди. Уларга Рангун худудидан чиқмаган ҳолда, шаҳарнинг бошқа ерларида яшашга рухсат тегди. Шаҳзода Жавон Баҳт рафиқаси билан бўлак хонадонга кўчиб ўтди. Мархум подшоҳнинг беваси маликайи олия Зийнат Маҳал Бегим эридан сўнг 20 йил яшади. У вафот этганида (1882) Баҳодиршоҳнинг қабрини топа олмадилар.¹ Мўъжаз

¹ Инглиз маъмурларига подшоҳнинг дафни ва қабри ҳам сиёsat ҳисобланниб, марҳум асосий ҳовлининг орқа тарафига кўмилган. Чукур теварагига гишт девор кўтарилиб, тупроқ ташлангач, устига шундай чим босилдики, қабр ер билан теп-текис бўлди. Бундан ташқари, анчагина жойни бамбук ниҳоллари билан иҳоталаб, кўздан пана қилишганди. Капитан Дэвис жаноблари бошликларига шуни мамнуният билан ёзиб маълум қилладики, вақт ўтгани сайин ажриқ ҳамма ёқни эгаллайди ва бамбукзор орасидаги қабрни бирор тополмайди. Бу англияликларга айни мудда: сўнгти Бобурий подшоҳ ўтган жойни топиб бўлмаса ва у зиёратгоҳга айланмаса, жуда соз-да...

ховлидаги бир дарахтни мўлжал қилиб, подшоҳнинг шу ерга кўйилгани тусмолланди-да, марҳумани эрининг ёнига дағи этиши. Икки йилдан сўнг қирқ икки ёшга ҳам тўлмаган шаҳзода Жавон Баҳт оламдан ўтди. Уни ҳам ўша жойга қўйдилар. Равнақ Замони Бегим (Баҳодиршоҳнинг набираси) бу ховлидаги охирги кабрдан мангур кўним топди. Шуни ҳам кўшимча қилиш мумкинки, сургундаги Бобурзодалардан Мирзо Шоҳ Аббосгина узокрок яшади. У Рангунда маҳаллий мусулмон тужжорнинг кизига уйланиб, 65 ёшида казо килди...¹

Бир гурух хиндистонликлар 1903 йили Баҳодиршоҳнинг қабрини зиёрат қилиш учун Рангунга боришади. Бироқ орадан қарийб ярим аср ўтганди, нафакат подшоҳ, ҳатто Зийнат Маҳал Бегим ва шаҳзодаю маликалар ётган жойни ҳам ҳеч ким аниқ кўрсатиб беролмади. Майдон четидаги дарахтнинг ён-верида экани айтиларди, холос.

Ана шу фожия бирмалик мусулмонлар жамоасининг кўзини очади. Улар хиндистонлик диндошлари олдида изза тортиб, Буюк Британиянинг маҳаллий маъмуриятига ёзма равишда мурожаат қиласидилар:

“Майли, Баҳодиршоҳ ҳукмдор ва тарихий сиймо сифатида ҳеч ким бўлмасин, лекин Аллоҳ яратган ҳар бир банданинг хотираси эъзозга лойиқ-ку!”

Улар Хиндистоннинг сўнгти императорига ёдгорлик тиклаш учун ер ажратишни сўрашди. Бироқ инглизлар бу ҳакли талабни рад килдилар, натижада бирмалик мусулмонлар орасида норозилик бошланди ва тобора авж олаверди. Вазият мураккаблашгач, колониал ҳокимият муроса йўлини тутишга мажбур бўлди: мармар лавҳага ижозат этилди. Лекин ёзиладиган жумлани ўзлари белгилашди: *Хиндистоннинг собиқ подшоҳи Баҳодиршоҳ 1862 йил 7 ноябрь куни Рангунда вафот этди ва мазкур ҳудудга дағи қилинди*. Кейинчалик Зийнат Маҳал Бегим учун ҳам ёзувли тоштахта қўйилди. Бора-бора Бобурийларнинг мангур оромгоҳида мақбара қад ростлади, Баҳодиршоҳнинг ўғли Мирзо Жавон Баҳт, набираси Равнақ Замони Бегим ва бошқаларнинг номлари ҳам мармарга битилди. Мақбаранинг ўнг ва чап ёнига икки масжид курилди: бири – эркаклар, бошқаси – аёллар учун.

Нихоят, йигирманчи аср охирлари: Рангун еrosti захоба шаҳобчасини тозалаш чоғи ғиштигин кабр топилди. Узунлиги 2,75, эни 1,85 ва баландлиги 2,15 метр ўлчамидаги бу курилма бир метр чукурликда бўлиб, Баҳодиршоҳнинг қабри эди. Мақбаранинг олд томонига зал ва марҳум подшоҳ зиёратига тушиш учун пиллапоялар курилди. Хиндистон ҳукуматининг фаол иштирокида бунёдга келган янги мажмуя 1994 йил 5 декабрь куни тантанали маросим ва қорилар тиловати билан очилди.

¹ Сургунда Баҳодиршоҳ билан кимлар бирга бўлгани ҳақидаги маълумотлар турли-туман. Дейдиларки, 1857 йили қатл этилган шаҳзодаларнинг учови ҳам Баҳодиршоҳнинг ўғиллари бўлган (Мўғул Мирзо, Ҳизр Султон Мирзо, Абу Бакр Мирзо) ва учовини майор Уильям Ходсон отиб ўлдирган. Валиаҳад Жавон Баҳтнинг рафисаси бўлмиш маликанинг исми Шоҳ Замони Бегим эмас, Заматари Бегим экан. Шаҳзода Жамшид баҳт (1855-1921) эса подшоҳнинг ўғли эмас, невараси эмиш, Рангун коллежида ўқиб, 1905 йили уйланган ва унинг Искандарбаҳт исмли ўғли борлиги маълум. Биз юқорида набираси деб ёзган Равнақ Замони Бегим Баҳодиршоҳнинг қизи экани ва 1930 йили оламдан ўтгани ҳақида маълумот бор. Маликайи олия Зийнат Маҳал Бегимнинг вафоти санаси ҳам баҳсли бўлиб, 1884 йил ҳам қайд қилинади.

Шунингдек, сургунга яна қўйдагилар жўнатилган дейишади: Гулсум Замони Бегим (подшоҳнинг қизи), Ҳофиз Мұхаммад Иброҳим Дехлавий (Жавонбаҳтнинг устози), сарой аъёнларидан – Мұмтоз Дўстханегим, Раҳима Ишратбеким, Руқиясултон бегим. Иброҳим Дехлавий эса Рангунда имомлик килган.

Унда Мьянма (Бирма) ҳарбий ҳукуматининг дин ишлари бўйича вазири Мъо Ньюн, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа жойларда яшаётган бобурийлар, ислом жамоаларининг вакиллари катнашдилар. Ана шу куни янгиланган мақбара кадамжо бўлиб қолажаги расман эълон килинди. Девордаги арабий битиклардан биридаги мазмунга кўра, Баходиршоҳ ашъорлари билангина эмас, аввало, пойдор иродаси, собирлиги, марҳамати, ҳалимлиги ва охиратни чукур хис этолгани учун тасаввuf алломаларидан бири сифатида Бирма мусулмонларига ҳамиша азизу мукаррамдир...

Дехлидаги *Mughal Trust* (яна мўғул!) жамғармаси нуфузли ва бообру ташкилотлардан бўлиб, исломий алломалар ва бизнес эгалари томонидан таъсис этилган. Жамғарманинг кент қўламли дастур ва мақсадлари таҳсинга лойик: 16-19-асрларда Ҳиндистонда ҳукмронлик килган улуғ сулоланинг фаолиятини ўрганиш, подшоҳларнинг бугунги авлодларини кидириб топиш, Баходиршоҳ Зафарнинг қабрини ота-боболари ватани, яъни Ҳиндистонга кўчириш, умуман, Бобурийлар хақидаги тарихий ҳакикатни бор бўй-басти билан тиклаш... Ҳозиргача жамғарма олимларининг саъй-ҳаракати билан сулоланинг 270 дан ортиқ вакили аниқланган.

Баҳодиршоҳ никоҳидаги маликаларнинг яна иккиси маълум: Роҳат Маҳал Бегим (Абдулло Мирзо билан Абубакр Мирзонинг онаси) ва Ишрат Маҳал Бегим – Мирзо Күёшнинг волидаси. Ана шу Мирзо Күёшдан Мирзо Фафурнинг отаси, Лайло Уммахонимнинг бобоси Мирзо Абдулло туғилган.

Лайло Уммахоним – бизга замондош, “Ҳиндистонда Бобурийлар оиласи” (Ҳайдаробод) жамиятининг раисаси, Бобурзодалардан тўрт ўғил – Зиёвиддин, Масиҳуддин, Орифиддин (1986 йили Машҳадда ҳалок бўлган) ва Шажоуддиннинг онаси.

Бобурнинг бизга замондош авлодларидан опа-сингил икки хонимни эслаб ўтишга бурчлими. Тоҳира Султонбегим Лондон шаҳрида яшайди. Бу иктидорли шоиранинг урду тилидаги шеърий тўплами Зокиржон Машрабов томонидан Андижонга олиб келинган. Китобни З.Машрабов бошлиқ экспедиция Ҳиндистонда бўлган чоги шоиранинг Дехлида истиқомат қилувчи синглиси Покиза Султонбегим хадя этади. Бу опа-сингил Баҳодиршоҳ Зафарнинг чевараси бўлишади – оналари Қамаржаҳон Зебуннисобегим Баҳодиршоҳнинг эвараси экан.

Маълумки, Буюк Британия қироличаси Елизавета Иккинчи Ҳиндистонга уч марта (1961, 1983, 1997) ташриф буорган. У илк ташрифи чоги эри шаҳзода Филипп билан Бомбай, Ченнаи, Калькутта шаҳарларида бўлган ва мамлакатнинг ифтихори ва рамзи бўлган Тож Маҳални зиёрат килган. Қиролича ҳазрати олиялари ўшанда бугунги Бобурийлар хақида хабар топади-да, Қамаржаҳон Зебуннисобегимни тантанали қабул маросимига таклиф килади. Бу хам шарофатли авлод учун тарихий воқеа эди, албатта.

Хонадон ахли Ҳиндистон ҳукумати томонидан йўқлаб турилади. Дарвоке, икки буюк арбоб – Жавоҳарлазъ Неру ва Индира Ганди ҳам бу хонадонга кадам ранжида килишган...

Эндиликда подшоҳ Баҳодиршоҳ Иккинчи ҳазрати олийларининг Рангундаги турбати сари Ҳиндистон ва Покистонлик зиёратчиларнинг қадами узилмайди, бу икки давлатнинг арбоблари ҳам бориб туришади.

Бобурийларсиз Ҳиндистон тарихини хаёл этиб бўлмагани каби, Ҳиндистон жуғрофияси ҳам Бобурий топонимларсиз тасаввурга сифмайди.

Аввалидан бошласак, Харъяна штатидаги Бобурпур шаҳарчаси: у саркарда бобомизнинг Иброҳим Лўдий устидан козонган беназир ғалабасини беш асрдан бери ҳам эслатиб, ҳам олқишлиб туриби. Нафсиларни айтганда, ярим оролнинг қай ҳудудида бу умрбокий сулоланинг изи йўқ?

Дехлидаги доимо гавжум, сайёхлар ташрифи тинмайдиган ва маҳобатли обидалар асосан 16-18-асрларда бунёд этилган: Лаъл Қалья (Кизил Қалья), машхур Жоме масжида, Пурона Қалья, Ҳумоюншоҳ мақбаси... Бугина эмас, уч даҳадан иборат шаҳарнинг шимоли-шарқий мавзеси – Эски Дехлинин хиндлар Шоҳжаҳонобод аташади. Негаки, у (1648) пойтахти Дехлига кўчириб, мислсиз курилиш ва ободонлаштириш ишларини юзага чиқарган. Шунингдек, Уттар-Прадеш штатида ҳам Шоҳжаҳонпур шаҳри бор, Жаҳонобод эса Патнадан 80 километр жануброқда.

Таникли урду шоири Назир Акбарободий (1740–1830) Акбаршоҳ каби диний бағрикентлик ва тенглик куйчиси бўлиб, худди ўша Акбарободда таваллуд топган. Аврангобод деган жой эса бир эмас, иккита: биринчиси – Махараштра штатида, бошкаси – Бихарда. Махараштрада қачонлардир сохиби таҳт бўлган Фотиххон шаҳарни Фотихнагар деб аташни буюрганди, 17-асрнинг охиридан Аврангобод номини олган. Декан адабий муҳитида алоҳида ўрин тутувчи ва урдузабон шеъриятининг юксалишига салмоқли хисса қўшган Вали Аврангободий шу шаҳарда туғилган. Аврангобода 17-18-асрларда курилган қувурли сув тармоғи Бобурийлар даври муҳандислик санъатининг ноёб обидаси бўлиб, шуниси ажабки, у хозир ҳам шаҳар аҳлининг корига ярамоқда. Қувурнинг даҳана бошидаги сув тиндиргичда (уни “осма ховуз” дейишида) тилла балиқлар тинимсиз ўйноклади. Ривоятга кўра, уларни Аврангзеб Оламгир ўз кўли билан кўпайтирган экан, шу боис, бу жоноворларни табаррук деб биладилар, уларга ҳеч ким озор бермайди.

Кези келганида бир тарихий ҳакиқатни ҳам эслаш жоиз: ёрининг ёдига маҳобатли ёдгорлик баҳшида этган Аврангзеб Оламгир ўзи дунёдан ўтгач, дабдаба қиласликни буюрган экан. Дарҳакиқат, шон-шавкати бекиёс бу шоҳнинг Хулдободдаги қабртоши зеб-зийнатдан холи, битиклари одмигина:

“Хувал ҳайул қайум. Абулмузаффар Мұхәммәд Аврангзеб Баҳодир Оламгир Подшоҳи Ғозийи жансатмакон. Таваллуд – санайи 1027, жутус – санайи 1068, вафот – санайи 1118”.

Бир пайтлар Патна шаҳри Азимобод аталган. Бунинг сабабкори Аврангзебнинг ўғли шаҳзода Азимушшаън эди... Хуллас, Ҳиндистонда (Покистон, Бангладеш, Афғонистонда ҳам) Бобур ва унинг авлодлари исми билан аталувчи жой номлари, шаҳар-кишлоклар, кўчалар, майдонлар беадад.

Ҳиндистон яриморолида Бобурийлар номини абадийлаштириш ҳакида хукуматнинг расмий ҳужжати бор-йўклиги хусусида муайян гап айтиш кийин. Лекин Бобурий подшоҳлар хинд ва урду адабиётининг (фольклорнинг ҳам) етакчи персонажларига айланиб кетишган. Нобель мукофотининг Осиёдаги биринчи лауреати Робиндренат Тҳокурнинг катор асарлари, жумладан, “Шоҳжаҳон” балладаси, “Тожмаҳал” шеъри ана шу мавзуда:

Амри возжисб шоҳсан, Шоҳжсаҳон ҳазрат,
 Валекин қисматинг кўз ёшу ҳасрат.
 Гўё бир ҳофиздир оппоқ ул мармар,
 Кўшиги ҳижорондан унсиз минг хабар.
 Асрдан-асрга, йиллардан-йилга,
 Тарқатар гулвафо бўйин ҳар дилга.
 “Мумтозим” деб ўтдинг, ўтдинг Шоҳжсаҳон,
 Сен учун йиглайман, йиглайман гирён.

P. Тҳокур, “Шоҳжсаҳон”.

* * *

Бир финжон қаҳва учун лоақал чақаси бўлмаган, юпун уст-бошининг чўнтакларида шамол ўйнайдиган корсиқалик йигитчанинг французларга император бўлиб қолиши... У давлат ғазнасидан оладиган йиллик маош нақд 25 миллион франк! Бу, албатта, ҳасадгўйга ёки ҳақиқаттўйларга ёқмасди...

Унинг отаси, онаси, бобосиу бобокалонлари оддий кишилар. Наполеон Италияда жуда кенг таркалган исм, Бонапарт эса 16-асрдан кейинги ёзма манбаларда гоҳо учраб туради. Карло Буонапарте ва Летиция Рамолини оиласида улгайган Бонапартзодалар бир этак эди. Улар улуғ оғалари шарофати билан тарихий шахсларга айланишди, то ҳануз номлари тилдан тушмайди. (Люсьен Бонапартгина (1775–1840) бу “имтиёз”дан мустасно.) Наполеон акаси Жозеф (1768–1844) бошига аввал Неаполитания (1806–1808), сўнгроқ Испания (1808–1813) тожини кийдириб, кироллик таҳтига ўтқизиб қўйганди. Лекин Жозеф Бонапарт унчалик рози бўлмаган, негаки, ўз салтанатига акасини валиаҳд килса, ҳақи кетмасди, ахир. Император укаси Луига (1778–1846) Голландия кироллигини берди (1806–1810) ва ўтай кизи Гортензия Богарнега уйлантириб қўйди. Кенжатой Жером Бонапарт (1784–1860) акасининг марҳамати билан 1807–1813 йиллари Вестфалияда кирол эди. Тўнгич сингил Элиза ёки Анна-Элиза хоним (1777–1820) бир эмас, уч салтанат маликаси ё буюк герцогиня бўлиб, то 1814 йилга кадар давр сурди. Полина (1780–1825) Италиянинг каттақон бўлагида герцогиня эса-да, жигаридан хафа, негаки, дурустроқ бир одамга узатгани йўқ-да. Королина (1782–1839) – Неаполитания кироли бўлган маршал Иоахим Мюратнинг хотини, егани олдида, емагани ортида. Факат маршал-куёвнинг ичи чикмайди, чунки, олампаноҳ қайноғаси Польша таҳтини ундан қизғонди...

Яна бир оғирроқ можаро шуки, ҳатто она-император зоти олияларининг дунёни зириллатаётган ўғлидан гинаси бор:

— Кўлида ўшанча давлати туриб, оғзининг ҳовриниям аяди, Европанинг битта-яримта парчасини бечора Люсьенга “ол” деворса, нимаси кетарди? – деб аразлайди Летиция момо...

Бефарзанд Наполеон биринчи консул (ҳали император эмас) чоғи ўзини юпантирадиган бир чора топди: укаси Луини асранди кизи Гортензияга уйлантиради, никоҳ риштаси Бонапартлар қонини Жозефинанинг наслига туташтиради-да, ёшларнинг тўнгичини ўзи ўғилликка олади, ана – валиаҳд. Тўй 1802 йил аввалида бўлиб ўтди. Гортензия ва Луи уч ўғил

кўришди: Наполеон Луи Шарль (1802–1807), Наполеон Луи (1804–1831), Шарль Луи Наполеон (1808–1873, бўлгуси Наполеон Учинчи).

Бирок ўзи тирик туриб, боласини акага ўғил қилиб бериш укага хуш келмасди. Уни юмшатиш учун Наполеон мол-дунё, орден, унвонлар берди, 1806 йили Голландия таҳтига ўтқизди. Аммо кирол Луи Бонапарт бари бир саркашлигини кўймайди, боз устига, хотинини акасидан қизғонади, ахир, бутун Европада зарбулмасал анави миш-мишлар...

Император 1811 йил 20 март куни ўғилли бўлди. Бахтиёр ота (42 ёшда эди) унга Жозеф Франсуа Шарль Бонапарт деб исм кўйди ва Рим қироллигини суюнчи килди. Шу гўдак буюк Наполеоннинг қонуний ва асл валиаҳди эди. Император оғир кунларга колиб, икки карра (1814, 1815) тож-таҳтидан ўғлининг фойдасига воз кечаркан, шаҳзодани Наполеон Иккинчи деб эълон килди. Лекин зафар шукухидан кўзини мой босган ғолиб иттифоқчилар Бонапартни ҳарбий асир ҳисоблаб, сулолага барҳам беришди. Париждаги қонунчилик органлари 22 июнь куни (1815) французлар императори Наполеон Иккинчи эканига иқор бўлса-да, Париждаги асосий аркони давлат 7 июляга шу қарорни тутса-да, эртасига (8 июль) Людовик Ўн саккизинчи пойттаҳтга тагин кириб келди. Наполеонзода учун энди ҳаммаси барбод бўлди, Бонапартчилар ўз орзу-умидларининг тимсолига айланган йигитни “Бургутча” деб улуғлашарди.

Шаҳзода эса Франция сарҳадларидан олисда – австриялик бобоси Франц Биринчи 1814 йилдаёқ уни Венага олиб кетган. Волидаси Мария-Луиза ҳазрати олиялари Нейперг деган бирор билан дон олишиб бўлгач, яна бошқасининг этагини тутди. Бахт куши бошидан учган император эса аввал Эльбада, сўнгроқ Авлиё Елена оролида илҳак, у ўғли ва рафиқасини ойлаб-ийлаб кутди.

Венадаги император бува (Наполеоннинг ашаддий душмани) тирик етим набирасини ўкситиб кўймади. Тўрт яшар шаҳзодага тайинлаган мураббий ва муаллимлар Австриянинг машҳур олимлари эди. Болакай эс таний бошлагач, император унга Рейхштадт шаҳрини ҳадя этади ва Шенбрунн қасрини ҳам тасарруфига берди. Бу кошона соҳибига айланган Наполеонзодани энди герцог Рейхштадтский деб аташарди.

Лекин сокчилар посбонлигидаги Шенбруннинг пўлат панжаралари ўта мустаҳкам бўлиб, ҳар бир қадами кузатиладиган шаҳзода учун бемалол турма вазифасини бажара оларди. У улғайгани сайин, айғокчилар хушёрликни ошириб боришди, албатта.

Наполеонзода 1832 йил 22 июля Венада жувонмарг бўлди. Ёруғ дунё-да ёруғлик кун кўрмаган бегуноҳ шаҳзода эндинига 21 ёшга тўлганди...¹

* * *

Захириддин Мухаммад Бобур афсус билан ёзадики, Ҳусайн Бойқародек улуғ подшохнинг ўн тўрт ўғлидан ўн бири *валадуззино* эди. Наполеондай шавкатли император ва саркарданинг жувонмарг “Бургутча”дан ўзга барча зурёдлари ҳам, таассуфки, никоҳсиз таваллуд топишган.

Тарихга Александр Валевский (1810–1868) номи билан кирган француз давлат арбоби ва дипломати Наполеоннинг валадуззино ўғли экан.

¹ Австрия 1940 йили Учинчи рейх истилосида бўлиб, Наполеонзоданинг Венадаги жасади қолдиқлари Хитлернинг амрига кўра фашистлар қўлидаги Парижга кўчирилган ва “Бургутча” Ногиронлар қасрига – отасининг ёнига қайта дағн этилган.

ни ўкувчига маълум. Император Польшада танишган Мария Валевская (мўйсафид граф Анастас буванинг рафиқаси) дунёга келтирган бу Наполеонзоданинг асл исми – Александр Флориан Колонна эди.

Наполеон Учинчи ўз хукмронлиги даврида Бонапартларга қариндошуруг бўлган ҳаммани бойлик ва рутбалар билан сийлади, жумладан, А.Валевскийга граф мақомини бериб, ташки ишлар вазири этиб тайинлади.

Крим урушида (1853–1856) Россия яккаланди, камалдаги Севастополда хар куни 1000-2000, хатто 3000 киши ҳалок бўларди. Икки ярим йил давом этган уруш камида икки юз минг жангчининг (асосан, рус, француз, инглиз, турк) бошини еди. Париж сулҳ шартномаси (1856 йил, март) бу хунрезликка барҳам берди: олти мамлакат иштирокидаги музо-караларда Россия бир мунча ютказган бўлса-да, томонлар келишиб олишиди. Бунда Франция делегацияси ва унинг раҳбари граф Валевскийнинг жўяли таклифлари ҳал қилувчи омиллардан бири бўлганди.

Англаб тургандирсиз, хикоямиз яна Наполеон Учинчи устига кўчди. У Франция ва Бонапартлар тарихида салмоқли ўрин тутадиган шахс: Наполеон Биринчининг жияни, Луи Бонапарт билан Гортензия Богарне никоҳидан туғилган учинчи ўғил, асл исми Шарль Луи Наполеон (1808–1873).¹

Шарль Луи Наполеоннинг болалиги 1814 йилгача император амакиси шарофати билан тўкин-сочинликда кечди. Биринчи империя кунпаякун бўлгач, “кўчдинг-ўчдинг” қабилида яшаган. Шунда онаси кўлидаги сердаромад мулк (киммати – 3 миллион франк) кор келиб, яхши билим олди.

Наполеон Бонапартнинг ўғли герцог Рейхштадтскийнинг вафотидан сўнг (1832) Шарль Луи Наполеон валиаҳд мақомини олди. У биринчи бор Франция таҳтини эгаллашга (1836 йил 30 октябрь) уриниб, кўлга тушди ва Америкага сургун қилинди. Онаси Европада оғир ҳасталигини эшитиб, АҚШдан кочди ва Гортензиянинг ўлимидан (1837 йил 5 октябрь) сўнг Швейцарияда яшаб колди. Кейин Англияга кўчиб ўтган шаҳзода 1840 йил 6 август куни иккичи бор давлат тўнтариши килмокчи бўлиб, бу гал ҳам иши чаппасидан келди. Натижада, умрбод камоқ жазосига ҳукм қилиниб, Гам қальясида 6 йил ётди ва камоқдан қочиб, Англияга кетди.

Февраль инкилоби (1848)дан кейинги ислоҳотлар туфайли у ватанига қайтиш имконига эга бўлди. 1840 йили Наполеон Биринчининг қабри Парижга кўчирилгач, бонапартизм шунчалар бош кўтардики, Наполеон шахсига сифиниш бошланганга ўхшарди. Бу эса Шарль Луи Наполеоннинг омади эди: 1848 йил, сентябрь ойида таъсис кенгаши депутатлигига, ўша йилнинг охирида (10 декабрь) Франция президентлигига сайланди.

¹ Таассуфки, Наполеон Учинчининг отаси кимлиги хусусида ҳам баҳслар мавжуд. Сирасини айтганда, тож-таҳт тақозоси туфайли (деяри мажбуран) узатилган Гортензияни муҳаббатиз оиласда баҳти деб бўлмасди. Колмишга, Голландия қироли Луи Бонапарт ҳазрати олийлари ярим жон, ўнг кўли ва умуртқаси шикастланган, юриб-турши ҳам қўйин. Аммо шу баҳона билан баҳти четдан кидириш?.. Айниска, маликалар учун баҳт ва муҳаббат кўчада тушиб ётармиди? Йўқ, биз Гортензия Богарнени қораламоқчи эмасмиз, уни икки аср давомида окладиганлар – оклаб, қораловчилар – қоралаб бўлганлар.

Наполеоншунослар Голландия қироличасининг таржимиҳо ҳолига ошиқ жаноблар номини ҳам битиб кетишган. Мана улардан айримлари: Жерар Кристофф Дюрок – Наполеоннинг энг яқин мулозими, обер-гофмаршал; Карл Генрих Вергуэз – Голландия министри, адмирал; Эли Деказ – Луи Бонапартнинг мушовири; Шарль де Билан – Голландия қиролининг шталмейстери; Шарль де Флао – француз генерали...

Александр Дюманинг ёзишича, Наполеон Учинчининг отаси ана шу Флао ёки саналган жазманлардан бошча бири, аммо Луи Бонапарт эмас. “Қисқаси, – деб ҳулосалайди Дюма, – императорнинг падари номаълум. Шунинг учун ҳам Луи Бонапарт болани “меники эмас” деб юрган, факат Наполеоннинг қистови билангина тан олган”...

Шундан сүнг бонапартизмга кайтадан жон киргандай бўлди. Президент-шахзодага яқиндан кўмак берганлардан бири укаси Шарль Огюст – герцог Морни эди. У 1851 йилдаги давлат тўнтаришида ҳам фаол иштирок этган. Париж конгресси якунлангач, герцог Морнини акаси Россияга элчи қилиб тайинлаган.

Бонапартчилар уюшиб, “Ўнинчи декабрь жамияти” тузилди ва президент-шахзода давлат аппаратини ўз тарафдорлари билан бутлашини 1849 йил кузига кадар ниҳоясига етказди. Хуллас, Шарль Луи Наполеон 1851 йил 2 декабрь куни армия ёрдамида давлат тўнтариши қилиб, муҳофизларини тамоман маҳв этди, конституция ҳам янгиланди.

Энди президентдан императорга айланиш ва душманлар амакисидан тортиб олган таҳтни эгаллаб, бошига тож кийиш колганди. Давлат тизгини ўз одамлари кўлида, уларнинг кўмаги билан халқнинг фикрини бемалол бошқарса бўлади. Аммо Европа сиёсатини белгиловчи буюк давлатлар-чи, уларнинг хукмдорлари не дейди?..

Францияда “Ўнинчи декабрь жамияти” билан ҳамкор ва ҳамфирк “Пуатье қўмитаси” бор эдик, у аксарият кучли ҳокимият тарафдори бўлган монархистлардан ташкил топганди. Президент ана шу қўмита фаоларидан бирини шахсан яхши биларди. У ким десангиз, Жорж Шарль Данте – барон де Геккерн, яъни улуғ рус шоири А.С.Пушкиннинг дуэлдаги котили Данте эди¹. Наполеон уни хуфёна чақириб, маҳфий дипломатик топшириқ берди. Бу 1852 йил май ойидаги гап: Данте дарҳол йўлга чиқиб, Австрия, Пруссия, Россия императорлари билан юзма-юз учрашиб, президент-шахзоданинг ниятини айтди ва уларнинг муносабатини сўради. Учала хукмдор ҳам Францияда империянинг тикланишига хайриҳоҳлик билдириши.

Президент-шахзода амакиси 1804 йили қўллаган усуслини дадил ишга солди: 1852 йил ноябрда унинг ташабbusи билан умумхалқ референдуми ўтказилди. Аксар француزلар мамлакатда империя бошқарувини тиклашни ёқлаб овоз беришди. Ўша йили 2 декабрда (Наполеон Биринчи таҳтни эгаллаган кун) Шарль Луи Наполеон-Бонапарт Франция императори деб эълон қилинди ва Наполеон Учинчи номи билан таҳтга ўтириди, аммо тантанали тож кийиш маросимини рад этди.

Янги хукмдор дарҳол шахсий дастуридаги уч юмуш ижросига кўлурди. Аввало, республика тузумига буткул барҳам бериб, империя бошқарув аппаратини амакисидан қолган андозада тузди. Сўнгра монархия пойдеворининг яратувчилари бўлмиш ўз одамларига саховат эшикли-

¹ Данте (1812–1895) шоири Пушкинга божа бўларди, у нафқат рус поэзиясининг кўёшини, балки кенжә қайнининглиси Наталя Николаевнанинг эрини дузлда ўлдириб кўйганди. Аввал хибда сақланди, сунг Россияядан бадарга қилинди. Ортидан рафиқаси Екатерина Николаевна Гончарова-Данте хоним (1809–1843) етиб борди: эр қайд бўлса, хотин ҳам ўша ерда. Икков баҳти яшардилар, бироқ Е. Николаевна кенжә фарзандини дунёга кептиргач, ўзи оламдан ўтди.

Данте синглиси Аделнинг оналарча ғамхўрлиги билан уч қиз ва бир ўғилни беваликда улгайтириди: Матильда-Евгения (1837–1893), Берта-Жозефина (1839–1908), Леони-Шарлотта (1840–1888), Луи-Шарль-Жорж (1843–1902). Данте иккинчи империя арафасидабек сиёсий қарашлари пухта шаклланган аробоб саналарди: Юқори Рейн олий кенгаши раиси, Сульц шаҳар мэри, кредит банклари ва темир йўл компанияларининг таъсисчиси...

Наполеон Учинчи асир тушгач, Бисмаркнинг тазики билан тузилган Франкфурт шартномасига кўра, Эльзации немислар олиб кўйишиди ва ерлик ахолига “имтиёз” беришиди:

– Миллатингизни энди бемалол ўзgartириб, паспорта “немисман” деб ёздираверинг.

– Мен француzman ва французлигимча ўламан, – деди Данте ва “имтиёз”дан фойдалангани йўқ.

У 31 ёшида бева қолганди, қайта ўйланмади, умрбод ёрининг ёди билан яшаб, пири бадавлат ёшларга етди ва фарзандлари эъзозида вафот этди.

рини очди: айникса, “Үнинчи декабрь жамияти” ва “Пуатье кўмитаси” фаоллари шоҳона марҳаматлардан мўл-кўл баҳраманд бўлишди. Жумладан, Дантес ҳам сенаторлик лавозими ва Фахрий Легион ордени билан тақдирланди.¹ Олампаноҳнинг учинчи режаси баридан муҳим, император 45 ёшга етган бўлса-да, ҳануз сўккабош эди. Аркони давлат у ёк-бу ёкка оғиз солиб кўрди, бирок Европанинг улуғ подшоҳларидан бироргаси уни куёв қилиш ниятида эмасди. Алкисса, Наполеон 1853 йили 30 январь куни уйланди, ўзидан 18 ёш кичкина графиня Тобская – Мария Евгения Августина Игнасия де Монтихо испан гўзали эди...

Наполеон Учинчи ниҳоятда сергайрат, янгиликка ўч ва тезкор киши бўлиб, урушни яхши кўпаратди. Унинг пухта ўйланган сиёсати Франция хазинаси ва ҳарбий қудратини юксалтириди, дунёнинг турли бурчагидан келаётган даромадлар ошиб кетди. Франциянинг иккинчи императори мамлакатини кўзга кўрсатиб кўйди, ҳамма ҳузур французларники бўлиб, улар жуда бойиб-битиб кетгандилар. Биржа ўйинларини ўйлаб топишди, буюк ҳалққа Европа неъматлари энди кифоя қиласди, негаки, Африка ва Осиёнинг, Америка ва олис жаннатий оролларнинг маҳсулига жуда мазахўрак бўлиб қолишган. Наполеон Парижни қайта қуриб ташлади, кўчалар торрок бўлса-да, пойтахт ҳеч қачон бунчалик обод бўлган эмасди.

Сувайш канали... Британиялик муҳандис Стефенсон, Ҳинд уммони Ўрга ер дengизидан саккиз метр баланд, башарти икки сув туташгудай бўлса, Европа соҳиллари тошкинда колади, деб ваҳима қиларди. Инсон тафаккури, Фердинанд Лессепснинг саъӣ ҳаракати ва арабларнинг пешона тери билан бу ғоя рўёбга чиқди. Бунда Наполеон Учинчининг хизмати ҳам озмас, зеро, акцияларнинг 53 фойзи Францияни эди.²

Очилиш маросими (1869) мислсиз ҳалқаро тантанага айланиб кетган. Мехмонлар орасида Эмиль Золя, Теофиль Готье, Генрих Ибсен каби атоқли адиблар, Австрия императори Франц-Иосиф, Пруссия шаҳзодаси Фридрих, яна канча тождор арбоблар бор. Аммо давранинг гултожи Франция империясининг вакили Евгения Монтихо (“Иккинчи Клеопатра”) зоти олиялари эди. Миср ҳукмдори Исмоил пошо маликага хушомад қилиб, масъул муҳандисларга дўқ урган бўлди:

– Башарти, хоним афандимнинг кемалари кум-пумга ўтириб қолса, ҳамманги қозикка ўтказаман!

Ҳазрати малика жойлашгандай “Эгль” яхтаси ортидан бутун бир карвон суза кетди. Бироқ пошони ўз ҳодимлари эмас, бастакор Жузеппе Верди хижолатга кўйди: у буюртма бўйича каналга бағишлиланган “Аида” операсини битказиб, тантаналар чоги намойиш этиши зарур эди, бироқ ваъдасини уddyаламади.

– Афуски, – деди сув сайридан қайтиб, француз маликасини холи топган Исмоил, – сизга ваъдабоз бастакорнинг қозикқа ўтказилган афтини кўришдай ҳузурни бағишлишга имконим йўқ.

Евгения шўх киқирлади ва елпигичи билан пошонинг кўлига туртиб, шивирлади:

– Ростини айтинг-чи, ҳарамингиздаги ўшанча хотин сизга шунчалар зарурми?

¹ Сенат аъзосининг император белгилаган йиллик маоши олтин ҳисобида ўттиз минг франк эди.

² Сувайш канали лойиҳасини икки франциялик (Линан ва Мужель), бир италиялик (Негрелли) муҳандис тайёрлаган. Қурилиш ўн йил давом этиб, ойига 60 минг киши меҳнат қиларди. Канал Африка қитъасини айланиб ўтувчи кемалар йўлини 8-15 минг километрга яқинлаشتирган.

Исмоил пошо тушунди, демак, тағин хушомад қилиши керак:

— Бирининг оху кўзлари, бошқасининг товусдай хироми, учинчисининг донолиги, тўртингисининг шамшод қомати, бешинчисининг ҳалимлиги жонимга хузур-да. Лекин сиз учун бу ҳаловатларнинг баридан минбаъд кечаман, зоро, илк кўрганимдаёқ англадимки, аёл зотининг минг бир фазилати танҳо ўзингизда мужассам...

Пошо олиймақом мөхмонларга 30 миллион франкка битказилган янги касрда зиёфат берди. Уч минг кишилик дастурхон тузатилган, Евгения Монтихонинг ётоғи алоҳида, унинг учун бир неча хона шарқона ҳарамлар андозасида жиҳозланган, бу ердаги ҳашаматнинг харажати ярим миллион франк, “холос”...

Миср сафаридан ўлгудай толикиб, ўғлини соғиниб қайтган маликайи олия шаҳзодани суюб бағрига олди, унинг кўлчаларини ўпаркан, тушкун кайфиятдаги эрига бокди:

— Сизга нима бўлди, ҳазратим?

Император парламент ва ҳукуматдан ҳасрат қилиб, қандайдир ҳатолардан гап очди.

— Ҳато дегани бўлади-да, — далда аралаш маслаҳат берди зоти олиялари, — биласиз-ку, уруш ҳамма ҳатоларимизни тузатишга қодир. Лоақал манави гўдаккина жигаргўшангиз учун, шу Лулужон валиаҳд бўладиган таҳtingизни саклаб қолишга ҳам уруш керак...

Ҳатоларини тўғрилаш устида хўб тафаккур килган Наполеон 1870 йил 19 июлда Пруссияга карши уруш бошлади. Бу императорнинг энг охирги ва энг хунук айби эди — ўз тақдирни ҳам, Франциянинг шон-шавкати ҳам барбод бўлди. Иккинчи империя 4 сентябрь куни ағдарилиди, Наполеон душман кўлига асир тушди.¹

Зафар туртки бўлди-да, Бисмарктин орзуси амалга ошди: ниҳоят, шимолий ва жанубий немис давлатлари бирлашиб, ягона Германия империяси ташкил топгани эълон қилинди.

Ўшанда европаликларнинг накли туғилди:

— Бисмарк Германияни буюклик осмонига кўтарса-да, немис ҳалқининг қаддини буқди...

Француздар учун киёмат куни келганди: 27 октябрь маршал Базен учун шармисорлик санаси бўлди: Мец гарнizonida 173 минг қуролланган аскари туриб, шаҳарни кўшкўллаб топширди. Француз солдатлари илматашик байрокларини ўпид-ўпид ўтга ташлаши (ёнаётган байроклари аламидан йиғлаётган фаранглар ҳолини кўриб, немислар ҳам йиғлаб юборган экан.)

Парижда учинчи республика эълон қилинди. Наполеон бошлаган Франциянинг босқинчилик уруши энди миллатнинг озодлик урушига айланди. Империянинг куни битиб, император Седанда оқ байроқ кўтарган эса-да, француз ҳалқи таслим бўлган эмас, пойтахт эрк учун курашнинг бош таянчи эди.

¹ Людовик Ўн олтинчининг хотини Мария-Антуанетта каби боши кесилишидан кўрқан Евгения ўша куни ёкининг тарафга ошиқди ва “Оху” номли елканли кемада Англияга жўнади. Ла-Маншда дувул кутуриб, Буюк Британиянинг “Кэптэн” фрегати чўкиб кетди. Ҳайтовур, малика 9 сентябрда манзилига етиб олди, соҳилда майин жунли инглиз кўйлари ўт чимдид юарди. Қиролича Виктория юборган карета иккиси соатдаёқ уни Чиззльхерст саройига олиб борди. Олдинроқ жўнатилган шахзода Лулу шу ерда эди... Евгения Монтихо Англиядга узоқ јашаб, умри охирини ёлғиз ва гарибиликда ўтказди, у 1920 йили 94 ёнда вафот этди.

Париж камалда, уни немис тўпчилари нишонга олган: замбараклар – 400та, снаряд-бомбалар – 100 минг дона. 27 декабрь (1870) тонгига буйруқ берилгач, Европанинг бош шахри кўчалари ва хиёбонларига, боғлари ва гулзорларига, музей ва театрларига, шифохона ва гарикхоналарига ёғаётган “ёмғир”дан аланга кўтарилаверди. Яхлит Германиянинг дояси, аммо Франциянинг кушандаси бўлмиш Отто фон Бисмарк француз кироллари ўрдаси Версалда ғолибона керилиб ётган дамларда парижликлар увок нонга зор эдилар. Шаҳарда илк бор озиқ-овқат паттаси пайдо бўлди, лекин егуликнинг ўзи қани? Меъёр бўйича камалдаги шаҳарда жон бошига 15 грамм гуруч ёки нўхат, 20 грамм сули ва 30 грамм кўкат коки берилади. Париждаги қаҳатчиликни ўз кўзи билан кўрган бир рус муаллифи ёзади:

“Ит, мушук, сичқон-каlamушлар беҳад танқис: мушук – 20, кalamush – 4 франкка сотиларди. Бир қадоқ бўри гўштининг 30 франкдан арzonи йўқ, сутнинг тўртдан уч улуши сув бўлиб, у ҳам топилиб-топилмайди...”

Боз, ўша йили киши Париж устига қиличини шунчалар қайраб келдики, кўмир тезда соб бўлиб, кўча-боғлардаги асрий ва эъзозли дарахтлар, мебеллар, ноёб китоб ва кўлёзмалар – нимаики топилса, бари печкага тикиларди. Очлик ва совук аксари қариялар, хасталар, ногиронлар, норасида болалар ва урушдан жароҳатланиб қайтган аскарларни тутдай тўкар эди...

Аммо Париж ғолиблар устидан ғолиб эди, ҳамма хонадонларнинг эшик-деразалари берк. Дўконлар, ошхоналар, идоралар – бари ёпилган, пешлавҳалар устида эълон:

— Миллий мотам! Француз халқи азадор!

Немис армиясига хувиллаган кўчаларгина “пешвоз” чиқди. Ҳеч ким, ҳатто, ит-мушуклар ҳам йўқ. Куршовдаги шўрлик шаҳар еб битирган, ахир.

Дарвоке, сафларнинг аввали тасодифан бир парижликка йўлиқиб қолди.

— Қийшайтириб чизилган карикатуralардаги афт-ангорингизни танигандай бўлдим, Бисмарксиз-да, а? – сўради француз.

— Шундай, Бисмаркман.¹

— Отиб ташлайн десам, афсуски, қуролим йўқ, аммо башарангизга туфлай оламан.

Канцлер бетидаги тупукни артаркан, Париждаги ягона ўткинчига юзланди:

— Бу ишинг Венадаги кўргиликларим олдида ҳолvasи, ошна. Бўпти, қаҳрамон, бор, йўлингдан қолма...

Париж оккупацияси 62 соатгина давом этди: босқинчилар кимсасиз шаҳарда ғолиблигини кимга ҳам кўз-кўз қилсин? Уруш Германияни 2,7 ва Францияни 9,8 миллиард маркага “чув туширди”. Мағлуб учун контрибуция деганлари ҳам бор: ернинг тагидан бўлса ҳам французлар олтин ҳисобида 7 миллиард марка товои пулини топишлари ва немислар газнасига тўлашлари шарт. Бильакс, оккупацион қўшинлар Франциянинг белгиланган ҳудудида еб-ичиб ётаверадилар, шартнома шунака...

¹ Бисмарк Отто Эдуард Леопольд фон Шенхайзен (1815–1898) – немис давлат арбоби, князь, дипломатик вакил (1851–1862), Пруссияда вазир-президент ва ташки ишлар вазири (1862–1867), Шимолий Германия иттифоқи бундесканцлери (1867–1871), Германия империяси рейхсканцлери (1871–1890). Бисмарк ягона немис давлатининг яратувчиси эди.

Франция халқига дунё тан беради, тан бермасликнинг иложи ҳам йўқда! Бутун миллат оёкка турди, бой ҳам, камбағал ҳам киссасини кавлади. Яширин ғазнадаги олтин захираси очилди: у ертўлада, занглаган тунукалар билан филофланган, қалтис вазиятда сувга бостириш тизими ҳам тайёр, Сенадаги даҳана очилса бас эди. Франция емади-ичмади, аммо ана шу пулни тез топди ва озодликка чиқди, оккупантлардан кутулди... Французлар бошига тушган бу қора кунлар Наполеон Учинчининг “каромати”, у бошлаган урушнинг “шарофати” эди...

Қолмишига, у янги хуружнинг харакатига тушиб колди. Бу қарийб нақд бўлиб, Англиядан дengiz орқали бориб, куролли десант тушириш 1873 йил 20 марта белгиланди. Наполеон Учинчи буюк амакисининг 1815 йилдаги жасоратини тақрорлаш бўсағасида тайёр туради. Аммо тарих олдидаги шунчалар масъулиятни касал ҳолида уddyalай оладими? Йўқ, соппа-соғ бўлиши керак: бинобарин, Наполеон операция столига ётишга ва сийдик йўлидаги тошни олдиришга рози бўлди. Бироқ меъордан ўта ортиқ хлорални кўтаролмади-да, оламдан ўтди-кетди. Унинг ҳамма режалари чиппакка чиқди, лекин француз халқини янги бало-қазолардан Худо асадри.

Наполеон Учинчини уст-боши билан тобутга кўйиб, Англия тупроғига топширишди. Марҳум императорнинг икки қизи ва бир ўғли (Эжен Луи Наполеон) бор эди. Бонапартистларнинг ҳамма умиди энди ана шу йигитдан: ёш шахзода отасининг таҳтини қайтариб олса, неажаб? Уни ҳалитданок Наполеон Тўртинчи атаётган хайриҳоҳлар талай. Тағин, Буюк Британия қироличаси Виктория ҳазрати олияларига ҳам шундай бўлгани маъқулроқ. Бироқ йигитча ҳали килич кўтариб, жангта кирганича йўқ, француз ҳалки уни асл Бонапарт деб қабул қилмоғи учун эса катта бир иш кўрсатиб оғизга тушиши, жанговар шуҳрат ортириши керак. Бу мулоҳаза мантикли эди, шу боис Наполеоннинг беваси Евгения ва кочоқ оиласи Чизъхерстдан жой берган Виктория икков шахзодани жангтоҳга жўнатишиди.

Бу пайтда (1879 йил, январь) Англия Африкадаги зулус кабилалари билан урушаётган бўлиб, инглиз армиясининг зобити Эжен Бонапарт ҳам “кора қитъя”га етиб борди. Бироқ зулуслар ассагайи – раҳнамоси фақат Бонапартчиларнинг режасини эмас, бутун Европа сиёсатини ўзгартириб юборди. Шахзода мингандан отнинг айили узилиб, зобит тошлок яндамага чаппа тушди ва баданига қувлаб келаётган ҳабашларнинг заҳарли пайконлари санчилди. Ҳали уйланмаган 23 яшар шахзода устидан Жанубий Африка тупроғи тортилди ва Наполеон Учинчининг авлодига нукта кўйилди...

Ўшандан то бизнинг кунларга қадар келаётган Наполеонлар сулоласи Жером Бонапарт (Наполеон Бонапартнинг укаси) авлодлариidi.¹ 1879 йилдан бу ёғига шахзода хисобланувчи Наполеонзодалар хронологияси кўйидагича: Виктор (Наполеон V, 1862–1926); Луи (Наполеон VI, 1914–1997); Жан Кристофф (Наполеон VII), у 1986 йилда таваллуд топган.¹

Мазкур Наполеонлар ҳам, уларнинг келгуси авлодлари ҳам қайсиdir давлатнинг монархи бўлиши ҳам мантикий, ҳам сиёсий нуктаи назардан

¹ Франция Республикаси қонунига кўра, 1883 йили қироллар ва императорлар оиласининг барча аъзолари мамлакатдан бадарға этилган. Бу қонун узоқ вақт амалда бўлиб, 1950 йилдагина бекор қилинди ва шундан сўнг Бонапартлар сулоласига мансуб шахзодаларнинг ватанга қайтишига рухсат берилди.

амри маҳол. Уларни халқ, масалан, французлар Бонапартдан қолган жонли ёдгорлик сифатидагина қабул қилишлари мумкин.

Бу мавзуга тааллукли яна иккита гап қолди. Биринчиси: Наполеон Бонапартнинг яна бир фарзанди – беникоҳ туғилган кизи хусусида. Граф Шарль-Тристан де Монтолон сургунга бирга кетиб, унга адъютантлик киларди. Гап шундаки, у Авлиё Еленага оиласи билан борган: рафиқаси Альбина де Монтолон ниҳоятда шинам ва гўзал аёл бўлиб, Наполеон шу хонимга кизикиб колади. “Қизикиш” натижасида 1818 йили бир киз туғилиб, исмини Жозефина Наполеоне де Монтолон қўядилар. Бирок кизалоқнинг умри киска экан, узок яшамайди, 1819 йилда ёшига етибетмасдан оламдан ўтади.

Беихтиёр хаёлга келадики, Бонапартнинг ўлемида граф Монтолоннинг қўли борлиги хақидаги миш-мишлар ана шу “қизикиш”га дахлдор бўлса-чи? Хотини ва хожасининг хиёнатидан воқиф бўлгач, граф собик императорнинг косасига... У ёгини энди Худо билади...

Иккинчи гап шуки, Наполеон куёви Иоахим Мюратни маршал (1804) увони билан сийлаб, империя шахзодаси рутбасини (1805) хам берганди. Иккинчи империя даврида Мюратнинг фарзандларига шахзодалик мақоми тикланди. Маршалнинг тўнғичи Ахилл (1801–1847) вафот этгач, иккинчи ўғли Наполеон Люсьен Шарль Мюрат йўқ салтанатта “валиаҳд” эди. Италия уруши пайтида бу шахзода император тоғавачаси кўмагида Сицилия таҳтини олмокчи хам бўлди, лекин Наполеон III уни кувватлаганий йўқ...

Хозир Мюратлар кўпайиб, бутун дунёга тарқаб кетишган. Шахзода саналувчилари хам бор, улардан бири, яъни Мюратнинг эвараси Наполеон Ахиллович Мюрат (1873–1943) чор Россиясининг генерали эди ва ҳоказо...


SARGUZASHT. DETEKTIV. FANTASTIKA


Ховард Филипс ЛАВКРАФТ

(1890–1937)

Огюст ДЕРЛЕТТ

(1909–1971)

ОСТОНАДА ПИНХОНА¹

*Рус тилидан
Рустам ОБИД
таржимаси*

Оқшом асабий сукут ичиди ўтди, мен бир амаллаб хонамга чиқишга баҳона топганимдан енгил тортдим. Кутубхона жавонларида қалашиб ётган эски күләзмаларни вараклашга заррача хохишим йўқ эди, шу боис Архам-ситидан кеча сотиб олган маҳаллий газетага кўз югуртириш билан кифояландим. Лекин шу захотиёқ бу танловимдан каттиқ афсус чекдим. Биринчи саҳифанинг нак ярмини эгаллаган бош мақола Жейсон Осборнинг чинқириғи данвичлик бир кампирга туни бўйи тинчлик бермаётганига бағишиланган эди.

Осборнинг жасади киш тугаб, қор эригач, Биллингтонлар дараҳтзоридаги ялангликдан топилган эди. Мурдани ёриб кўриш шуни кўрсатдики, Осборнинг ҳарорати ўлим олдидан кескин ўзгарган, бундан ташқари, танаси тилка-пора қилинган, аммо нимадан ўлганини кўрсатувчи бирорта ҳам сабаб аниқланмаган.

Муаллифнинг батафсил ёзишича, кампир уйғониб кетган-у, ғалати овоздан ажабланган, лекин у қаердан келяпти, буни хечам аниқлай олмаган, у қаердандир ташқаридан, гўё “чексиз осмоннинг зулмат қъеридан” эшитилаётганди. Холосада эса “ўша сирли воеа-ходисалару улар сабаб тинчи бузилган онахон ҳикояси пинҳон қолишини кимдир жуда истаган кўринади”, деган тахмин билдирилган эди.

Тўғриси, бу хабар мени қизикириб кўйди. Биринчидан, бу мақола Биллингтонлар дараҳтзоридан топилган жасадлар “катта баландликдан ташлаб юборилган”, деган аввалги холосани карийб айнан такрорларди. Иккинчидан, муаллиф овлок ва сокин Данвични кўркувга соглан ўша жумбокқа доир бутун тафсилотларни – Илия Биллингтон тунда осмондан қандайдир мавжудотни чорлаганидан тортиб, сўнгти қотилликларгача – яна бир бошдан санаб чиқкан эди. Балки мени боши берк кўчалардан олиб чиқадиган калава учи кўлимга теккандир?!

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

Бирор кулфат юз беришини даргазаб бўлиб кутиш хиссига тўла мухит мени бор залвори билан эзарди, бадковок деворлар гёй ҳар бир қадамимни кузатар, қолаверса, уйнинг ўзи ҳам сал ножӯя қадам қўйсан, шу ондаёқ устимга кулаб, янчиб ташлайдигандек туюларди.

Ўқиганларимдан баттар асабийлашиб, тўшакда у ёқдан-бу ёққа ағанаб, анча ётдим, ботқоклиқдан келаётган куриллашлар ва пастидаги меҳмонхонада холаваччамнинг хир-хир йўталишидан безор бўлганча, мижжа қокмай чиқдим. Бу тушимми ёки ўнгимми – билмайман, лекин кимнингдир оғир қадамлари бутун уйни титратгани, қоп-қора осмон қаърида момакалдироқдек акс-садо берганини аник-тинни эшитдим.

Бакалар менга уйку бермай, тонг отгунча куриллаб чиқди. Толикқанимдан бошим ғовлаб уйғондим, муздек сувли кўлювгичда узок пишқириб ювиндим. Кўнглимда эса жумбоқнинг тагига етиш учун Данвични бир айланишим керак, деган фикр мустаҳкамланиб борарди.

Меҳмонхонага тушганимда столда нонушта тайёр туради. Холаваччам хўмрайганча саломлашди, аммо ярим кунга машинасини сўраганимда, чехраси ёришиб кетди. У дарҳол енгил тортиб, машинани кун бўйи олсанг ҳам майли, деди. Машина ёнигача кузатиб бориб, шаҳарда истаганча қолавер, деб тақрорлади. Мабодо бутунлай кетяпман десам, боёкиш юраги кувончдан ёрилиб ўларди.

Гарчи оний кайфият сабаб бу қарорга келган бўлсам-да, лекин шунга қарамай, асосий ниятим миссис Бишоп билан учрашиш эди. Бу кампир ҳакида холаваччам илк сұхбатимизда ҳикоя килиб берганди. Бу аёл Нарлототеп ёки Йогг-Сототга ўхшаш қадимги номларни билар эмиш. Амброздан эшитганларим бўйича унинг уйини осонгина топсам керак, деб ўйладим. Қолаверса, вактим ҳам жуда бемалол эди. Агар кампир муғомбирликка ўтса, уни тилга киритиш имкониятим бор – мабодо пул ёрдам бермаса, мен ҳам қувликка ўттарман. Ана шу ишонч билан йўлга отландим.

Миссис Бишопнинг хароб кулбасини топиш чиндан-да қийин бўлмади. Четан девори кийшайган пастикам уйча шундок йўл ёқасида туради. Дарвозадаги лавҳага қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан “Бишоп” деб ёзилгани бутун шубҳамни тарқатиб юборди. Машинадан тушгач, сўқмок йўлдан дадил ўтдим-да, зинадан кўтарилиб, эшикни тақиллатдим.

– Киринг, – деган ҳиркироқ овоз эшитилди ичкаридан.

Мен остонадан ҳатладим-у, салкам юз йиллик тутун ҳиди ўтирган нимқоронғи хонага кирдим. Биттагина деразадан сизиб кираётган ёруғлик тўқима оромкурсида букчайиб ўтирганча, менга қаттиқ тикилиб турган кампирни ёритарди. Унинг тиззасида каттагина кора мушук мударр эди.

– Ўтири, нотаниш кимса.

Атрофга аланглаб, эскилигидан қорайиб кетган, эман ёғочидан ясалган ўриндикини кўрдим ва бир чеккасига охиста чўқдим.

– Салом, миссис Бишоп...

– Нима учун келганингни биламан... – Унинг хира кўзлари юзимга кадалган эди. – Сенинг тақдиринг Биллингтонлар дараҳтзоридан, лаънати ботқоклиқдан ўтади...

– Номим Стивен Бейтс, – овозим бўғиқ чиққанидан ўзим ҳам ажабландим. – Сиздан бир нарсани сўраш учун келувдим...

Назаримда, у сўзларимни эшитмаёттандек эли.

— Сен минора ёнига бординг-а... Олачипор бақалар сен келганингдан дарак беряпти. Улар Ташқи Оламлардаги Мавжудотларни чакиряпти.

— Кечирасиз-у, гапингизни кўпам тушунмадим, миссис Бишоп.

— Келади, деб кутилган Одам ахийри келди. Унинг кайтганини уйининг эшиклари очилишидан билдим. Бақалар яна куриллаяпти – ўша кимса ортидан Улар ҳам қайтишига хамма нарса шай. Мен ўлимдан кўркмайман, аммо сўнгги кунларда ажал яқинлашаётганини хис қиляпман. Ўзини Стивен Бейтс деб атаган одам, кимсан ўзинг аслида? Нима ҳаккинг бор бу ерга келишга? Ёки улардан биримисан?

— Инсонлигим афт-ангоримдан кўриниб турибди-ку, – дея эътиroz билдиридим мен.

— Йўқ, бунинг хеч қандай аҳамияти йўқ, – Кампирнинг хиркирок овози пасайди, ҳатто шивирлашга ўтди. – Улар ўзи хоҳлаган киёфада келиши мумкин. Кўп одамлар уларга жон деб хизмат қиласди. Сен Уларнинг хоҳишига кўра бу ерга келгансан.

— Йўқ-йўқ, янгишяпсиз, миссис Бишоп!

Шошқалоклик билан берган бу жавобим ўзимнинг бошимга етди. Кампирни шубҳалар чулғаб олди. У ўзини оқлаёттандек оҳангда давом этди:

— Қасам ичиб айтаман, мен ҳеч қандай ёмон ниятга борганим йўқ, эшитганимни ҳам ҳеч кимга гуллаб кўймадим. Хатни ҳеч ким сўрамаса ҳам, Лим Уэйтли ёзди.

— Жейсон Особорннинг овозини эшитганингизни айтяпсизми?

— Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очганим йўқ!

— Качон унинг овозини эшитдингиз?

— Боёкиш фойиб бўлганига ўн кун бўлганидан то жасади топилгунгача ўтган икки ҳафта давомида. Ўзи шу хонада тургандек, сўзларини аник эшитдим. Шу пайтгача у билан ҳеч кўришмаган, факат водийнинг нарёғида яшашини эшитгандим, холос.

— У нималар деди?

— Сирли афсунларни ўқиди, ғалати номларни тилга олди – мен уларни илгари ҳеч эшитмагандим. Бу одамзот тили эди, шунинг учун гапини тушундим. Лекин охирги кечаларда Уларнинг тилида сўзлашга ўтдики, буни энди одамзот тушунмайди.

— У сизга каердан туриб сўзлади?

— Ташқи Оламлардан. Улар боёкишни ўзи билан олиб кетган ва ейишидан олдин ўша ерда бандиликда саклаган.

— Уни ҳеч ким емаган, миссис Бишоп. Танаси дараҳтзордан топилган.

— Биламан, – деди кампир ўзбилармонлик билан шумшайиб. – Уларга инсон танасининг ҳечам кераги йўқ. Улар очлигини бошқача йўл билан қондиради. Улар инсон рухи – уни фикрлашга, хис қилишга ундовчи асос билан озикланади.

— Ҳаётий кучми?

— Қандай хоҳласанг, шундай атайвер, нотаниш кимса. Ўша лаънати дараҳтзорда Жейсонни топишганида, у ўлгандан ҳам бешбаттар эди. Улар боёкишнинг танасини нимталаган, қиймалаган, шу йўл билан ўз очлигини қондирган, яна қайга борса, жасадни ҳам ўзи билан узок вакт судраб юрган.

— Уларни кўрганмисиз?

— Ҳа, десам ҳам, йўқ десам ҳам бўлади, нотаниш кимса. Улар доим шу ерда, биз билан ёнма-ён-у, аммо ҳеч кўзга кўринмайди. Улар ҳар бир сўзимизни эшитиб туради, остонада бикиниб олганча, бизнинг оламга кириш учун чорловни кутади. Кекса эсквайр Уларни чорлади-ю, бироқ жўнаш олдидан кулфлаб кетди. Улар салкам икки аср хибсда азоб чекди, У, ниҳоят, Уларни озод қилгани қайтди. Улар яна эркин – гоҳ учаяпти, гоҳ ўрмалаяпти, балки Дарвоза ортида шай туришгандир – Уларга дарвозани очувчи кимсалар тайин. Эсквайрнинг овози Уларни чорляяпти, бироқ ҳатто Унинг ўзи ҳам, “Белги” билан химояланмаса, жони хатарда қолиши мумкин. Улар хозирча Уни тилка-пора кила олмайди. Сабаби – У ҳозирча Уларни бошқаряпти.

– У деганингиз Илия Биллингтонми?

– Илия дейсанми? – Кампир қиқирлаб кулди. – У бошка одамларда йўқ билимларга эга эди. У афсунлар билан Ўзга Оламдаги Махлукни чакириб, ўзига хизмат қилишга мажбур этди. Илия кетишидан аввал Махлукни қамаб қўйди-да, қачон қайтишини эълон қилди. Бироқ қайтиш вактини Мисквамакусга ўхшаш якин гумашталаридан бошка ҳеч ким аник билмайди. Эсквайр ҳамма ерда кезиб юрарди-ю, бироқ уни ҳеч ким таниёлмасди, чунки у ўз қиёфасини бетўхтов ўзгартира оларди. О, Илия хоҳласа, Уэйтли ёки Дотен қиёфасига кирап, Жайлзлар ёки Коурилар дастурхони атрофида ўтирад, бироқ уни ҳеч ким танимас, чунки факат ташки қиёфасини кўрарди. Унинг куч-кудрати шу қадар бемисл ва чексиз эдик, факат айримларгина бу юқ залворини кўтара оларди – бари гумашталари бу кучни ўзига сингдиролмай холдан тойиб, ўлиб кетарди. Ёлғиз Илиягина Ўзга Олам юкини кўтара оларди, мана, У Дарвозани очиш учун икки юз йилдан сўнг тағин қайтиб келди.

Яна охиста кулги эшитилди, кулги тинганида эса, хонада кечки жимжитлик баттар қуюқлашди.

– Биламан, нотаниш кимса, биламан. Менинг қариб-чуриган танам Уларга керак эмас, лекин Улар Дарвоза ортида бикиниб, нималар деяётганини аник эшитиб турибман. Маъносини англамасам ҳам, сўзларини эшитяпман. Она қорнидан тушганимдаёқ шунаقا овозни эшитганман, ўшандан бўён шундай хислатим бор...

Энди мен холаваччамдан олган маълумотларим мағзини чака олар эдим. Амброз айтганидек, кампирда чиндан ҳам нафратомуз устунлик яққол акс этиб турарди. Қаршимда намоён бўлган беҳисоб мавҳум илмлар қошида накадар оқизлигимни англаш мени азобларди. Кампирнинг сўзларидан жумбок қалити топилишига ҳеч кандай умид йўқ эди.

– Улар Ер юзига қайтиб келиш ва яна ҳукмрон бўлиш учун фурсат кутяпти. Уларнинг макони осмонда ва ер қаъридадир...

– Уларни кўрганмисиз? – деб сўрашдан яна ўзимни тутолмадим.

– Уларнинг Ўзини эмас, ҳар хил қиёфаларини кўрганман. Улар тез орада қайтиб келиши ҳар бир данвичликка маълум. Улар бир гал Дарвозадан ўтиб, Жейсон Осборнни олиб кетишиди. Кейин – Лью Вотерберини... Улар яна қайтиб келади, – деди у хўмрайганча.

– Юз йил аввал бобокалонингиз Жонатан Бишоп ҳам шу тарзда ғойиб бўлган.

Кампир хунук ишшайди, кўзлари ялтиллаб кетди.

– Шу саволни беришингни билардим. У катта бобом бўлган. Сир ичига озгина киролган, холос. Аммо бутун сирни билиб олдим, деб ўйлаб, ил-

мидан фойдаланишга уринган. Махлукни чакириб, Унга буйруқ берган, аммо Уни жиловлашга кучи етмаган. Махлук ундан устун келиб, охири боёкини ҳалок килди. Унга ҳеч ким ёрдам беролгани йўқ. Айтишлари-ча, кучи етмаган одам Тош ҳалқага амр этиши ва Ўзга Оламдан дўзахий Махлукни чорламаслиги лозим. Жонатаннинг ўлимидан сўнг Коурилар ва Тиндаллар уруғи бизга қаттиқ адоват саклади, чунки катта бобом билан бирга ўша уруғлардан бир неча киши дом-дараксиз кетганди...

Кампирнинг сўзлари машъум маънога лиммо-лим эди: унинг тувохлиги ашёвий далиллар – қария Бишопнинг ўлими олдидан Илия Биллингтонга йўллаган мактублари, сирли қотилликлар ҳақидаги эски газета маколаларида ҳам ўз тасдигини топарди. Юз йилча муқаддам Вилбури Коури билан Жедедия Тиндалнинг ғалати тарзда ғойиб бўлишидан бутун Архам ларзага тушганди.

Баъзи маколаларда уларнинг жасади икки ҳафтадан сўнг дараҳтзор эта-гидан топилгани батагфисил баён этилар, аммо бу кулфатларга Жонатан Бишопнинг алоқаси борлиги ҳақида лом-мим дейилмас эди. Шунга қарамай, Илия махфий сақлаган Бишоп мактубларида бу алоқадорликни сир тутишга ҳатто уриниб ҳам кўрилмаганди. Энди эса кампир Коурилар ва Тиндаллар Бишоплар уруғига адоват билан қараганига уларнинг оила аъзолари дом-дараксиз йўқолгани сабаб бўлганини очик тан олиб туриди.

– Катта бобонгиз қандай одам эди, эслай оласизми?

– Йўқ, мен у ўлгандан анча кейин туғилганман. Қарияни кўрган билганларнинг айтишича, туппа-тузук одам бўлган, аммо ўзига ортиқча ишонар ва таваккалига иш тутар экан, шу сабаб ҳам қалтафаҳмлиги бошига бало бўлди. У тош ҳалқани қурди ва Нариги дунёдан Махлукни чорлади, Махлук келиб, уни еб қўйди. Мабодо аждодтар сир-асори фақат унгагина аён бўлганда, бутун уруғ-аймогимиз ўлимга маҳкум эди. Хайриятки, ундан кучлирок одам топилди-да, Махлукни минора ёнидаги Ҳалқага қамади. – Кампир менга синовчан тикилди. – Сен Тизма тоғлар ортида Яшовчилар ҳақида эшитганмисан?

Мен Биллингтонлар кутубхонасидаги эски кўлёзмаларда тез-тез тилга олинувчи бирорта номни таваккалига айтиш учун оғиз жуфтлаган эдимки, кампир кескин кўл силтаб, мени тўхтатиб қолди. Унинг хирқирок овозида кўркув сезиларди.

– Уларнинг номини тилга ола кўрма, нотаниш кимса. Агар Улар эши-тиб қолса, “эшик”дан ўтиб келиши ва бизни таъкиб қилиши мумкин. Ахир, сенда ҳам, менда ҳам Мухофаза Белгиси йўқ.

Шунда холаваччам Данвичга борганида, икки бесўнақай кимса ундан аллақандай белги ҳақида сўраганини эсладим. Мабодо кампир шу белгини кўзда тутмаётганмикан? Буни очиқасига сўраб кўя қолдим.

– Уларнинг бари фирт ахмок, – деди кампир жирканиб, – аслида, бу Белги қандай кўринишини ҳеч ким эслай олмайди. Кимдир шу Белги ҳақида эшитиб қолса бўлди, дарров уни кўлга киритиш-у, Белги ёрдамида куч-кудрат ва мол-давлатга эга бўлишни кўнгли тусаб қолади. Эҳ, ахмоклар-а! Белгини Ўзга Оламдан келтирган Мавжудотларда бунака нафсоний кутку йўқ. Уларнинг нияти фақат битта – Ер юзига қайтиб, бизни кулга айлантириш, орамизда яшаш, кейин ҳалок этиш ва танамизни ейиш. Ҳозирча Уларга Белгини танувчи ва Уларга ёрдамлашувчи одамлар керак. Сен – Улардан биттасисан. Мен буни биламан. Улар балки ҳали пайқамагандир,

аммо буни мен Ўзга Оламлик Махлуклар Жейсон Осборнни олиб кетган тунда англаганман. Синглиси Салли Сойер уни судраб кетишаётганда, пол тахталари қарсиллаб синганини эшиштган... Лью Вотерберини олиб кетишганида ҳам айнан шундай бўлган. Фрей хоним уларнинг изини кўрган, кампирнинг айтишича, улар филнинг оёқ изларидан ҳам катта, ҳеч қайси ҳайвонникига ўхшамас эмиш. Уларнинг оёғи тўрттамас, ундан кўп. Фрей хоним яна канот қоқканда чиқадиган овозни ҳам эшиштган, лекин шу ҳақда сўз очганида ҳамма устидан кулган. Қишлоқ аҳли тонгда ҳаробаларни кўргани борганда, у ерда ҳеч вақо йўқ эди – худди сеҳр-жоду қилингандек, излар бир кечада фойиб бўлганди.

Рости, кампир юз берган воеаларни бу кадар иштиёқ билан ҳикоя қилаётганидан гарангсиб колдим. Гўё у менинг шу ердалигимни буткул унугиб юборган-у, кўнглида узок вақт ғужғон ўйнаган мудхиш ўй-хаёллар ўз-ўзидан қайнаб чиқмоқда эди...

– Энг даҳшатлиси шундаки, – сўзида давом этди миссис Бишоп, – ўша Махлуклар кўзга кўринмайди. Уларнинг яқинлашаётганини факат хидидан сезиш мумкин – бу бадбўй, кўланса ҳидни бошка ҳеч нарса билан адаштириб бўлмайди...

Мен энди унинг сўзларига қулоқ солмай кўйгандим. Шу кулбада эшишганларим ҳакикат бўлса-я, деган фикрнинг ўзиданоқ вужудимни муздек тер босарди. Кампир аввалги эсквайрни ҳурмат билан эсга олар, ёшини ҳам ўзича икки юздан ошик, деб биларди.

Хулласи калом, Илия Биллингтон бундай эҳтиромга лойиқ эмасди, у холда ўша зот ким ўзи? Ричард Биллингтонми? Ёхуд руҳоний Вард Филипп ўз мактубида “Ричард Боллинхэм отли кимса”, дея тилга олган ярим афсонавий сирли кимсами?

– Сиз айтган эсквайрнинг номи нима? – деб сўрашга журъат этдим.

Кампир сергак тортиб, жим колди. Бутун сұхбат давомида у менга рўйхушлик бермади – бу очик кўриниб турарди.

– Унинг номини ҳеч ким билмайди, нотаниш кимса. Хоҳла, Илия де, хоҳла Ричард, хоҳла, бошка ном билан ата, у Ер юзида озгина вақт яшайди, холос. Унинг доимий макони – Абадият, у кайта туғилиш учун ўша ёқка кетади. Мен шунча вақт унинг қайтишини кутдим, Белгилар ўша пайт яқинлигини кўрсатмоқда. Унинг номи йўқ, тайинли жойи ҳам йўқ. Унинг уйи – дунёмизнинг нарёғида, вақт ва фазодан ташкарида.

– У жуда кекса бўлса керак?

– Кекса дейсанми? – кампирнинг йирткич күшлар чангалига ўхшаш куришқоқ кўли оромкурси суюнчиғидан сирғалиб тушди. – У энг қари одамдан ҳам кекса, дунёнинг ўзидан ҳам қари! Бир йил унинг учун бир сониядек, юз йил эса бир соатдек гап!

Кампирнинг жумбокларини ечишга аклим ожизлик қиласарди. Илия Биллингтонга олиб борар йўл мен чамалагандан кўра ҳам узок – у вақт ва фазо қаърига чукур сингиб кетган экан. Қадрдан соҳилларини ташлаб, аждодлари мамлакатига жўнаб кетишига уни нима мажбур килди? Бу шошилинч кошишни қайси сабаб изоҳлаб бера олади? Қвамиснинг сеҳржодусими ё маъмуриятнинг таъқибими – Биллингтон эркин одам бўлгани назарда тутилса, афсуски, бу таҳминларга ишониш кийин.

Кампир жим колди. Уйнинг қаеридаир соат бир маромда чиқилларди. Бишоп хонимнинг тиззасида ётган мушук кўзголди, белини букди-да,

сакраб полга тушди. Кампир ингичка иягини олдинга чўзганча, хиркирок овозда деди:

– Сенга йўлни ким кўрсатди, нотаниш кимса?

– Ўзим топиб келдим.

– Балки шериф юборгандир?

Мен, хукуматга ҳеч кандай алоқам йўқ, деб кампирни ишонтиридим.

– Сенда Мухофаза Белгиси йўкми?

Яна бош чайқадим.

– Эҳтиёт бўй, нотаниш кимса, тилинг бошингга бало орттириб юрмасин. Одамлар Махлуклар сирини билмокчи бўлса, Улар буни ёқтиришмайди. Махлук тунда, худди посбондек, осмондан тушади-да, бепарво одамни олади-кетади. Ҳар бир сўзингни ўйлаб гапир... – Кампирнинг овози ти-ниб, коронгилик бағрига сингиб кетди.

Суҳбат бошидаёқ пайдо бўлган ғалати туйғу менга тинчлик бермасди. Кампир менга нималар деган бўлса, ўзи ўша гапларга қаттиқ ишонарди, Худога эътиқод бу заифага ҳам ёт бўлмаса-да, айни пайтда бидъат-хурофотга ҳам ишониши ажабланарли эди. Унинг қалбida бу икки хил инонч-эътиқод шу қадар хайратомуз муроса қилиб яшардик, бирини иккинчисидан ажратиб бўлмасди. Унинг хикоясига ишонишдан бўлак иложим қолмади.

Кампир билан хайрлашар эканман, Ҷоарт ва мен чўкиб бораётган гирдобдан нажот топиш мумкин бўлган бирор кирғок йўклигидан юрагим орқага тортиб кетди. Кампир менга жумбоқни ечишда ёрдам беришни хоҳламаётгани шундок ҳам оғир ахволимизни баттар қийинлаштирар эди. Кампирнинг ўзидек буқчайган кулбани тарк этарканман, ёвуз иблису маҳлуклар чиндан ҳам борлиги, улар анови тоғларга уя қурганига ишонишга шай эдим.

Уйга қайтаётганимда хаёлимда мингта фикр ғужғон ўйнарди, бироқ уларнинг биронтаси ҳам менга таскин беролмас, барчаси ҳалокат кутиб турган боши берк кўчага етаклаб борарди.

Амброз меҳмонхонада экан. Мени кўрган заҳоти столдан чанг босган коғозларни шоша-пиша йиғишириб олди; аллақандай харитаю дастхати унишиб кетган папирусни илғаб колдим, холос. Мен билан суҳбатлашгиси йўқлиги аниқ кўриниб туради, шу сабаб кимнинг ёнидан келаётганим ҳакида оғиз очмай кўя колдим. Оқшом бўйи холаваччам унинг ёнидалигим ўзига малол келаётганини яшириб ҳам ўтирумади, шунинг учун имконият бўлди дегунча, уни тарк этдим. Кечки таомдан сўнг бошим оғриётганини баҳона қилиб, хонамга қўтарилидим.

Ўй-фикрларим айқаш-уйқаш бўлиб ётар, кўнглим фалокатни олдиндан сезар, гумоним ишончга айланиб борарди. Каравотда бошимни чангллаганча, нима бўлишини кутиб ўтиравердим.

Худди кечагидек оқшом чўкди: бакалар бири олиб-бири қўйиб ҳамон куриллар, уйни минорадан ажратиб турган коп-қора ўрмонни кулкиллашу кулдираш овозига кўмиб юборган эди. Бу ерда барча нарса ғалати кўринар, бакаларнинг кўкламги куриллаши ҳам мудхиш оҳанг касб этарди. Уларнинг бетўхтов шовкини энг қалин девордан ҳам бемалол сизиб ўтарди. Амброз ўзини ҳеч нарсани эшитмаётгандек тутар, мен эса тишимни тишимга қўярдим – тақдирга тан бермай илож қанча?

Жунбушга келаётган хаёлотимни тинчлантириш учун китоб ўқишига тутиндим. Бостондан келаётганимда қўлимга илинган бир китобни жо-

мадонга ташлаган эдим – Кеннет Гремнинг “Мажнунтол оралаб эсган шамол” и экан, шуни ўқишига киришдим.

Холаваччам ёлвориб ёзган хатга кўра, бу ерга келганимдан бүён илк бор қадимги Англия табиатию Грем қаҳрамонларининг сокин оламига шўнғидим. Мен китобдан анча вакт бош кўттармадим, дераза ортида бакаларнинг бетўхтов вақиллашини ҳам деярли унутдим. Китобни ёпганимда ярим тун эди. Чор атрофга кумушранг ёғду сепган кемтик Ой осмонга ўрлаб борар, чирокни ўчирсам-да, фира-ширалик куюқлашмас эди.

Каравотда ўтирганимча, Биллингтонлар уйидаги жумбок устида бош котира кетдим. Бирор соатдан кейин йўлакнинг қарама-карши томонида эшик очилгани эшишилди. Гилам устида бесас юриб келган Амброз меҳмонхонага олиб тушувчи зинага яқинлашди. Пиллапоялар гичирлади. Нега шундай бўлди – билмадим-у, лекин дарров максадини пайқадим. У ботқоқлик ёкасидаги эски минорага бормоқчи. Амброзни чакирсам, тўхтатсаммикан? Нега мени чакирдинг, деса қандай баҳона кўрсатаман?

Амброз майсазордан шоша-пиша ўтиб, ялангликка яқинлашашётгани деразадан кўриниб турарди. У тетик, дадил қадам ташлар, уйкусида юрибди, дейиш хатто кулгили эди. Холаваччамнинг ортидан бормаганим маъкул – у дарров пайқаб қолади-да, бу ишимдан норози бўлади.

Очиқ дераза ёнида иккиланиб турар эканман, хаёлимга ажойиб фикр келди. Уйдан минорагача бўлган йўл Амбрознинг кабинетидаги деразадан кўриниб туради. Деразанинг кок ўртасига, худди минорага каратилган фокусдек, доирасимон оддий шиша ўрнатилган. Ундан ой ёғдусига чўмган теварак-атрофни бинойидек кўрса бўларди. Мен шубҳа-гумонларни кувиб, қоронғи зинадан тушдим, меҳмонхонадан ўтиб, кабинетга кўтарилдим. Бу ерга биринчи марта кечқурун киришим эди, шу боис рангли витражда акс этган ёруғлик бу қадар мўллигидан ажабландим. Кабинет худди кундузидек ёп-ёруғ эди.

Стулни дераза ёнига сурдим-да, витражнинг кок ўртасидаги кўзчадан қарадим. Ташки олам кўзимга хира бир саробдек, рўёнинг хавога сочилган синиларилик кўринди. Рўёни кўраяпман, деган фикр мени сира тарк этмас, чунки хозирги манзара кундузи кўрганларимга ҳечам ўҳшамасди. Ой нури буюмларнинг шакли ва ўлчамини ўзгартириб, чор атрофни мовий гулоб рангига бўяган эди. Теварак-атроф бирдан галати ва нотаниш бўлиб қолганди. Туман билан копланган кенглик устида минора қаққайиб турар, бироқ у энди менга якироқда жойлашгандек кўринарди. Миноранинг эни ҳам, бўйи ҳам ўша-ўша эди-ю, факат ўзи ялангликдан узоқ эмасдек туюларди. Мен катталаштириб кўрсатувчи ойна орқали кўраётгандек сезардим ўзимни.

Ўрмон устидаги кемтик Ойнинг сутдек ёғдусида узоқ-якин яққол кўринар, ўзим эса минорадан кўз узолмай қолгандим. Бу орада Амброз юкори майдончага чиқиб улгурган ва осмоннинг ғарбий, қоронғи томонига кўлларини чўзиб турарди. Адирларнинг тунд ўркачлари устида жимирлаётган юлдуз туркумлари орасидан Алдебаран занжирини, Орионнинг бир қисми ва сал юкорида – Сириус, Капелла, Кастро, Поллукснинг ёруғ нукгаларини, берироқда эса ой яқинида сояланган Сатурн ҳалласини кўрдим. Амбрознинг жуссаси оптика қонунлари ва инсон тажрибасига зид ўлароқ кўзимга яққол кўринарди. Бироқ мени шу жойга михлаб кўйган нарса бу манзара эмас эди. Мени қандайдир мудхиш киёфалар-у

уларнинг муттасил ўзгариши сехрлаб кўйганди – мен факат кўз узмай томоша килар, ҳатто овоз чикаришга мажолим йўқ эдим.

Амброз ёлғиз эмасди.

Махлукнинг танасидан чиқсан ўсимта – буни ўзга сўз билан ифодалай олмайман – бетўхтов иланг-биланг қилганча, холаваччамни ҳалқа-ҳалқа ўраб олганди. Илонсимон танадан, худди кўршапалакнидек, бирок шилимшиқ қанотлар шовкин солиб ёзиларди. Минора томи устида ташки қиёфасини сўз билан таърифлаб бўлмас ўзга мавжудотлар чарх уради. Минора пойида, икки ёнда баҳайбат бақага ўхшаш икки маҳлук котиб турар, улар бир шаклдан бошқасига киради.

Бу маҳлукларнинг фичирлаган ва чийиллаган товуши буғ турбинаси шовқинига тенг бақалар вакиллашига қўшилиб кетганди. Амбрознинг боши устида даҳани тишдор, панжаси чангали илонсимон узун Маҳлуклар сузиб юради. Баҳмалдек товланувчи қора қанотлар ҳавони бесас тилкаларди. Уларнинг афт-ангорига боқишининг ўзиёқ танамдан бор мадоримни сўриб олди – бу жинлар базми атиги кўзимга кўриняпти, деб ўйлаш юпанчлирок эди. Аммо юз бераётган воқеалар хаёлотимни остин-устун килиб юборган, уларни мутлако жунбушга келган тасаввурим маҳсули, деб бўлмасди.

Ҳавода таранглик кучайиб борар: коронги осмон худди қайнаётгандек ва ҳализамон тошадигандек туюларди. Парда қанотли маҳлуклар минора устида гоҳ якинлашиб, гоҳ узоклашиб айланарди. Минора пойидағи анови мавжудотлар бирдан кичрайди-ю, бадбашара қора гномларга айланди. Амброзни чирмаган Маҳлук танасидаги илонсимон ўсимта эса янада тезроқ иланг-биланглаб, эътиборимни ўзига тортди. Худди сехрлангандек ундан кўз узолмай турар эканман, бу мудҳиш манзара бирлаҳзада йўқолади-ю, кўз ўнгимда яна ой нурига чўмган осуда ўрмон пайдо бўлади, деб кутардим.

Илонсимон ўсимта бетўхтов иланг-биланг қиларди деганда, ўз кўзим билан кўрган ўша манзарани аниқ таърифлаб беролмаётганимни тан оламан. Холаваччам устида худди илондек тўлғонган мавжудот аста-секин бешакл алланимага айланди, унинг баданидаги тангачали шилимшиқ парда ой нурида товланиб турарди. Ўртасида бош туриши керак бўлган қора елқадан тирноқли ва сўргичли пайпаслагичлар бирин-кетин чиқиб келаверди.

Унинг бутун тана бўйлаб кизгиш ва ботик кўзлар караб турарди. Ана шу дўзахий бадбашаралик бирдан маҳлуксимон алланимага айланди. Пайпаслагичлар тепага чўзилиб, сўнгра учлари бирлашди, ёғдуга чулғанган тани эса холаваччам узра муаллақ турарди. Зулмат ичидан баҳайбат кўз атрофга алланглади, унинг остида ўрадек оғиз очилди-да, ўрмон узра инсонга ёт бир кичкириқ янгради. Минора пойидаги, икки ёндаги маҳлук унга дарҳол жавоб берди, ботқоқликдаги бақалар ҳам бор овозда дод солди. Ўша кичкирикка Амброз ҳам кўшилди – бу овозни эшлиши ваҳимали эди. Бесас япроқлар устида азалий даҳшатни йўклаб, ибтидоий ўкирик янгради. Унугт бўлиб кетган тилда айтилаётган номлар кулоғимга етиб келди: “Йа! Нарлатотеп, Йа! Йогг-Сотот!”

Вужудимни куршаб олган кўркувга дош бериб бўлмасди, беихтиёр ўзимни орқага ташладим, стул билан бирга ағдарилиб тушдим-у, зўрға ўрнимдан турдим. Шовкин-сурон, бақалар вак-вақаси тинган эди, та-

бийики, бундан таажжубга тушдим. Нима гаплигини билолмай, стулни тургазиб кўйдим-да, ногоҳоний жимлик сабабини билишга ошиқдим. Фикрларим бир-бирига айкаш-уйқаш бўлиб ётар, миям суллоҳ рўёдан кутулган эди. Оёқларим дир-дир титрар, улар остида стул чайқалар, лекин мен ҳамон минорадан кўз узолмасдим.

Осмоннинг кунботар тарафида, қайсиdir юлдуз ёнида хира туман тасмасини кўрдим, у коронғи ўрмонга чўзилди-да, тош ҳалқа ёнида бирлаҳза секинлашди, сўнг кўздан фойиб бўлди. Бир дақика олдин кизиган жинлар базмидан энди ҳеч қандай асорат қолмаганди!

Минора аввалти жойида туар, лекин бу ерда на мавжудотлар, на Амброз кўринарди. Бақаларнинг вақиллаши энди пасайган, у тунд дарахтзор ичидан элас-элас эшитиларди. Пешонамни ойнага тираганча, бирпас қотиб турдим, атрофга локайд бокар экан, бирдан холаваччам балки уйга якинлашиб колгандир, деб ўйлаб қолдим.

Мени кабинетида кўрса, дуруст бўлмасди, албатта, ўзим эса анави воқеага берилиб кетиб, вакт қандай ўтганини бутунлай унтиб кўйибман. Ой нурига чўмган ўрмонга сўнгги бор назар ташладим-да, полга сакраб тушиб, кабинетдан чиқишга ошиқдим. Эшикни энди беркиттган ҳам эдимики, паstdаги эшик ғичирлади ва зинада кадам товушлари эшитилди. Амброз ёлғиз эмасди: зина тахталарининг хилма-хил ғичирлаши, кимнингдир пишиллаб нафас олиши ва шивирлаши шуни тасдиқларди.

- Шунча пайт-а! – мутлако ўзгарган бу овоз Амброзники эди.
- Ҳа, жаноб!
- Сенингча, жуда ўзгариб кетибманми?
- Йўқ, факат юзингиз ва кийимингиз...
- Ўзинг ҳоҳлаган шаҳарларда бўлдингми?
- Мнар ва Каркосда бир неча аср яшадим. Ўзингиз каерларда бўлдингиз?
- Ҳар хил жойда, ўтмишу келажакда ҳам. Йўлда кўп одамларни учратдим... – Амброз кўққис тўхтади ва бир оздан кейин деди:
- Секин гаплашганимиз маъқул. Бу уйда бизга хавф-хатар бор. Холаваччам шундай хавф-хатар туғдириши мумкин.
- Нима қилай, бориб ухлайми?
- Уйқу босяптими ўзи?
- Мутлако йўқ, жаноб.
- Унда хонангта бориб, кутиб тур. Эрталаб барчаси тахт бўлганда, ўзим чакираман.
- Ҳўп бўлади, жаноб!
- Тўхта. Айт-чи, фойиб бўлганимдан бери қанча вақт ўтди? Бир йилми? Икки йилми? Ўн йилми?
- Зулмат ичра янграган оҳиста кулгидан этим жимиirlаб кетди.
- Бир нафас олгунчалик вакт ўтди, холос. Сўнгги марта уйғонганингиздан бери ўн йилдан йигирматаси ўтди. Қадимгилар башорат килган ўзгаришлар дунёни бирин-кетин ларзага солди. Уларни ҳадемай ўз кўзингиз билан кўрасиз.
- Ҳа, айтишгагина осон... Шу ерда сўнгги бор гаплашганимиздан бери қанча замонлар ўтиб кетибди. Энди бориб, дам ол! Дарвазани очиш ва бу дунёни Уларнинг қайтишига ҳозирлаш учун бизга куч-куvvват керак бўлади ҳали.

Сұхбат шу ерда тугади, сүнгра Амбрознинг зинадан күтарилаёттган қадам товуши эшитилди. Пиллапояларнинг ғичирлашига жим қулоқ солғанча, у яқынлашаёттанидан күркүвга тушдим. Деразадан жинлар базмини күрганимдан бери хис-туйғуларимни бошқара олмай қолгандым. Амброз эшигим олдида бир зум тұхтаб, яна йўлида давом этди. Аввал эшик очилгани, сүнг каравот ғичирлагани эшитилди. Ортидан ҳаммаёкка сукунат чўкди.

Миямда факат бир фикр – кочиш фикри чарх уради. Аммо бу қарор соткинликка тенг әдик, шу боис ҳечам бундай қилолмасдим. Ихтиёримда қолган вақт мобайнида қандай өнекелар юз беришидан қатын назар, доктор Харпер билан яна бир бор учрашишим зарур, деган қатый карорга келдим. Жумбокни ечишга факат у ёрдам бериши мумкин, бунинг учун эса унга барча өнекелар ва китобдаги далиллар хакида батафсил ҳикоя килиб беришим керак.

Ҳали тун бўлгани сабаб дархол ишга кириша олмасдим, шунинг учун доктор Харпер билиши зарур бўлган өнекеларни бир-бир хаёлдан ўтказганча, узоқ вақт ўринда ётдим. Юз берган барча өнекелар ва шу уйда англаған ҳақиқатларимни бирма-бир қоғозга туширишимга тўғри кела-ди шекилли. Умримдан бир неча соат қолган бўлса ҳам, ана шу ёзувла-рим Данвичдаги мудхиш өнекелар сабабини аниклашга ёрдам бериши мумкин-ку, ахир!

Шу кеча тонг отгунча мижжа қокмай чиқдим.

Эрталаб Амброз меҳмонхонага тушишини кутиб турдим ва шундан кейингина ётоказхонамни тарқ этдим. Аммо беҳуда кўрккан эканман, Амброз нонушта тайёрлар эди. Ўзини бардам-тетик тутиши, юзида хо-тиржамлик акс этиши мени буткул тинчлантириди, лекин тунги аччик ўй-хәлларимни тарқата олмади. Бу тонг холаваччам жуда сергап бўлиб қолганди – у ҳатто тунда бақаларнинг шовқини уйқунгни бузмадими, деб сўраб ҳам кўйди.

Мен Дюартни, ҳеч қачон бугунгидек мириқиб ухламагандим, деб ишонтиридим. Шунда ҳам, у шубҳа аралаш бош чайкади-да, ботқоклика бақироқ бақалар кўпайиб кетганидан нолиб, уларни ҳеч бўлмаса камай-тиришнинг бирор йўлини топмасак бўлмайди, деб қўшиб кўйди. Унинг бу жонхалаклиги, рости, мени хавотирга солди. Шунда кўрғоннинг ав-валги эгалари ботқоклика ҳам, у ердаги бақаларга ҳам жуда ўрганиб қолганини эслатдим. Амброз бу гапимга мийигида кулиб кўйди-да, иши-ни давом эттираверди. Бундай муносабат ҳам мени яна сергаклантириди, аммо сир бой бермасликка қарор килдим.

Нонушта пайтида у менга кунни ўрмонда ўтказмокчи – миорани тикламоқчи эканини айтди. Сүнгра мулойим жилмайиб, мен йўғимда ўзингни бирор машгулот билан овутарсан, деб кўйди.

Мен бу хабардан кувониб кетдим. Демак, кабинетдаги стол устида ётган бир уюм коғозни бамайлихотир ўрганишимга шароит туғилади. Аммо ўзимни жиддий тутганча, балки сенга бирор ёрдамим тегар, деб сўраб ҳам кўйдим.

Амброз хайрихохлик билан жилмайди:

– Раҳмат сенга, Стивен. Дарвоке, сенга ёрдамчи олганимни айтишни унутибман. Шаҳарга кетган пайтингда бир хизматкор ёлладим. Ҳа-я,

унинг гапириши ва кийиниши сал ғалати кўринса, бунга ҳайрон бўлиб юрма, чунки у хинду.

Азбаройи ажабланганимдан ух деб юбордим.

– Нега бунга ҳайрон бўляпсан?

– Ҳайрон бўламан-да, – дедим юрак ютиб, – Шахарда бўлган пайтим бирорта ҳам ҳиндуни учратмадим. Назаримда...

– Бу ердаги тоғларда кимлар яшамайди, демак, хечам ҳайрон бўлмаслик керақ, – дея дарров жавоб қилди Амброз. – Мен топган ҳинду қўшни ўрмонда беғам яшаб юрган экан.

У ўрнидан турди-да, идишларни йигиштиришга тушди. Мен атай жойимдан кўзғолмадим, чунки янги изоҳларни кутардим. Амброз буни пайкади чоғи, менга ўғирилди-да, жиддий қиёфада деди:

– Бир тасодиф ҳақида гапирсам, янаям ҳайрон коласан... Гап шундаки, бу ҳиндунинг номи – Квамис.

III қисм

ВИНФИЛД ФИЛИПС ҲИКОЯСИ

Стiven Бейтс доктор Армитиж Харпер тавсияси билан 1924 йил 7 апрелда пешинга якин Мискатоник университети ҳудудида жойлашган доктор Сенека Лэпхем офисига келди. Сочларига оқ оралай бошлаганини айтмаса, Бейтс ҳозирги кирқ етти ёшида ҳам ҳали қиличдек эди. У ўзини босик тутишга интилса-да, аммо хавотир ва ҳаяжонда қолгани кўриниб турарди. Мен унга бока туриб, асабийлик дардига чалинибди, бу дард ҳадемай тутқаноққа айланмаса гўрга эди, деб ўйладим.

У бошидан кечирган воқеалар битилган қалин қўллэзмасини ва шу қўллэзмага дахлдор ҳужжат ва хат нусхаларини олиб келганди. Доктор Харпер бу ташриф ҳақида аввалдан телефонда огоҳлантириб кўйгани учун Бейтсни дарров доктор Лэпхем қабулига киритишиди. Доктор Лэпхем бу ташрифга нега жуда кизиқиб қолди, деган саволга эса ўз-ўзимча, қўллэзма унинг севимли соҳаси – антропология мавзуида бўлса керак, деб жавоб топган бўлдим.

Бейтс ўзини таништиргач, ундан тўппа-тўғри мақсадга ўтаверишни илтимос қилишибди. У ҳам дарҳол ҳикоясини бошлаб юборди. Бу ҳаяжонли ва сал палапартиш ҳикоя бўлиб, кўтаринки оҳангига қараганда, ибтидой эътиқод қолдиклари мавзуида эди. Лекин Бейтснинг ҳикоясига каминанинг муносабати доктор Лепхемнидан бошқачароқ эканини тез орадаёқ тушуниб етдим.

Доктор Лэпхемнинг қаҳрли юз қиёфаси – қаттиқ кимтилган лаблари, кисилган ўйчан кўзлари, ажинларга тўла пешонаси, айникса, у Стивен Бейтсни тинглар экан, нонуштани ҳам унугиб кўйгани унинг, жиллакурса, ҳикояга жуда муҳим деб қараётганидан далолат берарди. Бейтс тўлибтошиб сўзлай туриб, бирдан қўллэzmани эслаб қолди. У дарҳол ҳикоясидан тўхтади-да, қўллэzmани доктор Лэпхемга узатиб, ҳозироқ ўкиб чикинг, деб илтимос килди.

Доктор Ленхем ҳам мени ҳайратда қолдириб, бунга дарҳол рози бўлди. У қўллэzmани ҳатто бетоқатлик билан очди ва шу заҳотиёқ ўкишга тутин-

ди. У ўкиб бўлган сахифаларини менга узатаркан, каминадан қандай фикрдалигимни сўрабгани ҳам йўқ. Мен ҳаддан зиёд ғалати бу кўлёzmани жимгина ўкир эканман, тобора кўпроқ таажжубга тушар, доктор Лэпхемнинг кўллари гоҳ-гоҳ титраётганини кўриб, ҳайратим баттар ошарди. У кўлёzmани мендан аввал – бир соатдан кўпроқ вакт ўтганда – ўкиб тутатди ва меҳмонга жиддий тикилганча, ҳикоясини якунига етказишини сўради.

– Бори шу, – деди Бейтс. У ҳикоясини тутатиб бўлганди. Бейтс кўлёzmага илова килган хужжатлар ҳам, унинг наздида, шу ишга бевосита ёки билвосита алоқадор маълумотларнинг ҳаммаси эди.

– Сизга ҳеч ким ҳалал бермадими?

– Ҳеч ким. Фақат ёзиб турганимда, Амброз келиб қолди. Дарвоқе, хинду ҳам у билан бирга эди. Наррангасетлар қандай кийинган бўлса, хинду ҳам шундай кийинганди. Холаваччам мендан ёрдам сўраб келган экан...

– Йўғ-е! Қандай ёрдам?

– Амброз минора томидан олган тош бор эди-ку, ўшани на ўзи, на хинду ва на икковлашиб кўтара олмабди. Мен ҳар қандай эркак уни бемалол кўтара олади, деб айтдим унга. Шунда холаваччам, кел, гаров ўйнаймиз, кўтара олмайсан, деди. Ўша тошни минорадан узокроққа олиб бориб, кўмиб ташлаш керак эмиш. Бу илтимосини бир ўзим осонгина бажардим.

– Холаваччангиз ёрдам бермадими?

– Йўқ. Ҳинду ҳам.

Доктор Лэпхем меҳмонга қофоз-қалам узатди.

– Илтимос, минора атрофларини шунга чизиб, тошни кўумган жойингизни белгилаб кўйсангиз.

Бейтс бир оз бош котириб турди-да, сўнгра унинг илтимосини бажо этди. Доктор Лэпхем харитани олди-ю, кўлёzmанинг сўнгти сахифаларига қўшиб, бир четга олиб қўйди. Кейин креслога ястанганча, кўлларини кўкрагига чалиштириб сўради:

– Холаваччангиз ёрдам бермагани сизга ғалати кўринмадими?

– Йўқ. Чунки гаров ўйнагандик, бу гаровда мен ютиб чиқдим. Табиийки, у ютқазишмни истарди, шунинг учун ундан ёрдам кутмадим.

– Унга фақат шугина керак эканми?

– Ҳа.

– Шу пайтгача у қандай иш билан шуғулланган – бунга таалуқли бирор алломатни пайқамадингизми?

– Пайқадим. Ҳинду иккови ўша ерларни тозалаб чиқибди. Мен аввалроқ кўрган чангаль ва қанот изларидан асар ҳам йўқ эди. Мен ана шу излар ҳақида сўрагандим, Амброз улар кўзингга кўринган, холос, деб кўя қолди.

– Демак, Биллингтонлар уйи сирига қизикишингизни холаваччангиз ҳалимия эслар экан-да?

– Ҳа, шундай.

– Кўлёzmани ҳозирча менда қолдира оласизми, мистер Бейтс?

Бейтс бир оз иккиланиб турди-да, охири: “Агар сизга бирор нафи тегса, майли”, – деб рози бўлди. “Фойдаси текканда-чи”, – деди доктор Лэпхем бунга жавобан. Шунга қарамай, Бейтснинг кўлёzmадан ажralгиси келмас, унга бегоналар кўзи тушишидан жуда хавотирланарди. Доктор Лэпхем ҳеч кимга кўрсатмасликка ваъда берди.

— Балки сизга бирор хизматим керакдир, мистер Лэпхем? — деб сўради Бейтс.

— Ҳа. Сиз, авваламбор, бир ишни қилишингиз керак.

— Мен бу жумбоқнинг тагига етишини хоҳлайман ва шу йўлда кўлимдан келган ҳамма ишни қиласан.

— У ҳолда уйингизга жўнанг.

— Бостонгами?

— Ҳа, дарҳол!

— Ахир, холаваччамни Махлук чангалида колдириб кетолмайман-ку, — дея эътиroz билдириди Бейтс. — Колаверса, Амброз бундан шубҳаланиб колиши ҳам мумкин.

Сиз ўзингизга қарши чиқяпсиз, мистер Бейтс. У бирор нимадан шубҳа киладими-йўқми, сизга нима фарки бор? Бояги ҳикоянгиздан ҳам кўриниб туриби: холаваччангиз ўзига таҳдид солувчи ҳар қандай кучни жиловлай олади.

Бейтс болалардек яйраб кулди, сўнг кўйин чўнтағига кўл тикиб, бир хатни олди-да, доктор Лепхемнинг олдига кўйди.

— Ўқиб кўринг-а. Бу ишни ёлғиз ўзи уddyalай олармикан?

Доктор Лэпхем хатни синчиклаб ўқиб чиқди, кейин тўрт буклаб, конвертга солди.

— Бояги ҳикоянгиздан кўриниб туриби: у энди сизга хат ёзиб, тез етиб кел, деб ўтинган ўша ожиз, нотавон кимса эмас.

Бу гапга Бейтс лом-мим дёёлмади. Лекин ўз режасини ҳам ўзгартирамади — у Биллингтонлар уйига қайтиши ва вазият тақозо қилгунча ўша ерда қолишини айтди.

— Мен эса яна, дарҳол Бостонга қайting, деб маслаҳат бераман. Шундайм уни ташлаб кетишни истамас экансиз, ўша палакат ерда иложи борича кам, масалан, уч, борингки, тўрт-беш кун қолинг, холос. Аммо вокзалга йўл олишдан аввал, илтимос, бирров менга учрашиб кетинг.

Бейтс бу шартга кўнди-да, кетиш учун ўрнидан кўзғолди.

— Бир оз сабр килинг, мистер Бейтс, — деди доктор Лэпхем.

У пўлат сейф олдига борди-ю, эшигини очиб, ичидан бир нарса олдида, Бейтснинг олдига, стол устига кўйди:

— Бу сизга ҳеч нимани эслатмаяптими, мистер Бейтс?

Бейтс бўйи етти дюймча келадиган чоғрок барельеф — бўртма тасвирни кўрди. Барельефда саккизоёққа ўхшаш маҳлук тасвиранган бўлиб, ғалати пайпаслагичлари, иккита қаноти, узун чангакли оёклари бор эди.

Бейтс Маҳлукка даҳшат ва жирканиш билан боқар, ундан кўзларини ҳеч узолмасди. Доктор Лэпхем эса сабр билан кутарди.

— Бу ўша кеча кабинетдаги деразадан кўрганим — ёки кўрдим деб ўйлаганим — маҳлукка ўхшаб кетади, лекин бутунлай эмас, — деди ниҳоят Бейтс.

— Лекин бунака барельефни аввал ҳеч қачон кўрмагансиз, шундайми? — деб сўради доктор Лэпхем.

— Йўқ, ҳеч қачон.

— Тасвирни-чи?

Бейтс бош чайқади:

— Бу — минора устида учиб юрган ва ерда чангаль изларини колдирган жонзотларга ўхшайди, яна холаваччам гаплашган маҳлукқа ҳам...

— Дарвоке, уларнинг сухбатини бўлиб кўйдингизми? Улар гаплашаётганмиди?

— Буни сухбат деёлмайман-у, лекин, шунакароқ эди.

— Барча маълумотлар улар мулокот килганини кўрсатяпти.

Бейтс ҳануз барельефдан кўз узолмай тураг, мен эса бу бўртма тасвир Антарктикандан топилган бўлса керак, деб тахмин килардим.

— Даҳшат, — деди у ниҳоят.

— Ҳа, чинданам даҳшат. Бирок янайм даҳшатлиси — тасвир аслиятга қараб чизилган, деган фикр!

Бейтс афти буришиб, бош чайқади:

— Мен бунга ишонмайман.

— Тағин ким билсин, мистер Бейтс. Ахир, биз турли миш-мишларга осонгина ишонамиз-у, лекин ақлга бовар қилмас ҳодисаларга тўқнашсак, кўзимга шундай кўриняпти, бу — бир рўё, холос, деб кўя қоламиз.

Доктор Лэпхем елкасини кисди, барельефни столдан олиб, бир сидра кўздан кечирди-да, яна жойига кўйди.

— Тағин ким билсин, мистер Бейтс. Жуда жўн ишланган, гояси ҳам жўн. Хуллас, Бостонга кетинг, деб каттиқ тайинлашимга ҳам қарамай, ба-рибири, Биллингтонлар уйига қайтасиз, шундайми?

Бейтс ўжарларча бош ирғади-да, доктор Лэпхемнинг кўлини сикиб, чиқиб кетди. Ҳона соҳиби ўрнидан турди, гавдасини ёк-бу ёкка буриб, увишган мускулларини ёзди. Мен у тушликка борса керак, деб кутардим, чунки вақт чошгоҳдан оккан эди. Қайда дейсиз. У яна жойига ўтириди-да, кўлёzmани олдига суреб, кўзойнагини арта бошлади. Ҳайрон турганимни кўриб, жилмайиб кўйди — бу жилмайиш ғамгин эди.

— Менингча, Филиппс, сиз Бейтсга ҳам, унинг ҳикоясига ҳам жиддий қарамаяпсиз.

— Назаримда, бу кип-қизил алжирашнинг ўзи. Одамлар сирли тарзда ғойиб бўлишини изоҳлашга бундан беъманирок сабаб топилмаса керак.

— Одамлар қандай ғойиб бўлганию жасадлар қандай топилганидан ҳам ғалатироқ эмасdir, ҳар калай. Мен Бейтсга ҳам, унинг ҳикоясига сиздек енгил-елпи қарай олмайман.

— Наҳотки сиз шу гапларга ишонсангиз?

У гавдасини кресло суюнчиғига ташлади, кўзойнагини бир кўлида тутганча, менга, тинчланинг, дегандек нигоҳ ташлади.

— Ҳали ғўрсиз, азизим. — У шундай дея, менга озроқ маъруза ўқиди. Унинг сўзларини эҳтиром ва таажжуб билан тинглар эканман, корним очганини ҳам унутиб юбордим.

Доктор Лэпхем ибтидоий ҳалқлардаги эътиқод қолдиклари баъзи ўзгаришларга учраган ҳолда бизгача етиб келганини тилга олди. Масалан, Осиёнинг айрим худудларида кўплаб ғаройиб эътиқодлар юзага келганки, уларнинг қолдиклари энг чекка жойларда кузатилган. Бу менга Киммих бир вақтлар олдинга сурган фаразни эслатади, деди доктор Лэпхем. Унга кўра, Шиму тамаддуни Хитойда вужудга келганида, ҳали Хитой давлатининг ўзи йўқ эди.

Гарчи бунга зарурат бўлмаса ҳам, у Пасха ороли ва Перудан топилган маъбудларнинг ғаройиб ёғоч хайкалларини эслади. Уларга сифиниши гоҳ эски, гоҳ янги шаклида сақланиб қолган, лекин моҳият сира ўзгармаган. Энг кадимги маданий ҳалқлардан бўлган орийлар, бир томондан, дру-

идлар расм-русумларини эхтиром билан адо этса, бошка томондан, жодугарлик анъаналари ва арвоҳлар билан мулокотдан ҳам воз кечмаган. Бундай дунёкараш, айникса, Франциянинг айрим ҳудудлари ва Болкон яриморолида кенгрок ёйилган. Бу икки хил ибодатлар умумий белгиларга эгами ёки йўқми, деган фикр наҳотки ҳеч качон хаёлингизга келмаган бўлса?

– Барча турдаги ибодатлар ҳам қайсиdir жиҳатига кўра, бир-бирига ўхшайди, – деда жавоб бердим бу саволга мен.

Шунда доктор Лэпхем барча яқдил эътироф этувчи асосий ўхшашликлардан ташкари яна бошка айрим жиҳатлар ҳам борлиги ҳакида сўзлай кетди. Шундан сўнг у, баъзи мавжудотлар қайтиб келади, деган ишонч, факат бир неча эътиқоддагина учрамас, ахир, деган тахминни илгари сурди. Бильякс, кадимги маъбуллар ва уларга ўхшаш мавжудотларга топинувчилар Ер юзининг турли бурчагида учраб туради. “Маъбулларга ўхшаш мавжудотлар” шундайки, улар ўз табиатига кўра, инсонга ва Ер юзидаги бошка жоноворларга ҳечам ўхшамайди ва айнан шуниси билан топинувчилар қалбини ўзига ром этади. Яна бир гап: уларнинг бари – ёвуз!

У барельефни кўлда тутиб, каминадан сўради:

– Бу матоҳ Антарктикан топилганини биласиз. Хўш, уни ясашдан массад нима бўлган, деб ўйлайсиз?

– Бу факат бир тахмин: менингча, хиндулар “Вендиго” деб атаган нарсани ибтидоий ҳайкалтарош шундай дағал тасаввур этган.

– Фаразингиз чакки эмас-у, лекин Антарктика тамаддунида Арктика Вендигоси ҳакида тасаввур бўлгани даргумон. Йўқ, бу матоҳ музлик остидан топилган, ёши ҳам анча улуг. Аслида, у Шиму тамаддунидан ҳам кадимийга ўхшайди. Бу жиҳатдан у – ноёб, аммо бошка жиҳатдан – йўқ. Худди шундай ҳайкалчалар турли асрларда топилганини эшишиб, ажабланарсиз балки. Улардан айримлари кроманьон одами даврига, ҳаттоқи ундан ҳам аввалгирик асрларга, биз тамаддун деб аташни хуш кўрувчи жараён ибтиносига бориб такалади. Кўлимизда шундай топилмалардан ўрта асрларга, Хитойдаги Мин сулоласи даврига, Русия подшоҳи Павел Биринчи даврига, Гавайи оролларига, Вест-Индия, замонавий Ява ва пуританлар Массачусетсига тегишиллари бор. Ана шуларга асосланиб, ўзингиз хulosча чикараверинг. Ҳозир эса мен учун бу матоҳнинг ноёблиги унинг бошка жиҳатида – шу тасвиринг, менингча, миниатюраси ҳам бўлса керак. Амброз Дюарт Данвичга бориб, миссис Бишопнинг уйини суриштирганда, кишлоқи икки қария ундан “Белги” бор-йўқлигини сўраган, ўшанда унинг ёнида шундай миниатюра бўлган...

– Тўппа-тўғри айтиб кўя колмаяпсиз-у, аммо барельеф ўша мавжудотга қараб ишланган, деб шама киляпсиз-а? – деб сўрадим.

– Ўша пайтда устанинг ёнида турмаганман, – деди у одамнинг гашига тегадиган жиддият билан, – лекин, шундай бўлиши мумкин эмас, деб даъво ҳам килолмайман.

– Хуллас, сиз Бейтснинг айтгандарига ишонасиз, шундайми?

– Рости, булар яна ҳақиқат бўлмасайди, деб кўрқаман, жиллакурса, бирор соҳа доирасида.

– Ундай бўлса, ўша соҳа – психиатрия! – дедим ўзимни тутолмай.

– Биласизми, далиллар йўқ пайтда дарров хulosча чикарасиз-у, далиллар бор пайтда узок ўйланиб қоласиз. – У бошини сарак-сарак қилди. – Бу

ҳикояда аждодларингиздан бири – руҳоний Вард Филипс номи тез-тез тилга олинганини пайқагандирсиз, хойнахой?

– Албатта.

– Доктор кулай фурсатдан фойдаланиб қоляпти, деб ўйламанг-у, бирок оиласнгиз тарихига бирров разм солиб, Вард Филипснинг Илия Биллингтон билан ораси бузилгач, ҳаёти қандай кечгани ҳакида озрок сўзлаб берсангиз, маъқул бўларди.

– Менингча, унинг ҳаётида дикқатга сазовор ҳеч нарса йўқ. Ўша можаролардан кейин у узок яшамади. Устига-устак, “Янги Англиядаги берган гайритабии ҳодисалар” деган китобининг барча нусхасини йиғиб олиб, ёкиб ташламоқчи бўлганида, обрўсига янаем путур етди.

– Буларни Бейтснинг кўлёзмасига солиштирсак, бирон бир сир англшилмасмикан?

– Менингча, уларда қандайдир ўхшашлик бордек.

– Менингча эса, буни атиги ўхшашлик деб аташ камлик килади. Вард Филипснинг ҳатти-ҳаракати иблисни кўрган-у, лекин кўрдим деган сўзидан воз кечишига уринган одамнинг қилмишига ўхшайди.

Доктор Лэпхем енгил-елли фикрловчи одам эмасди, колаверса, унга ҳамкасб бўлгандан бери ғалати воқеалару инонч-эътиқодларга ҳам бир неча бор дуч келганиман. Бундай ҳодисалар аксар жуда чекка, одам оёғи етмаган жойларда кузатилар, аммо бу дегани шундай воқеалар бизнинг Данвичда ҳам юз бериши мумкинлигини истисно этмасди. Бунинг устига, доктор Лэпхемнинг Коинот ҳақида сўзлаб берган кўркинчли асотирларини ҳам эсладим, ҳолбуки улар ҳакида ўйлашнинг ўзи одамда кучли вахима уйғотарди.

– Илия Биллингтон иблис бўлган демокчимисиз? – деб сўрадим.

– Бу саволга ҳам ҳа, ҳам йўқ, деб жавоб беришим мумкин. Кўлимиздаги далилларга кўра, у иблис эмас, иблис тарафдори бўлган. Шак-шубҳасиз, Илия Биллингтон ўз даврининг энг илғор кишиларидан эди – у акл жиҳатидан бошқалардан анча устун турар, ўзи қандай улкан хавф-хатарга дуч келганини ҳам баҳолашга қодир эди. У инсоният энди яралган даврда юзага келган расм-русум ва урф-одатларни адо этган, айни пайтда уларнинг мудхиш оқибатидан сақланишни ҳам билган. Ҳар қалай, шундай таассурот пайдо бўлади. Бу кўлёзма ва ҳужжатларни синчилаб ўрганиб чиқиш зарур. Хуллас, вақтни бой бермокчи эмасман.

– Менингча эса, сиз бу алаҳсирашга хаддан зиёд катта аҳамият беряпсиз.

У бош чайқади.

– Энди Биллингтонлар дарахтзорию унинг атрофлари, айникса, Данвичда юз берган фожиаларга келсак, уларни тасодиф дейишиша, бунга ишонманг, деган бўлардим. Ҳар гал Биллингтонлар ўрмонида бақалар шовкин кўтарса, Данвич ва унинг теварагида бирор киши сирли тарзда ғойиб бўлган. Биз мистер Бейтснинг кўлёзмасига, унда узок давларнинг шоҳидликлари акс этганини назардан сокит қилсак, буткул безътибор қарашимиз мумкин. Мабодо Бейтснинг кўлёзмасини инкор қилмоқчи бўлсак, ҳеч бир қийинчиликсиз аслиятга мурожаат этишимиз мумкин. Бу воқеалар икки юз йилдан зиёд вақт давомида, энг камида учта авлод ҳаётида такрорланмоқда. Дастроб ўша мудхиш воқеаларга жодугарлик оқибати, деб қарашганига шубҳа қилмайман. Шунинг ортидан бир ёки

бир неча шўрпешона жабр кўргани ёхуд ҳалок бўлган чиқар. Жодугарларни таъқиб этиш ва гулханда ёқиши ўша замонларда одатий хол эди, шу билан бирга, бир томондан, жазавага тушиш, бошқа томондан, ёвузликка кўниш ҳам инсон табиатига ҳеч қачон ёт бўлмаган.

Чамаси, Илия даврида рухоний Вард Филипс ва муҳбир Жон Друвен ҳақиқатдан огоҳ бўлган-у, Билингтонлар уйига боришга карор қилган. Шундан сўнг Друвен ғойиб бўлади-да, барча данвичлик курбонлар бошига тушган кулфат унинг бошига ҳам тушади. Рухоний Вард Филипс эса Билингтонлар уйидаги кўрганларини ҳечам эслай олмайди, колаверса, уни қай бир йўл билан ўз китобини йўқ қилишга мажбур этишади ва у кейинчалик бунга уриниб ҳам кўради. Шунга ҳам эътибор қаратингки, бу китобда ўн йиллар аввал ҳам худди шундай воқеалар юз бергани баён этилади. Ҳозирги даврда эса Амброз Дюарт аввал мистер Бейтсга жон ҳовучлаб мактуб ёзиб, ёрдамга келинг, деб илтижо қиласди-ю, келганида эса очикчасига душманларча муносабатда бўлади. Ушбу воқеаларнинг сценарийси битта эмасми?

Бу фикрга ҳеч бир эътиrozсиз қўшилдим.

– Шу уйнинг бир палакати бор, дегувчилар ҳам топилади, буни биламан, Бейтснинг қўлёзмасида ҳам бир неча жойда шунга шама қилинади. Бундай кишилар “Қолдик руҳий таъсир назарияси”ни илгари суради, лекин ўзимга қолса, уни ҳаддан ташқари баҳайбат, ўта вахший ва ёвуз, бемисл сирли куч деган бўлардим.

Доктор Лэпхем бу сўзларни шу кадар жиддий тарзда айтдики, менда унинг Бейтс қўлёзмасига жуда муҳим деб қаратадигани заррача шубҳа қолмади. У қўлёзма юзасидан кидиуввларни давом эттиришга қатъий карор қилган, жавонлардан шаҳд билан китобларни олиши эса, ўзи айтганидек, вақтни бой бермоқчи эмаслигидан далолат берарди.

У бир муддат тўхтаб қолди-да, менга, нонушта қилиб кела қолинг, йўл-йўлакай доктор Армитиж Харперга хат ҳам бериб келасиз, деди-ю, шу заҳоти хатни ёзишга тутиндиги. Доктор Лэпхем хар доимгидан тетик ва серғайрат кўринарди, у хатни текис дастхатида ёзиб бўлгач, коғозни тез буклади-да, конвертга солиб муҳрлади. Менга узатаётуб, яхшилаб овқатланиб олинг, деб тайинлади, чунки “бу ерда узок вақт ишлаб ўтиришимиз, шу сабаб тушликни ўтказиб юборишимиз мумкин” экан.

Бирор соатларда қайтиб келдим-у, доктор Лэпхемни китоб ва хужжатларга кўмилиб ўтиргани устидан чиқдим. Булар орасида Мискатоник университети кутубхонасининг калин, муҳр босилган бир китоби ҳам бор эдики, уни олимнинг илтимосига кўра, атай келтиришган кўринарди.

Бейтснинг қўлёзмаси бир ёнда турар, унинг айрим сахифаларига белгилар кўйилганди.

– Менга нима хизмат буюрадилар?

– Ҳозирча факат эшитинг ва фикрланг. Ўтиринг.

У ўрнидан турди-да, катта-катта кадамлар ташлаб, дераза ёнига борди. Бу ердан Мискатоник университети худудининг кутубхона рўпарасидаги бир бўлаги ва унга гўё кўрикчи килиб кўйилган занжирдаги баҳайбат ит кўринарди.

– Менингча, кўлидаги далилларни киёслай олмайдиган кишилар энг омади чопган кимсалардир, – дея гап бошлади доктор Лэпхем. – Бунга Бейтс дурустгина мисол бўла олади. У бир-бирига боғлик эмасдек

кўринувчи далилларни қоғозга туширади ва ҳар доим даҳшатли воқеликка юзма-юз туради. Лекин бу воқеликка тик карашга сира уринмайди, бунга унинг юзаки билими ва эскича карашлари халакит беради. Тўгриси, унинг хатти-харакатлари замирида ўргамиёна одамнинг хулк-атвори ва ишонч-эътиқодидан бўлак ҳеч нарса йўқ.

Коинот маҳобатини акалли бир оз англаса, Фазо қаърига сал кўз кирини ташласа эди, у ё ақлдан озар, ё бунака билимдан воз кечиб, бидъат-хурофотни афзал кўрган бўларди. Қаерга қарама, шу аҳвол.

Бейтс икки асрдан ҳам кўпроқ вақт давомида юз берган воқеаларни қоғозга туширган ва Биллингтонлар уйи жумбоини ечиш учун барча имкониятга эга бўлса-да, аммо бу ишни улдалай олмаган. У ягона бошкотирманинг тури кисмлари бўлган воқеаларни жой-жойига кўйиб чиккан, ҳаттоқи қатъий бир хulosага ҳам келган. Масалан, бобокалоним Илия Билингтон ниҳоятда фалати, ноконуний бир иш билан шуғулланган ва бунинг оқибатида маҳаллий ахолининг бир неча вакили сирли тарзда ғойиб бўлган, деган фикрга келган-у, аммо ундан нарёғига ўтолмаган. У баъзи воқеаларга бевосита гувоҳ бўлса ҳам, сезгиларим алдамаётганмичан, деб нукул шубҳа килаверган. Қисқаси, у ўргамиёна одам: фанга но маълум воқеаларга юзма-юз келиб колгани хамоно дарров ўз сезгиларини инкор этишга тушган.

Бейтс “хаёлот”, “рўё” деган тушунчалар ҳақида ёзади, лекин ҳалол бўлгани учун тан ҳам олиб кўяди: унинг юз берган воқеаларга муносабати шу қадар “меъёрий”ки, оқибатда барча далиллар ёлғон бўлиб чиқади. Хулласи қалом, гарчи қўлида бошкотирма қалити – кўплаб далиллар бўлса-да, уларни бир ерга жамлаб, фавқулодда хulosса чиқаришга журъати етмайди. Қисқаси, у ечимдан кочиб, жумбокни доктор Харперга оширади, доктор Харпердан эса менга ўтади.

Шунда дангал сўрадим:

– Бейтс кўлёзмаси – аниқ далилларга асосланган ҳужжат, деган хуло-сага таянмаяпизми ишқилиб?

– Менингча, бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Буларнинг бари – ё чин, ё ёлғон. Агар далилларни ишончсиз десак, унда юз берган воқеаларни ҳам инкор этишимиз керак. Ҳолбуки, улар ҳужжатларда кайд этилган, гувоҳларга ҳам эга, ҳаттоқи, тарихдан жой олган. Агар биз шу далилларни рост деб тан олсак, бошка воқеаларни ҳам изоҳлаб бера оламиз. Бу воқеалар эса кўлёзмада “тасодифият” ёки “айният” деб таърифланади-ю, лекин ўша тасодифияту айниятларнинг ўртacha эҳтимоллиги фан хulosаларига тўғри келмаслиги ва уларни ҳеч кайси илмий усул ёрдамида тажриба килиб бўлмаслиги эътиборга олинмайди.

Шу сабаб ҳам, менингча, ҳеч кандай танлов имконияти йўқ. Бейтснинг кўлёзмаси бизни Данвич ва данвичликлар ўтмишига доир талай воқеалардан хабардор этади. Шунда ҳам сиз кўлёзманинг баъзи ўринларида хаёлий манзаралар баён килинган, десангиз, унда ана шу ғайритабиий хаёлот манбани изоҳлаб беришга мажбурсиз. Негаки, мистер Бейтснинг ёзувлари аниқ, ҳатто қарийб илмий, боз устига, шундай тафсилотларни келтирадики, булар унинг чиндан ҳам шунга ўхшаш воқеаларни кўрганидан далолат беради. Бундан ташқари, инсон эволюцияси ва мутацияси тарихининг биз билган ҳеч бир ходисаси қўлёзмадаги баъзи тафсилотларни изоҳлай олмайди.

Сиз яна эътиroz билдириб, ўша мавжудотлар босинкираш маҳсули, дессангиз ҳам, барибир, Бейтснинг босириқ тушларига нега шундай маҳлуклар кирганини изоҳлаб бермай иложингиз йўқ. Агар инсоннинг босириқ ёки ҳар қандай тушига унинг нафакат акл-заковати, балки ҳаёт тажрибасига ҳам мутлако ёт маҳлуклар кириши мумкин, деган фаразни илгари сурмокчи бўлсангиз, бу фаразингиз ўша мавжудотлардек илмий фактларга зид бўлиб чиқади. Биз шу кўлёzmани далилий хужжат сифатида қабул килибгина мақсадимизга эриша оламиз. У Биллингтонлар уйи сирини очишимиz учун бошланғич нукта бўлиши мумкин. Имоним комил, биз янгишган тақдирда ҳам вақт ҳаммасини жой-жойига кўяди.

У ёзув столи ёнига келиб, ўтириди.

– Бу ерда иш бошлаган биринчи йилингизни эсларсиз балки. Ўшанда сиз Понапе, Каролина ороллари ахолиси Денгиз маъбуни – Сув Мавжудоти шарафига ўтказадиган ғаройиб маросимлар ҳакида маълумот тўплаган эдингиз. Сиз бу денгиз маъбудини аввалига балиқ – маъбуд Дагон деб ҳисобладингиз, шунда маҳаллий ахоли, йўқ, У Дагондан улуғ, Дагон ва Дагоннинг Денгиз Тубидаги гумашталари Унга хизмат киласди, деб айюҳхоннос кўтарди.

Бундай эътиқодий қолдиқлар анча кенг тарқалган-у, лекин улар ҳакида жуда оз ёзишади. Аммо бир воеа баъзи кўшимча топилмалар – соҳил яқинида кема ҳалокаттга учрашидан нобуд бўлган маҳаллий кишилардан баъзисининг танаси ғалати мутацияга учрагани сабаб шов-шув кўзгади. Бу инсонларда ўта жўн ойқулоклар, танадан ўсиб чиқкан қолдиқ пайпаслагичлар, ҳатто бирининг киндиги ёнида тангачали кўзчалар борлиги аникланганди.

Ўша курбонларнинг бари Денгиз маъбудига сигинар эди. Маҳаллий ахоли ўша Маъбудни ўлдуздан тушган, дерди, бу гувоҳликни аниқ эслаб қолганман. Атлантика ахолиси, майя қабиласи, друидлар ва бошқа ҳалқларнинг диний эътиқоди билан асотирий дунёкараш ўртасида анча ўхшашликлар борлиги ўзингизга маълум. Айниқса, осмон билан уммон ўртасида ҳар қанча ўхшашликларни топса бўлади. Масалан, маъбуд Кециалюатлни қадимги юонон Атласига қиёслаш мумкин, чунки Атлас ҳам дунёни елкасида кўтариб туриш учун Атлантика уммонидан чиқиб келган, дейилади.

Бу ҳол нафақат динлар, балки афсоналар, масалан, алп одамларни илохийлаштиришда ҳам кўринади. Алп одамлар ҳам денгиздан, аникроғи, ғарбий дengizлардан чиқкан, деб ҳисобланади. Юнон титанлари, испан эртакларидаги оролларда яшовчи баҳайбат одамлар ва ғарк бўлган Лионессдан чиқиб келган Корнуэл ҳакида ҳам худди шундай гап-сўзлар юради.

– Мен қадимги ривоятларни шунинг учун ҳам эслаяпманки, ибтидоий одамлар дengиз қаърида баҳайбат мавжудотлар яшайди, деб ҳисоблаган, бу эса алп одамлар уммондан чиқиб келган, деган иккиласмачи инонч-эътиқодни пайдо килган. Биз Понапеда ҳозир ҳам учровчи сигиниш қолдиқларидан ҳечам ажабланмаслигимиз керак, чунки бундай ҳоллар Ер юзида анча-мунча топилади.

Менингча, биз одамлардаги мутациялардан ажабланишимиз лозим. Ушбу мутацияларни дудмол назариялар билан изоҳлашади-ю, бироқ дengиз мавжудотлари билан Каролина ороллари ахоли ўртасида бирон бир жинсий алока кузатилгани ҳакида ҳеч қандай далил келтиришмайди.

Агар шундай жинсий алоқа кузатилганда, мутацияларни ҳам изоҳлаш мумкин бўйлар эди.

Фан бундай денгиз мавжудотлари ҳақида далилга эга бўлмагани учун уларни инкор киласди, мутацияларнинг ўзига эса “манфий”, деб қараб, илмий далилликка яроксиз, деб рад этади. Шундай вазиятларда бу ҳодисалар фанга номаълум, деган мазмунда муфассал изоҳ тайёрланадида, маҳаллий аҳолига ноёб экспонатдек қаралиб, “ибтидоий қабила” ёки “атавизмга маҳкумлар” деган тамға босилади, охири эса бинойидек хужжатлаштирилган ўша ҳодисалар бор тафсилоти билан картотеканинг энг чеккасига яшириб қўйилади.

Мабодо бирор кимса, масалан, сиз шу ҳодисаларни батафсил ўрганишга киришсангиз, кўлга киритажак маълумотларингиз занжири Ер шарини бир неча бор ўраб чикишга етарди. Бундан ташқари, ўша ҳодисаларда бир талай ўхшаш жиҳатлар кўзга ташланади, улар бир-бирини тасдиклайди ва такрорланиб туришини таъкидлайди.

Аммо парча-парча бу ҳодисаларни ҳеч ким ҳолис ўрганишга жазм этмайди, чунки мистер Бейтс мисолида кўрганимиздек, биз унинг мудхиш окибати қаршисида кўркувга тушамиз. Яхшиси, эл қатори жим яшаб юраверган маъқул, чунки қизил чизиқдан ташқари чиқилса, бирор кимса дош беролмайдиган ёвуз кучга дуч келиш мумкин.

Мен Понапе ороли аҳолисидан эшитган ҳикояни эсладим ва уни Лэпхемга ҳам айтиб бердим. Лекин, барибир, бир нарсага – унинг нима учун Бейтс кўлёзмаси билан, ҳатто жуда узок бўлса ҳам, бирор алоқадорлик кидираётганига тушунмасдим, аммо кўнглимда бу воқеани у менга атай эслатди, деган қаноатни туйдим.

Доктор Лэпхем батафсил изоҳида давом этди:

– Антропологлар қайд этган ўзаро тарқоқ ҳодисаларда, барибир, аллақандай ягона ўзак бор. Бу ҳам бўлса, ибтидоий даврларда Ер юзида бошқа иркқа мансуб мавжудотлар яшаган, деган жуда қадимий инончдир. Бу мавжудотлар иблисона расм-русларни сабаб Катта Маъбудлар кувғинига дучор бўлган. Улар оддий одамлардан фарқли ўларок, вакт ва фазо қонунларига бўйсунмайди, қолаверса, бошқа ўлчамларда ҳам яшай олади.

Бу мавжудотлар кувғинга учраган ва даҳшатли муҳр билан одамзотдан ажратилган бўлса-да, “ташқарида” ҳаётинида давом эттироқда ва Ер юзида макон тутган “тубан” мавжудотлар аклини ўз измига бўйсундириб, яна хукмронлигини тиклашга бот-бот уринмоқда. Ер юзидағи мавжудотлар уларга даҳли йўқ майда қонунларга бўйсунгани учун ҳам ўша маҳлуқлар наздида тубан саналади.

Кувғиндилар орасида энг кўп тарқалгани Буюк Қадимгилар ёки Буюк Собиклардир. Кўплаб ибтидоий ҳалқлар, чунончи, Понапе аҳолиси ҳам улар хизматида бўлган. Буни ҳам кўя туринг, Буюк Собикларнинг адовати нихоятда кўрқинчлидир. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, уларнинг фалажловчи кўркуви билан инсоният ўртасидаги тўссиқ – эркин, ихтиёрий ва омонатдир.

– Бироқ сиз бу фикрни Бейтснинг кўлёзмаси ва унга илова килинган хужжатлардан олган бўлишингиз ҳам мумкин-ку! – деб эътиroz билдирдим мен.

– Йўқ, – дея кескин жавоб қайтарди доктор Лэпхем. – Бу қараш Бейтснинг кўлёзмасидан ўнлаб йиллар бурун ҳам бор эди.

– Бейтс бу қарашни асословчи далиллар топган экан-да!

Бу гапга у пинагини бузмади, нуткидаги жиддий, тантанавор оҳанг ҳам ўзгармади:

– Ҳатто шундай бўлган тақдирда ҳам, бу мазкур ҳодисани изохлаб беролмайди. Тахминан милодий 730 иили Дамашқда араб шоири Абдул ал-Ҳазрат даҳшат уйғотувчи Буюк Собиклар ва улар билан мулоқот ҳақида китоб ёзи. Ал-Ҳазратнинг устидан ҳамма, телба бўлиб колибди, деб кулди. У китобини “Ал-Азиф” деб атаган эди. Бу китоб баъзи маҳфий давраларда юононча “Некрономикон” номи билан ҳам жуда машхур ва ўта ноёб.

Фикри ожизимча, бу афсона ва ҳодисалар кўп асрлар аввал қоғозга туширилган, баъзи ноинсоний – уларни шундай атай қолайлик! – воеалар бугун ҳам юз бераётган ва ўша араб муаллифи хulosаларини тасдиқлаётган бўлса, демак, уларга баъзи кимсаларнинг хаёлоти ёки фириби, айниқса, бу ҳақда ҳеч вақдан бехабар одамнинг найранги, деб қараш мутлақо ноилмий бўлур эди.

– Жуда соз, давом этинг-чи!

– Буюк Собиклар, – деди у, – айрим хоссаларига кўра, табиий кучлар – тупрок, сув, ҳаво, оловга ўхшаб кетади. Баъзи ғайритабии хусусиятлари истисно этилса, улар бу мавжудотлар учун ҳам яшаш мухитидир. Буюк Собиклар ғайритабии хусусиятлари боис вақт ва фазо таъсиридан озод ва айни шу сабабдан инсоният ва Ер юзидағи бошқа жонзотларга мутта-сил ҳаф солади.

Буюк Собикларнинг Ер юзига қайтишга интилишини Уларнинг ибтидой тарафдорлари қўллаб-кувватлайди. Ибтидой тарафдорлар Уларга ҳудди маъбуллардек сигинади ва бу топинувчилар аксар ё жисмоний, ё аклий ногирон, баъзан эса, ҳудди Понапеда кузатилганидек, ҳатто мутацияга учраган кимсалар бўлади.

Буюк Собиклар ва уларнинг фазовий гумашталарига “туйнук” ва “йўл”ни ана шулар очиб беради. Ана шу мавжудот ва гумашталарни эса, улар вақт ва фазонинг қаерида бўлса ҳам, баъзи маросимларни адо этиш орқали “чорлаш” мумкин. Бу маросимлардан айримларини Абдул ал-Ҳазрат ва шуҳрати ундан пастроқ бошқа муаллифлар ёзиб қолдирган. Абдул ал-Ҳазратга издош муаллифлар, гарчи ўша ягона манбага бориб тақалса-да, аммо “Ал-Азиф”дан кейин пайдо бўлган ва уни янаям бойитадиган кўплаб янги маълумотлар ёзиб қолдирган.

У бир зум жим қолди-да, сўнг менга дикқат билан тикилди:

– Фикрларимни англай оляпсизми, Филипс?

– Англай оляпман.

Жуда соз. Шуни ҳам айтиш керакки, Буюк Собиклар турли-туман ном билан аталади. Айримлари куйи табакага мансуб бўлиб, бундайлар кўпчиликни ташкил этади. Улар юқори табакага мансуб озчиликдек эркин эмас. Ҳудди шу куйи табака одамзот бўйсунувчи қонунларга ҳам итоат этади.

Улардан дастлабкиси Хтулу бўлиб, у дengizga ғарқ бўлган Р’лие шахрида гўё ўлиқдек қимир этмай, аммо туш кўриб ётади. Баъзи манбаларда қайд этилишича, бу шахар Атлантикада, бошқа манбаларда ёзилишича эса, Массачусетс соҳили якинидаги дengиз тубида эмиш. Улардан иккинчиси – Хастур. Гоҳида уни Номини Атаб Бўлмас Мавжудот ҳам

дайишади. Гиада юлдуз туркумидаги Халида яшовчи Ифодалаб Бўлмас Хастур ҳам – унинг ўзи.

Учинчиси – Шаб-Ниггрот, у ҳосилдорлик маъбути ё маъбудасининг кўркинчли “эзизи”дир. Кейингиси – “Маъбуллар Элчиси” Нарлатотеп. Буюк Собикларнинг энг қудратли тоифасига дарғазаб, ёвуз Йогт-Сотот – Азатотнинг, абадият марказидаги сўқир ва телба Хаоснинг хукмфармоларидан бири ҳам киради. Кўзингиздан ўқиб турибман, бу номларни ажратса бошладингиз.

– Тўғри, бу номлар сал бошқача шаклда кўлёзмада ҳам учрайди.

– Ҳужжатларда ҳам. Энди, келинг, сиздаги шубҳаларга барҳам беришга уриниб кўрай. Нарлатотеп номини кўпинча “Нъярлатотеп” деб талафуз қилишади. Ўша Махлук даҳшат солиб пайдо бўлган пайт Унга “найчалувчи авсаллар” деб ном олган мавжудотлар ҳамроҳ бўлади.

– Бейтс кўрган маҳлуклар!

– Ҳа, балли!

– Унда бошқалари-чи? Улар ким?

– Бу хақда факат тахмин килиш мумкин. Бирок Нарлатотепга доим овсар найчилар ҳамроҳлик килар экан, демак, улар бор жойда Нарлототеп ҳам бўлиши турган гап. Буюк Собиклар, худди мутантлардек, бирмунча ўзгарган ҳолда кўзга кўриниш қобилиятига эга, гарчи ҳар бирининг ўзаник киёфаси ва шахсияти бўлса ҳам.

Абдул ал-Ҳазрат китобида Нъярлатотепнинг “юзи йўқ” дейилади. Айни пайтда Людвиг Принн “Еости мистериялари” асарида уни “хамма нарсани кўрувчи кўз” деб атайди, фон Юнкт эса “Сирли нарсаларга топиниш” китобида уни бошқа Буюк Собиклар – масалан, Хтулудек – “пай-паслагичларга эга”, деб ёзди. Бу хилма-хил таърифлар Бейтсга “катталашибиши” ёки “кенгайиш” бўлиб кўринган барча ҳодисаларни қамраб олади.

Мен бу ибтидоий топиниш ва диний эътиқодлар ҳақида афсона ва далиллар шу кадар кўплигидан ҳайратга тушдим. Ўзим доктор Сенека Лэпхем ўша китобларни аввал ҳам тилга олганини эслолмайман, унинг кўлида бу китоблар йўқ эди илгари! Улар ҳақида қаердан шунча маълумот топа қолди экан-а?

– Бу китоблар жудаям ноёб, – деди у менинг саволимга жавобан. – Мана буниси, – у нонуштадан қайтиб келганда, кўзим тушган муҳрли китобни кўрсатиб, – энг машҳури. Уни кутубхонага бугун кечкурун топширишим керак. Бу – Олаус Вормиус лотин тилига ўтирган “Некрономикон” китоби. У XVII асрда Испанияда чоп этилган. Аслида, у Бейтснинг кўлёзмаси ва унга илова этилган ҳужжатларда тилга олинувчи “китоб”нинг ўзгинаси.

Дунёнинг турли бурчакларида яшаган ва Илия Биллингтон билан ёзишма олиб борган кишилар бутун бошли саҳифаларни худди шу китобдан кўчириб олган. Бу китоб тўлиқ ёки қисман Видинерда, Британия музейида, Буэнос-Айрес ва Лима университетлари кутубхонасида, Париж Миллий кутубхонасида ва шу ерда, яъни Мискатоникда бор. Баъзи олимларнинг айтишича, битта нусхаси Кохирада, яна биттаси Римда, Ватикан кутубхонасида сакланар эмиш, ҳафсала билан кўчирилган қисмлари эса айрим кишилар кўлида бор, дайишади. Бунинг тасдиғи шуки, Бейтс китоб нусхасини Илия Биллингтондан мерос қолган кутубхонадан топди. Ҳамонки, Биллингтон китобдан кўчирма олган экан, демак, бошқалар ҳам кўчирма олганига шубҳа қиласа бўлади.

Доктор Лэпхем ўрнидан турди, буфетдан бир шиша вино олиб, қадаҳни тўлдириб кўйди-да, худди шинавандадек, ютумидан роҳатланиб ича бошлади. Бу пайтда у дераза олдила турарди. Ташқарида зулмат қуюклашиб борар, Архам оқшомги шовқинларга тўлганди. Доктор Лэпхем стол ёнига кайтди.

— Масаланинг асл моҳияти – шу. Ҳозирча шу маълумотлар етарли, – деди у.

— Бу гапларга мени ишонади, деб ўйлајпизми?

— Йўқ, албатта. Лекин буни бирламчи фараз деб ҳисоблайлик-да, Биллингтон жумбоғига татбиқ этиб кўрайлик.

Мен рози бўлдим.

— Жуда соз. Илия Биллингтондан бошлай қоламиз. Диоарт ҳам, Бейтс ҳам айнан шундан бошлаган эди, чамаси.

Илия Биллингтон сирли, аммо жирканч ишлар билан шугулланган, бу ишлар жодугарликка алокадор бўлган, десак иккимизнинг фикримиз бир жойдан чикади. Рухоний Вард Филипс ва Жон Друвен бу машғулотни айнан жодугарлик деб ҳисоблаганига ишончим комил. Кўлимизда Илиянинг маросимлари Биллингтонлар дараҳтзорида, тош минорада адо этилгани ҳакида далиллар бор. Яна шу ҳам маълумки, ўша маросимларни у тунда, Илиянинг ўғли Лаан ёзганидек, “кечки таомдан кейин” адо этган.

Бу айнан қандай маросимлиги номаълум, лекин унда, гумашта сифатида бўлса-да, хинду Kvamis ҳам қатнашган. Бир куни хинду “Нарлатотеп” деган номни кўркув аралаш эҳтиром билан тилга олган. Айни пайтда, данвичлик Жонатан Бишоп мактублари гувоҳлик беришича, бу жентльмен ҳам шу маросимни адо этган. Ўша хатлар, ҳар қалай, масалага анча ойдинлик киритади. Жонатаннинг кучи сирли Мавжудотни осмондан чорлашга етган-у, аммо бошка мавжудотлар йўлини тўсиш ва ўзини химоя килишга етмаган.

Хулоса шуки, ўша мавжудотларда одамларга эҳтиёж бўлган. Одамлар озука бўлиб хизмат килган, деган фаразни ҳам илгари суриш мумкин. Шунда одамларнинг ғалати тарзда фойиб бўлишию ҳар гал бунинг сири очилмай колиши сабабини аниқлашимиз мумкин.

— Хўш, унда жасадлар яна пайдо бўлиб қолганини қандай тушунтирасиз? – деб доктор Лэпхемнинг сўзини бўлдим. – Улар шунгача каерда бўлган, бу ҳақда бирортаям далил йўқ-ку!

— Тахминимча, улар ўзга ўлчамларда бўлган, шу сабаб ҳам далилдан асар йўқ. Хулоса ниҳоятда оддий: осмондан тушган мавжудотлар хилмажил эди – сиз Бишоп мактубидаги маълумотларни, айниқса, ўша мавжудотларни қандай чорлаш ҳақидаги кўрсатмаларни эсланг!

Улар ўзга ўлчамдан учиб келган ва яна ўзга ўлчамга учиб кетган. Улар ўша ёкка тубан мавжудотлар – одамларни ҳам олиб кетиб, озиқланган. Одамларнинг ҳаётий кучини сўриб олганми, қони ёки бошка нарсасиними – буни фақат тахмин қилиш мумкин.

Аввало шу мақсадда, колаверса, унини ўчириш учун Жон Друвенни гиёҳванд модда билан сийлашган, уни Биллингтонлар уйига қайта чакириб, қасос мақсадида курбон келтиришган. Жудаям қизиқувчан Вилбур Коурини Жонатан Бишоп ҳам айнан шундай гумдон килган.

— Борингки, бари худди шундай бўлган ҳам дейлик, аммо бу ҳолда бальзи мантиқий зиддиятлар келиб чиқмаяптими? – дедим мен.

—Хайрият-е, шуни қачон пайқаркансыз, деб кутиб турғандым! Ҳа, мантикий зиддиятлар бор. Буни күра билмок ва тан олмок лозим. Бейтс, афсуски, ана шундай қилолмади, бу унинг юзаки фикрлаши оқибатидир. Шу ўринда бир фаразни ўртага ташласам. Илия Биллингтон ота-боболари Буюк Собиқлар ҳақида ёзиб қолдирған бирор маълумотга кўққис дуч келиб қолган Қарабисизки, энди у сирни очгиси келиб колади, зарур билимларни кидириб топади ва шуларга таяниб, Мискатоник ирмогидаги оролда жойлашган тош ҳалқа ва минорада туриб, Буюк Собиқларни чорлайди. Аммо Илия ҳар қанча хушёр турмасин, Махлуклар Данвич ахолисига вакти-вакти билан хужум килишининг олдини ололмайди. Боёкиш бу менинг эмас, Бишопнинг иши, деб ўз-ўзини тинчлантирган, оқлаган бўлиши ҳам мумкин.

У “Некрономикон”нинг бутун дунёдан тўплланган варакларини ўқиб, бирма-бир киёслаб чиқади ва ўзлаштириб олади. Айни пайтда у қаршисида намоён бўлган Нариги Олам бепоёнлигини бор маҳобати ва курдати билан кўриб, асабийлаша ҳам бошлайди. Унинг рухоний Вард Филипс китобига ёзган тақризи учун Друвендан ғазабланиши гувоҳлик берадики, биринчидан, Илия ўз ҳатти-ҳаракатларини тўлиқ бошкара олмаётганидан азобланган, иккинчидан, бегона куч қалбига мажбуран жойлаётган кутқу билан кураша бошлаган.

Друвенга хужум қилиб, ҳалок этишгани Илиянинг сабр косасини тўлдириб юборади. У Квамис билан хайрлашади-да, “Некрономикон” ёрдамида ўзи очган “туйнук”ни муҳрлайди, Бишоп ғойиб бўлгач, у очган “йўл”ни ҳам худди шундай беркитган эди. Сўнгра Англияга йўл олади-да, отамерос ер-мулкида, ёвуз кучлардан олисда тинч яшай бошлайди.

— Мантиқан тўғрига ўхшайди, — дедим тасдиқ оҳангиди.

— Келинг, энди шу фараз асосида Илиянинг Биллингтонлар ер-мулки ҳақидаги кўрсатмаларини текшириб чиқайлик. — Доктор Лэпхем шундай дея бир даста қоғоз орасидан Бейтснинг кўли билан ёзилган варакни олди-да, яшил абажурли чирокни ёқди. — Хўш, мана. Илия, авваламбор, “ўзидан кейинги барча авлодлар”дан ер-мулкни оила кўлида саклаб қолишини сўраб, илтижо килади. Сўнгра бир катор сирли коидаларни келтиради-да, гарчи ишоралар воситасида бўлса ҳам, уларнинг “маъноси Биллингтонлар уйидаги китоблардан топилади”, деб йўл кўрсатади.

Илия ўз васиятномасини ушбу кўрсатма билан бошлайди: “У минора турган оролни айланиб ўтувчи оқимни тўхтатмаслиги, минорага тегмаслиги, тошларга илтижо қилмаслиги керак.” Сув ўз-ўзидан тўхтаган ва бу, сизга аёнки, ҳеч қандай фалокат тұғдирмаган. Илия “минорага тегманг” деганда, ўзи ёпган йўлни очилмасликни назарда тутганига шубҳа йўқ. Туйнук, чамаси, минора томида бўлган ва Илия уни белги ўйиб туширилган тош билан ёпган.

Ўша белгини мен кўрмаганман-у, лекин у, ҳойнаҳой, Катта Маъбуллар белгиси бўлса керак. Катта Маъбуллар олдида Буюк Собиқлар ожиз колади, шу боис улар бу белгидан кўрқади ва нафратланади. Гарчи Илия тақиқлаган бўлса ҳам, Дюарт минорага тегинди – унинг томидаги “туйнук”ни беркитиб турган тошни олиб ташлади.

Энди йўриқномадаги тошларга “илтижо қилмаслик”ка келсак, бу Нариги Оламдаги кучлар билан мулокотнинг илк боскичида ўқиладиган афсунларнинг бир ёки бир нечаси бўлса эхтимол.

Илия давом этиб ёзади: “У ўзига номаълум вакт ва фазога элтувчи Дарвозани очмаслиги, Остонада Пинҳона Турувчи Мавжудотни чорламаслиги ва адиrlарга илтижо этмаслиги керак.” Жумланинг биринчи қисми минора ҳакидаги бояги огоҳлантиришни таъкидлайди, холос. Иккинчи қисми эса Остонада Пинҳона Турувчи Мавжудотта илк бор ишора этсада, бироқ унинг айнан қайси мавжудотлигини ҳали билмаймиз. Балки у Нарлототеп, Йогг-Сотот ёки бошқа мавжудотdir. Учинчи қисм эса Улар осмондан ерга тушганди, маросимнинг кейинги боскичини ўтказиш, яъни курбонлик келтиришни назарда тутади.

Учинчи банд ҳам яна огоҳлантиришга ўхшайди: “У ўз қулғи ва танбаларини очик қолдирмаслик учун минора билан уй ўртасидаги ботқоқликда яшовчи бақалар, айниқса, курбақалар, учар ёнаркуртлар ва тентаккушларни безовта килмаслиги керак.” Яъни “ўз қўрикчилари”ни тинч қўйисин, дейилмоқчи. Тўғри, Бейтс бу огоҳлантириш маъносини дурустгина англаб етганди. Ўша маъно шундан иборатки, бу жонзотлар “Нариги Оламдан келувчи меҳмонлар”га ўта сезгир, ёнаркуртлар ёғдуси, тентаккушлар кичкириғи ва бақалар вакиллаши, аслида, учрашувга ҳозирланинг, деган маънони билдиради. Ҳар қандай аксинча хатти-харакат ўзингнинг зарапингга ишлади.

Тўртинчи қоидада илк бора дераза тилга олинади. “Деразани ўзгартиришга ёки бирон бир тарзда қайта қуришга уринмаслик керак.” Хўш, нега энди? Бейтснинг ёзишича, деразада сирли ёвуз куч мужассам. Йўрикнома ёвузиқдан сақланиш ва фалокатдан химояланишга қаратилган экан, деразанинг мудхишлигини била туриб, нега уни йўқ килмаслик керак? Менингча, гап шундаки, янги дераза аввалгисидан ҳам хавфли бўлиши мумкин.

— Дераза менга, барибир, сирлигича қоляпти, — дея унинг сўзини бўлдим.

— Наҳот Бейтснинг хикоясидан бирор маъно уқмаган бўлсангиз?

— Тўғри, дераза – ғалатироқ, ойнаси ҳам бошқача. Аммо Биллингтонлар дидига шуниси ўтиргандир.

— Тахминимча, бу – умуман дераза эмас, балки линза, призма ёки кўзгу. У бошқа ўлчам ёки ўлчамлардаги, бошқа вакт ва фазодаги манзарани акс эттиради. Балки у кўз билан эмас, қолдик ёки унут хиссиётлар билан идрок этилувчи қора нурни акс эттиришга мўлжаллаб қурилгандир. Яна ким билсин, уни ҳатто инсон кўли яратмаган бўлиши ҳам мумкин. Бейтс худди шу деразадан икки марта ғайриоддий манзарани томоша килган.

Буни ҳам муваққат фараз деб қабул килайлик-да, энди Илиянинг сўнгги кўрсатмасига келайлик.

У аввалги барча қоидаларни тасдиқлайди ва шу сабаб ҳам аниқ маъно ифодалайди: “Орол ва минорага бирор тарзда тегинмаслик, деразани ўзгартирмаслик – бузиб ташлаш бундан мустасно – талаби шартномага киритилмагунча, ер-мулкни бирорвга сотмаслик ёки бошқа йўсинда тасаруф этмаслик керак.”

Бу ўринда ҳам деразада сирли ёвуз куч мужассам, деган фикрга дуч келамизки, бу эса, ўз галида, деразани ҳатто Илия ҳам бехабар бир ўтиш ўйли, деб тахмин қилишга изн беради. Деразадан бу ёқка Буюк Собиқларнинг жисми ўтолмаган бўлса ҳам, уларнинг идроки ёки фикри ўтган бўлиши мумкин.

Назаримда, энг түғри ва аниқ изоҳ қуидаги – кўлимиздаги барча далиллардан кўриниб турибдики, уйда ҳам, ўрмонда ҳам одамга таъсир кўрсатувчи сирли куч бор. Ўша куч Илияни жодугарликка доир китобларни мутолаа этиш ва тажрибалар ўтказишга мажбуrlаган. Бейтснинг бизга ҳикоя қилишича, Дюарт уйга кўчиб келганида, деразага интилаверган – хадеганда уни кўздан кечиргиси, ундан ташкарига қарагиси келаверган.

Дюарт минорага боргандага эса, томга ўрнатилган тошни олишдан ўзини тийиб туролмаган. Бейте ҳам холавачаси билан илк учрашувидан сўнг уйунга қандайдир таъсир кўрсатаётганини қайд этган. Бироқ у Дюартнинг ўзини ғалати тутишини “аклдан озиш” ёки “шахснинг иккиланиши”га йўйиб, хатога йўл кўйди. Ёвузлари шу ерда турибди, ҳозир ўқиб бераман:

“Ўша жойда юзимни салқин шабадага тутуб турар эканман, руҳимни тобора забтига олаётган тушкунликни, таг-туби ўйқ умидсизликни, жирканч ва мудҳии разилликни, ўрмон қуршовидаги бу уйнинг ичию ташида ҳукмрон бўлган вайронкор ёвуз кучни, шу тобгача одамзод қалби деган чуқур чоҳ тубида биқиниб ётган, энди эса кўнгилни беҳузур этганча, чор атрофга сингиб бораётган қабиҳликни ҳис этдим. Мавхум ёвузлик ва фалокат олдидағи кўркув ҳиссига ғалати бир жирканни ҳам қўшилиб, хонага чўка бошлади, у кўзга кўринмас тумандек, деворлардан сизиб чиқаётганини пайқадим.”

Буни қарангки, Бейтс ҳам беихтиёр деразага интилган. Нихоят, Бейтс ўша кучнинг холавачасига таъсирини анча холис кузатишга муваффак бўлади. Бу холни у ички кураш деб таърифлаб, тўғри ташхис ҳам кўяди, бироқ, айни пайтда, холавачасига шизофреник тамғасини босиб янглишади.

– Сиз жудаям қатъий хулоса чикариб юбормаяпсизми? Унда, ҳар қалай, шизофрениянинг айрим белгилари бор-ку!

– Ҳечам унақа эмас. Одам ўзи яхши билмаган нарса ҳақида гапирмагани маъқул. Бу ерда ҳеч қандай белги-аломат ўйқ, кайфиятда кескин ўзгариш бор, холос. Аввалига Амброз Дюарт анча ёқимтой, беташвиш жентльмен, вақтини қандай сарфлашни билмаётган кишлоқ эсквайри киёфасида кўринади. Сўнгра боёқишига шундай бир ҳисссиёт ёпишадики, унинг нималигини ўзи ҳам билмайди, шу сабабли Дюартда безовталик тугилади. Охири Амброз Бейтсни ёрдамга чақиради.

Бу ёғига эса Амброздаги кейинги ўзгаришларни Бейтс кузата бошлайди, лекин Дюарт буни аввал малол олади, сўнг очик-ошкор душманликка ўтади. Тўғри, баъзан Амброз озрок муддатга аввалги ҳолатига ҳам қайтади, бу ҳолат у шу йилда кишни Бостонда ўтказганида хийла узок давом этади.

Бироқ яна Биллингтонлар уйига қайтган ҳамоно ўша душманлик руҳи яна уйғонади ва энди Дюарт Бейтсга тишини-тишига кўйиб, аранг тоқат қила бошлайди, Бейтс буни ҳатто сезмайди. Бейтснинг Дюартга муносабати эса жуда оддий – ўзини goҳ керакли, goҳ ортиқча одам деб хис этади. У холавачаснинг бир-бирига зид киликларини кузатиб, бу холни психиатрия тилида “шахснинг иккиланиши” деб атайди, ҳолбуки, у психиатрияни сиздан дурустрок билмайди.

– Демак, сизнингча, Нариги Оламдан таъсир бўлган. Хўш, қандай таъсир?

– Шундай бўлгани – кундек равшан. Бу – ақлни ўз измига олувчи таъсир. Аниқроқ айтсан, бу – Илия ҳам бошдан кечирган таъсир, аммо Илия уни енга олганди.

– Демак, бу – Буюк Собиқлардан бирортасининг иши!

– Шу фикрни тасдикловчи далил борми?

– Ахир, тахмин килиш мумкин-ку!..

– Йўқ, ҳеч қандай белги-аломат йўқ. Буни Буюк Собиқлар куролига айланган одамнинг таъсири десак, тўғрирок бўлади. Бейтснинг кўлёзмасини синчилаб ўқисангиз, ўша таъсир инсоний табиатга эгалигини тушунасиз. Ишончим комил, агар Биллингтонлар уйига Буюк Собиқларнинг ўзи таъсир ўтказганида, ўша ўй ва истаклар, жиллакурса, аҳён-аҳёнда ноинсоний табиатга эга бўларди. Аммо буни тасдикловчи бирорта ҳам хужжат йўқ.

Уй ва ўрмонни курсаб олган ёвузлик, разиллик ва кабоҳат ҳиссини Бейтсга бошка мавжудот узатганида, Бейтснинг муносабати шу қадар инсоний бўлмасди. Унинг ҳис-туйгулари инсоний табиатга эгалиги шубҳасиз, колаверса, ўша таъсир олдиндан мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин.

Доктор Лэпхемдан эшитганларимни акл тарозисига солиб, тортиб кўрдим. Агар унинг назарияси тўғри бўлса – ваҳоланки, тўғрига ўхшарди – бу ерда бир қўпол ҳато бор. У Дюарт ва Бейтсга таъсир ўтказган “куч” Илия Биллингтонга ҳам таъсир ўтказган, деб тасдиклаёттир. Агар бу “таъсир”, у айтиётгандек, инсоний табиатга эга бўлса, демак, у бир асрдан буён давом этмоқда. Фикримни пухта ўйлаб олгач, унга шу зиддиятни кўрсатдим.

– Ҳа, буни тан оламан. Лекин бу ерда ҳеч қандай зиддият йўқ. Ўша таъсир Ердан ташқаридан кўрсатилган, буни унутманг. Яна денг, Ердаги ўлчамлардан ҳам ташқаридан... Шу боис ҳам бу таъсир инсоний табиатга эгами ёки ноинсоний табиатгами, бундан қатъи назар, у Ердаги физика конунларига бўйсунмайди, худди уларга Буюк Собиқлар ҳам бўйсунмагани сингари. Хуллас, бу таъсир инсоний бўлса – менингча эса, айнан шундай – у бизнинг вакт ва фазомизга чегарадош-у, лекин ундан ўзга вакт ва фазога мансуб.

Ўша таъсир ўзга ўлчамларда намоён бўлар экан, демак, у Биллингтонлар уйидаги кишиларга вакт ва фазо белгилаган чекловларни писанд килмайди. Хуллас, бу таъсир манбаи ана шу ўлчамларда, Бишоп, Биллингтон ва Дюарт чорлаган Мавжудотлар курбони бўлган кишилар жасади ҳам бизнинг ўлчамга ташланишидан олдин ўша ўлчамда бўлган.

– Дюарт ҳам Уларни чорлаганими?

– Ҳа, у ҳам...

– Якинда Данвичда икки киши ғойиб бўлганига уни сабабчи, деб кўрсатмоқчимисиз?

У менга ачингандек бош чайқаб кўйди:

– Шундай деб ўйламаяпман, бунга имоним комил. Сиз буни ҳам тасодиф деб, яна исботлашга уринмасангиз, албатта.

– Асло!

– Жуда соз. Танангизга бир ўйлаб бокинг. Биллингтон тош ҳалка ва тош минорага бориб, “туйнук”ни очади. Ўрмондаги шовқинни Данвич аҳолиси ҳам эшитади, ўғли Лаан эса ҳатто кундалигига ёзиб кўяди. Ана

шу воқеалардан сўнг доим бир хил кулфат тақрорланади. Бирор киши сирли тарзда ғойиб бўлади-ю, бир неча хафта ёки ой ўтгач, жасади яна сирли тарзда пайдо бўлади. Униси ҳам, буни ҳам қандай юз бериши ҳозирча жумбок.

Жонатон Бишоп тош ҳалқага борганда, қандай воқеа юз берганини ўз мактубида бундай ёзди: “Уни адирга чорладим ва зўр машакқат билан ҳалқага қамадим, Махлукни узоқ вақт тутиб туриш учун ҳалқа етарли кучга эмасдек кўринди”.

Ундан сўнг Биллингтон маросим ўтказганда ҳам, бир неча одам сирли тарзда ғойиб бўлган ва яна сирли тарзда жасади топилган. Бир аср, ҳатто ундан ҳам аввал юз берган бундай фалокатлар бизнинг кунларда ҳам тақрорланяпти.

Амброз Дюарт уйқусида минорага боряпти, у кўркинчли ғайритабий кучни ҳис этяпти, бу куч уни буткул эгаллаб олган-у, лекин ўзи буни англаб етмаяпти. Дюарт минорага бориб, қонли доғларни кўргач, аввал бир одам ғойиб бўлгани, сўнг эса унинг жасади топилгани... Булар шунчаки тасодиф эканига бирортаям ақли расо одам ишонмайди.

Афсун ва кулфатлар бундай ёнма-ён келишини шунчаки тасодифга йўйиш доктор Лэпхем изоҳидек ишонарли эмасди, шунинг учун унинг хуласасига кўна колдим. Бироқ, айни пайтда, тинчим йўқолиб, хавотирга ҳам тушдим, чунки доктор Лэпхем кенг кўламли, ўта ноёб билимга эга олим эди. У фандан жуда йироқ бундай назарияни илгари сураттани уни чукур хурмат килган мендек ҳамкасбини қаттик ларзага солганди. Доктор Лэпхем қандай фаразни илгари сурмасин, бунда оддий гумонларга асосланмас, демак, у ўз фаразига қатъий ишонарди. Ушбу масалада ҳам у мендан кўпроқ билим ва маълумотга эга, ўз назарияси тўғрилигига ҳам заррача шубҳа қиласди.

— Фикрларингиз айқаш-уйкаш бўлиб кетди-ёв, буни ўзим ҳам фахмлаб турибман, — деди у. — Келинг, бугун кечаси барини бир сидра ўйлаб кўрайлик-да, эрта ёки индинга яна бир сұхбатлашайлик. Ҳозир эса манови китоблардан камина белгилаб қўйган бир неча парчани ўқиб чиқинг. Йўл-йўлакай “Некрономикон”га ҳам назар ташлаб қўйсангиз, маъкул бўларди, чунки мен китобни бугун шомда кутубхонага топширишим шарт.

Мен дархол ўша китобни вараклашга тушдим, доктор Лэпхем ундағи иккита кизик парчани белгилаб қўйган экан, уларни ичимда таржима килдим. Парчаларда ўзга оламга мансуб бўлган ва бу оламга ўтишини илҳақ кутаётган мудҳиш маҳлуклар ҳакида сўз борарди, араб муаллифи уларни “Фурсатни Пинҳона Кутаётганлар” деб атаб, номларини ҳам санаб ўтганди. Биринчи парчанинг ўртарофидаги узун абзац менда, айникса, кучли таассурот колдириди:

“Уббо Сатла шундай буюк манбаки, ундан бетелгейзелик Катта Маъбулларга қарши чиқмоққа журъят этган, Улар билан жсангга кирган Буюк Собиқлар тарқаган. Ўша Буюк Собиқларга сўқир маъбуд – хаос Азатот ва Кулли Жузда ва Жузи Куллда бўлган Йогг-Сотот таълим берган. Буларга вақт ва фазо қонунлари кор қилмайди, уларнинг Ердаги қиёфаси Умрат-Тавил ва Қадимги Маъбуллардир.”

Буюк Собиқлар Ерга ва Ерни ҳам ўз ичига олувчи Коинотга яна ҳукмронлик этадиган замонни кутгани-кутган... Буюк Хтулу Р’лиедан

чиқиб келади, *Хастур – Номини Айтши Мұмқин Бұлмаған Мавжудот – яна қора юлдуздан тушади, бу юлдуз Гиада түркүміда Альдебаран билан ёнма-ён жойлашғандыр, Нарлототеп үзи макон тутган зулмат қаърида мангу увиштайды, Шаб-Ниггерт – Минг Улоқти Қора Тaka – күпайғандан күпаяди ва барча ўрмон парилари, ёвуз эльфлар ва митти элатлар устидан ҳұмронлик қилади, Плойгор, Жар ва Итака эса юлдузлар орасыдағи фазога эга чиқади ва Тчо-Тчо деб атапуви үз тарафдорларини олий насабға күтаради, Фумальгаутлик Ктуга яна үз мұлкни босиб олади, Цатоггва Н'каидан етиб келади... Улар Дарвоза олдидә сабр-тоқат билан кутади, илло, вакт яқынлашмоқда, фурсат етмоқда. Ҳозирча Катта Маъбулдар уйқуга чўмиб, тушлар кўраёттир. Катта Маъбулдар Буюк Собиқларни банди этган сирли афсунларни қидириб топиб, шу афсунлар ёрдамида уларни тутқунликдан озод этишини кўзлаган тарафдорлар борлигини ҳали билмайды. Илло, ҳозирданоқ Буюк Собиқларнинг тарафдорлари бу дунёга очилажсак Дарвоза ортида уларнинг бўйрганини кутуб турибди”.*

Иккинчи парча ҳам худди шундай таъсирчан эди:

“Алвости ва жинларга, Денгиз Тубидаги дхоллар, Вормислар, Тчо-Тчо, жирканч Йи-Го, Шогготларга, қўрқинчли арвоҳлар ва Буюк Собиқлару уларнинг дажджолларига қарши қурол – қадимги Мнардан қазиб олинган кулранг тошдан ясалган беш қиррали юлдуздир, аммо бу тош Буюк Собиқларнинг ўзига қарши унча самара бермайди.

Кимки тошини қўлга киритса, яъни унга эга чиқса, ўша кимса ўрмаловчи, сузувчи, юрувчи ва ҳатто борса-кељмасга учувчи барча мавжудотлар устидан ҳұмрон бўлади. Их ва буюк Р'лиеда, И'ханглея ва Иотда, Юргот ва Зотикда, Н'каи ва К'н-янда, Совуқ Ялангликдаги Кадат ва Хали кўлида, Каркосда ва Ибда ўша кимса ҳұмронлик қилгусидир. Бироқ юлдузлар сўниб дўнганидек, қуёш заиф иштирагани юлдузлар фазога сочилганидек – барча ашёнинг кучи ҳам шу тариқа камаяди – беш қиррали юлдуз – тошининг ҳам, эзгу Катта Маъбулдар ёвуз Буюк Собиқларни ҳисб этган тилсимиларнинг ҳам кучи кетади. Шундай пайт етадики, аввал ҳам бўлганидек, бир ҳақиқат аёнлашади:

Остонада пусиб, мангу кутаётган ўша куч ўлган эмасдир,
Абадиятга қарши курашда ўлимнинг ўзи ҳам ўлгусидир”.

Мен бошқа китобларни ва Мискатоник кутубхонасининг уйга олиб кетиши тақиқланган хужжатларидан фотонусхаларни олдим-да, улардаги мубҳам ва мудхиш сахифаларни ўқиб, тонг оттиридим. Мен “Пнект қўлэзмаси”, “Самовий парчалар”, профессор Шрюесберининг “Р’лие матнлари”га таяниб ёзилган “Сўнгги даврдаги ибтидоий қабилаларнинг мифологик қарашлари” китобини, “Р’лие матнлари”нинг ўзини, граф д’ Эрлеттнинг “Жодугарларга сигиниш”, “Liber Ivonis”, фон Юнцтнинг “Сир-синоатларга топиниш”, Людвиг Приннинг “Ерости мистериялари”, “Дзян китоби”, “Дхоль афсунлари” ва “Хзанинг етти маҳфий китоби”ни ўқиб чиқдим.

Мен ибтидоий даврлардаги ёвуз эътиқодлар ҳакидаги сахифалардан улар Ер юзининг турли чеккаларида бугун ҳам ғаройиб шаклларда сакланиб колганини билиб олдим. Ўзимга номаълум ибтидоий тиллар – акло, наакал, цато-йо ва чиан кабиларнинг сирли оламига шўнғидим. Ёвуз ва жирканч маросимлару “мао”, “лоятик” каби “ўйин”лар ҳакидаги қўрқинчли ҳикоялардан этим увишди.

Бир неча саҳифада қадимий жой номлари тилга олинганига дикқатни қаратдим, булар Пнект водийси, Ултар, Н'гай ва Н'гранек, Оот-Наргай ва Маҳкум Сарнат, Тгок ва Инганок, Китамил ва Лемурия, Хатег-Кла ва Ко-разин, Каркос ва Ядит, Ломар ва Йа-Холар эди. Яна бу китобларда ақлни зойил этиб, қалбни ларзага солувчи бошқа даҳшатли мавжудотларни ҳам учратдим, бу мавжудотлар номи, қачон қараманг, ғалати ва мудхиш воеалар билан ёнма-ён келиши уларни янам яхимали кўрсатар, ўша воеаларни ҳам факат дўзахий афсонау хужжатлар ёрдамида изоҳлаб бўлар эди.

Жирканч илон – маъбуд Йиг, ўргимчаксимон Атлах-Наҳ, “жун билан копланган” Ран-Тегот деган номи ҳам бор Гноп-Хек, вампир Чоняр Фон, Тиндалоснинг вакт овлокларида изгувчи дўзахий итлари ҳакидаги афсоналардан ҳам янги, ҳам таниш номларни, мудхиш тафсилотлару нозик ишораларни топдим.

“Кулли Жузда ва Жузи Куллда” бўлган даҳшатли Йогг-Сотот ҳакидаги маълумотларни қайта-қайта ўқидим, унинг ўзгарувчан киёфаси ранг-бараг шарлар коришифидан иборат бўлиб, бу шарлар остида ибтидоий кўркув яшириниб ётарди. Мен оддий одамлар ўқиши тақиқланган, мутассир кимсалар эса телбага айланадиган маълумотларни ўқидим.

Бу саҳифаларни яхиси йўқ қилиш керак, чунки бунақа билим одамзотга факат хавф туғдиради. Бу хавфни Ер юзида Буюк Собиклар хукмронлиги қайта тикланишигагина қиёслаш мумкин. Катта Маъбуллар ўзларига қарши исён кўтарган Буюк Собикларни Бетельгейзе юлдузлар салтанатидан мангубадарға килган.

Мен кариб бутун туни ўқиш билан ўтказдим, сўнг эса китоблардан олган мудхиш таассуротимни хаёлдан ўтказганча, мижжа қокмай чиқдим. Очиғи, ёвуз махлуклар яна тушимга кирмасин, деб ухлашга ҳам кўрқдим. Мен бу махлукларни наинки шу китоблар, доктор Лэпхем маъруzasига таяниб ҳам хаёлан тасаввур этардим. Олим антропология соҳасида шу қадар катта билимга эга эдики, замондош ҳамкасларидан камдан-кам киши унга тенг кела олар, ундан ўзиб кетганлар эса янам озчилик эди.

Бундан ташқари, каттиқ зўрикканимдан ҳам ухлай олмадим, чунки бу китоблардан шу қадар кўп ва кенг қамровли маълумотлар топган эдимки, Нариги Олам кучларининг одамзотга солаётган хавфию бунинг фожий оқибатлари ҳам ўшанча даҳшатли эди. Энди ҳар доимги меъёрий ҳолатимга, соғлом ақл-идрокимга қайтишим зарур эди.

Тонгда ишга эртарок келдим-у, доктор Лэпхемни хонасида учратдим. Анча вактдан буён ишлаётган бўлса керак, ёзув столи коғозга тўлиб кетган, уларни турли ғаройиб формула, жадвал, чизма ва диаграммаларга тўлдириб ташлаган эди.

– Хўш, китобларни ўқидингизми? – деб сўради у портфелимни стол четига кўяётганимда.

– Туни билан ўқиб чиқдим.

– Уларни биринчи бор кўлга олганимда, мен ҳам туни билан ўқиб чиқканман.

– Агар уларда зифирча ҳақиқат бўлса ҳам, биз вақт ва фазо, ҳатто ўз келиб чиқишимиз ҳақидаги концепцияни яна бир сидра қайта кўриб чиқишимиз керак бўлади.

У жимгина бош ирғади:

—Бу хар бир олимга аён: аксар билимларимиз фундаментал эътиқодларга асосланади, уларни эса, табиийки, акл билан исботлаб бўлмайди. Балки қачонлардир бу ақидамизга ҳам ўзгартириш киритишимизга тўғри келар. Биз дуч келган “номаълумлик” деб аталувчи нарса, бу ва бошқа китобларга қарамай, ҳамон фаразлар соҳасида ётибди.

Менингча, бизнинг олами миздан ташқарида бошқа олам борлигига шубҳа қилмаслик керак. Бундай мифологик қарашиб эзгулик кучлари ҳам, ёвузлик кучлари ҳам бор, деб эътироф этади. Бошқа айрим қарашлар ҳакида батағсил тушунтириш беришга ҳожат йўқ, чунки улардан ўзингиз ҳам тузуккина хабардорсиз. Чунончи, насронийлик, буддавийлик, ислом, конфуцийлик, синтоизм, хуллас, барча диний таълимотлар шу нуктаи назарни ёклайди.

Ушбу мифологик концепцияга кўра, биз бу оламдан ташқарида қандайдир номаълумлик борлигини тан олмай иложимиз йўқ. Сабаби – шуни тан олсанкина нафакат ўша китобларда баён этилган даҳшатли воқеаларни, балки илмий дунёқарашимизга мос келмайдиган ва шу боис газеталар сахифасидан жой олмаётган бошқа воқеаларни ҳам изоҳлай оламиз.

Бундай воқеалар дунёнинг турли бурчакларида кун сайин юз бериб турибди, улардан айримлари кўпчиликка нотаниш олим Чарлз Фортнинг “Малъунлар китоби” ва “Янги ерлар” деган икки ажойиб асарида баён этилган. Сизга улар билан танишиб чиқишни тавсия қиласман.

Энди баязи далилларни кўриб ўттайлик. Мен атайн “далиллар” деяпман, чунки гувоҳларнинг кўрсатмалари баязан рост бўлмаслиги ҳам мумкин. Бушов, Пиллицфер, Нерфт ва Долговда деган жойларда 1863-1864 йилларда осмондан хали одамзотга номаълум моддадан иборат “қўнғиржигарранг доғли кулранг” тошлар ёғилган. Дарвоқе, шу ўринда катта довруқ қозонганд Мнар тоши ҳам “кулранг” эканини таъкидлаб ўттай. Бир неча йил муқаддам Бирмингем ва Вулвергемптонга ёғилган Роули тошларининг ҳам сирти кора, ичи кулранг эди.

Энди эса Англия кемаси – “Каролина” денгизчилари кўрган “шарсимон ёғдулар”га ўтсак. Хабарларга кўра, бу ёғдулар кема билан Хитой соҳилидаги аллақайси тоғ оралиғида кўринган. “Шарсимон ёғдулар” осмон бағрида, тоғ чўққисида ва ундан нарироқда жилва килган, шарлар кўплашиб, занжирсимон нотекис харакатланган. Ёғдуларнинг шимол томонга харакати тахминан икки соат давом этган.

Эртасига тунда, сўнг яна икки кечада – 24 ва 25 февралда ярим тундан бир соатча аввал пайдо бўлган. У ўзида ёруғликни акслантириб, телескопда пушти рангда кўринган. Ҳар икки кечада ҳам ёғдулар харакати “Каролина” тезлигига тенг бўлган. Иккинчи кечада бу ҳодиса етти соат давом этган.

Англия кемаси – “Леандр” капитани ҳам шунга ўхшаш воқеа ҳакида хабар берган. Унинг айтишича, ёғдулар аввал осмонда жилва килиб, сўнг ғойиб бўлган. Роппа-роса ўн бир йил ўтгач, 24 февралда Америка кемаси – “Сапплай” денгизчилари ҳар хил катталиктаги учта шарсимон объектни кўрган. Улар Ернинг тортиш кучи ва ҳаво окимиға бўйсунмай, юкорига кўтарилиб кетган.

Шу пайтда шарсимон ёғдуни Миссури штатидаги Трентон шахри яқинида поезд йўловчилари ҳам кузатган, бу ҳақда бир темирийўл хизмат-

чиси “Ойлик об-хаво обзори” журналига хабар йўллаган. 1898 йил август сонида босилган ўша хабарда айтилишича, ёғду ёмғир ёғаётган вақтда пайдо бўлган ва шарқдан кучли шамол эсаётганига қарамай, поезд билан баб-баравар шимол томон елган. У парвоз тезлиги ва баландлигини ўзгартириб, поездни Айова штатидаги бир кишлокқача кузатиб борган ва шу ерда кўздан ғойиб бўлган.

1925 йилнинг иссиқ, дим бир август оқшомида прериядаги кишлокқа кетаётси, Висконсин кўпригидан кеч соат ўнларда ўтган икки йигит осмонда фаройиб ёруғ изни кўрган. У шарқдаги нуқтадан бошланиб, уфқни жанубда кесиб ўтганча, Антарес юлдози оркали, фарбда Анктурга якин нуқтада тугаган. Ўша ёруғ из бўйлаб “кора рангдаги шар ўз шаклини gox тухумсимон, gox ромбсимон қилиб ўзгартирганча ҳаракатланган”. Объект ўз ҳаракатини жануби-шарқдан шимоли-фарб йўналишида якунлаши биланок ёруғ из ҳам хиралашиб, кўздан ғойиб бўлган. Хўш, бу воеага нима дейсиз?

Доктор Лэпхем, таассуфки, ҳак, деган машъум ишончдан ҳатто оғзим куруқшаб кетди:

– Шуни айта оламанки, Буюк Собиклардан бири “шарсимон ёѓуларнинг айқаш-уйқаш тўдаси” киёфасига кирган.

– Тўппа-тўғри! Менингча, бу воеаларни акл билан сира изоҳлаб бўлмайди. Агар изоҳлаб бўлмаса, у ҳолда буни яна тасодиф, деб тан олишга тўғри келади. Буюк Собиклар иштирокидаги бу воеалар кеинги салкам ўттиз йиллик даврдан танлаб олинган. Энди сизга ғалати тарзда ғойиб бўлиш ҳолларига мисоллар келтирай. Бунда қасддан одам ўғирлаш, самолётларнинг йўқолиб қолиши ва шунга ўхшаш воеаларни истисно қиласиз, албатта.

Дороти Арнольдни олайлик. У 1910 йил 12 декабрда Бешинчи авеню билан Етмиш Тўққизинчи кўча оралиғида – Марказий паркка кираверишда ғойиб бўлган. Бесабабдан бесабаб. Уни бошқа ҳеч қачон кўришмаган, ҳеч ким товон пули ҳам талаб қилмаган, ҳеч қандай меросхўри ҳам бўлмаган.

“Корнхим мэгзин” журнали эса император Францискнинг Венадаги саройида Британия хукумати вакили Бенжамин Бэттерст ғойиб бўлганини хабар килган. У Германиядаги Перлберг шахрига жўнаётганда гумаштаси ва котиби билан отларни кўздан кечириш учун тўхтаган. У отларни нариги ёғидан айланиб ўтаётсиб, бирдан ғойиб бўлган. Шундан сўнг у ҳақда ҳеч ким ҳеч гап эшитмаган.

1907–1913 йилларда Лондоннинг ўзида уч минг икки юз олтмиш киши сирли тарзда ғойиб бўлган. Мичиган штатининг Бэттл-Крик шахридаги тегирмон идорасида хизмат қилувчи йигит идорадан тегирмонга қараб кетаётганда йўқолган. “Чикаго трибюн” газетаси 1900 йил 5 январь сонида шу воеа ҳакида мақола чоп этиб, бу йигит Шерман Черч эканини маълум килди. Афсуски, уни ҳеч ким кайта кўрмади.

Амброз Бирсни олинг. Унинг фожиасида ҳам яна ўша ёвуз кучнинг кўли бор. У Каркос ва Халига шама килган эди, оқибатда Мексикада ғойиб бўлди. Бирс Панчо Вили қўшинига қарши жангда ўкка учган, деган гаплар ҳам юради, аммо Бирс қўқкис йўқолган вақтда ногирон бўлиб колган, ёши ҳам етмишдан ошган эди. Унинг дараги ҳеч қаердан чикмади.

Бу воеа 1913 йили юз берган бўлса, 1920 йилда Лондон жанубида сайр қилиб юрган Леонард Вэдхем тўсатдан хотирасини йўқотди. У ўзига

келганида Данстейбл яқинидаги йўлда, аввалги жойидан ўттиз мил нарида турар эди. Бу ерга қандай қилиб келиб қолганини ҳар канча уринса-да, эслайлмади.

Энди ўз штатимиз ва шаҳримизга кайтайлик. Массачусетс штати, Архам шаҳри. 1915 йил сентябрь. Кэрвен-стрит, 93-йуда яшовчи профессор Лаан Шрюсбери сўқмоқ бўйлаб Архамдан ғарбга караб сайрга чикканида бедарак йўқолди. Шундай воеа юз беришини кутиш мумкин эди. Сабаби – Шрюсбери қоғозлари орасидан уйни, жиллакурса, ўттиз йил “безовта қилмаслик” хақида огоҳлантириш чиқди. Миршабхона олимнинг нағойиб бўлиш сабабини аниқлади ва на изини топа олди.

Шуни қайд этиш жоизки, профессор Шрюсбери Янги Англиядада биз ҳозир бош котираётган жумбоқ ва унга даҳлдор маълумотларни каминадан кўпроқ билувчи ягона шахс эди. Шу мисолларнинг ўзи етарли бўлса керак, гарчи юз берган барча ҳодисалар олдида булар денгиздан томчи бўлса ҳам.

Шуларни айтгач, профессор узок сукутга чўмди. Бундан фойдаланиб, бир-биридан ғаройиб мисоллар қалаштириб ташланган бу ҳаяжонли ҳикояни ўзимга сингдириш, ҳазм қилишга шоша-пиша уриндим. Сўнгра доктор Лэпхемдан сўрадим:

– Шу китоблардаги маълумотлар Архамда икки юз, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вакт давомида юз берган воеаларни тушунишга қалит бўлади, деб фараз ҳам қиласлик. Энди, айтинг-чи, сизнингча, қандай ҳодиса ўзи бу? Остонада, янайам аникроғи, минора томидаги туйнук ортида нима пусиб турибди?

– Буни билмайман.

– Лекин бирор таҳминингиз бордир?

– Ҳа, таҳминим бор. Мана бу ажойиб ҳужжат – “Янги Англиядаги иблисона ишлар ва жинлар ҳақида” китобига яна бир кўз ташланг-а. Бу ерда “Ричард Биллингтон” деган кимса ҳакида сўз юритилади, у “ўрмонда тошлардан катта ҳалқа ясад, ичиди Иблисга сигинган... Кўхна ва Янги Аҳдга куфр келтирувчи сирли афсунларни ўқиган”. Бу, албатта, Биллингтонлар ўрмонидаги минора яқинида жойлашган ўша ҳалқа бўлса керак. Яна унда ёзилишича, Биллингтон каттиқ кўркувга тушган ва уни ўзи тунда осмондан чорлаган “Махлук еб кетган”, аммо бунга ҳеч қандай далил келтирилмаган.

Доно хинду Мисквамакус “сехрли дуолар билан Иблисни” Биллингтон ясаган ўша ҳалкадаги ўрага ҳайдаган ва уни... – шу ерда бир сўз чаплашиб кетган, чамаси, “плита”, “тош” ёки шунга ўхшаш бирор нарса бўлса керак – остига қамаган, бу тошга эса Катта Маъбудлар белгиси ўйиб туширилган эди. Ўша иблисни Оссадогва деб аташган ва унинг маъносини “Садогванинг боласи”, деб тушунтиришган”.

Бу маълумот бизни ибтидоий мифологиянинг бир персонажига юзмайоз қиласди. Жотагва ёки Содагви номи билан ҳам аталувчи Цаттогва инсоний киёфага эга бўлмай, ҳар дақиқа шамойилини ўзгартирувчи кора маъбуд эди. Уни денгиз илохи Протейга ибтидоий топинишдан келиб чиккан, дейишади.

Бироқ Мисквамакус унга ўзгачароқ таъриф берган, бу маҳлукни у “гоҳ бақадек кичик ва қаттиқ, гоҳ булатдек катта ва бешакл, юзи ўрнидан эса илонлар ўсиб чиккан”, деб тасвирлаган. Бу таъриф, аслида, Хтулуға тўғри

келади, Хтулунинг пайдо бўлиши эса сув ҳавзаларига, денгиз ва унинг ирмокларига бориб тақалади.

Ушбу таъриф Нарлатотепга ҳам мос тушадики, буни ҳакиқатга якинрок дейиш мумкин. Мисквамакус Оссадогва борасида янгишган, яна Ричард Биллингтон борасида ҳам адашган. Чунки Ричард Биллингтон, Илия васиятномасида шама қилганидек, ўша “йўл” оркали нариги ёқка, мудхиш оstonага чикканки, бунга етарлича далил-исботлар бор. Уларни бобокалонингиз китобидан ҳам топиш мумкин. Табиийки, бу далил-исботлардан Илия ҳам боҳабар бўлган. Чунки Ричард Ер юзига киёфасини ўзгартириб қайтиб, одамлар билан мулокот қилган.

Ўша воқеалар афсона шаклида данвичликлар орасида ҳам тарқалган, оқибатда улар ҳам Ричард Биллингтон маросимларидан вokiф бўлган, колаверса, у шу ерлик аҳолини ҳам ўз кирдикорига аралаштирган – жодугарлик хунарига ўргатган эди. Эсле олинг-а, Бейтс кўлёзмасида миссис Бишопнинг “Хўжайин” ҳақидаги узук-юлук сўзлари келтирилади. Лекин миссис Бишопнинг “Хўжайин”и Илия Биллингтон эмас эди, бу кўлимиздаги барча хужжатлардан, Бейтс кўлёзмасининг ўзидан ҳам аниқ кўриниб турибди.

Миссис Бишоп бундай дейди: “Илия ўтиши йўлини Хўжайин ўша ёқда, нариги тарафда бўлган пайтда, У ўша ёқда узоқ вақт қолиб, энди қайтаман, деб турганида беркитиб қўйди. Буни кўччилик билмайди, лекин Мисквамакус билади. Хўжайин Ер юзида кезиб юрди, лекин Уни ҳеч ким танимади, чунки Унинг қиёфаси кўп эди.

Ҳа! У Уэйтлининг юзига, Дотеннинг юзига, Жайлзнинг юзига, Коурининг юзига эга эди. У Уэйтли, Дотен, Жайлз, Коурларининг оила аъзолари даврасида ўтироди, лекин ҳеч ким уни Уэйтли, Дотен, Жайлз ва Коуридан фарқлай олмади. У ўша кишилар орасида таомланди, улар билан бирга ухлади, улар орасида юрди, улар билан суҳбат қурди. Бироқ Хўжайин У Дунёга даҳлдорликда шу қадар буюк эдик, оқибатда кимни ўзи билан олиб кетмоқчи бўлса, барча Унга бардош беролмай, заифлашар ва жон маслим қилар эди. Фақат Илиягина Хўжайинга фириб бериб кетди! – Ҳа! Хўжайин вафот этганидан юз ўйидан ҳам кўпроқ вақт ўтгач, Уни лақиплатиб кетди”. Хўш, бунисига нима дейсиз?

– Буниси энди мутлако тушунарсиз.

– Аслида-ку, тушунарли бўлиши керак эди, бироқ, начора, ҳаммамиз ҳам инсоният ийққан билимлар нимани мантикий ва оқилона деб хисобласа, фақат шуни дастакловчи фикрлаш тарзига одатланиб қолғанмиз. Менингча, Ричард Биллингтон ўзи очган йўлдан чиқиб кетган-у, лекин бошқа йўлдан қайтиб келган. Балки бу Жонатан Бишоп очганга ўхшаш бир йўлдир.

Хуллас, Ричард Биллингтон кўплаб кишиларни ўз измига солди, яъни уларнинг танасига жойлашди, аммо у “нариги ёқда” бўлгани учун ҳам аллақачон мутант эди. Бу ёкка у бошқа киёфада қайтганининг, ҳеч бўлмаса, бир оқибати Вард Филлипс китобида қайд этилган.

Китобда ёзилишича, миссис Дотен 1787 йили бир бола туккан, аммо у “ҳайвон ҳам, инсон ҳам эмас, балки одам баширали кўршапалак эди. У ҳеч қандай товуш чиқармас, аммо барчага дўзах балосидек бокарди. Баъзиларнинг онт ичиб айтишича, унинг юзи бир вақтлар ўлиб кетган “Ричард Беллинхэм ёки Беллинхэн” – Ричард Биллингтон деб ўқийверинг –

деган одамнинг юзига жуда ўхшар экан. Ричард Биллингтонни эса “Нью-Данич атрофларида жинлар билан учрашгач, дом-дараксиз йўқолган”, деб юришади. Мана шунақа гаплар...

Кўриниб турибдики, Ричард Биллингтон хоҳ жисман, хоҳ рухан бўлсин, ҳар доим Данвичда бўлган. Бу ерда гоҳ-гоҳ юз берган мудҳиш воқеалар шу билан изоҳланади – жисмоний “инкиroz” ёки “айниш” белгилари деб нотўғри изоҳланган мутациялар юз йилдан кўпроқ вакт давом этган.

Биллингтонлар уйига Амбров Дюарт келгач, Ричард Биллингтон тимсолидаги ёвуз куч – миссис Бишоп ҳикояси ёки Данвич афсоналаридағи “Хўжайн” – илк “йўл”ни қайта тиклашга урина бошлади. Илия эски ёзув, хужжат ва китобларни ҳам “нариги ёқлик” Ричард Биллингтон таъсирида ўқий бошлаган, менингча.

Шу тариқа Илия тош ҳалқани қайта тиклади, у айрим тошларни миорага ишлатган бўлиши ҳам мумкин – миноранинг бир қисми анча қадимийлиги сабаби – ана шудир балки. Ўз-ўзидан аёнки, у Катта Маъбуллар рамзи ўйиб туширилган кулранг тошни ҳам олиб кўйди. Кейинчалик Бейтс ҳам Дюарт ва унинг ҳиндуда ҳамрохи даъвати билан худди шундай килди.

Хулласи калом, яна йўл очилди ва тагин ғалати воқеалар юз бера бошлади. Булар хужжатларда акс этганми-йўкми, буниси номаълум, лекин шуниси аниқки, Ричард Биллингтон ўз режасининг биринчи қисмини амалга оширгач, энди иккинчи қисмига ўтди ва ўз уйида Илия қиёфасида бу дунёдаги ҳаётини давом эттирилган бўлди. Лекин, унинг омади чопмай, Илия ўша режанинг биринчи қисмини бажаргач, энди унинг йўлига фов кўя бошлади.

Илия шу соҳани ўрганишда давом этган ва “Некрономикон”нинг анчагина қисмини кўлга киритган. У Остонанинг нарёғидаги Махлукларни энди ўзи чорлаб, Данвич атрофларида хукмронлик килиши, маҳаллий ахоли қалбига даҳшат солишига йўл берган.

Бу ҳол дастлаб Филипс ва Друвен билан тўқнашгунича, сўнг эса Ричард Биллингтон ниятини пайқагунича давом этди. Шунда у Махлук қиёфасида келган Ричард Биллингтонни Нариги Оламга ҳайдади ва туйнукни Катта Маъбуллар белгиси ўйиб туширилган тош билан ёпди. Бу ишларни саранжомлагач эса, Англияга равона бўлди-ю, ўзидан бир неча мубҳам огоҳлантириш колдириди, холос. Аммо бу дунёда Ричард Биллингтондан, барибир, кандайdir сир колди ва бу сир юз йилдан кейин “Хўжайн” яна Ер юзига қайтишга уринганда аскотди.

– Бундан чиқди, Биллингтонлар уйидаги сирли куч Илия эмас, Ричард экан-да?

– Худди шундай! Чунки кўлимизда етарли далиллар бор. Эсланг-а, айнан Ричард Биллингтон фойиб бўлган, Илия эса Англиядаги ўз ажали билан ўлган. Бейтс “шахснинг иккиланиши” деб хато ташхис кўйган зиддият моҳияти – ана шу. Колаверса, рухан кучсиз Дюартнинг танасига факат Ричард жойлаша оларди. Ниҳоят, яна бир кичик деталь ҳам борки, у айни жумбокни очувчи бош калит бўлса ажабмас.

Ричард Биллингтон “нариги ёқда” Махлуклар билан шу қадар узоқ мулоқотда бўлганки, оқибатда ўзи ҳам ўша ўлчамлардаги қонунларга бўйсuna бошлаган. Фаҳмлаб тургандирсиз, гапни атаят Катта Маъбуллар белгисига қараб буряпман. Хулласи калом, ҳиндуда пайдо бўлган кун тон-

готарида Дюарт Бейтсдан ёрдам сўраган. Чунки Катта Маъбуллар белгиси ўйиб туширилган тошни олиб бориб, кўмиб ташлаш керак эди. Дюарт “Бу тошни кўтара олмайсан”, деб Бейт билан гаров ўйнаган. Бейтс эса тошни олиб бориб, кўмиб ташлаган, яъни гаровда ютиб чиқкан.

Бироқ, эътибор қаратинг-а, Дюарт ҳам, ҳиндуда ҳам унга ёрдамлашишни хаёлига ҳам келтирмаган. На униси, на буниси тошга кўл текказишга журъат қилолмаган. Чунки Аброз Дюарт энди Амброз Дюарт эмас, балки Ричард Биллингтон, ҳиндуда Квамис эса аввал Илияга, ундан ҳам бурун Ричардга гумашта бўлган ҳиндуда эди. Ҳиндуда иккиси аср олдин бошланган кулфатларни яна такрорлаш учун Остонанинг нарёғидан чакириб олинган эди. Менингча, бу режани барбод этиш ва фалокатнинг олдини олиш учун дарҳол ва дадил ҳаракат қилишимиз керак. Бейтс уч кундан сўнг уйига кетаётуб, бу ерга кириб ўтганида, бизгаяна баъзи маълумотларни айтиб берса ажабмас. Бу ерга келишига имкон беришса, албатта.

Орадан уч кун ҳам ўтмай, доктор Лэпхем башорати рўёбга чиқди. Стивен Бейтс фойиб бўлгани ҳакида расмий хабар эълон қилинмади-ю, аммо қўлимизга бир хат келиб тушди. Қишлоқ почтачиси бу хатни Эйлсберг йўлидан топиб олиб, доктор Лэпхемга келтириб берди. Доктор уни жимгина ўқиди-да, менга узатди.

Хат шоша-пиша, қингир-книйшик ёзилган эди. Эгаси қофозни аввал тиззаси, сўнг дараҳт танасига қўйиб ёзган шекилли, кўп жойларини қаламнинг уни тешиб ўтган эди:

“Миск. ун. доктор Лэпхемга Бейтсдан. У Махлукни изимдан юборди. Биринчи гал қутулиб қолдим. Аммо, барибир, қувиб етса керак. Аввалига қуёш ва юлдузлар, сўнгра – бадбўй ҳид – о, Худо, бунча қўланса бўлмаса-я! Худди бир нарса тутаб ёнаётгандек. Галати ёғудуларни кўриб, югуриб кетдим. Ҳаллослаб ўлгача етиб бордим. Ортимдан дараҳтлар оралаб, шамолдек чопаётганини эшиятнман. Мана, яна ўша ҳид. Бирдан қуёш портлаб кетди-ю, унинг ичидан Махлук аввал бўлак-бўлак чиқди-да, сўнг яхлит ҳолда бирлашиди! Эй Худо! Ўзинг халос эт!..”

Хат шу ерга келганда узилиб қолганди.

– Афсус, Бейтсни куткаришга кечикибмиз, – деди доктор Лэпхем. – Энди ўша Махлукқа ўзимиз тўқнаш келмасак бўлди, чунки унга қаршилик кўрсатишга ожизмиз. Фақат биргина имкониятимиз бор. Махлук нариги ёқдалигидан фойдаланиб – чунки қачон чорлашса, ўшанда пайдо бўлади – Дюарт билан ҳиндуни бир ёкли қилишимиз керак.

У шундай деб стол тортмасини очди-да, ундан иккита билакузук олди. Улар кўл соатига ўхшаш чарм тасмалар бўлиб, соат ўрнида тухумсимон кулранг тош турар, унга ғаройиб тасвир туширилган: қоқ марказдаги нотўғри беш қиррали юлдузни ромбсимон аланг устуни ўраб олганди. Бирини менга узатиб, бошқасини ўзи билагига тақди.

– Энди нима килами? – деб сўрадим.

– Ўша уйга бориб, Бейтсни сўраймиз. Аммо бу хавф-хатардан ҳоли эмас.

У, келинг, бормай қўяқолайлик, дейишими кутарди, лекин мен ломмим демадим. Билакузукни такиб, эшикни очдим.

Биллингтонлар уйида ҳаёт асари сезилмас, деразалар зичлаб ёпилган, об-хаво салқин бўлса-да, мўрида тутун кўринмасди. Машинани уй-

дан нарироқда қолдирдик-да, тош йўлкадан юриб, эшикни тақиллатдик. Аммо ҳеч ким очмади. Биз янаям қаттикроқ тақиллатдик.

Бирдан эшик очилди-ю, қаршимизда ўрта бўйли, киргийбурун, малласоч киши пайдо бўлди. Терисини буғдойранг, ҳатто жигарранг, деса бўлар, нигохи ўткир ва шубҳакор эди. Доктор Лэпхем ўзини таништириди:

– Биз мистер Стивен Бейтсни изляяпмиз. Менингча, у шу ерда яшайди...

– Йўқ, энди уни бу уйдан тополмайсиз. Кечагина Бостонга қайтди. Унинг уйи ўша шаҳарда.

– Манзилини беролмайсизми?

– Рэндл Плейс, ўн етти.

– Раҳмат сизга, сэр. – Доктор Лэпхем шундан деди-да, унга қўлини узатди.

Бундай қўккис илтифотдан ажабланган Дюарт ҳам беихтиёр қўл узатди-ю, аммо бармоқлари Лэпхемнинг бармоқларига теккан захоти бўғиқ кичкириб, ўзини орқага ташлади-да, бир кўли билан эшикка ёпишиб олди. Юзи буришиб, ваҳимали тус олди, кўзидаги шубҳа ифодаси нафрат ва ғазаб ифодаси билан алмашди, қолаверса, у бизнинг мақсадимизни тушунгани юз-кўзидан шундок кўриниб турарди. Дюарт бир лаҳза тараддуланиб турди-да, кейин эшикни карсиллатиб ёпди. У Лэпхемнинг қўлидаги билакузукни таниган эди.

Доктор Лэпхем хотиржам машинага қайтди. Мен рулга ўтирганимда, соатига қаради:

– Кечикмайлик тағин. Вактимиз – тифиз. Мана, кўрасиз, у кечаси минорага боради.

– Уни бекор огоҳлантирдингиз. Нега шундай қилдингиз, хайронман. Ҳеч нарса билмагани маъкул эмасмиди?

– Йўқ, билмаганидан билгани дуруст. Келинг, вактимизни гап сотишга сарфламайлик, кечкурунгача киласидиган ишларимиз кўп. Қуёш ботмай туриб, шу ерга қайтишимиз керак. Унгача Архамга бориб, кечкурунга зарур нарсалар оламиз.

Кун ботишига ярим соат қолганда, Биллингтонлар дарахтзорини оралаб яёв борар, ғарб томондан юриб келаётганимиз сабаб, уй тарафдан кўринмасдик. Кош қорая бошлаган палла эди. Қалин бутазор юришимизга халақит берар, боз устига, юкимиз ҳам оғир эди. Доктор Лэпхем бирорта ҳам керакли нарсани унутмади. Биз белкурак, фонус, цемент, сув тўлдирилган катта кўза, оғир лом ва бошқа лаш-лушларни кўтариб борардик. Яна доктор кумуш ўқлари бор эски тўппонча билан ҳам қуролланиб олганди. Қудратли кулранг тош қаерга кўмилгани акс этган Бейтс харитаси ҳам ён чўнтағида шитирларди.

Ўрмонда баҳамжихат харакат қилишимиз учун доктор Лэпхем ўз режасини олдиндан тушунириб берди: тун кириши билан Дюарт, аникроғи, Биллингтон ҳиндуни ҳам эргаштириб, дўзахий кирдикори билан шуғулланиш учун минорага келади. Шунгача биз баъзи чораларни кўриб кўйишимиз керак. Яъни тезда тошни қазиб олишимиз, цемент қоришига ва бошқа ишларга ургушишимиз лозим. У ёғини менга кўйиб беринг, деди доктор Лэпхем ва каминага, ҳеч қандай ўзбошимчалик қила кўрманг, ҳар бир буйруғимни сўзсиз бажаринг, деб тайнинлади. Кўнглим ғаш бўлса ҳам, хўп, деб рози бўлдим.

Нихоят, минорага яқинлашдык, доктор Лэпхем тош күмилган жойни дарров топди. Мен цементни коргунимча, тошни казиб ҳам олди. Қуёш боттанидан күп ўтмай, барча ишни саранжомлаб, Биллингтон ва хиндуни кута бошладик. Шу орада ғира-ширалик зулмат билан ўрин алмашди. Минора ортидаги ботқоқликдан бақаларнинг дўзахий шовқини эшитилар, ботқоқлик устида ёнаркуртлар ёғдуси жимиirlар, тентаккушлар жўр бўлганча, ховликиб аянчли қичкиради.

– Улар келди, – деб огохлантири доктор Лэпхем шивирлаб.

Тентаккуш ва бақалар овози янам авжига чиқди-ю, бутун ўрмонни бошга кўтарганча, кулокни коматга келтирди. Уларнинг овози шу қадар баланд янгардиди, бу дўзахий шовқинга дош беролмасам керак, деб қўркардим. Шовқин роса учига чиққанида, доктор Лэпхем мени секин туртиб кўйди. Дюарт билан Квамис якин келганига ишора эди бу.

Туннинг қолган қисми қандай ўтгани-ю, қандай воқеалар юз берганини, афсуски, аниқ айта олмайман. Тўғри, ҳозир ўша воқеа аллақачон ортда қолган, данвичликлар икки юз йил маҳрум бўлган ҳаловатига яна кайтган. Хулласи калом, ўшанда Дюарт, аниқроғи Дюарт киёфасидаги Биллингтон минора томидаги туйнукда пайдо бўлди.

Доктор Лэпхем яширинишига жуда бол жой танлаган экан – биз буталар орасидан атрофни кафтдагидек аниқ кўриб туардик. Дюарт туйнукда кўрингани ҳамоно баланд ва мудхиш овозда афсун айта бошлади. У юзини осмонга қаратиб олган, нигоҳи ва афсуни Коинотга йўналган эди. Унинг овози бақа ва тентаккушлар шовинини ҳам босиб кетди:

– Йа! Иа! Н’гаа, н’н гаи-гаи! Иа! Иа! Н’гаи, н-яи, н-я, шогтог, фтагн! Иа! Иа! Н’гаи, и-њъя, и-њъя! Н’гаа, н’н’гаи, ваф’л фтагн – Йогт-Сотот! Йогт-Сотот!

Дараҳтлар орасида шамол изғиди, ҳаво совиди, бақаю тентаккушлар қичкириғи, ёнаркуртлар ёғдуси янам авжига минди. Мен ҳадик аралаш доктор Лэпхемга боқдим, ўзиям роса вактида қарабман – шеригим нишонни мўлжалга олди-да, тепкини босди.

Мен минорага тарафга қарадим. Ўқ Дюартга бориб тегди, у ўзини орқага ташлаганди, туйнук чеккасига урилиб, пастга кулаб тушди. Шу ондаёқ туйнукда ҳиндуда Квамис пайдо бўлди-да, қаҳр-ғазабга мингандча, Биллингтон бошлаган афсунни давом эттириди:

– Иа! Иа! Йогт-Сотот! Оссадогва!..

Доктор Лэпхемнинг иккинчи ўқи ҳиндуга тегди, у икки букилиб қолди.

– Энди, – деди доктор Лэпхем совуқ ва қаҳрли оҳангда, – мана бу тошни жойига кўйинг!

Мен тошга ёпишдим, у цементни кўтарди – биз бақаю тентаккушлар дод-фарёди остида бутазор оралаб баданимиз тилинса-да, оғрикни сезмай, минорага қараб чопдик. Шамол кутурап, ҳаво совиб борарди. Нихоят, минора ва туйнукка етиб келдик, туйнукда юлдузлардан ташқари – эй Худо! – яна нимадир кўринар эди!

Ўша унунтимас кечга ва бемисл даҳшатни қандай бошдан кечирдик – ўзим ҳам билмайман. Факат шуни элас-элас эслайман: биз аввал туйнукни тақатақ беркитдик, сўнг эса Ричард Биллингтон жодусидан халос бўлган Амброз Дюарт жасадини кўмдик. Доктор Лэпхем бир гапни ишонч билан айтди: Дюартнинг қўқкис гойиб бўлганини ҳеч ким Буюк Собикларга

богламайди, уни яна қайтиб келади, деб кутувчилар эса бехуда овора бўлади.

Шу хам эсимдаки, доктор Лэпхемнинг айтишича, Квамисдан асрий чанг-губор колиби, холос: у, аслида, икки асрдан буён мурда бўлиб, Ричард Биллингтоннинг жодуси боисгина тириқдек юрган экан. Биз тош ҳалқани бутунлай бузиб ташладик, минорани ҳам бошдан-оёқ вайрон килдик, яъни Катта Маъбуллар белгиси ўйиб туширилган кулранг тош безовта этилмай, ер остида колди. Ўша чуқурдан фонуслар ёруғида ғалати суюкларни топдик, улар вампангаувлар қабиласи сардори, кекса жодугар Мисквамакус замонидан буён шу ерда ётган экан.

Биз кабинетдаги сехрли деразани ҳам бузиб ташладик, ноёб китоб ва ҳужжатларни эса Мискатоник университети кутубхонасига ташиб кетишга ҳозирлаб кўйдик, ўз лаш-лушларимизни ҳам йигиштириджик. Биллингтонлар ўйига китоб ва ҳужжатларни олиб келиш учун яна бордик, у ердан тонготарга яқин қайтдик – бу юмушларни қандай бажарганимизни узук-юлук эслайман, холос.

Яқинда Ричард Биллингтон даврида Мисквамакус деб аталган ўша ирмоқдаги оролчани яна бориб кўрдим, у ерда энди ҳеч вако йўқ эди. Минорадан ҳам, тош ҳалқадан ҳам, Дагоннинг ўрниу Оссадогвадан ҳам, Остонада пусганча, қачон чорлашаркан деб, беркиниб ётган разил Махлуқдан ҳам ҳеч бир из қолмаганди.

Булар ҳакида гира-шира, узук-юлук хотиралар қолган эди, холос. Ўшанда туйнукдан осмонга караб, факат юлдузларни кўраман, деб хаёл килганимда, Нариги Оламдан сизиб келаётган кўнгилни айнитувчи мурда хиди ортидан Стивен Бейтс ҳәтигининг сўнгги дакикасида юзма-юз келган ўша қўёшга ва “эшик” томон яқинлашётган баҳайбат шарсимон ёфдуга кўзим тушди. Менинг шундок яқинимда шар ёрилди-ю, унинг ичидан кора суюклик – протоплазма окиб чиқди ва аста-секин бирлашиб, яхлит ҳолга келди.

Бу – ибтидоий даврлардаги жоҳилият балоси, кўплаб пайпаслагачли бешакл мавжудот, остонада беркиниб пинҳона турган, бир тўда шардан иборат, одамларни ҳалокатга элтувчи Йогг-Сотот бўлиб, молекуляр хаосдаги азалий шилемшиқдек кўпирав, у вакт ва фазонинг тубсиз қаъридан ташкарида мангубарҳаёт эди.



БЕРНАРД ШОУ ҲАНГОМАЛАРИ

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Нью-Йоркдаги “Гилд” театрида Бернард Шоунинг “Муқаддас Иоанна” спектакли зўр муваффакият билан намойиш этила бошланади. Аммо... орадан бироз вақт ўтгач, спектаклга жуда ҳам оз томошабин келадиган бўлиб қолади. Бунинг сабаби спектакль метро ёпишидан ўн дақика кейин тугайди. Театр маъмурияти бирор чора кўриш учун Шоуга телеграмма жўнатади. Жавоб ўша куниёқ етиб келади: “Муаммонинг ечими осон: спектаклни ўн дақика олдин бошлаш керак ёки метронинг ёпишишини ўн дақикага кечикириш зарур”.

“ЎЗИНГИЗНИ ТЎХТАТИБ БЎПСИЗ...”

Бернард Шоу Шекспирдан кўра ҳам кўп пьеса ёзган. У бу ишга шу қадар берилиб кетганки, умрининг сўнгги дақикаларигача пьеса ёзишдан тўхтамаган. Ундан бунинг сирини сўрашганида, шундай жавоб берган: “Сиз ҳам бир-иккита пьеса ёзиб кўринг-а, натижа қандай бўлишидан қатъий назар, ўзингизни тўхтатиб бўпсиз...”

“КЕЧИРИШИМ ҚИЙИН...”

1925 иили Бернард Шоу Нобель мукофотига сазовор бўлади. Журналистлар уни бу қарордан огох килишганида, Шоу бошини сарак-сарак килиб, “Хато иш бўлиди-да”, дейди. Шундай деса-да, лауреатлик медалини қабул қиласди, аммо мукофот пулини олишдан бош торгади. Бу ҳақда Швеция кироллик академиясининг котибига мактуб йўлла, “Бу пуллар чўкаётган сузувчи амал-такал қилиб қирғоққа етиб олгач, унга узатилган кутқарув мосламасига ўхшайди, яхиси, уларни Швеция ва Британия ороллари ўртасида адабиёт ва санъат соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга ишлатган маъқул”, дейди. Шундай бўлади ҳам. Бернард Шоу рад этган пуллар Стринбергнинг бир неча пьесаларини ҳамда уч-тўрт швед муаллифининг романларини инглиз тилига ўгиришга ишлатилади. Бундан хабар топган ижодкорлар драматургдан ёрдам сўраб, унга тинимсиз хат ёзишиди. Шоунинг жаҳли чикиб кетади: “Динамитни йўлаб топган Алфредни кечиришим мумкин, аммо бундай мукофотни йўлаб топган шайтонларни кечиришим қийин...”

ПУЛ ТЎЛАШНИНГ САБАБИ

Эдис Лейден исмли аёл Бернард Шоунинг уйида узоқ йиллар хизматкор бўлиб ишлаган. Шоу тўғрисидаги кўп латифаларда ана шу аёлнинг топкири ва сўзамоллиги ўз ифодасини топган.

Кунларнинг бирида нотаниш журналист Шоунинг эшигини тақиллатиб, машхур драматург билан учрашиш ниятида эканини айтади. Эдис Лейден “Бунинг иложи йўқ”, дейди. Журналист тихирлик килиб, “Майли, кабул килмаса хафа бўлмайман, аммо буни Шоу жанобларининг ўзидан эшитишим керак”, деб эшик олдида туриб олади. Эдис хоним унга шундай жавоб беради: “Бунинг ҳам иложи йўқ. Жаноб Шоу менга бу сўзларни айнан мен айтишим учун пул тўлайди”.

ЎН ИККИ ЙИЛЛИК КОНЦЕРТ

Шоунинг яқин танишларидан бири уни симфоник оркестр ижросидаги концертга боришга аранг кўндиради. Концерт бошланади ва жуда узок давом этади. Машхур драматургнинг безовталана бошлаганини сезган бастакор Шоу томонга аста энгашиб: “Бу йигитлар ушбу асарни ўн икки йилдан бери ижро этишиади”, дейди ундан мақтov сўзлари эшитиш умидида.

Шоу дарҳол жавоб қайтаради:

– Ўн икки йил денг? Менинг назаримда, биз бу ерда бундан-да кўп вақтдан бери ўтиргандаймиз...

МЕН ҲАММИ?

Нуфузли йигинда Бернард Шоу кутилмаганда: “Ҳамма аёллар пулга сотилади”, деб юборади. Шу ерда ҳозир бўлган қиролича ажабланиб: “Мен ҳамми?” деб сўрайди.

– Ҳа, Сиз ҳам, – бамайлихотир жавоб беради Шоу.
– Хўш, мен қанчага сотилишими мумкин?
– Тахминан бир ярим минг фунт стерлингга.
– Менинг баҳойим шунаقا арzon деб ўйлайсизми? – дейди қиролича норози оҳангда.
– Ана, сиз ҳам савдони бошлаб юбордингиз, – дейди Шоу.

Ё ҲАМЁН, Ё ИНТЕРВЬЮ

Бернард Шоу ўта машхур бўлишига қарамай, журналистларга интервьюю беришдан доимо қочиб юрган. Бунинг сабаби, ўзи ҳам журналистика билан бевосита шуғуллангани учун, касбдошларининг бемаъни саволлари-ю, қўшиб-чатишлиридан безор бўлган. Мухбирлар эса у билан мулоқот қилиш учун турли ҳийла-найранглар ўйлаб топишган.

Бир куни қароқчилар кийимидағи икки мухбир кечки спектаклдан чикиб келаётган Шоунинг йўлини тўсиб, унга дўқ килишади:

– Қани, жонингдан умидинг бўлса, ҳамённи чиқар!
Шоу ёнида бир мири ҳам пули йўклигини айтади.
– Ундан бўлса, марҳамат килиб, интервьюю берасан, – дейди “кароқчи”лар.

КҮЙЛАКНИНГ ИЧИДА НИМА ГАП?

Шоу ёзаётган навбатдаги пьесасининг сўнгги саҳифаларини коғозга тушираётганида, унинг олдига чиройли кийинган бир аёл сўроқсиз кириб келади-да, тўхтамай гапира бошлайди. “Пъесаларингиз қаҳрамонларига ҳавасим келади, уларга ўхшаб кийинишга харакат киламан, мана шу устимдаги кўйлакни кечка сотиб олдим. Қани, топинг-чи, у қайси қаҳрамонингизни бўлиши мумкин?” дейди. Тоқати ток бўлиб турган Шоу аёлга шундай жавоб беради:

– Мени кўйлаклар эмас, уларнинг ичидаги нарсалар кўпроқ кизиқтиради.

БОШ РОЛНИ ЎЗИНГИЗ ЎЙНАЙСИЗ

Театр санъатига қизиқадиган бир бадавлат киши Шоуга мактуб ёзди: “Мухтарам дўстим! Яхши биласизки, мен ижодингизнинг ашаддий мухлисиман. Пъесаларингизнинг деярли барчасини кўрганман. Сизни кўп бор кутлаганман. Шунга қарамай, мен ҳақимда ҳозиргача ҳеч нарса ёзмадингиз. Бизнесдаги ютуқларимни кўролмайдиган ҳасадгўйларимнинг боплаб таъзирини беришим ҳакида наҳотки ёзиш мумкин бўлмаса?”

Шоу унга жавоб ёзди: “Мухтарам дўстим. Мактубингизни ўқишим биланоқ, ишга киришдим. Пъеса тайёр. Аммо... бос ролни ўзингиз ўйнашингизга тўғри келади. Негаки, бу ишни сиздан бошқа ҳеч ким удалай олмайди...”

Тўпловчи МАҲМЕДОВ



Оннинг кийини кўйлакни кечка сотиб олдиган бир аёлга жадиди мактуб ёзди. Унинг олдиги кийинган бир аёл сўроқсиз кириб келади-да, тўхтамай гапира бошлайди. “Пъесаларингиз қаҳрамонларига ҳавасим келади, уларга ўхшаб кийинишга харакат киламан, мана шу устимдаги кўйлакни кечка сотиб олдим. Қани, топинг-чи, у қайси қаҳрамонингизни бўлиши мумкин?” дейди. Тоқати ток бўлиб турган Шоу аёлга шундай жавоб беради: “Мени кўйлаклар эмас, уларнинг ичидаги нарсалар кўпроқ кизиқтиради.”



ЗИНАИДА СЕРЕБРЯКОВА

XX асрда дунёнинг икки мудхиши уруши орасида яшаб, ҳаётнинг мураккаб синовлари ни ижоди билан енгиб, санъат тарихида муносиб из қолдирган ижодкорлар талайгина, бирок, улар орасида умрининг сўнгига кадар енгилмасдан санъат йўлида қолган аёл санъаткорлар саноклидир. Тасвирий санъат оламида ана шундай мардонавор ижод килган рассомлардан бири Зинаида Серебряковадир.

Атокли рус мусаввираси Зинаида Серебрякова (Зинаида Лансере) 1884 йилда Белгороддаги Нескучной шаҳарчасида ижодкорлар оиласида дунёга келган. Унинг онаси Екатерина Лансере француз-италиян рассомлари ва архитекторлари авлодидан бўлиб, ўзи хам иктидорли график рассом эди. Отаси Евгений Лансере эса анималист-ҳайкалтарош бўлиб, у Зинаида икки яшарлик чоғида оламдан ўтганди. Зинаиданинг барча якинлари – оила аъзолари, тоғалари, акалари рангтасвирга алокадор кишилар бўлиб, расм чизиш унга болаликдан кўниkmага айланганди. Бўлажак рассомнинг илк устозлари Шура (рассом, меъмор, танқидчи Александр Бенуа) ва Берта (рассом, меъмор, академик Альберт Бенуа) тоғалари эди.

Серебрякованинг рангтасвирдаги илк қадамлари манзара жанри билан, аникроғи, ўзи учун кадрдан маскан Нескучноенинг табиати билан узвий боғлиқ. У кенг далаларни, йигим-терим майдонларини, шу ердаги меҳнаткаш одамларни ўзгача муҳаббат билан чизарди. Илк асари “Олма” (1900) хам шу мавзуда бўлиб, уни Зинаида ўн олти ёшлигига чизган. Серебрякованинг ижодида кариндошлари ва дўстларининг ажойиб портретлари хамда меҳнаткаш дехконлар мавзусидаги полотнолар ўзига хос ўрин тутади.

Зинаида 1900 йили кизлар ўқитиладиган маҳсус гимназияни тамомлаб, Петербург Бадиий Академиясига ўқишга киради. Аммо бўлажак рассом бу ўқишини унчалик ёқтирамайди. Шу сабабли у Академияни машҳур меценат княгиня Мария Тенишеванинг бадиий мактабига, ундан сўнг машҳур портретчи рассом Осип Бразнинг устахонасига алмаштиради.

1902–1903 йилларда Италияга саёҳат килиб, истеъододли рассом Анна Остоумова-Лебедова билан танишади. Шундан сўнг рассомнинг тумандек хира кўринган ижод йўли ойдинлашади ва хеч кандай устоз кўмагисиз мустақил равишда рангтасвир билан шугулланишга киришади.

Зинаида Борис Серебряковга турмушга чиққач, у билан Парижга, афсонавий Де ла Гранд Шомьеर академиясига жўнаб кетади. Аммо Париж канчалик гўзал ва бетакрор бўлмасин, ёш рассом ўзини бегона хис этар, илҳом манбаи қишлоғини соғинарди. Орадан бир неча йил ўтиб, улар барабир Нескучноега кайтадилар.

Рассом бу ерда фарзандлар тарбиялаш билан бирга кишлогининг табиати, бепоён дengиздек чайқалиб ётган жавдар далаларини чизишдан чарчамасди. Рассом ўз хотираларида ҳәтигининг бу дамларини шундай хотирлайди: “Болаларим билан Нескучноеда колишга карор килгандим... Тұрмуш ўртоғым Борис Анатольевич хизмат сафарида эди. Бу йил киш әртароқ келди, ҳаммаёк қалин қор билан қопланди – бизнинг бөг, атроф дала, кор, кор, кор... ташқарига чиқыш иложсиз. Лекин уй күрғончамиз иссик ва оромбахш эди.”

У захматкаш дәхқонларни чиндан ҳам жуда севарди. Машхур этюдларидан бири “Дон үйиши”да оқ күйлак, оч кизил ва күк рангли сарафан кийған дәхқонларнинг ахил мекнат жараёни акс эттирилган. “Күзгү олдиді” (1909) автопортрети ҳам айни мана шу даврга оид бўлиб, унда Серебрякова ўзини ўшликка хос енгил, күтарилик руҳда тасвирлаган. Унинг порлаб турған күзларидан қалбининг тозалиги, гўзаллик барқ уриб турған киёфасидан эса яшашига, ҳаётга бўлган улкан мұхаббати кўриниб туради. Москвада ўтказилган “Санъат олами” кўргазмасида “Күзгү олдиді” ва “Яшиллик. Куз” (1908) номли асарлари билан қатнашади. Шу икки асар Зинаида Серебряковага илк бора машхурлик ҳадя қилади, асарларининг Третьяков галереясига сотиб олинишига сабаб бўлади.

XX аср бошларida авангард ҳали кучга кирмаган, рус рангтасвир санъати ҳамон Эдуард Манэ, Эдгар Дега каби импрессионистлар изидан борарди. Валентин Серов, Константин Сомов, Константин Коровин, Виктор Борисов-Мусатов рус тасвирий санъатининг илфорлари неоклассик йўлида ижод киларди. Серебрякова эса ўз асарларida абстракт формалардан, яширин мазмунга эга чизиклардан фойдаланмади. У асосан, гўзал, соғлом аёлларни, табиат ва болаларни, оиласи, уй муҳити ва турмуш ўртоғини тасвирларди. Айни шу мавзуда ишланган “Нонушта вактида” (1914) полотноси унинг энг машхур ишлари сирасига киради. Картинада болаларнинг рассомга караб турған ҳолати, стол ва унга ёйилган оппок дастурхон, ҳалқадаги кўл артгич, чинни идиш, бувисининг ликопчаларга шўрва сузаётган кўллари маҳорат билан тасвирланган. Серебрякова композициядаги осойишта уй тасвирини тобора ёпирилиб келаётган биринчи жаҳон урушига, Россиядаги чорасизликка қарама-қарши кўя олган.

1917 йилдаги инкилоб Серебрякованинг Кримда ўтказмоқчи бўлган таътилларини, хорижда очилажак кўргазмалар режасини, Нескучноедаги осойишта ҳаёт тарзини парчалаб юборади. Зинаиданинг турмуш ўртоғи дастлаб Сибирга, сўнг Москвага хизматта сафарбар этилади. Очарчилик ҳамма каби унинг оиласига ҳам чанг солган вактда-да у чизишдан, севимли мекнатидан воз кечмади. “Холстни оқартириш” асари айни шу даврда ишланган, унда қишлоқ аёллари доимгидек мекнат жараённида, улар кўлларида мато, яъни холстларни оқартириш билан банд ҳолатда тасвирланган. Эътиборлиси, аёлларнинг қомати антик давр мъбуналари каби улуғвор ишланган бўлиб, асар композициясида миллат қалбини кўрсатиш максади ётади.

1919 йили Борис Серебряков оиласини Нескучноедан Харьковга олиб кетади, аммо хизмат сафарларида орттирган хасталик туфайли 39 ёшида оламдан ўтади. Зинаида тўрт нафар вояга етмаган фарзанди билан ўттиз олти ёшида ёлғиз колади. У фарзандлари билан қийинчиликда ҳаёт кечи-

ришда давом этади. Бўёқ анконинг уруғи бўлиб турган даврда ҳам кўмур ва қалам билан Харьков миллӣ музейидаги тарихий археологик топилмалар суратини ишлайди. Зерикарлидек туялган бу иш фавқулодда омадли чикиб, бир мунча даромад ҳам келтиради. 1920 йили Зинаида болалари билан Петроградга, тоғаси Никола Бенуанинг уйига кўчиб ўтади. У ерда дўстлари санъатшунос Сергей Эрнст, рассом Дмитрий Бушенларнинг кўмаги билан фарзандларининг яхши таҳсил олишига имконият ахтаради. Маринский театрининг мураккаб ва қизиқарли саҳна орти ҳаётини кузатиб, балериналар акс этган бир неча сериали асарлар яратишга киришади. Ёш ракқосаларнинг саҳна ортидаги тайёргарлиги, уларнинг юз қиёфаларидаги ҳаяжонни ўз йўналишида мохирона ифодалайди. Бироқ, етишмовчилик муаммоси борган сари уни ижоддан узоклаштириб борарди. Бу шароитда ижодининг гулламаслигини англаб етган рассом 1924 йилда фарзандларини кекса онаси қарамогига қолдириб, Францияга жўнаб кетади. Аммо Парижда ҳам рангтасвирининг “нонини ейиш” осон эмасди. Авангард аллакачон рангтасвирини тарк этган, мумтоз шаклнинг ихлюсмандлари деярли йўқ эди.

Зинаида 1925 йили кенжা ўғлини, кейинроқ кенжা қизини Францияга олиб келиб, энг арzon қишлоқ уйларни ижарага олиб яшайди. Бу орада Ривьера, Прованс, Бретанъга, Англия ва Швецариядаги қариндошларини кига ва бир неча бора Италияга боради. Ниҳоят, 1928 йили Брюсселдаги “Эски ва янги рус санъати” кўргазмасидаги иштирокидан сўнг унга кетма-кет буюргталар кела бошлади. Мароқандда ишлаган буюртма асарлари Париж кўргазмасида намойиш этилади. Ижоди эътироф этилса-да, аммо унинг ҳеч қайси асари сотилмайди. Чунки Серебрякова соғ ижодкор бўлиб, олди-сотди ишларига сира укуви йўқ эди.

1940 йилларга келиб, Серебрякова оиласини бирлаштиришга бир неча бор уриниб кўради. Бироқ, Франция ва Россиянинг ўша даврдаги муносабатлардаги кескинлик бунга имкон бермайди. Орадан йиллар ўтиб, 1960 йилдагина унинг тўнгич қизи Татьяна 36 йиллик айрилиқдан сўнг онаси билан Парижда кўришиш учун рухсат олади. Татьяна бу вақтда Москва бадиий академик театри (МХАТ)да рассом бўлиб ишларди. Учрашувдан кейин Татьяна Серебрякова Россия Рассомлар уюшмасига онасининг кўргазмасини ватанида ташкил этилишини сўраб мурожаат килади. Кўргазма 1965 йилда бирданига уч шахарда – Москва, Киев, Ленинградда очилади. Серебрякова бу вақтда 80 ёшда бўлиб, асарларига ўз ватандошларининг муносабатини билишни интизорлик билан кутарди. Кутилганидан-да ортиқ томошабин, газеталардаги хайратлар садоси рассомнинг дилида йиллар давом этган унутилиш изтиробини парчалаб юборди. Музейлар картиналарини сотиб олишибди, миллионлаб тираждаги альбомлари чоп этилди, коллекционерлар унинг полотноларини ҳаддан ташқари катта пулга ҳарид қила бошлашди.

Ўнкир-чўнгир ҳаёт йўлени сабр токат илиа яшаб, сабр токат илиа ўз санъатини яратган ва жаҳоний номга эришган хассос ижодкор Зинаида Серебрякова 1967 йил 19 сентябрда 82 ёшида оламдан ўтган.

*Инобат ИМОНҚУЛОВА
— ишебдоҳих нағодчилик
— ишларни ишлаб чиҳни (“анодо”, “Лонг’ю” – ишларни ячигити) – 1920-йилдан
— ватане нағодбемория вуноса ҳудуди ва ишларни ячигити*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИНИНГ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

ВОХИДОВ ЭРКИН – атоқли ўзбек шоири, драматург, таржимон, жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халк шоири. Шоир 1936 йил 28 декабрда Фарғона вилояти Олтиарик туманида таваллуд топган, 2016 йил 30 майда Тошкент шаҳрида вафот этган. Эркин Вохидовнинг ижодий солномаси бир-биридан гўзал шеърлар, газаллар, қасидалар, достонлар, драмалар ва публицистик асарлардан таркиб топган. Унинг турли йилларда чоп этилган “Тонг нафаси”, “Кўшикларим сизга”, “Юрак ва акл”, “Менинг юлдузим”, “Мұхаббат”, “Келажакка мактуб”, “Тирик сайёра”, “Шаркий кирғок”, “Бедорлик”, “Куй авжида узилмасин тор”, “Яхшидир аччик ҳақиқат” тўпламлари, “Мұхаббатнома” ва “Садоқатнома” сайланмаларида жамланган шеърлари ўзбек замонавий назмининг бетакрор намуналари хисобланади. Шоир “Орзу чашмаси”, “Нидо”, “Күёш маскани”, “Рухлар исёни”, “Тошкент садоси” каби асарлари билан ўзбек достончилиги ривожига салмоли хисса кўшган. Э.Вохидовнинг “Олтин девор”, “Истанбул фожиаси” каби пьесалари 80-йиллар ўзбек драматургияси ва театр санъати тарихидан муносиб ўрин олган.

Эркин Вохидов таржимон сифатида ҳам салмоли ишларни амалга оширган. Жумладан, буюк немис шоири Гётенинг машхур “Фауст” асари, С.Есенин, Ф.Шиллер, Р.Хамзатов, Л.Украинка, А.Блок каби жаҳон шеъриятининг илфор вакиллари ижоди Эркин Вохидов таржимасида ўзбек китобхонларига стиб келган. XX аср ўзбек шеъриятининг забардаст намояндаси Эркин Вохидовнинг асарлари кардош туркӣ тиллардан ташкари, немис, француз, рус, инглиз, урду, араб, хинд ва бошқа кўплаб хорижий тилларида севиб ўқилади.

ВОЛЬТЕР (ФРАНСУА-МАРИ АРУЭ) – XVIII аср француз адабиётининг иирик намояндаси, адаб, шоир, тарихчи, файласуф. 1694 йил 21 ноябрда Парижда таваллуд топган, 1778 йилда вафот этган. Адабий фаолиятини шеъриятдан бошлаган Вольтер ҳаёти давомида фалсафага, айниқса, антик давр алломалари ва Уйғониш даври Европа файласуфларининг таълимотларига катта қизиқиши билан яшаган. У ўн саккиз ёшида юридик таҳсилдан воз кечиб, ўзини адабий фаолиятга бағишлиади. Вольтер ижодининг дастлабки боскичида “Фалсафий мактублар”, “Оксуяк одам”, “Генриада”, “Орлеанлик бокира” поэмалари, “Эдип”, “Альзира”, “Мұхаммад” трагедиялари дунёга келган. Адаб ҳаётининг иккинчи ярми Англия, Шотландия, Берлин ва Россияга саёҳат ва сафарлар билан кечиб, бу даврда у асосан, илмий-фалсафий изланишларларини давом эттиради. “Ньютон фалсафаси асослари”, “Метафизика ҳақида рисола”, “Номзод”, “Буюк Пётр даври Россия империяси тарихи”, “Энциклопедия ҳақида мулоҳазалар”, “Багрикенглик ҳақида рисола”, “Фалсафий луғат ёндафтари”, “Халк руҳи ва одатлари ҳақида умумий тажрибалар”, “Содда дил” сингари фалсафий киссалари адаб ижодий тафаккурининг кимматли намуналари хисобланади.

ВУЛЬГАРИЗМ – (лотинча “vulgaris – “қўпол”, “оддий”) умумий нутқда ишлатиладиган, адабий тил коидалари ва ифода усулига кирмайдиган анъа-

навий тил услуби. Яъни, тилда мавжуд бўлган сўкиш ва қарғиш сўзларидир. Бу турдаги сўзлар, одатда, икки гурухга ажратиб ўрганилади: биринчиси, қарғиш сўзлар ва иккинчиси, ҳақорат сўзлар. Нутқ услублари доктринаси билан боғлиқ вулыгаризм таълимоти, тилнинг ижтимоий-диалектик парчаланиши, сўзнинг ҳиссий оҳангига фарқланишини тартибга солувчи қоидаларга асосланади. Ҳозирги кунда ишлатилиш кўлами чегараланган лексика, яъни вульгар сўзлар умумистеъмолдаги лексиканинг бир бўлаги хисобланади.

ВУЧИЧЕВИЧ-СИБИРСКИЙ – (Владимир Дмитриевич Вучичевич-Сибирский) XX аср рус анъянавий рангтасвир санъати намояндаларидан бири, рассом, график. Вучичевич-Сибирский 1869 йилда Россиянинг Полтава губернасида таваллуд топган, 1919 йилда вафот этган. У ўсмилик йилларида машҳур рассом, кўплаб буюк мусаввиirlарнинг устози Мурашконинг Киевдаги устахонасида, шунингдек, таникли манзарачи рассом Шишкин устахонасида рассомлик маҳоратини эгаллаган. Вучичевич бўлажак рассомлар Врубель, Нестернов, Васнецов билан бир авлод сифатида ижодий майдонга кириб келган. У дастлабки манзара жанридаги машқлари билан буюк Репиннинг назарига тушади. Репин ёш Вучичевични илк мұваффакиятлари билан табриклагач, маълум муддат унга устозлик киласи. Вучичевич манзара жанридаги “Кечки пайт”, “Финнанинг кичик ҳовлиси”, “Қишлоғ”, “Тонг” сингари асарлари билан кўргазмаларда катнашиб, коллекционерлар эътиборини козонади. Мусаввиirlарнинг “Достоевскийнинг Кузнецкадаги кичик уйи”, “Тунги сукунат”, “Тургаяка қирғоги”, “Кузги Байкал шовқини”, “Кўл”, “Қишки ўрмон йўли”, “Солон-Нур кўли”, “Дарахт пейзажи”, “Ёмғирдан сўнг”, “Тайга”, “Тун кўйнидаги кўл” сингари иирик асарлари унга профессионал рассом сифатида чинакам шуҳрат келтиради. Ҳозирда Вучичевич-Сибирский асарларининг маълум қисмигина Россиянинг Барнаул, Иркутск, Кемерово, Томск вилоятларида Бадиий музейларда сакланади. Рассомнинг ўлимидан сўнг ижодий меросининг катта кисми турли сабабларга кўра йўқолган.

ВЯЧЕСЛАВ ТИХОНОВ – атоқли рус театр ва кино актёри. Тихонов 1928 йил 8 февралда Москва вилоятига карашли Повловский шаҳарчасида таваллуд топган, 2009 йилда Москвада вафот этган. Тихонов рус киноси тарихида турфа жанр ва характерли роллари билан иирик пландаги актёр сифатида ўз салоҳиятини жаҳонга намоён қилган. Жумладан, петербурглик йигит “Тарас Шевченко” (режиссёр И.Савченко), Константин Гаврилович Кожемякин “Имтиёзли мухаббат” (режиссёр В.Кучинский), Печорин “Замонамиз қаҳрамони” (режиссёр С.Ростоцкий), Андрей Болжонский “Уруш ва тинчлик” (режиссёр С.Бондарчук), Павлин “Егор Бульч ва бошқалар” (режиссёр С.Соловьёв), Тихон “Иблислар” (режиссёр И.Таланкин), Штириц “Бахорнинг ўн етти лаҳзаси” (режиссёр Т.Лиознова), Михаил Зайчев “Кутиш зали” (режиссёр Д.Астрахан), Капитонов “Оилавий баҳт” (режиссёр С.Соловьёв), Петер Лоссер “Европа тарихи” (режиссёр И.Гостев), Кекса олим “Бўри кўзлари” (режиссёр Н.Вороновский), Шарлемань, архивариус “Аждарнинг ўлими” (режиссёр М.Захаров), Всеволод Константинович “Чарчаган кўёш” (режиссёр Н.Михалков) каби олтмишга яқин образлари Вячеслав Тихонов номини элга танитган.

Дилрабо МУҲАММАДЮСУПОВА
тайёрглади

РЕЗЮМЕ

••• В этом году исполняется 90 лет со дня рождения известного узбекского литературоведа, переводчика, Героя Узбекистана Озод Шарафиддинова - первого главного редактора журнала "Жахон адабиёти". Его ученики – литературоведы Омонулла Мадаев и Раҳмон Кучкар в своих статьях обстоятельно рассказывают о научной и творческой деятельности ученого, его заслугах перед узбекской литературой.

••• Как протекает духовная жизнь человека в разделяющемся на разные идеологические полигоны и тем самым усложняющемся мире, на земле, где усиливается идеологические противоречия и мировая гонка вооружений? Какой должна быть задача художественного слова и литературы в противостоянии данным процессам? Как выглядит на самом деле настоящая картина мира в данный период времени? Статья главного редактора нашего журнала посвящена данной проблеме.

••• В этом номере публикуется повесть популярного казахского писателя Эсонгали Равшанова "Тогда была весна", посвященная мужеству, воле и душевным переживаниям узбекской девушки. С казахского языка повесть переведена писателем Мехмонкулом Исломкуловым.

••• Статья русского ученого Николая Добролюбова "Взгляд на историю и современное состояние Ост-Индии" анализирует восстание сипаев в Индии, вспыхнувшего в 1857-1859 годах. Известный литературовед и ученый, рассматривая данное событие, рассуждает о месте и значении империи Бабуридов в истории Индии.

••• Выдающийся украинский писатель и поэт Иван Франко занимает достойное место не только в украинской, но и в мировой литературе. Его произведения впервые были переведены на узбекский язык Абдулхамиром Чулпаном. Поэма И.Франко "Легенда о вечной жизни" посвящена философии вечной жизни, сути человеческой деятельности. Она переведена на узбекский язык поэтом Сирожиддином Рауфом.

RESUME

••• This year we celebrate the 90th anniversary of well-known Uzbek literary critic, translator, the Hero of Uzbekistan Ozod Sharafiddinov. His apprentice, literary critic Omonulla Madayev in his article named “The Scientist Who Comprehended Chulpon” and Rahmon Khuchkar in his article “The Phenomenon of Ozod Sharafiddinov” wrote about scientific and creative work of the first chief editor of “Jahon adabiyoti” magazine Ozod Sharafiddinov and his personal dignity and character.

••• What can we say about human culture and spiritual life nowadays when ideological confrontation and armaments race becoming more and more furious? Where is the place of literary word and whole literature in this difficult time? What is a real situation in the world in this case? The chief editor in his article “A Pelt Floating Away in Water” wrote about these problems and their solution.

••• Well-known Kazakh writer Esonghali Ravshanov in his narrative “It Was Spring” wrote about bravery, patience and pains of Uzbek girl. Mehm-onqul Islomqul translated it from Kazakh language.

••• Well-known Russian scientist Nikolai Dobrolubov’s article named “A View to the History and Nowadays of the East India” is about the revolt of militaries in India in XIX century. Analyzing this revolt, the author discusses about place, importance and history of Boburids Empire in the history of India.

••• Great Ukrainian author Ivan Franko has special place not only in Ukrainian, but in the world literary of XIX century. At first some of his works was translated into Uzbek by Abdulkhamid Chulpon. Franko in his epic named “The Legend of Eternal Life” wrote about the meaning of human being and a philosophy of eternal life. Sirojiddin Rauf translated it from Ukrainian language into Uzbek.

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: А.ОТАБОЕВ

Техник муҳаррир: Ф.ЎНАРОВ

Мусаххих: Ш.НИЁЗМЕТОВА

Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 раками билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигига рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган кўлэзмалар қайтарилимайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон килинган асарларни кўчириб босиша ва кайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинниши шарт.

Таҳририят манзили:

100011, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий

бог ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишига руҳсат этилди 30.04.2019 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қофози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 2047 нусха. 497 ракамли буюргма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида
терилиб, “Sharq” НМАҚДа чоп этилди.

Босмахона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2019 й.

ҲАМКОРИМИЗ – “DELTA-QURMAH” МЧЖ

“Delta-Qurmah” масъулияти чекланган жамияти уй ва оғис, дўқонлар ва савдо марказлари, кафе ва ресторонлар, интерьер ва ландшафт дизайнин учун металл конструкцияларнинг кенг ассортиментини тақлиф этади: деворлар, дарвозалар, эшикчалар, панжаралар, зина ва балкон учун гулли тўсингилар, гулдонлар, гултуваклар учун безакли вазалар, интерьер предметлари ва бошқа жиҳозлар.

Ушбу маҳсулотларни намуналар бўйича ҳамда индивидуал дизайн асосида тайёрлаш имконияти бор.



Тар. 1901бс

Жалон
АДАВИЕТИ
Индекс 828, 829



Зинаида Серебрякова. "Дәхқонлар"

ОБУНАЧИЛار ДИҚҚАТЫГА!

Журналың обуначиларға етказылышта
мұаммам пайдаласа, құйшады манзила
мурожсаат қынис:

Тошкент шахри, Амир Темир 1-тор күчаси,
2-үй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муковамизда:
Зинаида Серебрякова.
"Хирмон ішігімі"